

«...Эл-юртимизда юксак маънавий фазилатлар, демократик кадриятлар мустаҳкамланмоқда, энг муҳими, аҳолимизнинг амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларга дахлдорлик ҳисси, мамлакатимизнинг келажасига бўлган ишончи ортиб бормоқда».

Ислом Каримов

Ҳ.Т. ОДИЛҚОРИЕВ, Ш.У. ЯКУБОВ

МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

МОНОГРАФИЯ

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2011

УДК 343,13 (0,75)
О 42
ББК 67.99(5Ў)я73

Тақризчилар:

Х. Раҳмонқулов, академик, юридик фанлар доктори, профессор;
Н.М. Исмоилов, юридик фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг раиси;
М. А. Ахмедшаева, юридик фанлар доктори.

Одилқориев Ҳ.Т.

Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар: Монография/
Ҳ.Т. Одилқориев, Ш.У. Якубов - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. — 400 б.

Мазкур монографияда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими илмий-назарий тадқиқ қилиниб, унда миллий ҳуқуқий тизимнинг моҳияти, таркибий тузилиши, функциялари, амал қилиш принциплари ҳамда ижтимоий вазифаси ёритилган. Шунингдек, ҳуқуқий тизим қадриятлар таълимоти нуқтаи назаридан талқин этилиб, у салмоқли ҳуқуқий қадрият эканлиги исботлаб берилган. Ҳуқуқий тизим фаоллигида, ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнларида ҳуқуқий қадриятларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, фуқаролик жамиятига хос қадриятлар тизими таҳлил қилинган.

Китоб профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрлар, талабалар, илмий ва амалиётчи ходимлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 67.99(5Ў)я73

© **Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2011.**

ISBN 978-9943-17-020-9

КИРИШ

Хукукий давлат ва фуқаролик жамияти барқарор тараққиётга замин яратувчи, фаол ҳаракатда бўлган, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини изчил рўёбга чиқарувчи, «инсон-жамият-давлат» манфаатлари уйғунлиги асосида шакллантирилган ҳамда уларга хизмат қиладиган ҳукуқий тизимга таянади. Бундай ҳукуқий тизимни шакллантириш ҳамда унинг фаол ҳаракатини таъминлаш бугунги кундаги устувор вазифалардан биридир. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, мамлакатни модернизациялаш билан боғлиқ жараёнлар миллий ҳукуқий тизимни замонавий мезонлар асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да Ўзбекистон Президенти мустақил Ватанимиз қарийб йигирма йил муқаддам ўз олдига қўйган узок муддатли стратегик максадлар, яъни одил демократик жамият барпо этиш, замонавий ривожланган давлатлар қаторига кириш, иқтисодиёт барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги сазъ-ҳаракатларга бугунги кун нуктаи назаридан ҳолисона баҳо берди¹. Мазкур дастурий аҳамиятга молик маърузада халқ манфаатлари йўлида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ҳукумат масъулиятини янада ошириш, сиёсий партиялар родини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек демократик ислохотларни муттасил

1 Қаримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 3.

давом эттириш ва иқтисодиётни либераллаштиришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш стратегиясини баён этди.

Мустақил тараққиётимиз мобайнида қарор топган замонавий ҳуқуқий доктрина янгича демократик ҳуқуқий тафаккур маҳсули бўлиб, ҳуқуқни хулқ-атворнинг умумий мезони сифатида анъанавий тушуниш чегараларидан чиқиб, уни адолат, тенглик, эркинлик ва масъулият мезони деб талқин этади. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ўзагини, мазмун-моҳиятини ташкил этаётган мазкур доктрина табиий ҳуқуқ таълимоти, умуминсоний, умумбашарий ҳуқуқий кадриятлар билан халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келаётган тарихий, миллий, ҳуқуқий ва маънавий кадриятларининг ҳамоҳанглигини тараннум этади. Ҳуқуқнинг ижтимоий кадрият сифатидаги талқини ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгда туб бурилиш бўлиб, ўзбек ҳуқуқшунослик назарияси адолат ва демократия гоёлари асосида ривожланишининг янги сифат босқичи бошланганлигини аңлатади. Эътиборли жиҳати шундаки, мустақил давлатчилигимиз адолат принципига таянган ҳолда қад ростламоқда. Конституциямизнинг 14-моддасида «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», деб мустаҳкамланган. Дарҳақиқат, «**адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият**»¹. Айнан шу руҳият халқ иродаси тарзида қонунларимиз мазмунида ўз ифодасини топмоқда.

«Адолат ва ҳақиқат гоёси, — деб таъкидлайди И. А. Каримов, — ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини камраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат гоёси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур»². Ўзбекистон раҳбарининг ушбу сўзлари мамлакат ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тараққиётининг асосий стратегиясини белгилаб берди. Инсон ҳуқуқлари,

1 Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. — Б. 399.

2 Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — Б. 10–11.

эркинликлари ва адолат ғояларининг Конституция ҳамда давлат расмий сиёсати даражасида эътироф этилганлиги айнан шу ғоялар ҳуқуқий доктринамиз магзига сингдирилганидан далолатдир. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг мазмунида эркинлик ва адолат қадриятларини тобора теран қарор топтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Борлиқдаги барча ижтимоий ҳодисаларга қадриятлар таълимоти (аксиология) нуқтаи назаридан баҳо бериш кенг кўламга эга бўлаётган бир даврда ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан ҳуқуқий қадриятларнинг қарор топиши ва ҳуқуқий тизимда намоён бўлиши фуқароларнинг ҳуқуққа, қонунчиликка, жамиятга ва давлатга нисбатан ижобий муносабатини юзага келтиради. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг маърифий тараққиётига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлини белгилаган илк кунларданок умуминсоний қадриятларга содиқлигини намоён этиб, доимо уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда эъзозлаш масаласига устувор вазифа сифатида қараб келади. Давлатимиз раҳбари И. А. Каримов таъкидлаганидек, «бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазиғамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти куриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир». Айнан миллий ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий қадриятларнинг ифодаланиши шу йўлдаги интилишларнинг амалий ифодасидир. Нафақат ҳуқуқий тизим, балки «барпо этаётган давлатимиз, келажағимиз илдизи бетакрор маданиятимизга, ноёб қадриятларимизга, юксак мақсадларимизга монанд бўлиши лозим»¹.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий қадрият ҳамда тамойилларнинг акс этиши ва ифодаланиши унинг ижтимоий аҳамиятини юксалтиради. Адолат ғояси билан йўғрилган қадриятлар ва тамойиллар устуворлигининг таъминланиши, фуқаролар томони-

1 Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард максадимиз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 471.

дан уларга амал қилиниши ва етакчи мезон сифатида тан олинishi хукукий давлатнинг муҳим белгиларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатда амалга оширилаётган барча йўналишлардаги ислохотларда «Ўзбекистоннинг умуминсоний кадриятлари ва умуммиллий манфаатлари устувор бўлишини, унинг бутун худудида умумдавлат қонунлари устуворлигини таъминлайдиган тамойиллар асос қилиб олинishi даркор»¹. Демак, хукукий кадрият ва тамойилларнинг устуворлиги мамлакат изчил тараққиётининг гарови ҳисобланади. Уларнинг миллий хукукий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини, намоеън бўлиш хусусиятларини илмий таҳлил этиш ҳозирги даврнинг долзарб масаласидир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси хукукий тизимида хукукий кадриятларни шакллантириш — тизимнинг фаол ва изчил харакатини таъминлайди, унинг самарали фаолиятига замин яратиш баробарида мамлакат равнақиға ижобий таъсир кўрсатади.

Демократик тараққиёт йўлидан қатъий одимлаб бораётган мамлакатимизда шахс ва давлат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун ва шакл топиб, янги тамойиллар асосида такомиллашиб бораётганини англаш кийин эмас.

Бинобарин, буларнинг барчаси янгича кадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, эркин фуқаролик жамияти талабларига жавоб берадиган муносабатлар сифатида ижтимоий фанларнинг асосий тадқиқот мавзуларига айланиши даркор². Хукукий тизимда хукукий кадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласининг назарий тадқиқ этилиши айнан шу йўналишдаги илмий изланишлар сирасига киради.

Ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиши унинг қуйидаги жиҳатларида ўз ифодасини топади: *биринчидан*, миллий хукукий тизимда хукукий кадрият ва тамойилларнинг шаклланиши масаласи мамлакатимиз хукуқшунослик фанида деярли ўрганилмаган мавзу бўлиб, ушбу масалага бағишланган комплекс тадқиқот мавжуд эмас; *иккин-*

1 *Қаримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т., 1998. — Б. 104.; Исломов З. М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. — Т., 2005. — Б. 29–30.

2 *Қаримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 125.

чидан, ҳуқуқий кадриятларни тадқиқ этиш, уларнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш орқали янги категорияларнинг ўзига хос таъриф ва талқини илмий муомалага киритилади ҳамда уларни ўрганиш орқали фуқароларнинг ҳуқуққа муносабатини ижобий томонга йўналтириш, яъни ҳуқуққа онгли ҳурматни шакллантириш мумкин; *учинчидан*, ҳуқуқий ходисаларга замонавий ёндашувлар ва янги илмий таҳлиллар натижасида ҳуқуқшунослик фанида янги йўналиш шаклланади; *тўртинчидан*, ушбу изланишимиз аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ мақсадли тадбирларни амалга оширишда муҳим босқич вазифасини ўтайди; *бешинчидан*, бугунги тараққиёт асри инсониятни ижтимоий ҳаётга ижобий муносабатда бўлишга, жамиятда мавжуд моддий ва маънавий неъматларни эъзозлашга, асраб-авайлашга чорламоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг муҳим мезони ҳисобланган ҳуқуқнинг нуфузини юксалтириш, унга ижтимоий кадрият сифатида ёндашиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Ҳуқуқшунослик фани доирасидаги ушбу назарий тадқиқот миллий ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий кадриятлар, ҳуқуқий тамойиллар тўғрисидаги мавжуд қараш ва фикрларни умумлаштириш, уларни янада ривожлантиришга йўналтирилган. Айниқса, мамлакатимизда ёшларнинг маънавий-ҳуқуқий тарбиясига эътиборнинг тобора ортиб бораётгани бундай тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод онгига ўзбек халқига хос бой маънавий-маданий мерос ҳамда бетакрор демократик кадриятларни сингдириш орқали уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бугуннинг энг муҳим вазифаларидандир.

Китобхон ҳукмига ҳавола этилаётган мазкур асарда асосий эътибор ҳуқуқий тизим мазмуни ва ҳуқуқий кадриятларнинг ўзаро уйғунлигини, уларнинг моҳияти, ўзаро алоқадорлик хусусиятларини ёритишга қаратилади. Асар ҳуқуқий тизим таркибий қисмларининг тавсифи ва уларда ҳуқуқий кадриятларнинг намоён бўлишига бағишланган. Китоб якунида ҳуқуқий принципларнинг илмий таснифи, уларнинг ҳуқуқий кадрият сифатидаги тавсифи, мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий кадрият ва принциплар шаклланишининг ижтимоий ҳуқуқий жихатлари муфассал илмий таҳлил этилган.

Ушбу монография ҳуқуқшунослик илмига қизиқувчи китобхонлар, талабалар, олимлар ва жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олиниб, уларнинг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилади, деб умид қиламиз. Китоб юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилиб, кейинги нашрларда инобатга оламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Ҳуқуқий тизим жамиятда амал қилувчи норматив тизимлар ичидаги энг мураккаб ҳодисадир. Ҳуқуқни яратиш, уни инсонлар онгига сингдириш, сўнгра, унинг талабларини ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари феъл-атвори, хатти-ҳаракати мазмунига кўчириш ва, пировардида, қонун чиқарувчи орган кўзлаган мақсад ҳамда самарага эришиши серқирра, узоқ давом этадиган машаққатли жараён эканлиги аён. Ҳуқуқни яратиш, уни қўллаш, ҳуқуқий тартибга солишни амалга ошириш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот муҳитини вужудга келтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиши каби қатор ҳуқуқий воқеликларни бир бутун тизим тарзида талқин этишигина бу мураккаб ҳодисанинг моҳиятини тўла англаш имконини беради.

Мамлакат ҳуқуқий тизими жамиятда амал қилувчи барча ҳуқуқий институтлар, нормалар, принциплар, жараёнларнинг ўзаро алоқадор бир бутун йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ўзбекистон ҳуқуқшунослик фани томонидан ҳуқуқий тизимни назарий таҳлил этишига бағишланган тадқиқотлар унчалик кўп эмас. Маълумки, ҳуқуқий тизимнинг соф юридик, яъни институционал ва функционал жиҳатлари билан бир қаторда, уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан, шунингдек қадриятлар нуқтаи назаридан ўрганиш ижобий натижалар бериши мумкин. Шу боис мазкур тадқиқотда ҳуқуқ ҳодисасига тизимли ёндашиш, ҳуқуқий тизимнинг тушунчаси, моҳияти, таркибий тузилиши ва амал қилиш механизмларини аксиология (қадриятлар таълимоти) нуқтаи назаридан талқин этишига ҳаракат қилинди.

Шу мақсадда ҳуқуқий қадриятлар мавзусига эътибор қаратилди. Ҳуқуқий қадриятларнинг ижтимоий қадриятлар тизимидаги ўрни ва аҳамияти ўрганилди. Ҳуқуқий қадриятларнинг табиати, мазмун-моҳияти ва таснифи хусусида илмий баҳс олиб борилиб, уларни талқин этишининг методологик жиҳатлари очиқ берилди.

§ 1.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИ: МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий тизими ҳозирги шиддатли глобаллашув шароитида ҳам жўшқин шаклланаётган ва ривожланаётган ижтимоий тизимлардан биридир. Ҳуқуқий тизимнинг тараққий топганлик даражаси, ўз навбатида, мамлакатдаги барқарор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тизимлар билан узвий бўлиш баробарида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятида намоён бўлади. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий тизим тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлишлари юксак маърифий ва демократик ғояларга асосланган фуқаролик жамияти сари олға бораётган мамлакатимиз кўзлаган буюк мақсадларга эришишнинг муҳим омилдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да таъкидлаганидек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб колмоқда¹.

Мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимини тавсифлашдан аввал «ҳуқуқий тизим» тушунчасини назарий жиҳатдан талқин ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Умуман «tizim» тушунчаси юнонча «systema» сўзидан олинган бўлиб, «қисмлардан ташкил топган бутун, мажмуа» деган маънони англатади². Воқелик ва ҳодисаларни тизимли ўрганиш фалсафа фанининг муҳим ютуғи бўлиб, бугунги кунда барча табиий ва ижтимоий соҳаларга, жумладан, ҳуқуқ соҳасига ҳам кенг жорий этилмоқда.

-
- 1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 16.
 - 2 Фалсафа: Қомусий луғат/Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т.: Шарқ, 2004. — Б. 398; Общая теория права и государства/Под ред. В. В. Лазарева. — М., 1996. — С. 167; Общая теория государства и права/Под общ. ред. проф. В. А. Кучинского. — М., 2004. — С. 280.

«Тизим» ибораси муҳим илмий категория ҳисобланиб, ундан дунёвий билимнинг турли соҳаларида самарали фойдаланилади. Фалсафий нуқтаи назардан, бу категория атроф муҳитдан ўзига хос абстракт алоҳидаланган бўлиб, ички изчиллик, ўзаро алоқадорлик, мантикий мутаносиблик ва муносабатларнинг бир бутунлигини ифода этади.

Тизимнинг муҳим жиҳати воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгаллиги, ушбу қисмлар орасида поғонали бўйсунининг юзага келиши ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллигида акс этади¹. Ҳар бир фан ўзи ўрганаётган объектнинг мазмун-моҳиятини очишга тобора чуқурроқ кириб бориши баробарида ўрганилаётган ижтимоий ҳодисаларга тизимли ёндашув, тизимли таҳлил усулларини қўллаш, тизимли тадқиқотлар олиб боришга бўлган қизиқиш тобора кучайиб боради. Бу эса инсоннинг ўзини ўраб турган ҳодисалар тўғрисидаги билимларининг тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

Борлиққа тизимли ёндашув ғояси, машҳур немис мутафаккири Г. В. Гегелга бориб такалади. Унинг фикрича, фалсафанинг ҳар бир таркибий қисми ўзи бир бутун, алоҳида доирани ташкил этади. Шу билан бирга, ҳар бир ҳодиса ўздан кенгрок бўлган ҳодиса учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин фалсафий ғоя ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бирида ҳамда бутун тизимда ўзига хос муайянлик билан мавжуд бўлади². Профессор Д. А. Керимовнинг фикрича, тизимли тадқиқотларнинг долзарблиги икки муҳим ҳолат билан боғлиқ: *биринчидан*, ҳаётнинг табиий ва ижтимоий шарт-шароитларини тизимли, яхлит ва мажмуа тарзида англашнинг амалий эҳтиёжи ўсиб бормоқда, *иккинчидан*, замонавий назарий ва амалий билим ҳамда фаолият ниҳоятда теранлашиб, ихтисослашиб бормоқда. Бу эса уларни узвий яхлитликда ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда. Шу сабабли билим ва ижтимоий фаолиятни нафақат тизимлаштириш, шу билан бирга ижтимоий ҳаёт ҳамда ижтимоий фаолиятни

1 Каранг: *Блауберг И. В., Юдин Б. Г.* Понятие целостности и его роль в научном познании. — М., 1972. — С. 16; Афанасьев В. Г. Системность и общество. — М., 1980. — С. 21–31.

2 Каранг: *Гегель.* Сочинения. Т. 1. — М., 1996. — С. 33.

умумлаштириш, синтез орқали улар орасидаги алоқадорликни очиб бериш эҳтиёжи вужудга келади. Мазкур вазифани айнан тизимли тадқиқотлар ҳал этади¹.

Илмий адабиётларда «тизим» ва «система» иборалари синоним, айнан бир хил маъноли сўзлар тарзида қўлланади. Фалсафий комусий лугатда: «тизим, система (қисмлардан иборат бутун) — ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи», — деб таъриф берилган². Яна шу манбада куйидаги изоҳларни учратиш мумкин. «Система» — яхлит бир бутунлик сифатида ташкил топган объектни ифодаловчи ижтимоий-фалсафий категория. Одатда, системани энг умумий тарзда элементлар ўртасидаги ўзаро алоқалар бирлиги сифатида таърифлайдилар. «Система» тушунчаси ўз маъносига кўра «алоқа», «элемент», «бутун», «бирлик», «структура», (элементлар ўртасидаги алоқалар схемаси) тушунчалари билан боғлиқ. Ушбу ўринда системали тадқиқ этишнинг асосий вазифалари: система элементлари, алоқалари ва структурасини, элементлар ўртасидаги боғлиқликни ажратишдир. Системанинг моҳиятини методологик тушунишга кўра системалилик объект ва ҳодисаларнинг ўз хоссаси деб эмас, балки фаолиятнинг аниқ бир мақсадга йўналтирилиши, тафаккурни ташкил этиш сифатида таърифланади³.

Шундай қилиб, система (тизим) атроф муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан ажратиб олинган ўзаро ички муносабат ва алоқалар асосида бирлашган бир қанча элементлар ва улар таркибий тузилмаларининг яхлит бир бутунлигидир⁴.

Ҳуқуқий ҳодисаларга системали, тизимли ёндашув уларни мукамал тадқиқ этишни таъминлайди. Бу, ўз навбатида, мазкур ҳодисаларнинг тизимлилик сифатлари ва ўзаро алоқадорлигини аниқлаб олишни тақозо этади.

-
- 1 Қаранг: *Керимов Д. А.* Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С. 200–201.
 - 2 Фалсафа: Комусий лугат/Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — Б. 399.
 - 3 Ўша жойда. — Б. 370.
 - 4 Қаранг: *Одилқориев Х. Х.* Ўзбекистон Республикасининг конунчилик тизими. — Т., 2008. — Б. 16–17.

Ҳуқуқий ҳодисалар — инсонлар иродасининг маҳсули. Айнан инсонлар, уларнинг уюшмалари сиёсий-ҳуқуқий институтларни, шунингдек ҳуқуқий ҳодисаларни вужудга келтиради. Мазкур сиёсий-ҳуқуқий институтлар ва ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси ўзаро алоқада бўлади ва яхлит бир бутунликни ташкил этади¹. «Уларнинг тизимлилик хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади: Тизим, энг аввало, — бу яхлитлик, унинг таркибий қисмларининг бирлашиши эҳтиёж-зарурият туфайли юз беради. Бундай бирлашиш нафақат расман, шу билан бирга улар олдида турган мақсад ва вазифаларнинг ягоналиги, амал қилиш жараёнида органик алоқалар билан боғланган ва ўзаро таъсир кўрсатувчи ҳолатлари билан ифодаланадиган моҳият-мазмун белгилари бўйича ҳам юзага чиқади»². «Муайян тизимнинг хусусияти шунда ифодаланадигани, унинг таркибий қисмлари бир бутунликка бирлашади. Қисмлар бутунни ҳосил қилишига қарамасдан, айнан умумийлик ва яхлитлик қисмларни бирлаштиради, уларнинг моҳияти, мазмуни ва шакллари, тизим таркибидаги ўрни ва вазифасини, уларнинг ўзаро таъсир этиш шакли ва усуллари белгилаб беради»³. Юридик адабиётларда тизимнинг органик ва сумматив турлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Тизимни органик (таркибий бирлик) деб тан олиш учун элементлар йиғиндиси (суммаси) мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун объект ўз таркибий элементлари ва уларнинг структура тузилишига эга бўлиши, бу қисмлар эса ўзаро алоқадор ва боғлиқ бўлиб, маълум бир функцияни бажаришга сафарбар этилган бўлиши керак⁴.

«Ҳуқуқий тизим» тушунчаси юридик фанга XX асрнинг сўнгги чорагида кириб келган бўлиб, у бугунги кунга келиб ҳаётимиздаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий тизимлар каби ўзининг мустақкам мавқеига эга бўлди. Ҳуқуқий тизим ҳуқуққа оид тушунчалар, ҳуқуқий

-
- 1 Каранг: Афанасьев В. Г. О ценностных системах/Вопросы философии. — 1980. — № 6. — С. 65.
 - 2 Таджиханов Б. У. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. — Т., 2005. — Б. 11.
 - 3 Керимов Д. А. Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С. 209.
 - 4 Каранг: Теория государства и права/Под ред. проф. В. К. Бабаева. — М., 2006. — С. 420.

институтлар, ҳуқуқий жараёнлар ва бошқа барча ҳуқуқий воқеликларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда улар ўртасидаги алоқадорликнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий тизим, шунингдек, давлат ва жамиятнинг ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди. Юқсак даражада ривожланган ҳуқуқий тизим нафақат ҳуқуқни ижод қилувчи, уни амалга оширувчи ҳамда муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қулайликлар яратади, балки барча ижтимоий муносабатларнинг самарали меъёрланишини таъминлайди.

Ҳуқуқий тизимни алоҳида тадқиқ этиш ва унга баҳо беришда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- ҳуқуқий тизим тушунчаси (мазмун);
- ҳуқуқий тизимнинг таркиби (тузилиши);
- ҳуқуқий тизимнинг (макон ва замонда) амал қилиш доираси;
- унинг ўзига хос хусусиятлари (белгилари).

Ҳуқуқий тизим тушунчасини таҳлил этишда мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг бу борадаги фикрларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу тушунча ҳуқуқшунослар томонидан турлича талқин этилади. Ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий тизим тўғрисидаги фикрлари канчалик объектив ёки ҳақиқатдан узоқ бўлмасин, у тўғрисидаги тасаввуримизни шакллантиришга ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Баъзи муаллифлар «*ҳуқуқий тизим*»ни «*ҳуқуқ тизими*» билан айнанлаштирадилар¹, бошқа олимлар эса, мазкур тушунча доирасида ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқий муносабатларнинг бирга мавжудлигини назарда тутади². Учинчи гуруҳ мутахассисларнинг илмий ишларида ҳуқуқий тизим тушунчаси норматив тузилма сифатидаги ҳуқуқнинг тузилишини, ваколатли органларнинг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятларини қамраб олишини таъкидлайдилар³.

1 Қаранг: *Кнапп В.* Методологические и теоретические проблемы государства и права — М., 1983. — С. 11; *Фридман Л.* Введение в Американское право. — М., 1992. — С. 10.

2 *Назаров Б.Л.* Право в системе социальных связей. — М., 1975. — С. 61.

3 *Алексеев С.С.* Общая теория права. Т. 1. — М., 1995. — С. 87–88.

«Хукукий тизимни у ёки бу жамиятнинг хукукий жихатдан ташкил этилишининг сифат ҳолатини ифода этувчи ва ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солишни таъминловчи, ўзаро боғланган ва ўзаро ҳаракатда бўлган юридик воситалар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин» — дея, қайд этадилар беларус олимлари А. Ф. Вишневский, Н. А. Гарбатов, В. А. Кучинский¹.

Академик В. С. Нерсесянцнинг фикрича, хукукий тизимни таърифлаш, аслида, хукукни умумий тушунишни шартли равишда «хукукий тизим» ибораси билан алмаштиришни билдиради. «Бундай алмаштиришга уриниш, — деб таъкидлайди В. С. Нерсесянц, — собик совет даврида ҳам мавжуд эди, гўёки янги сўзлар яратаётгандек бўлиб, хукукни тушунишнинг советча-легитим таърифини сақлаб қолиш мақсадини кўзлаган ва бизнинг фанимизда аллақачон шаклланиб бўлган хукукни юридик маънода тушунишга (легитивизм, позитивизм) қарши ҳар қандай йўллар билан қаршилиқ билдириш эди»².

Профессор Ю. А. Тихомиров айнан хукукни яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этиш эҳтиёжи «хукукий тизим» тушунчасининг вужудга келишига сабаб бўлганлигини таъкидлайди. Ушбу тушунча орқали олим хукукий тизим тушунчасининг кенг маънода қўлланишини эътироф этади.

Айрим муаллифлар фанда тобора мустаҳкам ўрин олаётган ва бошқа хукукий ҳодисаларга нисбатан кенг миқёсдаги ёндашувга катта аҳамият берадилар³. Бир қатор ишларда «хукукий тизим» тушунчаси шаклланишининг онтологик ва гносеологик масалалари кўтарилади, илмий-хукукий билимларнинг табақалашуви ва ўзаро алоқаларининг таъсири кўриб чиқилади⁴. Бизнинг фикримизча, хукукий тизимга аксиологик жихатдан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида, хукукий тизим ва унинг таркибий элементларида кадриятлар ва фуқаролар манфаатлари масаласига эътибор қаратиш ўринли.

1 Вишневский А. Ф. Общая теория государства и права/А. Ф. Вишневский, Н. А. Гарбатов, В. А. Кучинский; Под общ. ред. проф. В. А. Кучинского. — М., 2004. — С. 280.

2 Нерсесянц В. С. Общая теория права и государства. — М., 2000. — С. 450.

3 Теория государства и права/Под ред. М. Н. Марченко. — М., 1986. — С. 300.

4 Правовая система социализма: понятие, структура, социальные связи/Под ред. А. М. Васильева. — М., 1986. — С. 32–34.

Хукукшунос олим Т. В. Кухарукнинг фикрича, «*жамият ҳуқуқий тизими*» шундай илмий категориялар сирасига кирадики, унинг фанда вужудга келишини фақатгина ижтимоий тараққиёт, жамият ҳуқуқий ҳаётида рўй бераётган ўзаро алоқадор, ҳуқуқий борлиқда тизимли хусусиятнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин эмас. Мазкур тушунча шаклланишининг асосий омилларини юридик билimler соҳаси, унинг сифати, унда рўй бераётган жараёнлар, тадқиқот методологиясидан излаш лозим. Бунда ҳуқуқий тизим тушунчасининг вужудга келиши ва ривожланишида у ёки бу омилнинг аҳамиятини ошириб юборишга йўл қўймаслик лозим¹.

Ҳуқуқий тизимни тадқиқ этишда учта йирик алоқалар гуруҳи тўғрисида фикр юритиш мумкин. *Биринчидан*, бу ҳуқуқий тизимнинг ҳуқуқни у ёки бу тарзда шакллантирадиган, ҳуқуқий кўрсатмаларга аниқ мазмун бағишлайдиган ижтимоий тизимнинг қолган барча қисмлари билан алоқаси. Уларни бошқача тарзда ифодаладиган бўлсак, ҳуқуқнинг мазмунини белгиладиган ташқи алоқалар тизими деб ҳам аташ мумкин. *Иккинчидан*, ҳуқуқий тизимнинг ўзидаги ички алоқа ва ўзаро боғлиқликдир. Улар ҳуқуқий тизимнинг асосий компонентлари, ҳуқуқий материя ташкил этилишини ифодаловчи алоқаларнинг тизимли гуруҳи деб аталади. *Учинчидан*, бу ҳуқуқий тизимнинг барча ижтимоий тизимлар билан қарама-қарши алоқалари. Уларни ҳуқуқий тизимни ташкил этувчи ва тартибга солувчи имкониятларни очиб берадиган алоқалар гуруҳи деб аташ мумкин. Кенг социологик маънода, айнан мана шу алоқалар ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки улар орқали ҳуқуқий тизимнинг инсонлар ҳаётидаги амалий аҳамияти намоён бўлади, қарама-қарши алоқалар орқали жамиятнинг асосий ижтимоий тизим ҳосил қилувчи омиллари ифодаланади. Улар таъсирида ижтимоий тизимнинг мувозанатда бўлиши таъминланади, таркибий бўғинларнинг функциялари, фаолияти мувофиқлаштирилади².

Америкалик юрист Лоуренс Фридманнинг таъкидлашича, «ҳуқуқий тизим айнан ҳуқуқнинг тузилиш қисмларининг бутун бир шак-

-
- 1 Каранг: *Кухарук Т. В.* Некоторые теоретико-методологические вопросы исследования понятия правовой системы общества//Правоведение. — 1998, № 2. — С. 19.
 - 2 Каранг: *Тожихонов Б. У.* Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. — Т., 2005. — Б. 15–16.

лидир»¹. Ушбу таърифда кўпроқ «хуқуқ тизими» тушунчасига оид фикр илгари сурилмоқда. Чунки хуқуқнинг ички тузилиш қисмлари хуқуқ соҳалари, хуқуқ институтлари ва хуқуқ нормаларидан иборат бўлиб, «хуқуқ тизими» деб эътироф этилади.

«Хуқуқий тизим» ҳақида фикр юритганда, баъзи олимлар «хуқуқ тизими» доирасидаги фикрларни илгари суришади. Тўғри, хуқуқ тизими ўз таркибига хуқуқ соҳалари, хуқуқ институтлари, хуқуқ нормаларини қамраб олгани ҳолда, хуқуқий тизим ўзагини ташкил этади, лекин фақат хуқуқий нормаларнинг ўзи хуқуқий тизим бўла олмайди. Хуқуқий тизим хуқуқ нормаларидан иборат бўлган объектив хуқуқдан фарқ қилиб, нафақат бир турдаги элементларни, балки турли йўналиш ва ҳаракатда бўлган тузилмаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. «Хуқуқий тизим» кенг қамровли тушунча бўлиб, муайян макон ва замонда амал қилаётган хуқуқий ҳодисалар, хуқуқий принциплар, институтлар, нормалар ҳамда хуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигидир².

Хуқуқий тизимга ҳаракатдаги ҳодиса сифатида қараш лозим. Фикримишни М. Н. Марченконинг хуқуқий тизим тўғрисидаги қарашлари тасдиқлайди. Унинг фикрича, хуқуқий тизим деганда, бирор мамлакат доирасида амал қилувчи барча юридик воситалар, институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан таркиб топувчи мамлакатнинг бутун хуқуқий тузилмаси, жамиятнинг хуқуқий жиҳатдан ташкил этилганлиги тушунилади³.

Хуқуқий тизим, жамиятда амал қилувчи хуқуқий нормалар, принциплар, институтлар ва барча ғоявий, мафқуравий, хуқуқий воқеликларнинг мажмуи ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат хуқуқий тизими ўзининг муайян мантикий ички таркибий тузилишига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Хуқуқий тизим сиёсий ҳамда ижтимоий тизимлар билан узвий боғлиқ ҳолда ҳаракат қилиб, уларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи тизим сифатида майдонга чиқади.

1 Фридман Л. Введение в американское право. — М., 1992. — С. 10.

2 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 117.

3 Қаранг: *Марченко М. Н.* Теория государства и права в вопросах и ответах. — М., 2001. — С. 131.

Шу маънода мазкур тизимлар ўзаро таъсир этиш ва ўзаро муносиблик асосида фаолият юритади. Ҳуқуқий тизим — сиёсий ҳокимият томонидан қабул қилинган, иерархик тарзда жойлашган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси¹. Профессор С. Н. Егоровнинг бу фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин эмас. У «ҳуқуқий тизим» тушунчасини тор маънода талқин этади. Бизнингча, бу ерда фикр асосан ҳуқуқий тизимнинг норматив жиҳати ҳусусида бормоқда.

«Ҳуқуқий тизим — ўзаро боғлиқ бўлган, муносиб ва бир-бирига таъсир қилувчи ҳуқуқий воситалардан иборат бўлиб, ижтимоий муносабатларни, шунингдек, у ёки бу мамлакатдаги ҳуқуқий ривожланиш даражасини тавсифловчи таркибий қисмларни тартибга солади»². Ушбу тушунча ҳам ҳуқуқий тизимни ёритишда муҳим аҳамият касб этиб, ҳуқуққа оид воситаларни асос сифатида талқин этмоқда. Шу ўринда ҳуқуқий воситалар билан бирга улар ҳаракатининг ҳам ўзаро боғлиқликда бўлишини қайд этиш лозим. Чунки таркибий қисмларнинг ўзаро узвий боғлиқ ҳаракати муайян тизимни ҳосил қилади ва ривожлантиради.

Профессор Н. И. Матузовнинг эътирофига кўра, «ҳуқуқий тизимни ички мувофиқлашган, ўзаро боғланган, ижтимоий бир турдаги юридик воситалар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Давлат уларнинг ёрдамида ижтимоий муносабатларга зарур норматив (мустаҳкамлаш, тартибга солиш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш каби) таъсир кўрсатади»³. Лекин фанда «ҳуқуқий тизим» тушунчасини «ҳуқуқ тизими», «қонунчилик тизими», «юридик нормалар тизими» тушунчалари билан айнан бир хил, деб ҳисоблаш учраб турибди. Ҳуқуқий тизимни тушунишда, «ҳуқуқ тизими» ва «ҳуқуқий тизим» категорияларининг ўзаро фарқини ажратиш олиш мақсадга мувофиқдир.

Чехиялик академик И. Сабонинг фикрича, «ҳуқуқий тизим тушунчаси муайян ҳуқуқ тилига тегишли бўлган алоҳида тизимларни ифодалашга хизмат қилади», бунда гап «ҳуқуқ нормаларининг оддий

1 Қаранг: *Егоров С. Н.* Аксиоматические основы теории права. — М., 2001. — С. 101.

2 *Саидов А., Тожихонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — Б. 48.

3 *Матузов Н. И.* Правовая система и личность. — Саратов, 1987. — С. 26.

йиғиндиси эмас, балки мантиқий жиҳатдан шаклланган ягона ҳуқуқий тизим тўғрисида боради»¹. У «ҳуқуқий тизим» тушунчасини «ҳуқуқ тизими» категорияси билан чалкаштириб юбормаслик ҳақида огоҳлантиради. И. Сабо ҳам М. Н. Марченко каби «ҳуқуқий тизим» категориясини «ҳуқуқ тизими» ва «қонунчилик тизими»дан фарқлайди. Унга кўра, «ҳуқуқ тизими» ҳуқуқнинг ички тузилиши, унинг таркибий қисмларининг ташкил этилиши ва жойлашинининг муайян тартибини ифодалайди. «Ҳуқуқий тизим» эса мамлакат ҳудуди доирасида амал қиладиган барча юридик воситалар, институтлар ва муассасаларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, бутун жамият ҳаётининг ҳуқуқий ташкил этилишини ифодалайди².

Жамият «ҳуқуқий тизими» тушунчасини шакллантиришнинг методологик асослари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқ, бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан тизимли ёндашувни кенг қўллаш, шу орқали ҳуқуқий ҳодисаларни тизим сифатида, уларнинг ички ҳамда ташқи алоқаларини таҳлил этишга эришилади;
- 2) фанда ҳуқуққа нисбатан, уни ҳаракатда, борлик сифатида мавжудликда тадқиқ этишни талаб қилувчи социологик ёндашувнинг кенг қўлланилиши;
- 3) дунё юридик фани даражасида ахборот алмашинуви ва қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ривожланиши;
- 4) юридик фанда ҳуқуқни кўп жиҳатли ҳодиса сифатида талқин этиш (методологик плюрализм)нинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши³.

Шунга қарамасдан, назарийетчи ҳуқуқшунос олимлар ўртасида «*жамият ҳуқуқий тизими*» тушунчасининг вужудга келиши, шаклланиши, унинг мазмуни ва ҳажми юзасидан ҳалигача бир фикрга келингани йўқ. Фанда «ҳуқуқий тизим» тушунчаси «ҳуқуқ тизими», «қонунчилик тизими» атамалари билан айнанлаштириб келин-

1 Сабо И. Право и демократия. — М., 1991. — С. 124.

2 Қаранг: Марченко М. Н. Теория государства и права в вопросах и ответах. — М., 2001. — С. 131.

3 Қаранг: Қухарук Т. В. Некоторые теоретико-методологические вопросы исследования понятия правовой системы общества//Правоведение. — 1998, № 2. — С. 20.

ган ва бу ҳолат ҳозир ҳам учраб турибди. Ҳуқуқий тизимни тушунишда «ҳуқуқ тизими», «ҳуқуқий тизим» ва «ҳуқуқ оиласи» категорияларининг бир-биридан фарқини ажратиш олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқ тизими тўғрисидаги олимлар фикрига эътибор қаратайлик. «Ҳуқуқ тизими, — дея қайд этади рус олимаси Л. А. Морозова, — ҳуқуқ нормаларининг ташкилий тузилиши бўлиб, унинг мавжуд бўлиши объектив шарт-шароитларга (миллий, маданий, тарихий ва ш. к.) боғлиқ ва ҳуқуқнинг ички тузилишининг ягоналиги билан таъминланади»¹.

«Ҳуқуқ тизими — ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички қурилиши, таркиби бўлиб, ҳуқуқнинг қандай қисмлардан иборат эканлигини ва қисмлар ўртасидаги муносабат ҳамда нисбатни кўрсатади»². Ёки, «ҳуқуқ тизими — ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқнинг ички тузилиши билан объектив боғланган, ҳуқуқий нормалар изчил тарзда жойлаштирилишининг ифодасидир»³. Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички таркибий тузилишидир. Унинг таркибига: ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳалари (тармоқлари) киради. Лекин ҳуқуқий нормаларнинг ўзи ҳуқуқий тизимнинг ҳажмини тўлиқ ифода қила олмайди. *Ҳуқуқий тизим* ҳуқуқ нормаларидан иборат бўлган объектив ҳуқуқдан фарқ қилиб, нафақат бир турдаги элементларни, балки турли йўналиш ва ҳаракатда бўлган ҳуқуқий тузилмалар, ғоялар, принциплар ва жараёнларни ўзида мужассамлаштиради. Ҳуқуқий тизимга ҳаракатдаги (функционал) ҳодиса сифатида қараш лозим. Ҳуқуқий тизим кенг камровли тушунча бўлиб, муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, ҳуқуқ нормалари ҳамда ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигидир.

Демак, *ҳуқуқ тизими* — ҳуқуқнинг ички тузилиши, таркибий қисмларининг ташкил этилиши ва жойлашишининг муайян тартибини ифода қилади. *Ҳуқуқий тизим* эса мамлакат ҳудуди доирасида

1 Морозова Л. А. Основы государства и права. — М., 2004. — С. 97.

2 Давлат ва ҳуқуқ назарияси/Масъул муҳаррирлар: проф. Х. Б. Бобоев ва проф. Х. Т. Одиқориев. — Т., 2000. — Б. 312.

3 Саидов А., Таджикханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — Б. 156.

амал қиладиган барча юридик воситалар, ҳуқуқий жараёнлар, институт ва муассасаларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, жамиятнинг ҳуқуқий тузилиши, бутун ҳуқуқий ҳаёти ва ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этилишини ифодалайди.

Ҳуқуқий тизим нафақат ҳуқуқ нормаларининг ўзи, балки уларни ҳаракатга келтирувчи, ўзаро боғлиқ ҳуқуқий ҳодисалар ёки воситалар ҳамда уларнинг бир бутун ҳаракатдаги кўринишидир. Ҳуқуқий тизим таркибига ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқий амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий тамойиллар, юридик муассасалар қиради. Ҳуқуқий тизим асосан муайян давлатлар микёсида амал қилади, чунки уларда ҳокимиятни бошқариш усули, давлат органларининг ташкил этилиши ва шу каби давлатнинг асосий сиёсий хусусиятларига қараб, унинг қонунчилиги, ҳуқуқий асоси яратилади. Бундан ташқари, мамлакатда истиқомат қилаётган халқнинг менталитети, миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, кадриятлари, урф-одат ва анъаналари ҳам ҳуқуқий тизимни шакллантиришда эътиборга олинади.

«Ҳуқуқ оиласи» «ҳуқуқ тизими» ва «ҳуқуқий тизим» га нисбатан кенг маъноли тушунча бўлиб, уларни қамраб олади. «Ҳуқуқ оиласи» кўпгина юридик адабиётларда «ҳуқуқий тизим» тушунчаси билан айнанлаштирилади¹. Қиёсий ҳуқуқшунослик билан шуғулланувчи олимлар томонидан «ҳуқуқ оиласи» атамаси турлича баён этилади. Жумладан, Р. Давид «ҳуқуқий тизимлар оиласи», К. О. Эберт ва М. Рейнстайн «ҳуқуқий доиралар», И. Сабо «ҳуқуқий тизимлар шакли», С. С. Алексеев «тузилмавий умумийлик» деб, атайдилар. Ушбу тушунчанинг умумий таърифини ишлаб чиқиш ва фанда қўллаш ўринли.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқ оиласи тушунчаларининг бир-биридан фарқини аниқлаб, тўғри талқин этиш зарур.

1 Каранг: Давид Р. Основные правовые системы современности. — М., 1988; Давид Р., Жоффре-Спинози К. Основные правовые системы современности. — М., 1996; Марченко М. Н. Сравнительное правоведение. — М., 2001; Саидов А. Х. Введение в сравнительное правоведение (основные правовые системы современности)/Под. ред. В. А. Туманова. — М., 2000; Тихомиров Ю. А. Курс сравнительного правоведения. — М., 1996; Цвайгерт К., Кётец Х. Введение в сравнительное правоведение в сфере частного права. Т. I–II. — М., 1998; ва бошқ.

«Ҳуқуқий тизим» тушунчасини муайян давлатлардаги ҳуқуқий воқеликка нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир. *Ҳуқуқ оиласи* эса айнан ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши, ривожланишига асос бўладиган, ўзига хос жиҳатларга эга бўлган, тарихан шаклланган, бир неча миллий ҳуқуқий тизимларни акс эттирадиган дунё ҳуқуқий воқелигининг энг катта таркибий қисмидир. Бир қатор ҳуқуқий тизимларга хос умумий жиҳатни белгилаб олиш уларни ҳуқуқ оилаларига ажратиш имконини беради¹. Демак, «ҳуқуқий оила» категорияси юридик белгилари ўхшаш бўлган ҳуқуқий тизимлар гуруҳини белгилаб олишга хизмат қилади².

Бу тушунча ўзаро ўхшаш юридик белгиларга эга бўлган ҳуқуқ тизимларининг нисбий бирлигини англатиш учун хизмат қилади ва айтиб ўтилган тизимларнинг муайян тарихий ривожланиш хусусиятларини, яъни тузилиши, ҳуқуқ манбалари, етакчи ҳуқуқ институтлари ва соҳалари, ҳуқуқий маданияти, анъанаси кабиларни акс эттиради. У «ҳуқуқнинг тарихий типи» тушунчасига нисбатан иккиламчи, ёрдамчи ҳисобланади, ҳуқуқ шаклининг нисбатан мустақиллигини, ҳуқуқнинг техник-юридик мазмунини, ўзига хослигини акс эттиради.

Шундай қилиб, ҳуқуқ оиласи деганда, бир ҳуқуқ типи чегарасида тарихий шаклланишининг ўхшашлиги асосида бирлашган миллий ҳуқуқ тизимларининг нисбатан кенг мажмуи, ҳуқуқий манбалар тузилиши, етакчи ҳуқуқ соҳалари ва ҳуқуқ институтлари, ҳуқуқни қўллаш, юридик фан ва амалиёт каби ҳуқуқий ходисаланинг умумий жиҳатлари тушунилади. Демак, ҳуқуқий тушунчаларни «объект доираси» (ҳажми) ёки тартибга солиш жараёни бўйича тартиблаштирсак, *дунё ҳуқуқий харитаси, ҳуқуқ оиласи, ҳуқуқий тизимлар ва ҳуқуқ тизими* каби қўринишга эга бўлади.

Ўзбекистонда «*жамиятнинг ҳуқуқий тизими*» тушунчаси предмети, мазмунининг тахлили шуни кўрсатадики, ушбу масала назариётчи ҳуқуқшунос олимларимиз диққат-эътиборидан бир қадар четда

-
- 1 Қаранг: *Вишневский А. Ф.* Общая теория государства и права — М., 2004. — С. 280.
 - 2 Қаранг: *Общая теория права и государства/Под ред. В. В. Лазарева.* — М., 2001. — С. 218; *Черданцев А. Ф.* Теория государства и права. — М., 1999. — С. 400.

қолиб келмоқда. Ҳуқуқий ҳодисаларни яхлит бир бутунликда тизим сифатида таҳлил этиш, уларнинг ички ва ташқи алоқалари, бир-бирига таъсир кўрсатишини ёритиб берувчи жиддий ҳуқуқий тадқиқотлар йўқ. Ҳуқуқшуносликка оид кўпчилик адабиётларда «ҳуқуқий тизим» тушунчаси, «ҳуқуқ тизими», «қонунчилик тизими» тушунчаларидан фарқ қилувчи «нисбатан кенг» тушунча эканлиги таъкидланади¹. Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида таркибий қисмлари тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида ажралмас тартибда ўзаро боғланган бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Бундай тартибга солиш ягона мақсадга, яъни Ўзбекистон Республикасида жамият барқарорлигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган. «Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими» — мамлакатимиздаги ҳуқуқий воқеликни ифодаловчи нисбатан янги ҳуқуқий категория.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг, моҳият ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизимни шакллантиришга киришилди. Албатта, ҳуқуқий тизимни яратиш бир қанча йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда. Замон руҳига ёт, ягона мафкура ўрнатувчи, бозор муносабатларига тўсқинлик қилувчи нормалар бекор қилинди, баъзи бирлари эса тубдан ўзгартирилди ва аксарият қоидалар мутлақо янгидан қабул қилинди. Аввал амалда бўлган қоидалар янги мазмун, руҳ билан суғорилдики, бу нормалар яхлит тизимнинг таркибий қисмларига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими — умум эъгироф этилган талаблар ва халқ манфаати ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилган, унга мувофиқ ҳаракатда бўлган ҳуқуқий ҳодисалар, воситалар, жараёнлар, институтлар, муассасаларнинг ўзаро манتيқий боғлиқ ҳолдаги ифодасидир.

Мамлакат ҳуқуқий тизими ҳақида фикр юритганда шу фикрни қайд этиб ўтиш ўринлики, миллий ҳуқуқий тизим муайян давлатнинг ички ҳуқуқи, тарихи, иқтисодий ва сиёсий тизими билан бевосита боғ-

1 Батафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 116; *Исламов З.* Общество. Государство. Право. — Т., 2001. — С. 509; *Саидов А., Таджиханов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. — Т., 2001. — Б. 157.

лик бўлган ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий маффура, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва юридик фанни камраб олувчи, ўзига хос амал қилиш хусусиятларига эга бўлган ҳамда доимий ривожланишда бўлган ижтимоий-ҳуқуқий воқеликдир¹. Миллий ҳуқуқий тизим муайян мамлакат миқёсида таъсир ўтказиб, жамият ва инсонлар ривожини билан боғлиқ ҳолда амал қилади. Айни вақтда у жамият тараққиётининг асосларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Ҳуқуқий тизим ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлари — географик жойлашуви, тарихи, тили, дини, халқининг ижтимоий табиати, менталитети, урф-одатлари ҳамда миллий кадриятларини инобатга олган ҳолда яратилиб, шу мамлакат фуқароларининг манфаатларини ўзида акс эттиради. Ҳар бир ижтимоий ва ҳуқуқий ҳодисани ўрганишда, тадқиқотчилар олдида ушбу ҳодисани тегишли яхлит тизимнинг таркибий қисми, бўлаги, элементи сифатида тадқиқ этиш вазифаси юзага келади.

§1.2. Ҳуқуқий тизимнинг элементлари ва функциялари

Ҳуқуқий тизимни ташкил этган элементлар яхлит бир бутунликда фаолият кўрсатиб, шундай янги хусусиятларга эга бўладики, алоҳида олинган ҳар бир элемент бундай хусусиятлардан маҳрум бўлади. Масалан, ҳуқуқ жамият ҳаётида реал татбиқ этилсагина, ўз моҳияти ва мазмунига эга бўлади. Бу эса қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни татбиқ этиш фаолиятларининг баҳамжиҳат ҳаракатини тақозо этади. Қонун чиқарувчи орган томонидан кўплаб қонунлар яратилса-ю, ҳаётга татбиқ этилмаса, бундай қонунлар ўз табиатини намоён эта олмайди, улар қоғоздагина мавжуд бўлади, холос. Ва аксинча, ҳуқуқий тизим барча элементларининг яхлит механизм, бир бутун сифатида фаолият юритиши туфайли ижтимоий муносабатлар самарали тартибга солинади, ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида майдонга чиқади.

1 Қаранг: *Ҳайитбоев Ф.* Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг шаклланиши. — Т., 2006. — Б. 17.

Ҳуқуқий тизимни тушунишда унинг таркибий қисмларини муфассал билиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий тизим алоҳида ижтимоий ҳодиса сифатида бир қанча таркибий қисмлар (элементлар) ни бирлаштиради. Ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмлари бир-биридан ўз мазмуни ва моҳияти, мақсад ва вазифалари, тузилиши ва шакли, ҳаракат доираси ва майдони ҳамда бошқа хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳуқуқий тизим тузилишининг мураккаблиги уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг кўплиги, ҳар бирининг алоҳида функцияси мавжудлиги ва ўзаро муносабатда ҳамда узвий алоқадорликда ҳаракатланишида намоён бўлади.

Жамиятнинг ҳуқуқий тизими ўзининг муайян мантиқий ички таркибий тузилишига эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. «Ҳуқуқий тизим» ўз таркибий қисмларининг тизимли мажмуи тарзида гавдаланади ва нормалар йиғиндиси ҳисобланмиш объектив ҳуқуқдан жиддий фарқ қилади. Мазкур фарқ шундаки, ҳуқуқий тизим бир турдаги элементларнигина эмас, балки турли йўналиш ва мақомдаги тузилмаларни қамраб олади, бирлаштиради. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тизим таркибига:

- 1) *фалсафий ёки мафқуравий* (ҳуқуқнинг талқини, ҳуқуқий тушунча ва категориялар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият);
- 2) *норматив* (жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормалар мажмуи);
- 3) *институционал-ташкилий* (ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёни билан боғлиқ юридик муассасалар);
- 4) *социологик*, яъни *ижтимоий* (ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт) элементлар қиради.

Ҳуқуқий тизим ҳаракатдаги «жонли» ҳодиса сифатида талқин этилиши лозим. Зеро, у ижтимоий ҳаётнинг фаол таркибий қисми сифатида кишилар ўртасидаги муносабатларни узлуксиз тартибга солиш вазифасини бажаради. Амалий жиҳатдан ҳуқуқий тизим ҳаракатланишининг динамик талқини муҳим аҳамият касб этса, илмий нуқтаи назардан уни статик (ҳаракатсиз) тарзда ажратиб олиб ифодалаш муайян мазмунга эга. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий тизим структурасини *статик* ва *динамик* жиҳатдан тавсифлаш мумкин.

Статик ҳолатда унинг таркибий қисмлари қуйидагилардир: 1) юридик нормалар; 2) ҳуқуқий принцип ва институтлар; 3) ҳуқуқий муассасалар йиғиндиси; 4) ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввурлар.

Динамик ҳолатда: 1) ҳуқуқ яратиш жараёни; 2) ҳуқуқни амалга ошириш (қўллаш) жараёни; 3) ҳуқуқий муносабатлар; 4) ҳуқуқий тартибга солиш механизми; 5) ҳуқуқий тафаккур (ҳуқуқий онгнинг ривож, ижтимоий ҳаётга фаол таъсири). Ҳуқуқий тизимнинг динамик кўриниши мазкур тизим элементларининг мақсадли ҳаракатланиш жараёни ва пировардида кўрсатадиган самарасидир.

Шундай қилиб, жамият ҳуқуқий тизими таркибига қуйидаги асосий элементларни киритиш мумкин:

- ҳуқуқий нормалар йиғиндиси (ҳуқуқий тизимнинг ўзаги);
- ҳуқуқий принциплар (раҳбарий ғоялар);
- ҳуқуқ яратиш жараёни (ваколатли идораларнинг фаолияти);
- ҳуқуқни амалга ошириш, қўллаш жараёни;
- ҳуқуқий муносабатлар (ҳуқуқий норманинг амалга оширилиш шакли);
- ҳуқуқий тартибга солиш механизми;
- юридик муассасалар тизими;
- юридик амалиёт (суд амалиёти, тергов амалиёти, адлия амалиёти ва ҳоказо);
- ҳуқуқий онг (ҳуқуқий ҳодисаларнинг ижтимоий онгдаги инъикоси);
- ҳуқуқий сиёсат (стратегия);
- ҳуқуқий мафкура (ғоявий-маънавий жиҳат);
- ҳуқуқий маданият (ҳуқуқий маънавият ва тарбиянинг ифодаси);
- қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими;
- ҳуқуқнинг манбаи (қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи).

Юқорида санаб кўрсатилган ҳуқуқий ҳодисалар ягона бир тизим ҳосил қилиб, ўзаро алоқадорликда, муносабатда бўлади. Ҳар бир ҳуқуқий институт (ҳодиса) қолганларининг мавжуд бўлишини тақозо этади. Бу тизимдаги бир элементнинг ҳаракатланиши қолган элементларнинг ҳаракатга келишига сабаб бўлади. Демак, **жамиятнинг ҳуқуқий тизими** — муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий

ходисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, нормалар ва ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли ҳаракатланиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда ҳуқуқий тартибга солинишига эришилади. Ҳуқуқий тизим яхлит ҳодиса бўлиб, таркибий қисмларининг ўзаро ички алоқадорлиги, боғлиқлиги, мутаносиблиги, изчиллиги ва барқарорлиги билан тавсифланади.

Баён этилган таркибий қисмлар ҳуқуқий тизимнинг мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Шунга ўхшаш фикрни давлат ва ҳуқуқ назариясига оид дарсликларда ҳам учратиш мумкин. Унга кўра, ҳуқуқий тизимнинг асосий қисмлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: 1) ҳуқуқий тушунчалар; 2) ҳуқуқий жараёнлар; 3) ҳуқуқ принциплари; 4) ҳуқуқий маданият; 5) ҳуқуқий сиёсат; 6) ҳуқуқ ва уни ифода этувчи қонунчилик; 7) ҳуқуқий муносабатлар; 8) юридик амалиёт; 9) юридик техника; 10) юридик фан.

Адабиётларда ҳуқуқий тизимнинг мураккаб, серқирра тушунча эканлигини таъкидлаб, уни жамиятда мавжуд бўлган барча юридик ҳодисалар, ҳуқуқий воситалар йиғиндиси сифатида таърифлаш ҳоллари учрайди¹. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, олимлар ҳуқуқий тизим таркибини барча ҳуқуқий ҳаёт, ҳуқуқий устқурма элементлари йиғиндиси билан изоҳлайдилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқий тизим — мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида ўз таркибида мамлакатдаги мавжуд барча ҳуқуқий воқеликларни, яъни ҳуқуқий воситалар, ҳодисалар, институтлар, муассасалар, бинобарин, ҳуқуқий ҳаётни акс эттирувчи бутун бир реалликни ифодалайди.

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий элементларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) **норматив ҳусусиятга эга бўлган таркибий элементлар:** а) ҳуқуқ; б) ҳуқуқ тизими; в) ҳуқуқий принциплар; г) ҳуқуқнинг манбалари.
- 2) **ҳаракатда (муайян жараён орқали) ифодаланадиган таркибий элементлар:** а) ҳуқуқ ижодкорлиги; б) ҳуқуқни амалга

1 Қаранг: Матузов Н. И. Правовая система и личность. — Саратов, 1987. — С. 26.

ошириш, қўллаш жараёни; в) ҳуқуқий муносабатлар; г) ҳуқуқий тартибга солиш механизми.

- 3) *ғоявий-мафқуравий мазмунга эга бўлган элементлар*: а) ҳуқуқий онг; б) ҳуқуқий маданият; в) ҳуқуқий мафқура; г) ҳуқуқий сиёсат; д) юридик фан (ҳуқуқий тафаккур); е) қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими.
- 4) *ташкилий таркибий элементлар*: а) юридик муассасалар: ҳуқуқий фаолият билан шуғулланувчи давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари.

Ҳуқуқий тизимни тушунишда унинг таркибий қисмлари мазмунини чуқур билиш муҳимдир. Қуйидаги элементлар бир бутун яхлит ҳолда ҳуқуқий тизимни ташкил этади: ҳуқуқ, ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий принциплар, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий мафқура, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва бошқалар.

Энди ҳуқуқий тизимнинг ҳар бир элементига алоҳида тўхталамиз.

Ҳуқуқ — жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, фуқароларнинг ҳаётий фаолиятини белгилаб берувчи, давлат томонидан қабул қилинган ёки маъқулланган яшаш қоидалари тизимидир. «Ҳуқуқ — қонун даражасида ифодаланган ирода»¹. Россиялик олим С.С. Алексеевнинг фикрича, ҳуқуқ — қонунларда ёки давлат томонидан тан олинадиган бошқа манбаларда мустаҳкамланадиган ва ҳуқуқий рухсат этилган ҳамда юридик жиҳатдан рухсат берилмаган, тақиқланган хулқ-атворни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган умуммажбурий нормалар тизими². Фикримизча, **ҳуқуқ** — *жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, фуқароларнинг юриштириши, хулқ-атвори, асосий ҳаётий фаолиятини белгилаб берувчи, давлат томонидан расмийлаштирилган яшаш қоидалари тизимидир.*

Шарқ мутафаккири, қомусий олим Абу Наср ал-Форобий ҳуқуқни фозил кишиларнинг ҳақиқий бахтга эришиш воситаси деб тушунган.

1 *Исломов З. М.* Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. — Т., 2004. — Б. 70.

2 *Қаранг: Алексеев С. С.* Право: азбука — теория — философия: Опыт комплексного исследования. — М., 1999. — С. 58.

Ҳуқуқ, унинг фикрича, мамлакатда тинчликни таъминлаш, хавфсизликни таъмин этиш, тараққиётга шарт-шароит, ижодий меҳнатга имкон яратиш, эҳтиросларни жиловлаш воситаси, инсонни асраш, авайлаш куролидир.

Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятор бўлиб, қонунчилик ҳужжатларида ифодаланган адолат ва эркинлик ғояларига таянувчи норматив қоидалар тизимидир. Ушбу ҳулоса қуйидаги методологик фикрга асосланади: «Ҳуқуқ — ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси»¹.

Ҳуқуқнинг ижтимоий барқарорлик, эркинлик, адолат ва тенгликни таъминлаш воситаси эканлиги унинг жамият ҳаётидаги қадрият сифатидаги нуфузини ниҳоятда оширади. Академик В. С. Нерсисяннинг эътирофича, «Ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра реал муносабатларда тарихан объектив белгиланган эркинликнинг муайян шакли, мазкур эркинликнинг меъёри, эркинлик мавжудлигининг намоиши, шакланган эркинлик», «расман (шаклан) эркинлик принципи айнан ҳуқуқнинг ўзи бўлиб, у ҳуқуққа хос адолатни акс эттиради»². Тўғри, тенглик ва эркинлик чиндан ҳам ҳуқуқий ғоялар бўлса-да, унинг моҳиятини адолат ғояси тўлароқ ифодалайди.

Ҳуқуқ давлат ҳокимиятининг обрўи билан қувватлангани боис ижтимоий регуляторга айланади. Шу сабабли ҳуқуқ оддий эмас, балки норматив мустаҳкамланган, норма (меъёр) даражасига кўтарилган ғоядир. С. С. Алексеев ҳуқуқни «норматив система» деб таърифлайди. Унинг таъкидлашича, «ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги асосий кадр-қиммати, ижтимоий вазифаси ва аҳамияти норматив система эканлигида»³. Ҳуқуқ давлат даражасида умумлаштирилган ироданинг норматив ифодасидир.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ тизимининг бошланғич, бирламчи таркибий элементи ҳисобланади. Адабиётларда ҳуқуқ нормаси, одатда, лозим

1 Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — Б. 20.

2 Қаранг: Нерсисян В. С. Право и закон. — М., 1983. — С. 342–343.

3 Қаранг: Алексеев С. С. Восхождение к праву: поиски и решения. — М.: Норма, 2001. — С. 54.

бўлган хатти-ҳаракат коидаси ёки шундай хулқ-атвор, фаолиятнинг ўлчови сифатида таърифланади. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир этувчи восита сифатида доимо, муайян хулқ-атвор, хатти-ҳаракат коидаси сифатида намоён бўлади. У ўхшаш вазиятларда ҳуқуқ субъектлари томонидан такрор-такрор қўлланишга мўлжалланган. Мантик нуқтаи назаридан, бутун ҳуқуқ мазмунига хос бўлган асосий сифат ва белгилар ҳар бир алоҳида олинган ҳуқуқ нормасида жамланган бўлади. Ҳуқуқ нормаси ифода этадиган формал-юримдик белгилар қуйидагилардан иборат: а) ҳуқуқ нормасининг бевосита давлат билан алоқаси (боғлиқлиги), яъни ҳуқуқ нормаси давлат томонидан ўрнатилади ёки маъқулланади; у ҳокимият тепасида турган сиёсий кучларнинг амри-иродасини ифодалайди; б) ҳуқуқ нормаси давлат иродасини ифодалайди (муҳассамлаштиради); в) ҳуқуқ нормаси умуммажбурий бўлиб, ваколат берувчи, мажбурият юкловчи мазмунга эга; г) ҳуқуқ нормасида ифодаланган қоида қатъий расмий аниқлиги билан тавсифланади; д) ҳуқуқ нормаси узок муддат қўлланишга мўлжалланган; е) ҳуқуқий нормалар ўзаро мутаносиб ва иерархик бўйсунуш тарзида мавжуд бўлади; ж) ҳуқуқ нормаси давлат томонидан муҳофазаланади; з) ҳуқуқ нормасининг қоидаси бузилган тақдирда давлат мажбурлови қўлланилади; и) норматив ҳужжатлар ва бошқа ҳуқуқ манбаларида ифода (баён) этилади. Айни пайтда, ҳуқуқ нормаси яхлит бир тизимнинг дастлабки бўлаги сифатида ўзига хос жиҳатларга ҳам эга бўлади.

Шундай қилиб, **ҳуқуқ нормаси** — барча ҳуқуқ субъектлари учун мажбурий бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган, ижтимоий муносабат қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзида ифодалаган хатти-ҳаракат коидаси, хулқ-атвор мезонидир.

Ҳуқуқ нормасида жамиятнинг, халқ ҳаётининг моддий шарт-шароитлари билан белгиланадиган эрки, ифодаси, манфаатлари ифодаланади. Ҳуқуқ нормаси шахсларнинг бир-бири билан бўладиган ўзаро муносабатларида қандай хатти-ҳаракат моделига, намунасига риоя этишлари лозимлигини, яъни қайси ҳаракатларни содир этиш мумкин ёки қайсиларини содир этмаслик кераклигини кўрсатади. Шу маънода, ҳуқуқ нормаси хулқ-атворнинг ҳуқуқий мезони сифатида майдонга чиқади.

Юқорида таъкидланганидек, *ҳуқуқ тизими* — бу ҳуқуқнинг таркибий тузилиши бўлиб, ўз таркибига ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларини камраб олади. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқ нормаларининг ташкилий тузилиши бўлиб, унинг мавжуд бўлиши объектив (миллий, маданий, тарихий ва ш. к.) шарт-шароитларга боғлиқ ва ҳуқуқнинг ички тузилишини ифодалайди¹. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқий тизимнинг норматив асоси ҳисобланиб, бошқа таркибий элементларни шакллантирувчи ва ҳаракатини тартибга солувчи бирламчи омил сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизим доирасидаги раҳбарий ғоялар йиғиндисини ташкил этади. Мазкур тушунча комплекс хусусиятга эга, чунки ҳуқуқий тизим ҳар бир элементининг ўз принциплари бор.

Ҳуқуқий принциплар — йўналтирувчи дастлабки ғоя бўлиб, инсонларнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун хизмат қиладиган асосий йўналишни кўрсатиб беради. Ҳуқуқий тизимни шакллантиришда ҳуқуқий принциплар (раҳбарий ғоялар)нинг фаол ҳаракатини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Адабиётларда «*ҳуқуқий принциплар*» ва «*ҳуқуқ принциплари*» деган иборалар қўлланилади. Ҳуқуқий принциплар — ҳуқуқий мазмунга эга бўлган ҳамда қонунда мустаҳкамланган тамойиллардир. Ҳуқуқ принциплари деганда ҳуқуқнинг моҳиятини ифодаловчи, унинг яратилиши, мавжуд бўлиши, тузилиши ва амал қилишини таъминловчи раҳбарий ғоялар тушунилади. Ҳуқуқ принциплари қаторига, одатда, демократизм, инсонпарварлик, адолатпарварлик, тенг ҳуқуқлилиқ, қонунийлик, ҳуқуқ ва бурчларнинг узвийлиги, ишонтириш ва мажбурлашнинг бирга қўлланиши ва бошқалар киради.

Ҳуқуқий принциплар дастлаб ғоя тарзида пайдо бўлади (яъни ижтимоий онгда шаклланади), сўнгра ҳуқуқий норма мазмунига кўчади, ундан юридик амалиётга, ҳуқуқни қўллаш жараёни мазмунига сингиб боради. Масалан, шахснинг дахлсизлиги муаммоси бир неча аср муқаддам дастлаб ҳуқуқий ғоя шаклида вужудга келиб, кейинчалик умумий мазмундаги ҳуқуқий принципга айланган. У тарихий шарт-шароит тақозоси билан турли мамлакатларда турли давр-

1 Қаранг: *Морозова Л. А.* Основы государства и права. — М., 2004. — С. 97.

да ҳуқуқий нормага айланган. «Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий нормада мустаҳкамлангач, — дейди Р.З. Лившиц, — ҳуқуқ принципига айланади»¹. Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқий принциплар бутун қонунчилик тизими ва барча соҳаларни қамраб олади. Лекин шундай ҳуқуқий принциплар ҳам борки, улар конституцияда, қонунда мустаҳкамланмаган бўлса-да, бутун ҳуқуқий тизим мазмунига оид бўлади. Масалан, «қонунда тақиқланмаган барча нарсаларга руҳсат этилади» ва «қонун билан руҳсат берилмаган барча нарсалар тақиқланади» деган принцип ана шундай умумий ҳуқуқий принципдир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги — ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларининг (референдум чоғида — бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолиятидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига нафақат янги ҳуқуқий нормалар ўрнатиш, балки илгари чиқарилган норматив-ҳуқуқий қоидаларни ўзгартириш ва бекор қилиш ҳам қиради. Давлат мазкур фаолият орқали халқнинг иродасини қонун даражасида ифода этади, ижтимоий бошқарув ва сиёсий раҳбарликни амалга оширади. Бу фаолият натижасида жамиятда амал қилувчи бир бутун ва ўзаро ички алоқадор бўлган ҳуқуқий нормалар тизими вужудга келтирилади.

Ҳуқуқ нормаларининг яратилиши, юридик кучи, шакли, куйидан юқорига бўйсунтириш муносабатлари давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик функцияси билан бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқ яратишнинг нисбатан кенгрок жараён бўлган таркибий қисми ҳисобланади. Давлат ҳуқуқий нормани ўрнатиш ёки маъқуллаш орқали ҳуқуқни қўллаш ва қўриқлашдек серқирра, мураккаб жараёнга туртки беради. Ҳуқуқ ижодкорлиги туфайли вужудга келтириладиган ҳуқуқ нормалари давлат органларининг турли хил расмий ҳужжатларида акс эттирилади. Бундай расмий ҳужжатлар **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** деб аталади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир. Давлат органлари жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб

1 Лившиц Р.З. Теория права. — М., 2001. — С. 196.

чиққан ҳолда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш функциясини амалга ошириб борадилар. Бу эса ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг бетўхтов давом этишини тақозо этади.

Ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра давлат иродасини ифодалаш билан боғлиқ. Давлат — ташкилий куч, ҳуқуқ эса юридик коида шаклига кирган иродадир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги давлат фаолиятининг ҳуқуқий шаклларида бири бўлиб, бу жараёнда куйидаги *функциялар* бажарилади: қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш; амалдаги қонунчиликни янгилаш, уни ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига доимо мослаштириб туриш; эскирган ҳуқуқий нормаларни бекор қилиб бориш; ҳуқуқ камровига олинмаган жабҳалар, бўшлиқларни тўлдириб бориш; қонунчиликни тартибга келтириш — бир тизимга солиш (системалаштириш). Мазкур функцияларнинг юқори савияда мунтазам бажариб турилиши ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигининг ошишини, қонунчилик тизимининг тақомиллашувини таъминлайди.

Ҳуқуқни амалга ошириш — давлат томонидан юридик мустақамланган ва кафолатланган имкониятларни рўёбга чиқариш, уларни одамлар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга татбиқ этиш демакдир. Юридик адабиётларда «ҳуқуқий нормани амалга ошириш», «ҳуқуқни татбиқ этиш», «ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш», «ҳуқуқий нормани қўллаш» каби тушунчалар борасида яқдил фикр йўқ. Лекин «ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш» ҳуқуқий нормаларни амалга оширишни англатиши аксарият назариётчи олимлар томонидан тан олинади.

«Амалга ошириш» маъносини билдирадиган «реализация» атамаси лотинчадан олинган бўлиб, «realis» — моддий ёки моддийлаштириш деган маънони англатади. Ҳозирги кунда бу сўз кўпроқ у ёки бу режа, дастур, лойиҳа, мақсад кабиларни ҳаётга рўёбга чиқариш, қўллаш ёки татбиқ этиш маъноларида ишлатилади. Ҳуқуқ идеал, мафкуравий ҳодиса бўлиб, муайян имконият сифатида одамларнинг ҳаракати, фаол хулқ-атвори, моддий ва маънавий бойликлар, неъматлардан фойдаланишда рўёбга чиқади, моддийлашади. Айни вақтда, уни амалга ошириш яна бир маънога эга: бошқа имкониятлар (режалар, дастурлар, ниятлар

ва ш. к.)дан фарқли ўларок, ҳуқуқ амалга ошириш имкониятининг кўпроқлиги билан тавсифланади, кафолатлар билан таъминланади. Таҳлил қилинаётган тушунчани изоҳловчи яна бир ҳолат шундан иборатки, ҳуқуқ табиий ва ижобий, объектив ва субъектив ҳуқуқни ўз ичига оловчи серкирра ҳодисадир. Ҳуқуқни амалга ошириш унинг серкирра мазмунини ҳисобга олган ҳолда талқин этилиши лозим.

«Ҳуқуқни амалга ошириш» атамаси юқоридаги мазмунга мос келади. Дарҳақиқат, ҳуқуқ номоддий кўринишга эга бўлса ҳам, кишиларнинг фаолияти, фаол хулқи ва юриш-туришларида, моддий ва маънавий кадриятлардан фойдаланишларида моддийлашади. Демак, «ҳуқуқни амалга ошириш» унинг талабларининг ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари фаолиятида намоён бўлиши, кўрсатмаларининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатга айланишини билдиради.

Ҳуқуқни амалга ошириш ўзаро ички боғланган, таркибий қисмлари бир-бирини тақозо этадиган мураккаб механизм сифатида майдонга чиқади. Мазкур механизм бирор-бир элементининг оксаши ёки етарли даражада ишламаслиги ҳуқуқни рўёбга чиқариш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқни амалга ошириш натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза этилади, халқнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишда иштироки таъминланади, мулк кўриқланади, тадбиркорлик ривожлантирилади ва қўллаб-қувватланади, ижтимоий ва ҳуқуқий тартибот мустаҳкамланади. Ҳуқуқ амалга оширилган тақдирдагина шахс ва жамият учун маъно ва аҳамият касб этади. Агар ҳуқуқ ҳаётга татбиқ этилмаса, муқаррар тарзда «жонсиз» ҳолда қолади. Ҳуқуқ нормаларининг бош вазифаси шундан иборатки, улар шахс ҳуқуқларининг мазмунини аниқлашга ёрдам беради ва шу тарика уни амалга оширишга имконият яратади.

Ҳуқуқни амалга ошириш — замон ва маконда юз берувчи мураккаб жараён. Унда нафақат тарафлар, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг эгалари, балки давлат ҳам ўзининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни ижро этувчи, ҳуқуқни қўлловчи органлари орқали иштирок этади. Ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш жараёни сифатида, *биринчидан*, ҳуқуқни амалга оширишнинг юридик механизмларини, *иккинчидан*, ҳуқуқни бевосита амалга ошириш шаклларини ўз ичига олади. Ҳуқуқни амалга оширишнинг юридик ме-

ханизмлари хилма-хил бўлиб, уларнинг мазмуни у ёки бу мамлакат ҳуқуқий тизимининг хусусиятлари билан белгиланади.

Қонунчилик (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) тизими. Қонунчилик ҳуқуқий тизимнинг жўшқин ҳаракатланувчи таркибий қисмидир. Махсус адабиётларда «қонунчилик» тушунчасининг қуйидаги икки изоҳи мавжуд: 1) қонунчилик — давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишнинг асосий усулларида бири бўлиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) қонунчилик — ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир соҳасига оид ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи (фуқаролик қонунчилиги, жиноят қонунчилиги, маъмурий қонунчилик ва бошқалар).

Берилган биринчи изоҳга кўра, «қонунчилик» — қонунларни яратиш билан боғлиқ тушунча сифатида намоён бўлади. Иккинчи изоҳнинг мазмуни бўйича эса норматив ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади.

«Қонунчилик» тушунчасига берилган мазкур тавсифга ойдинлик киритиш учун унинг луғавий мазмунига эътибор берайлик. «Қонун» ибораси арабча сўздан олинган бўлиб, унга «чилик» сўз ясовчи қўшимчаси қўшилиши орқали «қонунчилик» сўзи пайдо бўлмоқда. Масалан, «боғдорчилик», «деҳқончилик», «чорвачилик» сўзларида ҳам «-чилик» қўшимчасини қўшиш орқали муайян *фаолият* ифодаланади. Бу қоидага амал қилинадиган бўлса, қонунчилик ҳам фаолият ҳисобланади. Яъни, юқорида кўрсатилган биринчи изоҳдаги қоида келиб чиқади. Аммо ҳуқуқий амалиётда, берилган изоҳнинг иккинчиси кўпроқ ишлатилади¹.

Қонунчилик кенг маънода қонунчилик фаолияти билан шуғулланувчи орган томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар, шунингдек, қонун ости ҳужжатлари (бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар)дан иборат. «Қонунчилик» ни тор маънода тушуниш эса фақатгина қонун чиқарувчи органнинг ҳужжатлари (қонун ва парламент қарорлари) ни назарда тутати².

1 Қаранг: *Одилқориев Х. Х.* Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. — Т., 2008. — Б. 11.

2 Қаранг: *Лившиц Р. З.* Теория права. — М., 2001. — С. 111.

Қонунчилик муҳим ижтимоий вазифани бажаради. У жамият ҳаёти-нинг барча соҳаларини тартибга солишга, ўзгартиришга, ривожлантиришга хизмат қилади ва шу тариқа ҳуқуқий давлат барпо этишга асос яратади. Айнан қонунчилик демократия институтларини юридик жиҳатдан расмийлаштиради, мустаҳкамлайди ва ривожлантиради. Қонунчилик туфайли ҳокимият вакиллик органларининг обрўи ортади, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ривожланиб боради, халқнинг ўзини ўзи бошқаруви қарор топади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, ошқоралик, плюрализм ва кўппартиявийлик ривожланади, давлат идораларининг фаолияти такомиллашади. Қонунчиликнинг тор маънодаги таърифига кўра, олий қонун чиқарувчи ҳокимият органи томонидан чиқариладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими тушунилади. Қонунчилик таркибига кирувчи нормалар принципиал, умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, умуммажбурий юридик кучга эга бўлади ва одатда, бошланғич, бирламчи асос сифатида эътироф этилади¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунига кўра, қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонунчилик ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат дейилади ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар умумлаштирилган ҳолда *қонунчилик ҳужжатлари* ҳисобланади (1–3-моддалар)².

Конституция мамлакат қонунларини яратиш ҳамда давр талабига мос тарзда такомиллаштириб боришнинг дастури ҳисобланади. Барча қонунларнинг мазмун-ибтидоси улар учун сарчашма манба бўлмиш конституциядан бошланади. Жорий қонунлар конституциявий ғоя, принцип ва қоидаларни бевосита ҳаётга қўллаш учун хизмат қилади.

Айни вақтда, республикамиз қонунчилигининг ички стратегияси масалалари муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. **Қонунчилик стратегияси** — бу мамлакат бутун ҳуқуқий тизимининг, шунингдек унинг алоҳида қисмлари, ҳуқуқ ҳамда қонунчилик соҳалари

1 Ўша жойда. — Б. 340.

2 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х.Х.* Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. — Т., 2008. — Б. 10, 11, 13.

ва институтларининг ҳозирги ва келгусидаги тараққиёти йўналишларининг илмий асосланган тарзда белгиланишидир. Қонунчилик стратегияси қонунларни тайёрлашнинг, уни режалаштириш, прогнозлаш ва амалга оширишнинг назарий ҳамда амалий масалаларини камраб олади. У давлат сиёсати билан узвий бўлиб, давлат таянувчи муҳим принциплар асосида жамиятга қонунлар воситасида раҳбарлик қилиш санъати ҳисобланади.

Шунингдек, қонунчилик стратегияси давлат сиёсатини ҳуқуқий муносабатлар мазмунига сингдириш, қонунларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш омилидир.

Қонунчилик стратегияси, моҳиятига кўра, ҳуқуқий ривожланишни ижтимоий тараққиёт қонуниятларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш ва уларни мумкин қадар аниқ акс эттиришга асосланган илмий башоратлашни назарда тутди.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик стратегияси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- а) ҳуқуқий ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган мақсадларини белгилаш;
- б) мавжуд бошланғич вазиятни чуқур таҳлил қилиш;
- в) қонунчилик ислоҳоти ўтказишнинг концепцияси (асосий йўналишлари)ни ишлаб чиқиш;
- г) белгиланган мақсадга айнан мос келувчи (адекват) восита ва чора-тадбирларни танлаб олиш;
- д) қонунчилик ривожланишини илмий башорат (прогноз) қилиш.

Қонунчилик стратегиясининг мазмуни норматив-ҳуқуқий актлар тизимидаги миқдор ва сифат ўзгаришларини тараққиёт қонуниятлари асосида олдиндан кўра билиш ҳамда ҳисобга олишда намоён бўлади. Мазкур стратегия вақт, даврийлик нуқтаи назаридан қонунчилик тизимининг бевосита ҳозирги пайтдаги ва келгусидаги ривожланишини ўз ичига олади. Ҳажми, кўлами жиҳатидан эса қонунчилик стратегияси мамлакатнинг бутун ҳуқуқий тизимини, ҳуқуқнинг тармоқлари, институтлари, нормаларини ҳамда қонунларни камраб олади¹.

1 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 234–235.

Ҳар қандай воқеа, ҳодиса ва предметнинг маъно-моҳияти, ижтимоий вазифаси ва функциясини унинг шакли ўзида мужассам этади. Яъни, шакл ҳодиса ва предмет мазмунининг мавжудлигини таъминлаш воситасидир. Шунга кўра, «қонунчилик» ҳуқуқнинг мавжудлигини, «қонунчилик тизими» эса ҳуқуқ тизими мавжудлигини таъминлайди. Ҳуқуқий нормалар қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланади, расмийлаштирилади.

Ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши, ички таркибий қурилиши бўлиб, унинг мазмуни ўзи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар хусусияти билан белгиланади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ тизимининг ташки шакли сифатида ҳуқуқ манбалари тузилишини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини (уюшмасини) акс эттиради. Ҳуқуқ, ҳуқуқий нормалар қонунчиликдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, амал қила олмайди.

Қонунчилик тизими деганда ҳуқуқнинг мазмуни ва ички таркибий тузилишини мустаҳкамловчи, расмийлаштирувчи, моддийлаштирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси тушунилади. Қонунчилик тизими ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги фаолияти орқали ҳуқуқ нормаларининг яратилиши, расмий ҳужжатларда мустаҳкамланиши ва тизимлаштирилиши (системалаштирилиши) натижасида вужудга келтирилади¹.

Қонунчиликнинг кундалик ҳаётдаги кенг талқини унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси эканлигидадир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг бевосита маҳсули — турли-туман норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Бундай ҳужжатлар ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг юридик нормаларини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни ифодалаш (баён этиш) нинг асосий манбаи, шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида расмий туридир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат деганда давлат ваколатли органларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умум-

1 Қаранг: *Одилқориев Х.Х.* Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. — Т., 2008. — Б. 27–28.

мажбурий қоидалар ўрнатувчи, уларни ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи ҳуқуқ ижодкорлик ҳужжати тушунилади. Ҳуқуқнинг норматив ҳужжат шакли демократик ҳуқуқий жамият шароитида мамлакат ҳўжалик, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётига давлат йўли билан раҳбарлик қилишнинг энг мақбул шаклидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидаги уч хусусияти билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ваколатли давлат органлари томонидан яратилиб, барча учун умум-мажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; 2) уларда ҳуқуқий қонданнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ифода этилади; 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар ба-жарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

Юридик устқурма мураккаб ва серқирра бўлганлиги сабабли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турли мезонлар бўйича туркумлиниши (таснифланиши) мумкин. Ушбу мезонлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ҳуқуқий тартибга солиш предмети ёки тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг тури;
- ҳуқуқ ижод этувчи субъект;
- ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик кучи;
- ҳуқуқий ҳужжат амал қиладиган ҳудуд;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг юридик номланиши.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаш усуллари, услублари ва йўллари ҳам турличадир. Туркумлашнинг жуда кенг тарқалган илмий усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: алифболи-предметли кўрсаткичлар; иерархияга (поғонали мутаносибликка) асосланган туркумлаш (у оддий ва ўнликлар бўйича бўлиниши мумкин).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларни чиқарадиган давлат органларининг мавқеи, ҳужжатларнинг юридик кучига кўра қуйидаги туркумларга бўлинади:

- қонунлар (конституция ва жорий қонунлар);
- президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
- ҳукумат қарорлари ва фармойишлари;

- давлат ва хўжалик бошқарув органларининг қарор, буйруқ ва йўриқномалари;
- маҳаллий вакиллик ва ижроия органларининг қарорлари ва фармойишлари¹.

Ҳуқуқий муносабатлар — ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Ижтимоий муносабатларнинг муайян қисми ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб, уларга барқарорлик, изчиллик, мақсад сари йўналтирилганлик хусусиятлари бахш этилади. Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинадиган қисми *ҳуқуқий муносабатларни* ташкил қилади. Ҳуқуқ нормалари ўз вазифа ва функцияларини ҳуқуқий муносабатлар орқали амалга оширади; ҳуқуқ талаблари ижтимоий муносабатлар шаклига айлантирилади ва шу тариқа муносабатлар тартибга солиниб, ҳуқуқ ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳуқуқий муносабат — субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан ўзаро боғлиқ шахслар (яъни, фуқаролар ва юридик шахслар) ўртасидаги ҳуқуқ нормалари ва муайян юридик фактлар асосидаги алоқадир. Ҳуқуқий муносабат таърифидаги асосий маъно ва мазмун, аввало, томонлар ўртасидаги алоқадорликни акс эттиришдир. Бундай муносабатларда камида икки томон — ҳуқуқ соҳиблари иштирок этиб, ўзаро мулоқотга киришадилар.

Ҳуқуқ соҳиблари бир-бирлари олдида тегишли субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтайдилар. Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро мутаносиб тарзда боғлиқ; бир томоннинг ҳуқуқига иккинчи томоннинг мажбурияти мувофиқ келади; ҳар доим ҳуқуқ субъекти бўлган шахс қаршисида мажбурият ўтовчи шахс гавдаланади. Масалан, ишга кириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатни олайлик. Бунда, ишга қабул қилинган ходим зиммасида муайян меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти, корхона маъмуриятида эса меҳнат интизомига риоя қилишни талаб этиш ҳуқуқи ва бажарилган иш учун тегишли иш ҳақи тўлаш мажбурияти (бу айни вақтда ҳуқуқ ҳамдир) пайдо бўлади. Айни

1 Батафсил маълумот учун қarang: Давлат ва ҳуқуқ назарияси/Проф. Х. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида — Т., 2009. — Б. 220–221.

пайтда, иккала субъект ҳам қонунда белгиланган катор ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатларнинг табиати масаласи анча мунозарали. Бир гуруҳ олимлар ҳуқуқий муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури деб ҳисоблайдилар (Л. С. Явич¹, В. К. Бабаев², Ю. И. Гревцев³ ва бошқалар). Бошқа мутахассисларнинг таъкидлашларича, «ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури эмас, яъни улар мулкӣ, меҳнат, оилавий, бошқарув муносабатлари тизимида мустакил ўрин тутмайди: ҳуқуқий муносабатлар фақат уларнинг юридик шакли, ташқи ифодаси сифатида намоён бўлади... Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий шаклга эга бўлиши мумкин, бунда улар ҳуқуқий муносабатлар, деб аталади»⁴. Тўғри, ижтимоий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий нормалар воситасида тартибга солинмайди. Одатда, давлат ва жамият манфаатлари нуктаи назаридан энг муҳим ижтимоий муносабатларгина ҳуқуқ билан тартибга солинади. Ижтимоий муносабатларнинг қолган қисми ахлоқ нормалари, сиёсий нормалар, жамоат бирлашмалари нормалари, одат қоидалари, диний нормалар ва шу қабилар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқий муносабатларга қуйидаги хусусият ва махсус белгилар хосдир:

- а) *ҳуқуқий муносабат* — *ижтимоий тусдаги муносабат*, яъни инсонлар ўртасидаги муносабат бўлиб, бу уларнинг фаолияти, хулқ-атвори билан бевосита боғлиқдир.
- б) *ҳуқуқий муносабат* — *ҳуқуқ нормаларининг инсонлар хулқ-атворида таъсири натижасида вуҷудга келадиган муносабат*. Ҳуқуқ нормаси билан ҳуқуқий муносабат узвий боғлиқ. Ҳаётда фақат юридик нормаларда назарда тутилган ҳуқуқий муносабатларгина мавжуд. Кишилар ўртасидаги муайян муносабатларга ҳуқуқий норма қўлланилгач, улар ҳуқуқий муносабат-

1 Явич Л. С. Право и общественные отношения. — М., 1987. — С. 11–23.

2 Общая теория права/Под ред. В. К. Бабаева. — Н. Новгород, 1993. — С. 405–407.

3 Гревцев Ю. И. Правовые отношения и осуществление права. — Л., 1987. — С. 29–42.

4 Қаранг: Лазарев В. В., Литень С. В. Теория государства и права. — М., 1998. — С. 290–291.

ларга айланади. Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини ихтиёрий ҳодиса эмас, балки қонуниятли жараён деб тушуниш лозим.

- в) **ҳуқуқий муносабат** — *кишиларнинг ўзаро субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар воситасидаги алоқалари*. Бу ижтимоий алоқанинг алоҳида шакли, яъни ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошадиган алоқадир. Субъектив ҳуқуқ эгаси — ҳуқуқдор, ваколатли шахс; юридик мажбуриятлар эгаси — мажбурият ўтовчи шахсдир. Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатда ҳуқуқдор шахс қаршида мажбурият ўтовчи шахс (инсон, ташкилот, давлат идораси) ҳозир бўлади.
- г) **ҳуқуқий муносабат** — *иродавий муносабатдир*. Маълумки, ҳуқуқий нормаларда давлат иродаси ифода этилади. Шу билан бирга, ҳуқуқий муносабат вужудга келиши учун иштирокчиларининг ҳам истаги, хоҳиши талаб қилинади. Шундай ҳуқуқий муносабатлар борки, уларнинг вужудга келиши учун барча иштирокчиларнинг хоҳиш-иродаси баён этилиши лозим. Масалан, никоҳга қираётган ҳар икки томон ўз хоҳишини билдириши лозим ёки олди-сотти муносабати сотувчи билан харидорнинг хоҳиш-иродаси туфайлигина амалга ошиши мумкин. Баъзи ҳуқуқий муносабатларда бир томон иродасини баён этса, етарли ҳисобланади. Бундай ҳуқуқий муносабатларга маъмурий ишлар ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар амри билан кўзга тиладиган жиноят ишлари мисол бўлиши мумкин.
- д) **ҳуқуқий муносабат** — *давлат томонидан қўриқланадиган муносабатдир*. Юридик нормаларда давлат иродаси ва жамият манфаатлари акс эттирилгани боис давлат уларнинг талаблари тўла-тўқис бажарилишини назорат қилиб боради. Ҳуқуқий қоидалар ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда давлатнинг мажбурлаш кучи ишга солинади. Давлат ҳуқуқни қўриқлаш орқали, айтилган вақтда, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатларни ҳам қўриқлайди. Ҳуқуқий муносабатлар давлат томонидан махсус тарзда қўриқланиши билан ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Давлат томони-

дан қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими жамиятдаги ҳуқуқий тартиботнинг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, *ҳуқуқий муносабат* — ҳуқуқий нормаларнинг кишилар хатти-ҳаракати, ҳулқ-атвориға таъсир этиши оқибатида вужудга келадиган, давлат томонидан қўриқланадиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми — ҳуқуқий тизимнинг муҳим элементларидан бири. Ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабатларға ҳуқуқ ёрдамида уларни умуммажбурий, норматив тарзда тартибга солиш мақсадида таъсир этиш жараёнидир. Ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим хусусияти шундаки, у ижтимоий муносабат иштирокчиларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ҳуқуқлар рўёбга чиқарилиши ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Демократик жамиятда ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий тартибга солишнинг махсус тури бўлиб, ўзининг демократик кадриятларға таянганлиги, мақсадға йўналтирилганлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш ўзига хос таъсир этиш воситалари (механизми) орқали амалға оширилади. Қонун чиқарувчи идоранинг юридик нормалар яратишдан кўзлаган мақсади худди ана шу ҳуқуқий таъсир этиш воситалари ёрдамида рўёбга чиқарилади.

Юридик адабиётда ҳуқуқнинг регуляторлик функцияси турлича талқин этилади. Баъзан юридик шаклға ортиқча ўрин берилиб, ҳуқуқий тартибга солиш механизми таркибига ҳуқуқ яратиш жараёни ҳам қўшиб юборилади. Бу мантиққа мувофиқ эмас. Чунки гап иккита мустақил ҳуқуқий ходиса (институт) ҳақида бормоқда. Демак, «ҳуқуқ нормаси» ни «ҳуқуқий тартибот» тушунчасига қўшиб бўлмаганидек, ҳуқуқ яратиш жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш механизмига қўшиш ҳам мумкин эмас. Хулоса шуки, ҳуқуқнинг имкониятларини, юридик шаклнинг аҳамиятини ҳаддан ошириб, объектив ижтимоий муносабатларнинг устувор белгиловчи ролини, таъсисчи характерини назардан қочириш тўғри бўлмайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми жамиятдаги турли-туман ижтимоий муносабатларға мунтазам равишда ва муайян кетма-кетликда таъсир этиш жараёнидир. Ижтимоий муносабатлар мазмуни ҳам-

да ҳуқуқий нормалар руҳи мамлакат интилаётган мақсад ва вазифалар, яъни бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёни — ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир этиш, уларни амалга ошириш, ривожлантириш ва тақомиллаштиришнинг катъий белгиланган тартиби. Ҳуқуқий тартибга солиш, ҳар қандай ижтимоий жараён сингари, ўз бошланиш ва ниҳояланиш нуқталарига эга. Бу жараён давлат томонидан ҳуқуқий нормалар яратишдан бошланади. Ҳуқуқий норма халқнинг давлат идорасини ўзида ифодаловчи, уни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига етказувчи восита сифатида вужудга келади ва амал қилади.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнини қуйидаги *уч асосий босқичга* ажратиш мумкин:

- 1) ижтимоий муносабатларни меъёрга солувчи юридик норманинг яратилиш босқичи;
- 2) ҳуқуқий норманинг амал қилиш босқичи;
- 3) юридик нормада назарда тутилган ҳолатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келганида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг амалга оширилиш босқичи.

Мазкур уч босқичдан ташқари яна бир боғловчи қўшимча (факкультатив) босқич — *ҳуқуқни қўллаш босқичи* ҳақида гапириш лозим.

Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнининг уч босқичига ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг учта муҳим элементи (ҳуқуқий ходиса) мувофиқ келади:

- а) ҳуқуқий нормалар;
- б) ҳуқуқий муносабатлар;
- в) субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни амалга ошириш ҳужжатлари.

Ҳуқуқий тартибга солиш механизми — ижтимоий муносабатларга жамият ҳамда давлат олдида турган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб самарали ҳуқуқий таъсир этилишини таъминловчи юридик воситалар тизими. Ҳуқуқий тартибга солиш жараёнидаги барча ҳуқуқий воситаларнинг «механизм» ибораси билан изоҳланиши бежиз эмас. Чунки ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида намоён бўлувчи қисмлар ягона бир бутун механизмни ташкил этади.

«*Ҳуқуқий тартибга солиш механизми*» тушунчаси «хуқуқий устқурма» (ёки устқурманинг хуқуқий қисми) тушунчасига яқин туради. Ҳар икки тушунча таркибига хуқуқ нормалари, хуқуқий муносабатлар, норматив-хуқуқий ҳужжатлар, хуқуқий онг, хуқуқий маданият ва бошқа хуқуқий воқеликлар киради. Бирок бу унсурлар ягона механизмнинг таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилинганида эътиборни хуқуқий устқурманинг динамик томонига, хуқуқий таъсир этиш жараёнидаги юридик воситаларнинг бир бутун тизимдаги ўзаро ҳаракатига қаратиш лозим.

«*Ҳуқуқий тартибга солиш механизми*» тушунчаси ёрдамида ҳар бир хуқуқий институт (воқелик) нинг хуқуқий тартибга солиш тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаб олиш мумкин. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, механизм таркибига кирувчи хуқуқий институт бутуннинг таркибий қисми сифатида янги хусусиятларга эга бўлади.

Юридик муассасалар — хуқуқий тизимнинг институционал таркибий қисми. Жамиятнинг хуқуқий ҳаётига, умуман юридик воқеликка алоқадор бўлган, шунингдек давлатнинг хуқуқий сиёсатини амалга оширадиган ёки амалга оширишда иштирок этадиган ташкилотлар юридик муассасалар деб эътироф этилади. *Юридик муассасалар* деганда хуқуқ яратувчи, уни қўлловчи, муҳофаза этувчи ҳамда хуқуқ бузилишларига қарши курашиш билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари (институтлари) тизими тушунилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, махсус адабиётларда ва қонунчиликда «*муассаса*» иборасини бир хилда тушуниш йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ги қонунда муассаса нодавлат ташкилотларига киритилган. «Қонуннинг 13-моддасида «муассаса» қуйидагича таърифланади: «Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари муассаса деб эътироф этилади». Муассаса нотижорат ташкилот бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо, унга фақат нодавлат ташкилоти деб баҳо берилиши баҳслидир. Муассасаларнинг амалда кўпроқ тарқалган тури *давлат муассасалари* ҳисобланади. Улар асосан давлат бошқаруви вазифаларини бажаради ва уларнинг бундай хуқуқий лаёқати (макоми) фуқа-

ролик қонунчилиги билан тартибга солинмайди. Фуқаролик кодексининг 76-моддаси тўртинчи қисмига биноан, айрим турдаги давлат муассасалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари алоҳида қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

ФК нинг 76-моддаси биринчи қисмида «муассаса» тушунчаси, мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилган бўлишидан қатъи назар, бир хил маънода ифодаланади. Шу билан бирга, қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган бўлса, у фақат «муассаса» атамаси билан, давлат мулкига асосланган бўлса — «давлат муассасаси» атамаси билан ифодаланади.

Давлат муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, республика аҳамиятига эга бўлган ва фақат давлат бюджети асосида фаолият юритадиган вилоят, шаҳар ҳокимларининг қарорига асосан, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муайян давлат идоралари томонидан ташкил этилади.

Муассасалар турли фаолиятларни амалга ошириш мақсадида тузилиши мумкин. Масалан, бошқарув, таълим, медицина, илмий-тадқиқот, маданият ва спорт билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш мақсадида муассасалар ташкил этилиши мумкин.

Бошқарувни амалга ошириш мақсадида асосан давлат муассасалари тузилади¹.

Ҳуқуқий тизим юридик муассасаларсиз, яъни тегишли ташкилий-институционал тузилмалар фаолиятсиз амал қилиши, фаолият юртиши мумкин эмас. Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий тизим таркибига *муносабатлар, қарашлар, ҳолатлар, жараёнлар, принциплар, статуслар, режимлар* билан бир қаторда *институтлар* (ташқилотлар) киради². Ҳуқуқий тизимнинг мураккаблиги ундаги ижтимоий муносабатларнинг турли-туманлиги, бойлиги ва унда кечадиган ижтимоий жараёнларнинг ҳамда тенденцияларнинг ўзаро қарама-қаршилиги билан изоҳланади. Ушбу тизим ичидаги ўзаро алоқалар, му-

1 Қаранг: Раҳмонқулов Х. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. — Т., 2008. — Б. 148.

2 Қаранг: Матузов Н. И. Правовая система и личность. — Саратов, 1987. — С. 27.

носабатлар ҳамда боғлиқликлар кўп ҳолларда юридик муассасаларнинг серкирра фаолияти орқали амалга ошади.

Юридик муассасалар сирасига парламент, президент, ҳукумат, суд ҳокимияти органлари, адлия идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратура, ички ишлар органлари, божхона, солиқ идоралари), инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, шунингдек нодавлат юридик муассасалар — адвокатлар, юристлар, судьялар ассоциациялари, юридик хизмат кўрсатиш фирмалари, ФХДЁ идоралари, хусусий нотариат ва адвокатлар бюрolari, инсон (фуқаро) ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи турли уюшма ва жамғармалар — киради.

Юридик амалиёт ҳуқуқий тизим фаолиятининг натижаси сифатида юзага келади. Ушбу воқеликнинг таҳлилига уч хил ёндашув мавжуд. Биринчи тоифа олимлар (И. Я. Дюрягин, А. Герлох) юридик амалиётни юридик фаолият билан айнан бир деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар (С. С. Алексеев, С. И. Вильнянский) унга юридик фаолиятдан алоҳида ходиса деб қараб, ҳуқуқий фаолиятнинг моддийлашган яқуни, тажрибаси сифатида эътироф қилдилар. Учинчи нуқтаи назар тарафдорлари (В. К. Бабаев, В. П. Реутовнинг) фикрича, ҳар қандай юридик амалиёт ҳуқуқий фаолият билан унинг негизда шаклланган ижтимоий-ҳуқуқий тажрибанинг муштараклигидир¹.

Биринчи ёндашувда юридик амалиётдан унинг муҳим қисми бўлган юридик тажриба эътибордан четда қолдирилмоқда, иккинчисида юридик фаолият тажрибадан ажратилиб, ўзаро қарама-қарши қўйилмоқда. Аслида, юридик амалиётнинг табиатини, таркибий элементларини, ўтмишдаги, ҳозирги ва келгусидаги диалектикасини очишда юридик фаолият билан ижтимоий-ҳуқуқий тажрибанинг ҳуқуқий тартибга солиш механизми ва ҳуқуқий тизимда аҳамиятини биргаликда англаш ниҳоятда манتيқийдир. Ҳуқуқий тажриба юридик амалиётнинг муҳим таркиби бўлиб, жамоавий ижтимоий-ҳуқуқий хотирани абадийлаштиради, ҳуқуқий фаолият натижаларини жамлаш, тизимлаштириш, сақлаш ва ҳуқуқий ахборот, мерос (билим, укув, ёндашув,

1 Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс. в 2-х томах. Т. 2. Теория права./Под ред. М. Н. Марченко. — М., 1998. — С. 343.

бахолаш ва ш. к.) нинг авлоддан-авлодга етказилишини таъминлайди. И. Гёте: «Тажриба — абадий ҳаёт муаллими»¹, — деб ёзган эди.

Юридик амалиёт ҳамиша ҳуқуқ ижодкорлиги ёки ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг натижасидир. Мазкур натижа қанчалик унумли бўлса, ҳуқуқий тизимнинг ишончлилики ва самарадорлики даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Ҳуқуқий тизим кишилики жамиятининг муносиб ва мўътадил маромли ҳаёт кечирешини таъминлаш учун вужудга келтирилади. Унинг якунловчи элементи бўлмиш юридик амалиёт реал ҳаётда ҳуқуқий нормалар нима бераётгани ва улар қандай қўлланилаётганини яққол кўрсатади.

Демак, *юридик амалиёт* тўпланган ижтимоий-ҳуқуқий тажриба асосида ҳуқуқий нормаларни яратиш, шарҳлаш, қўллаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ фаолиятдир.

Юридик амалиётнинг қуйидаги белги-хусусиятлари унинг моҳияти ҳамда табиатини янада теранроқ англашда ёрдам беради:

- 1) юридик амалиёт ижтимоий-тарихий амалиётнинг бир тури бўлганлиги боис унга ҳар қандай ижтимоий амалиётга оид бўлган хусусиятлар хосдир;
- 2) юридик амалиётсиз ҳеч бир жамият ҳуқуқий тизими вужудга келиши, ривожланиши ва фаолият кўрсатиши мумкин эмас. У мазкур тизимдаги норматив-ҳуқуқий ва индивидуал-аниқ қоидаларни, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни, ҳуқуқий ғоялар ва улар асосида қабул қилинаётган қарорларни муштарак бир бутунликка уюштиради;
- 3) юридик амалиёт жамият маданиятининг муҳим қисмини ташкил этади. Масалан, Қадимги Рим ёки қадимги Шарқ давлатлари ҳуқуқий меросини (қонунлар, суд қарорлари ва ҳ. к.) ўрганиш нафақат ўша мамлакатлардаги муайян ҳуқуқий вазиятни, балки уларнинг иқтисодиёти, сиёсати, аҳолининг ҳуқуқий мақоми, давлат ва ижтимоий тузуми кабилар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин;
- 4) юридик амалиётнинг ижтимоий, жамовий табиати қуйидагиларда намоён бўлади: *биринчидан*, ижтимоий амалиётнинг бошқа

¹ Каранг: Слово о науке. Кн. 1. — М., 1976. — С. 187.

типлари томонидан белгиланади; *иккинчидан*, ҳар қандай юридик фаолият ҳуқуқ субъектлари ва муносабат иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорликнинг муайян шаклини, ахборот ва натижалар бўйича алмашинувни тақозо этади; *учинчидан*, жамлашиб борадиган ижтимоий-ҳуқуқий таҷриба биргаликдаги фаолиятнинг умумий маҳсули ҳисобланади;

- 5) ҳуқуқий ғоя ва тушунчалар яратиш билан боғлиқ назарий фаолиятда юридик амалиётнинг фарқи шундаки, у ташқи воқеликни реал ўзгартиришга йўналтирилгандир. Ташқи муҳитни англаш, умуман онг ҳар қандай амалий фаолиятни идрок этади, юридик амалиётни ботиний тарзда белгилайди;
- 6) юридик амалиёт ижтимоий ҳаётни мақсадли ўзгартиришга кўмаклашади. Бунга янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар киритиш, уларни шарҳлаш ва аниқлаштириш, қўллаш орқали эришилади;
- 7) юридик амалиёт жараёнида турли-туман моддий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа ўзгаришлар юз беради. Унинг хусусияти шундаки, ҳар қандай вазиятда доимо тегишли юридик оқибатлар келтириб чиқаради;
- 8) юридик амалиёт ҳуқуқ ёки бошқа ижтимоий нормалар (ахлоқий, корпоратив, анъанавий ва х.к.) томонидан тартибга солинади. Масалан, юридик амалиёт иштирокчилари (субъектлари) нинг ваколатлари, фаолиятининг усул ва воситалари, қарор чиқариш ҳамда тўпланган таҷрибани мустаҳкамлаш услублари норматив-ҳуқуқий қоидалар ёрдамида белгиланади;
- 9) юридик амалиётнинг асосий турлари (ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, суд ва тергов амалиёти кабилар) маҳсус иш жараёни бўлиб, тегишли тарзда режалаштирилади ва ташкил этилади, улар ўз усул, восита ҳамда технологиясига эга. Юридик амалиётнинг барча йўналишлари тегишли юридик малака ҳамда касб савиясини талаб қилади. Юридик амалиёт субъектларининг профессионал даражаси бу соҳанинг узвий жиҳатидир;
- 10) юридик амалиёт жамият ҳаётининг барча соҳаларига у ёки бу даражада таъсир этиб, рўй бераётган жараёнларни ё ривожлантиради, ё секинлаштиради. Ушбу методологик муҳим

қоидани жамиятни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа йўналишларда қайта ташкиллаштиришда эътиборга олиш лозим. Масалан, сифатсиз норматив ҳужжатлар қабул қилиш, ҳуқуқий нормаларни нотўғри изоҳлаш (шарҳлаш), уларни ҳаётга етарлича татбиқ этмаслик мамлакатда маърифий фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнини сусайтиради.

Юридик амалиётнинг юқорида баён этилган хусусиятлари унинг ҳуқуқий тизимда муҳим ўрин тутишидан далолат бериб турибди.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тизимнинг ғоявий-маънавий жиҳатини ташкил этувчи ижтимоий ҳодисалардир.

Ҳуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий онгнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, одамлар улар ёрдамида атроф оламни, жамиятни англайдилар. Ижтимоий онгнинг сиёсий, ахлоқий, эстетик, диний, ҳуқуқий шакллари ажратилади. Аммо реал ҳаётда кўпгина вазиятлар, шарт-шароитларга фақат ҳуқуқ, мажбурият, масъулият нуктаи назаридан қаралади. Бу жиҳатлар ҳуқуқий онгда ўз инъикосини топади.

Ҳуқуқий онг деганда кишиларнинг ҳуқуқ ҳақида тушунча ва билимларга эга бўлишлари, инсон онгида ҳуқуқ борасидаги тасаввурларнинг ҳосил бўлиши тушунилади. Ҳуқуқий онг, аввало, ҳуқуқни, одамларнинг реал ва идеал ҳуқуққа муносабатини ифода этувчи тасаввурлари ва ҳис-туйғуларидир. Ҳуқуқий онг — жамият аъзоларининг ҳуқуқ ҳақидаги, ижтимоий ҳаётда мавжуд ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги қарашлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, баҳолари, руҳий муносабатлари йиғиндиси. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқий онгнинг табиати ва моҳиятига шу нуктаи назардан, ёндашиладиган бўлса, унинг мазмунида фуқароларнинг жамиятда қарор топаётган демократик ҳуқуқий кадрият ва тамойиллар, ҳуқуқий тизимдаги ислохотлар ва модернизациялаш жараёнлари хусусидаги қарашлари, тасаввурлари, ҳиссиётлари, руҳий кечинмалари мажмуи акс этади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ билан умумий табиатга эга. Ҳуқуқий онг жамиятнинг объектив эҳтиёж ва манфаатлари, турли ижтимоий гуруҳлар таъсирида шаклланади; ўзгариб боровчи ҳаётининг шарт-шароитлар ва жараёнлар таъсирида жўшқин ривожланади; ижтимоий онг-

нинг таркибий қисми бўлгани боис фалсафий, мафкуравий ва сиёсий қарашлар таъсирга учрайди.

Ҳуқуқий онгнинг жамият ҳаётини ташкил этишга кўрсатадиган таъсири бекиёсдир. Мазкур омилни ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш воситаларидан бири сифатида ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмига киритилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Унинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг таркибий қисми эканлигининг хусусияти шундаки, ҳуқуқий онгнинг роли ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бирор босқичи билан чекланмаган. Ҳуқуқий онг ҳуқуқ ижодкорлиги босқичида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш босқичида ҳам амал қилади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг барча элементларида — ҳуқуқ нормаларида, ҳуқуқий муносабатларда, ҳуқуқни рўёбга чиқаришга доир ҳужжатларда у ёки бу даражада намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқни амалга ошириш босқичида юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида айниқса яққол кўзга ташланади. Кишилар ҳаёти шуни кўрсатадики, онг, фикр, ирода кучи, турмуш тарзи ҳақиқатан ҳам одамларнинг ҳулқ-атвори-ни бошқаради, турмушнинг барча соҳаларида, шу жумладан, ҳуқуқий соҳаларида одамларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятига туртки беради, уларни тартибга солади¹.

Ҳуқуқий онг шаклланиши ва ривожланишига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий анъаналар таъсир кўрсатади. Унда гўёки иккита асос — объектив ва субъектив асос уйғунлашади. Ҳуқуқий онг шунинг учун объективдирки, у инсон жамиятда туғилиб, ҳаёт кечирар экан, ижтимоийлашув жараёнида аждодлар томонидан яратилган кадрятларни ўзига сингдиради.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар «ҳуқуқий онг» тушунчасига ҳуқуқ нормаларини киритадилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий онгнинг шаклланган элементларидир. Шубҳасиз, норматив хусусият — ҳуқуқий онг сифати тавсифида энг муҳим жиҳат. Айни чоғда у ижтимоий муносабатларнинг (ҳуқуқий муносабатларнинг) ало-

1 Багафсил маълумот учун қаранг.: Давлат ва ҳуқуқ назарияси/Проф. Х. Т. Одилокorieвнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2009. — Б. 293.

ҳида тури сифатида тушунилади. Ҳуқук ва ҳуқуқий онгнинг ўзаро алоқаси мураккаб¹.

Ҳуқуқий онг ҳуқукдан олдин юради, негаки ҳуқук жамиятда мавжуд бўлган қарашлар ва йўл-йўриқларни ифодалайди. Бошқа томондан, жамиятда амал қилаётган ҳуқук тизими ҳуқуқий онгга таъсир кўрсатувчи энг муҳим омидир. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларининг амал қилиши, қўлланиши ва уларга риоя этилиши фуқаролар ҳуқуқий онгининг даражасига бевосита боғлиқ. Ҳуқук тизимининг сифати ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти ва мазмунига ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам таъсир кўрсатади².

Ҳуқуқий маданият жамият умумий маданиятининг таркибий қисмидир. Шу боис ҳуқуқий маданият деганда жамиятнинг ҳуқуқий ҳаёти, ҳуқуқий воқелиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий онг ривожига эришилган даражани ифодаловчи маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлар тизими ҳамда унга мувофиқ тарзда қарор топадиган қонунга итоатгўйлик ва мамлакатда ҳуқуқий тартибот муҳитини ўрнатиш учун ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тушунилади³. Ҳуқуқий маданият жуда муҳим ижтимоий ҳодисадир. Уни ташкил этувчи аниқ жиҳатларни тасаввур этмоқчи бўлсак, бу аслида, ҳуқуқий тафаккур, юридик техника ва ҳуқуқий амалиёт ютуқларини қамраган амалдаги барча ижобий ҳуқуқий ҳаёт ҳодисаларининг йиғиндиси эканлигини англаш лозим⁴.

Ҳуқуқий маданият кенг қамровли, серкирра, сермаъно ҳодиса бўлгани боис, уни биргина таъриф доирасига сиғдириш мушкул. Ҳуқуқий маданият, юқорида таъкидланган белги ва хусусиятлардан ташқари, қуйидаги жиҳатларни ҳам ўзида мужассамлаштиради:

- ҳуқуқий воқеликни англаш, яъни ҳуқуқий онгнинг муайян ҳолати;

1 Проблемы общей теории права и государства/Отв. ред. проф. В. С. Нерсесянц. — М., 2001. — С. 387.

2 *Маматов Х.* Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. — Т., 2009. — Б. 117–118.

3 Ўша асар. — Б. 406–407; *Сальников В. П.* Правовая культура//Общая теория права — Ниж. Новгород, 1993 — С. 500.

4 *Сальников В. П.* Ўша асар. — Б. 500–501.

- умумий маданий шарт-шароитлар, жамиятнинг маърифий даражаси;
- аҳолининг ҳуқуқни, қонунларни билиш даражаси, ҳуқуқ нормаларига ҳурмат даражаси, уларнинг нуфузи;
- ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларининг сифати;
- ҳуқуқий фаолиятнинг, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, бошқарув ва бошқа фаолиятнинг самарали усуллари;
- фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунга итоаткорлиги¹.

Академик Ш.З. Ўразаевнинг талқинига кўра, «ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий тизимнинг етуклигини, ривожланганлигини, қонунийлик ҳолатини, кишиларнинг ҳуқуқий талабларга, қонунга муносабатини, аҳоли кенг оммасининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини, уларнинг ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини қамраб олувчи кенг тушунча»². Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш, ҳуқуқий нормаларни бажариш, ҳуқуқий талабларни билиш ҳамда уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга оид барча масалалар кишиларнинг ҳуқуқий маданиятлилик даражасига боғлиқдир.

Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуққа, қонунга муносабати ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, таърифлари, ҳис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир. «Ҳуқуқий онг — ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуққа, ҳам уларнинг ўзлари истаган ҳуқуққа муносабатини ифода этадиган тасаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир»³.

Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожини ва ҳуқуқий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичидир. Шу муносабат билан «жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, — деб таъкидлайди мамлакат Президенти И. А. Каримов, — кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги

1 Қаранг: *Маматов Х.* Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. — Т., 2009. — Б. 65–67.

2 Қаранг: *Уразаев Ш. З.* Перестройка и правовая культура. — Т., 1988. — С. 5–6.

3 *Халилов Э. Х.* Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. — Т., 2001. — Б. 12.

ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ»¹. Ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг маърифий савияси, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан хабардорлик ҳолати, фуқароларнинг қонунга ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиши, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик даражаси тушунилади.

Ҳуқуқий маданият шартли равишда жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятига ажратилади. *Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти* — ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданият тури. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва ҳавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилиши ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахс ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди.

Шундай қилиб, шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти умуминсоний кадриятлар тушунчалари ва инсоният умумдемократик ютуқларининг муҳим натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми.

Ҳуқуқий маданият қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- юридик нормалар тизими бўлмиш ҳуқуқ;
- ҳуқуқий муносабатлар, яъни қонун билан тартибга солинган ижтимоий муносабатлар тизими;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва таъминлаш фаолияти билан шуғулланувчи давлат ва жамият институтлари тизими бўлмиш юридик муассасалар;

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 27.

- ҳуқуқий онг, яъни ҳуқуқий воқеликни маънавий жиҳатдан акс эттирувчи тизим;
- ҳуқуқий ҳатти-ҳаракат.

Ҳуқуқий маданиятнинг тараққиёти шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳажмининг кенгайиши, уларнинг ҳимояланганлик даражасининг кўтарилишидир. Ҳуқуқий тараққиёт марказида шахс, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради. Шу билан бирга, ҳуқуқий ҳаёт ўз мазмунига жамиятнинг олий кадрияти бўлмиш инсоннинг «барча нарсалар мезони» деган мақомини мустаҳкамлашга бўйсундирилган жами ҳуқуқий воситалар, механизмлар ва институтларни камраган ҳуқуқий маданиятга таянади.

Устувор мақсад ва вазифаларни белгилаб олмай туриб жамиятнинг ҳуқуқий ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш вазифасини юксак ҳуқуқий маданиятсиз амалга ошириб бўлмайди. Худди шунингдек, ҳуқуқ ўзига муносиб олий кадрият ўрнини эгалламас экан, демократик фуқаролик жамиятини яратиш бўлмайди. Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган принцип ва нормаларининг миллий ҳуқуқдан устунлиги тан олинмоқда. Бу ҳуқуқий маданиятимизга барча илғор ғояларни ва тараққиётни таъминловчи ўзгаришларни сингдириш учун йўл очмоқда, халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топган умуминсоний кадрият ва идеалларни ҳуқуқий маданиятимиз ривожланиши учун мезон ва йўналиш сифатида белгилаб бермоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жамият, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни талаб қилади. Шу боис ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири — ҳуқуқий маданиятдир. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш учун кенг қўламли демократик ислохотларни амалга оширмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришни назарда тутаяди. Жамиятда кишилар қанчалик юқори маданиятли бўлсалар, ҳуқуқ нормаларини билсалар, қонунларни, юридик адабиётларни ўқиб, уларга амал қилсалар, ҳуқуқ бузилиши ҳоллари шунчалик кам бўлади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, 1997 йил 29 августда Ўз-

бекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинди. Унда мамлакат миқёсида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, оммабоп юридик адабиётларни кўпайтириш, халқнинг юридик соҳадаги билимларини оширишга катта эътибор қаратилиб, жамият ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш масаласи кун тартибига қўйилди.

Жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муайян мақсадлар кўзда тутилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий маданият бир қанча функцияларни бажаради. Ҳуқуқий маданиятнинг регулятив (тартибга солувчи), норматив, социологик (ижтимоий) ҳуқуқий, коммуникатив (алоқалар ўрнатиш), прогностик (башоратлаш) функциялари шулар жумласидандир.

Ҳуқуқий сиёсат — ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асослари, принциплари, йўналишлари, вазифалари, стратегияси ва тактикасидир. У давлат томонидан шакллантирилади ва амалга оширилади.

Ҳуқуқий сиёсат — умумий давлат сиёсатининг кенг қамровли, муҳим шакли. Ҳар қандай сиёсат каби ҳуқуқий сиёсат ҳам жамият турмуши ривожланишининг амалий соҳасига тааллуқли, давлат ва маҳаллий органларнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлароқ таъминлаш, интизом, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатчилик, жамият ҳамда шахс ҳаётида ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражасини шакллантириш соҳасидаги илмий асосланган, изчил ва тизимли фаолиятidir.

Давлатнинг ҳуқуқий сиёсати унинг қонун яратиш фаолиятида, шунингдек ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикасида адолатли демократик давлатчилик қарор топаётган вазиятда ҳуқуқий сиёсат мавзусини, бундай сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишнинг фундаментал масалаларини илмий тадқиқ этиш долзарб вазифадир. Чунки мамлакатда юритилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш ҳу-

кукий тизимни муваффақиятли ислоҳ этиш ҳамда самарали ва аник ишловчи механизм сифатида ташкил этиш гаровидир¹.

Ҳукукий сиёсатнинг намоён бўлиш жабҳалари ҳақиқатан ҳам кенг. Бу сиёсат қонунлар яратиш, уларни қабул қилиш жараёнида ҳам, қонунлар ва бошқа ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳам бевосита намоён бўлади. Ана шу йўналишлардаги турли-туман фаолиятнинг ўзагини, «қон томири»ни давлатнинг ҳукукий сиёсати ташкил этади.

Ҳукукий сиёсатнинг моҳияти масаласи ўта муҳим методологик масалалардан биридир. Аслида, ҳукукий сиёсат — давлатнинг ҳукукий ҳаётни ташкил қилиш, бошқариш ҳамда тартибга солишга қаратилган, тизимли тарзда расмийлашган ва ифодаланган иродаси, стратегик йўли.

Ҳукукий сиёсат жамиятда ҳукукий тартибни таъминлаш восита ва механизмларини вужудга келтиришга йўналтирилган фаолият бўлиб, фақат ҳуқуқ ёрдамида ва у орқали амалга оширилади. Давлатнинг алоҳида йўналишдаги фаолияти сифатида ҳукукий сиёсат стратегик мазмунга эгалиги ва пухта ўйланганлиги билан ажралиб туради. Унинг асосида муайян мақсадлар мавжуд. Ҳар қандай сиёсат заминиде ижтимоий аҳамиятли, «стратегик характердаги ҳукукий ғоялар ётади»².

«Ҳукукий сиёсат ҳукукий ҳаётни ташкил этиш усулидир»³. Ҳукукий сиёсат давлат амалга оширадиган жами ҳукукий чора-тадбирларни, фаолиятни ташкил этади, ҳокимиятнинг ҳаракат йўналишини белгилайди. Ҳукукий сиёсат ҳукукий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг таркибий ўзаги, мафқураси сифатида алоҳида мазмун касб этади.

Профессор Н. И. Матузовнинг ҳукукий сиёсатга берган қуйидаги таърифи эътиборни тортади. «Ҳукукий сиёсат — давлат ва маҳаллий

1 *Таджиханов Б. У.* Ҳукукий сиёсат ва ҳукукий тизимни модернизациялаш. — Т., 2007. — Б. 4.

2 *Коробова А. П.* Правовая политика: понятие, формы реализации, приоритеты в современной России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2000. — С. 15.

3 *Малько А. В.* Правовая политика как способ организации правовой жизни//Российская правовая политика. — М., 2003. — С. 528.

органларнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш борасидаги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатчилик, жамият ҳамда шахс ҳаётида ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражасини шакллантириш соҳасидаги илмий асосланган, изчил ва тизимли фаолиятидир»¹. «Ҳуқуқий сиёсат — давлатнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини қарор топтириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий тарбия ва маданиятнинг юксак даражасини таъминлаш йўлида юридик воситалардан оқилона фойдаланиш борасидаги мунтазам фаолиятидир»².

Ҳуқуқий сиёсат давлатнинг расмий сиёсати сифатида майдонга чиқади. Ҳозирги кун ҳуқуқий сиёсат борасида кенг қўламда олиб борилаётган ишлар, айниқса либераллаштириш чора-тадбирлари янги демократик ҳуқуқий сиёсатга ўтиш воситаси бўлиб хизмат қилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган фаолият бўлгани боис унинг субъектлари қаторига ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни бажарувчи органлар ва мансабдор шахсларни киритиш мумкин. Бу ўринда умумий ваколатларга эга бўлган субъектлар (давлат бошлиғи, парламент, ҳукумат)ни ҳам, махсус субъектлар (суд органлари, адлия органлари, ички ишлар органлари кабилар)ни ҳам ажратиш мумкин. Кўрсатилган органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳар бири аниқ белгиланган вазифаларни бажаради, уларнинг барчаси биргаликда давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширади.

Шундай қилиб, *ҳуқуқий сиёсатни* давлатнинг ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш борасидаги расмий фаолияти, ҳуқуқ соҳасида давлат томонидан эътироф этилган ва амалга оширилаётган ғоялар, кадриятлар, кўрсатмалар, мақсадлар, вазифалар ва амалий чора-тадбирларнинг илмий асосланган тизими деб таърифлаш мумкин.

1 Матузов Н. И. Актуальные проблемы российской правовой политики//Государство и право. — 2001. — № 10. — С. 5.

2 Одилқориев Х. Т. Конституциявий-ҳуқуқий сиёсат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш//Ҳуқуқ-Право-Law. — 2002. — № 4. — Б. 3–4.

Ҳукукий сиёсат, бошқа ҳар қандай сиёсат сингари, келажакка йўналтирилади. Унинг замирида ҳуқуқнинг оқилона ривожланишини белгилайдиган маълум мақсадлар, вазифалар ва концептуал ғоялар, унинг мўлжал ва натижалари ётади. Бошқача айтганда, ҳукукий сиёсат башоратлаш элементларини ҳам ўз ичига олади.

Ҳукукий сиёсатнинг моҳияти ва мазмунини таҳлил қилиш қуйидаги хулосага олиб келади: жамият ва давлат ҳукукий ривожланишининг муайян йўли қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини башорат қилмасдан, уларга баҳо бермасдан ҳукукий сиёсатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳукукий сиёсатнинг мақсади ҳукукий тизимни ҳаракатлантиришга, аниқроқ айтганда, жамиятни ҳукукий ташкил этишга қаратилгандир¹.

Ҳукукий сиёсат ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ишончли воситаси бўлган ҳуқуқ ёрдамида ижтимоий ҳаётни демократлаштиришга хизмат қилади. Бунда ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳукукий тарбия, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, одил судлов кабилар ҳукукий сиёсатни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

«Ҳукукий сиёсат давлат-ҳукукий хусусиятга эга бўлганлиги сабабли кучли ва самарали қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда мустаҳкам, легитим, қолаверса, нуфузли ҳокимиятга таяниш заруриятини такозо этади»². Шунинг учун ҳам, либераллаштириш жараёнида ҳукукий сиёсатни амалга ошириш учун қонун ижодкорлигини такомиллаштириш, қонунларнинг сифатини ошириш, уларни тизимлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Шундай қилиб, ҳукукий сиёсат давлатнинг ҳукукий ҳаёт соҳасидаги тизимли расмийлаштирилган иродаси бўлиб, давлатнинг ижтимоий муносабатларни ҳукукий тартибга солиш механизминини қарор топтириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини устувор таъминлаш, қонунийлик ва ҳукукий тартиботни мустаҳкамлаш, ҳукукий тарбия ва маданиятнинг юксак даражасини таъминлаш мақсадида

1 Қаранг: *Матузов Н. И.* Правовая политика: сущность, концепция, реальность// Российская правовая политика. — С. 83.

2 Қаранг: *Исломов З.* Ҳукукий сиёсатнинг шаклланиши ва амалга оширилишида юридик фаннинг аҳамияти... — 9 б.

юридик воситалардан оқилона фойдаланиш борасидаги мунтазам фаолиятидир¹.

Ҳуқуқий мафкура давлатчилик, ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий ҳаёт ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар, қарашлар ва билимларнинг умумлаштирилган тизимидир. Ҳуқуқий мафкура турли ижтимоий манфаатларни аниқлаш, назарий англаш, уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали эришиладиган муроасага келтириш жараёни сифатида шаклланмоғи лозим. Ана шундагина ҳуқуқий мафкура инсон ҳуқуқлари устуворлиги, ҳокимиятлар тақсимланиши, сиёсий хурфикрлик, суднинг юксак нуфузи каби тамойилларга таянувчи иқтисодиёти ва ҳуқуқий маданияти илғор ривожланган жамиятга хос улкан ахлоқий салоҳиятни акс эттиради².

Ҳуқуқий мафкура мавжуд ёки қарор топаётган ҳуқуқий муносабатларни, қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолатини асослайди ҳамда баҳо беради. Уни шакллантиришда юристлар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар ва бошқа соҳа олимлари иштирок этадилар. Улар жамият ҳаётининг аниқ тарихий шарт-шароитларини, ижтимоий кучлар нисбатини, ижтимоий онг даражасини, аҳоли руҳиятини, халқ иродаси ва манфаати каби омилларни инобатга оладилар.

Ҳуқуқий мафкуранинг негизи, асосий элементи сифатида ҳуқуқий билимлар майдонга чиқади. Ҳар бир инсон ўз давлатининг Конституцияси ва қонунларини билиши, уларда фуқаролар учун мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда бурчларни муфассал тасаввур этиши лозим. Аҳолининг ҳуқуқий билим савиясини юксалтирмасдан туриб жамиятнинг илғор тараққиёти ва истиқболига умид боғлаш қийин. Ҳуқуқшунос Н. С. Соколова ҳуқуқий мафкурани назарий даражада намоён бўлувчи ҳуқуқий онг деб эътироф қилиб, уни ҳуқуқий таълимотлар, назариялар, тизимлаштирилган илмий ғоя ва қарашлар, ақлий йўриқ ҳамда парадигмалар йиғиндиси тарзида таърифлайди³.

-
- 1 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституциявий-ҳуқуқий сиёсат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш//*Ҳуқуқ–Право–Law*. — 2002. — № 4. — Б. 3–4.
 - 2 Қаранг: *Общая теория государства и права. Академический курс. Т. 3.* — М., 2001. — С. 305–307.
 - 3 Қаранг: *Проблемы общей теории права и государства/Под ред. В. С. Нерсеянца.* — М., 2008. — С. 386.

Хуқуқий мафкура ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи назар, тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳуқуқий онгнинг ҳуқуқий мафкура қисмида акс этган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади.

Бундай илмий асарларнинг мазмуни одамларнинг маънавий мулкига айланиб, улар онгига аниқ ҳуқуқий билим, мулоҳаза, эътиқод ва кайфиятлар олиб киради. Инсон онгидаги ҳуқуқни англаш жараёни юқорида зикр этганимиздек ёки шунга яқинроқ тарзда кечади. Инсон ҳуқуқий онги орқали ҳуқуқни англаш билан уни қўллаш жараёнида, суд ишларида, қонунийлик ва қонун тўғрисида ахборот олинади. Шундай ахборот асосида ҳуқуқий маданият даражаси юксалади, инсоннинг ҳуқуқий билими ривожланади ва теранлашади. Инсон ҳуқуқий феъл-атворининг қандайлиги пировардида унинг ҳуқуқий маданияти даражасига, ҳуқуқий билимининг кенглиги ва теранлигига боғлиқ. Ҳуқуқий мафкура шахснинг ҳуқуқий онгини илмий асосда шакллантира бориб, ҳуқуққа, инсоннинг унга бўлган муносабатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Моҳият-эътибори билан миллий ҳуқуқий мафкура — жамият ҳуқуқий онги юксак даражасининг кўрсаткичидир. У Ўзбекистоннинг жаҳон халқлари маърифийлашган оиласига кириб, унда маънавий ва тарихий салоҳиятига мутаносиб равишда муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берувчи энг муҳим ҳуқуқий қадриятларни ифодалайди.

Агар негизида кишиларнинг руҳий кечинмалари ётадиган ҳуқуқий руҳиятга таққослайдиган бўлсак, мафкура ундан яхлит ижтимоий тузилма сифатида ҳуқуқнинг мақсадга йўналтирилган илмий, фалсафий англаниши билан фарқ қилади.

Ҳуқуқий мафкура ҳуқуқни билиш даражаси ва табиатига кўра ҳуқуқий руҳиятдан анча юқори туради. Агар ҳуқуқий руҳият ҳуқуқий ҳодисаларнинг ташки, кўпинча ҳиссий жиҳатини, муайян бир қисмини қайд этадиган бўлса, ҳуқуқий мафкура ҳуқуқнинг моҳиятини, ижтимоий мазмунини, табиатини очиқ беришга, уни мукамал маданий-тарихий *фалсафа ва ақида* кўринишида тақдим этишга интилади.

Демократик ҳамда ижтимоий-маданий, тарихий асосланган давлат-ҳуқуқий мафкурага эга бўлиш ҳар қандай жамият фаолиятининг

хаётӣ муҳим шартидир. Шу маънода, бизнинг жамият ҳам бундан мустасно бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлаганди: «**Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир.**»¹

Шунинг учун Ўзбекистоннинг янги, демократик ҳуқуқий мафқурасига бўлган ижтимоий эҳтиёж ортиб бормокда. Бу мафқуранинг диктаторликка, уни давлат мафқураси сифатида ягона тўғри мафқура деб эътироф этишни талаб қилишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ижтимоий онгда бундай мафқурани тиклашнинг тамойиллари ва омиллари ўтмиш тажрибасидан тубдан фарқ қилиши керак. Бунда муаммонинг моҳияти мафқура билан яшаш керакми ёки йўқми, деган масалада эмас. Зеро, ҳар қандай ҳолатда ҳам қандайдир мафқура бўлади².

Юридик таълимот (фан) — ҳуқуқий тизимнинг назарий асосини ташкил этади. Давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгач, улар ҳақидаги қарашлар, таълимотлар ҳам пайдо бўлган. Қадимги Шарқ, Юнонистон ва Рим ҳуқуқшунослари томонидан ҳуқуқий тушунчалар, таърифлар, қоидалар шакллантирилган. Ҳозирги даврда ҳуқуқий воқеликни илмий тизимлаштирилган ҳолда талқин этувчи, таҳлил ва тадқиқ қилувчи мустақил нуфузли фан соҳаси — юридик таълимот, ҳуқуқшунослик (юриспруденция) қарор топди. У ҳуқуқий ҳаёт ходисаларини изоҳлаш, тушунтириш, илмий мушоҳада этиш, ҳуқуқий тизим тараққиётининг қонуниятларини очиш, унинг келгусидаги ривожини башоратлаш билан шуғулланади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил

1 Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Т. 1. Т., 1996. — Б. 203.

2 Қаранг: Ислоҳов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 541–542.

бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиёти-ни олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим»¹.

Янги демократик жамиятни қарор топтириш йўлига кирган мамлакатда, табиий равишда, шу мақсад ва интилишлар руҳига мос бўлган ҳуқуқий ғоя ва билимларни мужассам этувчи юридик таълимот ҳам шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Адолат — қонун устуворлигида» маърузасида бизда «янгича ҳуқуқшунослик мактаби ханузгача шаклланган эмас»², деганида замонавий демократик қадриятларга таянадиган, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари олийлиги, жамият ва шахс манфаатлари устуворлиги тамойилларини акс эттирган, юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган юридик таълимотни, ҳуқуқшунослик фанини назарда тутган эди. Юридик фан (ҳуқуқшунослик), унинг ижтимоий функцияси ва ҳуқуқий қадриятлар талқини ҳамда шаклланишидаги аҳамияти ҳақида кейинги фаслларда муфассал фикр юритамиз.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар, модернизациялаш жараёнлари давлат ва ҳуқуқ соҳасида қандай намоён бўлаётганлигини тадқиқ ва таҳлил этиш ҳуқуқшунослик фанининг асосий вазифасидир. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини, инсон ҳуқуқлари ва шахснинг ҳуқуқий муҳофазаланганлиги ғояларини англаш, таърифлаш ва ижтимоий онга сингдириш тегишли билимлар тизимини яратиш ва уни таълим тизими орқали тарғиб қилиш орқали рўй беради. Юридик билимларнинг умум эътирофига сазовор ғоялар тизими, таълимот, назарияга айланиши қуйидаги босқичларни босиб ўтади: 1) билишнинг турли усуллари (кузатиш, қийёслаш, эксперимент, моделлаштириш) ёрдамида янги ҳуқуқий билимлар ҳосил қилинади. Турли маълумот ва ахборотлар илмий талқин (билим) даражасига кўтарилади; 2) ҳосил қилинган ҳуқуқий билимлар асосида (анализ ва синтез, индукция ва дедукция, гипотеза

1 Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. — Т.:Ўзбекистон, 1999. — Б. 149–150.

2 Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — Б. 50–51.

яратиш орқали) янги ҳуқуқий ғоялар шакллантирилади; 3) юридик соҳадаги замонавий ва илғор билимлар (идеаллаштириш, шаклга солиш, редукция ва аксиомалаштириш орқали) муайян тизимга солинган, янги ҳуқуқий таълимот, назарияга айланади¹.

Юридик таълимот деганда ҳуқуқий ҳаёт, ҳуқуқий воқелик ҳақидаги билимларни назарий ифодалашнинг барча шакллари, яъни ҳуқуқий ғоялар, назарий концепциялар, қоидалар, илмий конструкциялар тушунилиб, уларда давлат ва ҳуқуқ ходисалари хусусидаги мантикий-категориал тушунча (ҳукм, хулоса) лар ўзининг мужассам талқинини топади. Юридик таълимот ҳуқуқий тафаккурнинг маҳсули сифатида жамиятда асрлар мобайнида шаклланган маданиятни, маънавий-ахлоқий кадрятларни илмий талқин этиш даражасига кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқий тизими тўғрисида фикр юритганда, бизнинг олдимизда куйидаги саволларга жавоб топиш масаласи туради: «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими аввал қандай кўринишда бўлган?», «Жамиятимиз ҳуқуқий тизимининг ҳозирги ҳолати қандай?» ва «Келажакда мамлакатимиз ҳуқуқий тизими қандай кўринишда бўлиши лозим?»

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизими шаклланишига оид тарихий манбалар мамлакатимиз ҳудудида илк пайдо бўлган давлатларда, жумладан, Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна, Парфия, Марғиёна, Дован, Қанғ, Кушон, Эфталитлар ва Турк ҳоконлигида одат ҳуқуқи амалда бўлганлигидан далолат беради.

VII асрда Марказий Осиё ҳудудига араблар бостириб келиши билан ҳуқуқий тизимда одат ҳуқуқи билан бирга ислом ҳуқуқи қоидалари ҳам амал қила бошлади. Муайян вақт ўтиши ва Араб халифалиги ўрнатилиши билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда мусулмон ҳуқуқи нормалари асосий ўринни эгаллаб, амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий тизимни сиқиб чиқара бошлади. Мамлакатимиз ҳудудида ҳукмронлик қилган Сомонийлар, Тохирийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғуллар, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва хонлиқлар даврида мусулмон ҳу-

1 Қаранг: Фалсафа: Комусий луғат/Масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т.: Шарк, 2004. — Б. 294.

куки нормалари ҳуқуқий тизимнинг асосий негизи сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солган¹.

1917 йилда Россиянинг Ўрта Осиёни забт этиши бу ерда амал қилган ҳуқуқий тизимнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Мамлакатимизнинг ҳуқуқ тизимига роман-герман ҳуқуқий оиласининг асосий элементлари жорий этила бошлади ва бу жараён совет ҳуқуқи амал қилган бутун давр мобайнида давом эттирилди. Ягона ҳукмрон мафкура асосида шаклланган, давлат мулкчилигининг мутлақ ҳокимлиги, нодемократик мустабид тузумга асосланган бошқарув тизими шароитида ҳуқуқий тизим элементлари шаклан Ғарб давлатлари ҳуқуқий тизимига ўхшаса-да, мазмунан ундан тубдан фарқ қиларди. Бу даврда ҳуқуқнинг жамиятдаги ўрни, роли ва аҳамиятига суэт характер хос эди.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида шаклланган ҳуқуқий тизим инсон манфаатларидан кўра давлат манфаатларини устувор акс эттириб, маълум маънода халқ ҳаётидан йироқ эди². Инсон манфаатларига эътибор берилмаганлигини ўша давр қонунчилиги мисолида кўриш мумкин. Масалан, совет давридаги Конституцияда (1977 й.) евроцентристик бошқарув зўравонлиги асосий ўрин эгаллагани ҳолда, у фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустақил амалга оширишларига тўсқинлик қиларди. Бошқа қонунлар ҳам ушбу Конституция асосида қабул қилинган бўлиб, мазмун жихатдан айнан шу «андоза»га мувофиқ яратилган эди.

«Бир юз ўттиз йилдан ортиқ мустамлака ҳолатида бўлган Ўрта Осиё халқлари ҳаётида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар билан бирга жамият ва инсонлар онгида маданий ва диний уйғониш пайдо бўлмоқда, фикрлар, қарашлар тубдан ўзгариб бормоқда. Жамият аъзоларининг маданий ва диний қарашларидаги бўшлиқлар ўрнини

-
- 1 Қаранг: *Файзиев М. М., Одилқориев Х. Т., Раҳимов Ф.* ва б. Ўзбекистон миллий давлатчилиқ назариясининг ҳуқуқий асослари. — Т., 2006; *Қосимов Р., Содиқов М.* Мустақиллик — олий неъмат. — Т., 2000; *Азамат Зиё.* Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. — Т., 2000; Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома/Масбул муҳаррир Ш. Каримов. — Т., 2000; *Муқимов З.* Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихий манбалари. — Зарафшон, 1995; *Тошқулов Ж., Саидов А. Х.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 1995; *Бартольд В. В.* Сочинения. Т. 1–8. — М., 1963–1973.
 - 2 *Муқимов З.* Ўзбекистон ҳуқуқининг тарихий манбалари. — Зарафшон, 1995. — Б. 107–112.

ушбу минтака халқлари учун анъанавий бўлган кадриятлар эгалламокда. Фуқаролар виждон эркинлиги, миллатларнинг тенглиги каби принципларга асосланиб, турли хил жамоат ташкилотларига бирлашмоқдалар. Маданий, диний муносабатлар тизимидаги ижобий ўзгаришлар, ўз навбатида, уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тегишли механизмларини яратишни кун тартибига қўймоқда»¹.

1991 йил 31 августда эришилган давлат мустақиллиги барча тизимлар каби ҳуқуқий тизимни ҳам янгидан барпо этишга имконият яратди. Давр талабидан келиб чиқиб, халқимиз манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда янги, демократик ҳуқуқий тизимни барпо этишга киришилди. Биринчи навбатда, давлатчилик асосларига ҳуқуқий пойдевор сифатида ҳуқуқий тизим гултожи — Конституция қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, — деб таъкидлади Президент И. А. Каримов, — мамлакат ҳудудида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим кадам бўлди... Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»². Конституция асосида давлат ҳокимият органлари ташкил этилди ва уларнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Фуқароларимизнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари, шу билан бирга давлатимизнинг асосий хусусиятларини кўрсатувчи нормалар ушбу нодир ҳужжатда ўз аксини топди. Дарҳақиқат, Конституция янгиланаётган жамиятимизнинг ҳуқуқий тизими биносини барпо этишда пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамиятимиз ҳуқуқий тизимининг бугунги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари бир маромда жадал ишламаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, қонунчилик фаолияти тез суръатларда ривожланаётган бўлса-да, уларни амалга ошириш, қўллаш фаолиятида муайян муаммолар борлиги кўзга ташланмоқда. Маълумки, ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг ҳаётга тўлиқ

1 Тожиҳонов Б. У. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида демократик ислохотлар. — Т., 2005. — Б. 54.

2 Ислом Каримов Конституция тўғрисида/Тузувчилар А. Х. Саидов, У. Таджихонов. — Т., 2001. — Б. 113.

татбиқ этилиши билан белгиланади. Энг пишиқ ва пухта қонун ҳам амалда ўз ифодасини топмаса, ҳеч қандай наф келтирмайди. Машҳур француз мутафаккири Ш. Л. Монтескье шундай деб ёзган эди: «Мен бирор мамлакатга борсам, у ерда яхши қонунлар мавжудлиги билан эмас, балки қонунларга қандай итоат этилаётганлиги билан қизиқаман, чунки яхши қонунлар ҳамма жойда бор»¹.

Миллий ҳуқуқий тизимнинг тамал тоши саналмиш қонунларни қабул қилиш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «ишнинг 50 фоизини ташкил этади. Энг муҳими, қабул қилинган қонунлар ҳаётда амалга оширилиши, (амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқиши), қонунлар ишлаши керак».

§1.3. Ҳуқуқий тизимни модернизация қилишнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва модернизация жараёнлари барча жабҳалар каби ҳуқуқий соҳани ҳам камраб олган. Зеро, жамият ва давлат ҳаётини модернизациялаш ҳозирги ижтимоий тараққиётимизнинг бош мантиғини ташкил этмоқда.

Давлатимиз раҳбари республикамиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва жамиятимиз олдида турган вазифаларнинг маъно-муҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни икки босқичга бўлди. Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган ҳамда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври *дастлабки босқич* — 1991–2000 йиллар — том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди. 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган *иккинчи босқич* — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври — эса иктисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш-

¹ *Монтескье Ш. Л.* Избранные произведения. О законах, в их отношениях к различным существам. — М., 1955. — С. 164–165.

ни таъминлашда гоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди¹. Мазкур давр-лаштириш, шубҳасиз, ҳуқуқий тизимни ислоҳ этиш борасида босиб ўтилган йўлни ва модернизациялашнинг асосий йўналишларини тадқиқ этишда методологик асос вазифасини ўтайди. Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди. Демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишнинг мустаҳкам ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори яратилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — миллий таракқиётимизнинг кейинги мантикий босқичи изчил давом этмоқда. Мазкур босқичнинг муҳим вазифалари сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, унинг ташкилий тузилмаларини қарор топтиришдан иборат.

Ислом Каримов 2007 йил 6 ноябрда Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг IV қурултойида «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш — олий саодатдир» мавзусида дастурий маъруза қилди. Маърузада муҳим мақсад-вазифалар белгиланди. Дастлабки муҳим вазифа сифатида «мамлакатни модернизация қилиш, жамиятни янгилаш, иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ўсиши ва унинг макроиктисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштириш»² белгиланганлиги эътиборга моликдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда кенг кўламда авж олаётган модернизациялаш жараёнларининг алоҳида объекти — мавжуд *давлатчилик тузуми, давлат қурилиши* соҳасидир. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, давлат модернизациялаш объекти бўлиши билан бир вақтда, жамиятда бошқарувнинг оммавий-ҳуқуқий институциявий ти-

1 Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил таракқиёт йўли. — Т., 2007. — Б. 4–5.

2 XXI аср. 2007 йил 7 ноябрь.

зимини вужудга келтирувчи ва амалга оширувчи суверен субъект сифатида намоён бўлади. Давлат амалга оширадиган ижтимоий-сиёсий бошқарув ижтимоий зиддиятларни бартараф этишга, ижтимоий келишувни таъминлашга, сиёсий институтларнинг рационаллик ва оқилоналик принциплари асосида самарали фаолият кўрсатишига эришишга йўналтирилади¹.

Давлатчиликни модернизациялаш — серкирра, мураккаб глобал жараён бўлиб, унинг мазмуни бир қатор *ижобий* (хуқуқий муносабатлар иштирокчиларига имкониятлар яратиш, мукофотлаш, ривожланишнинг фойдали йўналишларни рағбатлантириш ва ҳ.к.) жиҳатларни, шунингдек, янгиланиш жараёнларига хуқуқий таъсир этишда учрайдиган *салбий* (огоҳлантириш чоралари, хуқуқ бузилишининг олдини олиш таъсир тадбирлари, жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларни ман этиш каби) ҳолатларни қамраб олади. Айни вақтда, бу жараёнда жамият ва давлат ривожиди фаолликнинг бунёдкорлик йўналишларини кашф этиш бўйича изланишлар олиб борилаверади.

Давлатчиликни модернизация қилиш соҳасида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар икки даражали тизимни ҳосил қилади:

- 1) ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатлар;
- 2) давлат — ҳокимияти таъсирида уюшган, ташкиллашган ижтимоий тизимнинг рационаллашуви, оқилона фаолият юритиши ҳамда унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муносабатлар².

Модернизациялаш жараёни хуқуқий тизим фаолиятида қандай намоён бўлишини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, хуқуқий тизимнинг ҳар бир таркибий элементи (хуқуқ ижодкорлиги, хуқуқни амалга ошириш, хуқуқий тартибга солиш механизми, хуқуқий муносабатлар тизими, норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизими, хуқуқий онг ва маданият, хуқуқий мафкура, хуқуқий сиё-

1 Қаранг: *Тихомиров Ю. А.* О модернизации государства // Журнал российского права. — 2004. — № 4. — С. 3.

2 Қаранг: *Бондарь Н. С.* Конституционное правосудие как фактор модернизации российской государственности // Журнал российского права. — 2005. — № 11. — С. 18.

сат ва бошқалар) модернизациялаш объекти сифатида майдонга чиқиши хусусиятларига эътибор қаратиш, уларни таҳлил этиш лозим. Бундай таҳлилга киришишдан аввал қуйидаги назарий хулосадан келиб чиқиш ўринли. Жамиятнинг ҳуқуқий тизими — муайян макон ва замонда амал қилаётган, ҳуқуқий ҳодисалар, институтлар, нормалар ва ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли амал қилиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда ҳуқуқий тартибга солинишига эришилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий тизим яхлит воқелик бўлиб, унга таркибий қисмларнинг ўзаро ички алоқадорлиги, боғлиқлиги, муносиблиги, изчиллиги ва барқарорлиги хосдир. Ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш йўллари, усуллари ва қонуниятларини аниқлаб олиш — юридик фаннинг долзарб вазифаси. Ҳозирги ҳуқуқий ҳаётимизнинг асл моҳияти ва муҳим хусусияти шундаки, яхлит воқелик сифатидаги ҳуқуқий тизим ҳамда унинг ҳар бир таркибий бўғини, яъни ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқий муносабатлар, юридик муассасалар тизими, юридик амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий маданият ва шу қабилар алоҳида институт сифатида модернизация қилинмоқда. Фикримизча, ижтимоий ҳаётимизнинг мазкур соҳасида амалга ошириладиган туб янгиланиш ва такомиллашувни лўнда қилиб **ҳуқуқий модернизация** ибораси билан ифодалаш мумкин.

«Ҳуқуқий модернизация»ни «давлатчиликни модернизация қилишнинг ҳуқуқий жиҳатлари (омиллари)» тушунчаси билан чалкаштириб юбормаслик лозим. *«Модернизация жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш»* деганда сиёсий модернизацияни, иқтисодий модернизацияни, ижтимоий ҳамда маданий-маърифий соҳани, суд-ҳуқуқий тизимни модернизациялашнинг ҳуқуқий асосини, қонунчилик базасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш англанади. *«Ҳуқуқий модернизация»* ибораси замирида эса жамият ҳуқуқий тизимини, бу тизимга қирувчи барча таркиб қисмларни модернизациялаш, уларни маърифий дунёнинг демократик қадриятлари ва умум эътироф этилган принциплари асосида янгилаш, такомиллаштириш, сифат жиҳатдан янада юксакроқ даражага кўтариш назарда тутилади.

Ҳуқуқий модернизациянинг муҳим таркибий қисми инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштиришдир. Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти ва давлат органлари зиммасига инсон (фуқаро)ларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган конституциявий қоида айнан давлат идоралари ва лавозимли, муайян ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш фаолиятини, уларни муҳофаза этиш билан боғлиқ бурчларини англатади. Асосий қонунимизда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз деб эълон қилиниб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмаслиги белгиланган (19-модда). Мазкур конституциявий қоидани миллий ҳуқуқий тизимимизнинг устувор кадриятларидан бири деб эътироф этиш мумкин.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизимида ҳокимиятлар тақсимланиши принципи алоҳида диққатга сазовордир. Давлат ҳокимияти ваколатларининг конституциявий тақсимланганлиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли рўёбга чиқариш, муҳофаза этиш нуқтаи назаридан энг самарали сиёсий-юридик восита бўлиб хизмат қилади. Ҳокимиятлар тақсимланиши реал қарор топган тақдирдагина фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини, адолатли қонунчилик тизими мавжуд бўлишини, ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти зоҳир бўлишини таъминлаш мумкин. Бу борада ҳеч муболағасиз таъкидлаш мумкинки, Конституция ва қонунлар давлат ҳокимиятини жамият ва фуқаролар манфаати йўлида саъй-ҳаракат қилишини кафолатловчи устувор ҳуқуқий кадрият сифатида майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига қатъий садоқати мустаҳкамланган. Халқнинг ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига, барча фуқаролар ва турли ижтимоий гуруҳлар манфаатига мос келадиган асл демократияни қарор топтириш улкан сиёсий аҳамиятга молик вазифадир. Конституциямизда муҳрланган

қуйидаги методологик қонданинг моҳиятини теран англаш ниҳоятда муҳим: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади» (13-модда). Шунингдек, унда демократия халқ ҳокимиятчилигининг муҳим шакли сифатида талқин қилиниб, давлатнинг халқ иродасини ифода этиши ва унинг манфаатларига хизмат қилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланган.

Асосий қонунимиз жамият ва давлат ҳаётини собитқадамлик билан демократлаштириш ҳамда модернизациялаш борасида улкан салоҳиятга эга. Зеро, унда умуминсоний мазмун-моҳиятга эга бўлган қадриятлар ва демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкура «қонуний» ифодасини топган. Бу — миллий мафкура, инсон қадри эъзозландиган демократик ва адолатли жамият барпо этиш мафкураси. «Бизнинг Конституциямиз, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади». Миллий мафкура — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига, демократия ва адолат принципларига асосланади, шунингдек у адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғояларини ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради.

Мазкур муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини норматив (қонуний) белгилашнинг асосини айнан Конституция ташкил этади. Шунга кўра, Конституцияни ўзбек давлатчилигини ва ҳуқуқий тизимни замонавий демократия талаблари асосида **модернизация қилишининг норматив-ҳуқуқий асоси** деб таъкидлаш тўғри бўлади. Ўз моҳиятига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жамиятдаги барча ижтимоий зиддиятларни бартараф этиш, сиёсий кучларни муроасага келиштириш, умуммиллий муроасага эришиш маҳсули сифатида яратилган ҳужжат бўлиб, жамиятни демократик ривожлантириш моделини ўзида мужассам этади. Демак, Конституциямиз жамиятни янада демократлаштириш ва оқилона модернизациялашнинг энг мақбул, оқилона ҳуқуқий андозасини акс эттирган ҳужжатдир. Унда жамият ва давлат такомиллашувининг, модернизацияла-

шувининг идеал варианты, институциявий модели, ҳуқуқий асоси жамулжам намоёндыр.

Аввало, Конституциямизда акс этган конституциявий-ҳуқуқий сиёсат, жамиятнинг ҳуқуқий онги ва конституциявий маданияти, қолаверса, конституциявий мафкура ва янгиланиш фалсафаси расмий дастурий ҳужжатларда назарда тутилаётган модернизациялаш муваффақиятининг гаровидир. Шу ўринда, ҳуқуқшунослик фанимизнинг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири жамият ва давлат қурилишини *модернизациялашнинг конституциявий концепциясини* илмий жиҳатдан асослаб беришдан иборат. Бунда Конституция — жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ва кучлар манфаатларининг келишилган (консенсус) ҳолати ифодаси, «ижтимоий-ҳуқуқий шартнома», ҳокимият билан фуқаролар эркинлиги ўртасидаги мувозанатнинг ифодаси деган методологик қоидадан келиб чиқиш лозим.

Конституция, шунингдек давлатчиликни ва ҳуқуқий тизимни *модернизация қилишнинг маънавий-ҳуқуқий асосини* ташкил этади. У олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шунингдек жамиятнинг энг сара норматив-ҳуқуқий қадриятлари тизимини мужассам ифодаловчи ҳужжат сифатида жамият ривожига ижобий, илҳомбахш таъсир кўрсатади. Конституция ўзида умуминсоний демократик қадриятларга асосланган конституциявий мафкурани ифодалаб, ижтимоий онга мақсадли таъсир этади ва, пировардида, демократик дунёқарашни, сиёсий ва конституциявий-ҳуқуқий маданиятни, ижтимоий-ҳуқуқий фаолликни шакллантиришга бевосита хизмат қилади.

Мамлакатимизда миллий ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш куйидаги *вазифаларни* бажариш орқали амалга оширилади: ҳуқуқий тизимни чинакам демократик мазмунда либераллаштириш; жамиятда ва унинг ҳар бир аъзосида ҳуқуқий тамойиллар асосида фаолият юритиш кўникмаларини қарор топтириш; қонун ижодкорлиги жараёнини янада демократлаштириш; Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш; давлатимизда мавжуд одил судловни изчил демократлаштириш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсонпарварлаштириш; шахсининг ҳуқуқий муҳофазаланганлигини таъминлаш (адвокатуранинг ислоҳ қилиш); қонунчиликни тизимлаштириш (қо-

декслаштириш); ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш; ҳуқуқий маърифат таркатиш ва ҳуқуқий умумий таълимни амалга ошириш; илғор ҳуқуқий мафқурани шакллантириш ва татбиқ қилиш; аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш ва бошқалар.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳуқуқий тизими қарор топди. У вужудга келиш, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнларини босиб ўтмоқда. Аммо, айтиш жоизки, ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмларини ташкил этувчи барча ҳуқуқий институт ва ҳодисалар ҳозирги кунда бирдек юксак даражада ривож топаётгани йўқ. Айрим элементлар, масалан, қонунчилик жадал ривожланаётган бўлса, бошқа элементлар сустроқ ривожланмоқда ёки ҳали эски шакл ва қолиплардан тўла халос бўла олгани йўқ, хусусан, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият кабилар шулар жумласидандир. Бу эса ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий элементлари тубдан ислох этилиши, давр талабларига мос тарзда модернизация қилиниши лозимлигини англатади.

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий бўғинларини инобатга олган ҳолда *ҳуқуқий ҳаёт соҳасида амалга оширилаётган модернизациялашнинг устувор йўналишлари* қуйидагича талқин этилиши мумкин:

1. *Ҳуқуқий тизимни либераллаштириш (эркинлаштириш)*. Бугунги кунда бутун дунё микёсида ҳуқуққа ва у билан боғлиқ барча ҳодисаларга баҳо беришда «*либертар*» ёндашув (яъни, ҳуқуққа эркинликни таъминлаш воситаси сифатида қараш) устувор мавқени эгалламоқда. Бу концепцияга биноан **ҳуқуқ** — авваламбор **эркинлик, адолат ва тенглик мезони**, уларни таъминлаш воситаси, аҳоли хавфсизлиги ҳамда ҳар бир фуқаронинг дахлсизлигини, мулкий мустақиллигини таъминловчи норматив тизимдир.

Мазкур доктринага иккита асосий жиҳат хос. *Биринчиси* шахс эркинлиги ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини эркинлаштириш (либераллаштириш) бўлса, *иккинчиси* ижтимоий адолат принципининг устуворлигини таъминлаш, уни жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига сингдиришдан иборат.

Республикамизнинг мустақилликка эришиши ижтимоий-ҳуқуқий вазиятни тамомила ўзгартириб юборди. Аввало, қонунчилик моҳият эътибори билан тубдан ўзгарди, бутун ҳуқуқий тизимни либераллаш-

тириш сари йўл олинди, айникса, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати либераллаштириш ва инсонпарварликка юз тутди. Бироқ тоталитар тузумнинг қолдиқлари ва айрим андозаларидан бирданига қутулишнинг иложи йўқлигини назардан қочирмаслик лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мақсадга барча узвий масалаларни комплекс ҳал қилиш орқалигина эришиш мумкин.

Биринчидан, давлатимиз юритаётган жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг қонуний заминини яратиш борасида амалдаги қонунларга жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи зарурий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Иккинчидан, жиноят судловининг барча тизимларини қайта ташкил қилиш ва такомиллаштириш, унинг очиклиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш борасида фаолият олиб борилмоқда.

Учинчидан, аҳолининг, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятнинг тўғри йўлдан адашган аъзоларига нисбатан юксак маърифий, инсонпарварлик муносабатини шакллантириш, жиноятни очишга оид маълумотлар берган одамларни таъқиб қилмай, аксинча, уларга ёрдам бериш, уларнинг қонуний муҳофазасини таъминлаш, айбсизлик презумпцияси принципини амалиётга тўлиқ жорий этиш чораларини кўриш ва ҳ. к.

Жиноят ва жазога доир ҳуқуқий сиёсатни эркинлаштириш шахс эрки ва ҳуқуқларини устувор қадрият сифатида баҳолашни белгилаб берди. Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг ҳар қандай йўналиши мақсад-мазмунда инсон ва унинг манфаатларига эътибор мавжуд. Мазкур сиёсатнинг асосий мақсади бутун жамиятнинг, хусусан, ҳар бир инсоннинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат.

Либераллаштириш ҳуқуқий тизимнинг барча элементларини, шунингдек ҳуқуқ ва қонунчиликнинг барча соҳаларини қамраб олаётгани мантикий ҳолдир. Фикримизни тасдиқлаш учун қуйидаги мисоллар қифоя қилади: 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва 1995–1996 йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 1998 йилда кучга киритилган Оила кодекси ва бошқа салмоқли соҳавий қонунлар халқ-

аро ҳуқуқий стандартларга мос ҳолда, шунингдек инсон ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлашга йўналтирилган демократия, инсонпарварлик ҳамда адолат принципларига таяниб ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Меҳнат муносабатлари соҳасида иш берувчи билан ходим ўртасидаги шартнома муносабатларининг эркинлашуви, фуқаролик қонунчилигида шартномага киришувчи субъектларнинг тенглиги, мустақиллиги, хусусий мулкнинг дахлсизлиги; оила қонунчилигида никоҳ тузишнинг ихтиёрий ва эркинлиги, никоҳ шартномаси асосида эр ва хотин муносабатларининг тартибга солиниши ушбу соҳаларнинг либераллашувига оид ёрқин мисоллардир.

Либераллаштириш шабадаси маъмурий, божхона, солиқ қонунчилигини ҳам қамраб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2005 йил 28–29 январь кунлари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида 1997 йилда қабул қилинган Солиқ кодексини иқтисодий ислохотларнинг янги устувор вазибаларидан келиб чиқиб янгилаш лозимлигини, уни соддалаштириш (*либераллаштириш* — Муаллифлар) солиқларни унификация қилиш, солиқ юқини енгиллаштириш, солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва эркинлаштиришни назарда тутувчи янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган эди¹.

Мазкур ғоя 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган янги Солиқ кодексида ўз аксини топди. Янги Солиқ кодексини тузилиши ва мазмуни жиҳатидан олдингисидан анча эркинлашгани ва либераллашгани билан фарқ қилади².

2. Қонун чиқариш жараёнини демократлаштириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қонун ижодкорлиги соҳасини такомиллаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Бу, аввало икки палатали парламент жорий этилганида намоён бўлади. Ҳозирги давр парламентнинг ҳуқуқий тизимда янада фаол роль ўйнашини тақозо этмоқда. Бу йўналишда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар фаолиятида жўшқин, фаол, сермахсул ташаб-

1 *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т., 2005. — Б. 88–90.

2 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Х.* Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. — Т., 2008. — Б. 65.

бускорлик муҳитини яратиш, яъни қонунлар халқ вакиллари, сиёсий партиялар фракциялари ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг бошқа субъектлари томонидан киритилиши механизмини такомиллаштириш ўринли бўлади. Чунки, бугунги кунда, давлатимиз раҳбари И. А. Каримов таъкидлаганидек, «иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда ислохотларни жадал амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатмаётгани жиддий камчилик ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 та си депутатлар ташаббуси билан киритилган.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган»¹. Қонун ижодкорлиги жараёнида инсон манфаатларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, ўзбекона урф-одат ва анъаналаримизга чуқурроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, яратилаётган қонунлар инсон учун, унинг фаровон ҳаёт шароитини таъминлаш учун қабул қилинади. Шу билан бирга, қабул қилинаётган қонунларимизни амалиётга самарали тадбиқ этиш механизмини такомиллаштириш масаласи долзарблигича қолаётганини унутмаслик лозим.

Ушбу йўналишда эътибор қаратиш лозим бўлган қуйидаги жиддий масалалар мавжуд:

- Ўзбекистоннинг *қонунчилик* (кенгрок доирада олинадиган бўлса, ҳуқуқий ислохотлар дастури) *стратегиясини* аниқлаб, алоҳида расмий ҳужжат сифатида шакллантириш ва қабул қилиш;

1 Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // *Каримов И. А. Асосий вазифамиз* — Ватан тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: Ўзбекистон, 2010. — Б. 13.

- қонун ижодкорлик жараёнининг социологик жиҳатларига эътибор қаратиш, қонун билан тартибга солиш эҳтиёжини ўрганиш ва шу асосда бўлғуси қонун ижодкорлиги ишларининг эмпирик базасини вужудга келтириш, шундан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳузурида қонунчилик муаммоларини социологик тадқиқ этиш институтини ташкил қилиш;
- қонун лойиҳалари ишларини режалаштириш ва башоратлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш;
- қонунчилик техникасини такомиллаштириш ва бу борада депутатларнинг тегишли малакасини ҳосил қилиш механизмини йўлга қўйиш ва хоказо.

Қонун чиқариш жараёнини демократлаштиришнинг бир қатор заҳиралари бор. Жумладан, қонун лойиҳаларининг муҳокамасига манфаатдор ташкилотлар, фуқаролар, экспертларни кенгрок жалб этиш, умумхалқ муҳокамаларидан самарали фойдаланиш, унинг механизмларини такомиллаштириш, қонун лойиҳаларининг муҳокамаларида депутатларнинг фаоллигини ошириш, қонунчилик жараёнининг ошқоралигини кучайтириш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

3. *Иъстимомий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонуннинг устуворлигини таъминлаш.* Ушбу ҳуқуқий принцип ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим талаби саналади. Қонун устуворлигини тўлиқ таъминламасдан, унинг барча фуқаролар учун бир хилда амал қилишига эришмасдан, буни ҳар бир шахс онгига сингдирмасдан туриб демократия, ҳуқуқий давлат ҳақида гапириш ноўрин. Демак, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш ҳаммаша улкан аҳамият касб этади. Қонуннинг мазмуни халқчил, инсонпарвар, демократик ва адолатли бўлишига эришиш, унинг сифатини муттасил яхшилаб бориш мудом ўз долзарблигини сақлаб қолаётган мавзудир. Мазкур йўналишда, аввало:

- амалдаги қонунларни инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга мослаштириш бўйича мунтазам ишни йўлга қўйиш ва шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятини янада фаоллаштириш лозим;
- қабул қилинган ва энди яратиладиган қонунлар мазмунини «*Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага руҳсат этилади*» (фу-

қаролар учун) ва «Қонунда белгиланган нарсаларгагина рухсат этилади» (давлат органлари ва мансабдор шахслар учун) принциплари асосида қайта кўриб чиқиш керак;

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор таъминланиши принципидан келиб чиқиб, қонунчилик мазмунидаги этатизмдан воз кечиш ҳамда инсон манфаатларини ёқловчи ҳуқуқий тартибга солиш механизмини жорий этишга босқичма-босқич ўтиш зарур;
- Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлашнинг юридик, ташкилий, маънавий-ахлоқий механизмларини вужудга келтириш талаб этилади. Зеро, «Қонуннинг устуворлиги бизнинг ислохотлар моделимиздаги етакчи тамойилдир, — дейди Президент И. А. Каримов — У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бир бўлиб хизмат қилади»¹;
- Конституция ва қонунларнинг амал қилиш механизмини ва уларни аниқ ҳамда оғишмай қўллаш амалиётини жорий этиш даркор.

Конституциявий ислохотлар — ҳуқуқий ислохотларнинг марказий бўғини. Жамият эҳтиёжлари ва тараққиёт манфаатларига мос тарзда Конституциянинг такомиллаштирилиши мамлакат конституциявий тузумини, сиёсий тизимни барқарорлаштириш гарови ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга ошаётган конституциявий мазмундаги муҳим ўзгаришлар пировардида Конституциянинг ўзини ҳам такомиллаштиришга сабаб бўлмоқда. Масалан, 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдумида мамлакатда икки палатали парламент тузиш ғоясини ёқлаб овоз берилди. Шу асосда 2002 йил 4 апрелда «Референдум яқунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг асосий принциплари тўғрисида» ги конституциявий қонун қабул қилинди. Президент И. А. Каримов ушбу конституциявий қонуннинг аҳамиятини изоҳлаб: «... у референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб беради ва Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритишга асос бўлади»², — деди. Ушбу башорат тез орада қонун ижодкорлиги амалиётида ўз тасдиғини топди. 2002 йил 12 де-

1 Ислоҳ Каримов Конституция тўғрисида, — Б. 417.

2 Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — Б. 319.

кабрда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ги конституциявий қонунлар, 2003 йил 24 апрелда Конституциянинг давлат ҳокимияти органлари ташкил этилишига оид бобларига икки палатали парламент жорий этилиши билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги конституциявий қонун қабул қилинди¹. Бунда парламент палаталарининг ваколатлари мустақамланди, Президент ва Ҳукуматнинг ваколатлари қайта шакллантирилди, сайлов қонунчилигига оид конституциявий нормалар такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталари қўшма мажлисида баён этган фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси янги тахрирда қабул қилинди. Ушбу моддага қуйидаги янги қоидалар киритилди: «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий

1 Халқ сўзи. — 2003, 25 апрель.

тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси муҳокама-масига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади»¹.

2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» ги конституциявий қонун қабул қилинди.

Қонун аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўппартиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнади. Ушбу Қонун

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 12–13.

парламентдаги турли сиёсий йўналишларга амал қилувчи партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди, уларнинг қонун ижодкорлиги иши самарадорлигини оширишда тутган ўрни, фракциялараро соғлом тортишувни сезиларли даражада оширди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги муҳолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида учта сиёсий партия — ЎзЛиДеП, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг демократик блоки тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тимсолида парламент муҳолифати фаолият кўрсатмоқда. Қонун сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг шакллантирилишига, уларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати йўлга қўйилишига фаол таъсир кўрсатиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Буларнинг барчаси демократик ислохотларнинг бутун жараёнига, кўппартиявийлик тизимининг тадрижий ривожланишига, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустаҳкамланишига улкан таъсир кўрсатди¹.

2008 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» ги қонун маъқулланди. Унинг қабул қилиниши мамлакатимиз сайлов қонунчилигини изчил демократлаштириш йўлида ташланган муҳим кадам бўлди. Қонуннинг янги қоидалари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага қўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 нафар депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади. Шу аснода сиёсий партияларнинг парламент қуйи па-

¹ *Исмоилов Н. М.* Сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида. // Халқ сўзи. — 2008. — 6 дек.

латасидаги вакиллиги кенгайди, бу эса сиёсий партияларнинг парламент фаолиятини ташкил этиш, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг самарали қонунчилик базасини шакллантиришдаги роли ва таъсирини янада ошириш манфаатларига мос тушади.

Ўн бешта депутатлик ўрни (бу миқдор мамлакатимизнинг маъмурий-худудий бўлинишини ҳисобга олган ҳолда белгиланган) ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, бу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган оммавий жамоат ташкилоти — Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди. Шу тарика, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги институт — депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Бу ҳозирги босқичда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш учун кураш олиб бориш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларининг ғоятда долзарблиги билан боғлиқдир.

Қонунда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тартиби, Экологик ҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг парламентдаги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар белгилаб берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатлар ушбу оммавий ижтимоий ҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Экологик ҳаракатдан депутатлар сайлаш муддатлари ва сайловни ўтказиш, шунингдек, сайланган депутатларни рўйхатга олиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ҳамда ошқора амалга оширилади.

Иккинчидан, сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидан ҳокимият вакиллик органларига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қонуннинг чиқариб ташланиши сайловга доир қонунчиликдаги яна бир муҳим янгиликдир.

Учинчидан, сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига сайловларни анча сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга кўмаклашадиган бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга янги «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» институти киритилди (171-модда).

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 231-моддаси). Ушбу норма ҳолисликни янада кўпроқ таъминлаш ва сайловларнинг очик бўлиши, уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг қўшимча қафолатларини яратиш имконини беради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафар ўрнига 10 нафаргача кўпайтирилди. Ушбу норма сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди кампанияларини сайловчиларнинг янада кенгрок доирасини қамраб олган ҳолда фаол ўтказиш имконини беради.

Қонун орқали айрим тоифадаги фуқароларнинг сайловда иштирок этишига доир бир қатор чекловлар олиб ташланди. Масалан, аввал амалда бўлган қонунга мувофиқ, жиноятнинг ва тайинланган жазонинг қай даражада оғирлигидан қатъи назар, содир этган ҳар қандай жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас эди. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартишларга мувофиқ мазкур чекловлар қайта кўриб чиқилди. Эндиликда фақат содир этган оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларгина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар¹.

4. Ҳуқуқий тизимни модернизация қилишнинг муҳим йўналишларидан бири *қонунчилик ҳужжатларини системалаштириш* (ко-

1 Халқ сўзи. — 2008, 6 декабрь.

деклаштириш) *дир.* Давлат қурилишини либераллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодий муносабатларини қарор топтириш жараёнида қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай тизимлаштириш амал қилаётган ва янги қабул қилинаётган катта ҳажмдаги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятлар, номутаносибликлар, ихтилофларни бартараф этиш, норматив ҳужжатларнинг ички мутаносиблигини таъминлаш, уларнинг мантикий тизим тарзида амал қилишини таъминлашга қўмаклашади. Ҳозирда «қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялашиш характериға, яъни муайян даражада тизимлашув мазмуниға эға эмас»¹.

Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ҳуқуқий тизим амал қилишининг, мунтазам ривожланиб боришининг шарти ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тартибға солиш, мантикий умумлаштиришнинг шаклидир². Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш — демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида Конституция ва қонун устунлиги, ҳокимиятлар тақсимланишининг ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш механизмини таъминлашға, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришға хизмат қилади. Мавжуд қонунчилик ҳужжатларини *кодекс* шаклида тартибға солинган ҳужжатлар билан алмаштириб бориш, қонунлар мажмуини яратиш, мамлакат ҳуқуқий классификаторини такомиллаштириш, қолаверса, қонунчилик ресурсларидан фойдаланиш тизимини замонавий глобал электрон ахборот тар-

-
- 1 Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. Президент Ислоҳ Қаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги матрузаси//*Қаримов И. А. Асосий вазиғамиз — Ватанимиз тараққиғети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.* — Т., 2010. — Б. 14.
 - 2 Қаранг: Проблемы общей теории права и государства/Под. общ. ред. проф. В. С. Нерсеянца. — М., 2008. — С. 347; Теория государства и права/Под. ред. проф. М. Н. Марченко. — М., 1998. — С. 197–198.

моғи имкониятлари билан таъминлашга қаратилган яхлит, узлуксиз илмий-назарий ҳамда амалий фаолиятдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш давлат механизми ва ҳуқуқий тизим жўшқин маромда ишлашининг зарурий шартидир. Мазкур фаолиятни оқилона йўлга қўйиш унинг назарий ва методологик асослари ҳамда мукамал механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ишга давлат ҳокимияти органлари, муассасалари ва ҳуқуқшунос олимларни фаол жалб этиш зарур.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ер кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Оила кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик — процессуал кодекси, Хўжалик — процессуал кодекси ва бошқа кодекслари қабул қилинди. Бироқ, барча кодексларимиз ва жорий қонунларимиз бозор муносабатларига тўла мослаштириб бўлинди, дейишга ҳали эрта. Бу борадаги халқаро тажрибани пухта ўрганиш ва ўз миллий хусусиятларимиз, ҳуқуқий қадриятларимизни эътиборга олган ҳолда қонунларни янада такомиллаштириш зарур бўлади.

Қонунчиликни системалаштириш билан бир вақтда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида мутаносиблик ва батартибликни таъминлаш лозим. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунга мослигини таъминлаш соҳасидаги ишларни давом эттириш ўринлидир.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини инсонпарварлаштириш, демократик мазмунда модернизация қилиш.

2001 йил 29 августда Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Прокуратура тўғрисида» ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бунда, хусусан, прокуратура фаолиятдан умумий назорат йўналиши чиқариб ташланди. Шунингдек, прокуратура энди ишларнинг судда кўрилиши чоғида қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат муносабати билан судларнинг ишига аралашмайди, балки суд муҳокамасининг барча босқичларида ва қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар суд томонидан кўрилатганида иштирок этади.

2001 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари фаолиятини та-

комиллаштириш чоралари тўғрисида» ги фармони қабул қилинди. Мазкур фармон ИИВ барча тузилмаларининг фаолиятини аниқлаштириш ва такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда прокуратура ва ички ишлар органлари фаолиятида, айниқса уларнинг тергов фаолиятида, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Суд-ҳуқуқий тизимда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида адвокатуранинг фаолияти такомиллаштирилмоқда. Прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари тизимида инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан бевосита шуғулланувчи махсус тузилмалар ташкил этилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмлари такомиллашиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

6. Шахснинг ҳуқуқий муҳофазаланишии кафолатларини кучайтириш. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Жамиятнинг бетакрор ва олий неъматини ҳисобланган инсон ва унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш барча соҳалардаги ислохотларда бирламчи омил саналади. Асосий мақсад инсоннинг ўзлигини намойиш этиши учун шароит яратишдан иборат. Бу инсонни улуғлаш, кадрлаш, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда ўз аксини топади. Демак, инсон тафаккури тўхтовсиз ривожланар экан, унга боғлиқ равишда унинг жамиятдаги кадри-нуфузи ҳам юксалиб бораверади. Бу ўз-ўзидан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эътиборни муттасил оширишни такозо этади.

Шахснинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш барча давлат органлари ва мансабдор шахсларга тааллуқли бўлиб, унинг эътиборга молик жиҳати шундаки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш институтларининг муайян тизими вужудга келтирилди. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази, Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти кабилар ана шу тизимнинг асосий элементларидир.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) нинг фаолияти йилдан-йилга фаоллашиб, тобора самарали бўлиб бормокда. Унинг фаолияти асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлаётир:

- Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат (мониторинг) ни амалга ошириш; фуқароларнинг инсон ҳуқуқларига оид ариза ва мурожаатлари билан ишлаш; Омбудсманнинг минтақавий (вилоятлардаги) вакиллари фаолияти; Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва ноҳуқумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги; Омбудсманнинг ахборот-маърифий ва халқаро соҳадаги фаолияти.

Эътироф этиш жоизки, омбудсманнинг фаолияти фуқаролар учун тобора фойдали ва самарали бўлиб бормокда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда республика Президенти ва Ҳуқумати ёш авлодга, болаларнинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлашга алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида махсус *Болалар ҳуқуқлари бўйича омбудсман лавозими* (институти) ни таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция (1989 йил 20 ноябрь) ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунини изчил бажаришдаги фаоллигини янада оширган бўларди.

Шунингдек, *Ўзбекистонда экология масалалари бўйича махсус омбудсман лавозимининг* таъсис этилиши ҳам давр талабига мос бўлиб тушган бўлур эди. Масаланинг муҳимлигини Ўзбекистон экологик ҳаракати ташкил этилганлиги ва у парламентда 15 кишидан иборат квоталанган вакилликка эга бўлганидан ҳам англаш мумкин.

Фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза этишда адвокатура алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида» ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунларининг қабул қилиниши адвокатуранинг ҳуқуқий мақомини бирмунча мустаҳкамлади. Аммо, фуқароларнинг ушбу конституция-

вий ҳуқуқини амалда юксак савияда таъминлаш учун яна қўп ишлар қилинишини ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда¹.

2008 йилнинг май ойида «Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилиниши давлатимиз раҳбарининг инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратаётган эътиборининг ифодаси бўлди. Унда адвокатура институтини жамиятни демократик янгилаш жараёни билан узвий боғлиқ равишда ислоҳ қилишга доир кенг қамровли масалалар ўз аксини топган².

7. Ҳуқуқий ислоҳотни билимдон ва малакали кадрлар билан таъминлашнинг мукамал тизимини ташиқил қилиш. Ҳуқуқшунос-юристарлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ва илмий тавсияларни ҳуқуқий ислоҳот манфаатларига, унинг самарасини оширишга хизмат қилишга йўналтириш ўта муҳим вазифалардан биридир.

Ҳозирги пайтда Адлия вазирлиги қошида судьялар ва адлия идоралари ходимларининг малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузурида Прокурор ва тергов ходимларининг малакасини ошириш олий курслари фаолият кўрсатмоқда. Ички ишлар вазирлиги Академиясида тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг малакасини ошириш факультети иш олиб бормоқда. Бу борада таълим ва малака оширишнинг узлуксизлиги ҳамда мунтазамлиги таъминланишига катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатда давлат қурилишини эркинлаштиришга, бошқарув тизимини демократлаштириш ҳамда унинг оқилона шаклларини ишлаб чиқишга, давлатнинг марказий органлари функцияларини маҳаллий ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказишга йўналтирилган *маъмурий ислоҳотлар* ҳам ҳуқуқий модернизация жараёнининг муҳим бўғинидир.

8. Аҳолининг кенг қатламлари ичида ҳуқуқий умумий таълимни жорий этиш. Миллий истиклол руҳи билан суғорилган ҳуқуқий

1 Батафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 128–129.

2 Батафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х. Х.* Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими. — Т., 2008. — Б. 92.

мафқурани ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир. 1997 йил августдан бошлаб мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ҳаётга жорий этиб келинмоқда. Республикада ҳуқуқий тарғибот марказлари фаол ишлаб, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий таълим ўзига хос ўринга эга. Чунки, унинг ривож ва шаклланиши бевосита ҳуқуқий таълимга боғлиқ. Агар ҳуқуқий таълим замонавий фан ва технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилса, самараси янада юқори бўлади. Ҳуқуқий таълимни янги босқичга кўтариш борасида, *биринчидан*, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оиладан бошлаб фарзандларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш масаласига жиддий ёндашиш лозим, чунки ҳуқуқий онг ва маданиятнинг илк куртаклари оилада шаклланади; *иккинчидан*, ёшларни тарбиялаш гўшаси ҳисобланган мактаб, коллеж ва бошқа ўқув юртларида ҳуқуқий таълим-тарбия жараёнларига кўпроқ вақт ва дарс соатлари ажратилиши лозим. Чунки, ёшлар «конституция», «қонун», «ҳуқуқ», «бурч» ва «масъулият» каби тушунчалар ва уларнинг моҳиятини айнан юқоридаги масканларда ўрганадилар; *учинчидан*, мамлакатимизнинг турли ҳудудий бирликларини, айниқса, қишлоқ жойларини ҳуқуқий адабиётлар билан ўз вақтида таъминлаш тизимини яратиш лозим. Буни йўлга қўйиш орқали аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ижобий самарага эришиш мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши катта воқеа бўлди. Ундан кўзланган мақсад аҳолининг конституциявий ва умумий ҳуқуқий саводхонлигини оширишдир. Қонунни, унда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларини мукамал билган ҳар бир шахс ўзини эркин ҳис этади, ўз кадр-қиммати учун мустақил кураша олади. Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш янгича ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириши ўта муҳим вазифадир. Ушбу масала ҳуқуқий модернизациялаш шароити-

да алоҳида долзарблик касб этади, чунки ҳуқуқий давлат юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга таянади. Мамлакатимизда бугунга қадар бу борада анчагина самарали ишлар амалга оширилди. Аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш борасида ҳал этишимиз лозим бўлган асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга масъул бўлган муассасалар: судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг бу борадаги фаолиятини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш зарур;
- мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришнинг замонавий *концепциясини* ишлаб чиқиш керак. Унга асосан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг янги йўналишлари белгилаб олинishi лозим. Ҳуқуқий маданиятни ижтимоий онгга сингдириш ҳамда аҳолининг юриш-туриши ҳамда феъл-атворида тегишли кўникмаларни шакллантириш жўнгина уддаланадиган иш эмас. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, маҳалла жамоалари, мактаб, оила, ўзини ўзи бошқариш органларининг баҳамжиҳат, мақсадга йўналтирилган улкан маърифий-ташкилӣ фаолияти натижасида амалга ошадиган ишдир.

Ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг бажарилиш савияси ва самараси билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим¹. Ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйиш ҳам ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг муҳим омилдир. Ҳуқуқий тарбия ин-

1 Ислоҳ Каримов Конституция тўғрисида. — Б. 94.

сонни камол топтиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. *Ҳуқуқий тарбия* — шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳуқуқий онгига кўрсатиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ташкиллаштирилган, олдиндан режалаштирилган ва махсус ишлаб чиқилган тарбия усуллари воситасида амалга ошириладиган таъсир жараёни саналади. Ушбу тарбия шакли ҳуқуқий қоидаларни ижтимоий онгга сингдиришга йўналтирилади. Қонунлар ўз мазмунида жамиятимизнинг энг муҳим ахлоқий нормаларини ифодалаши билан бирга, айтилиш вақтида, ушбу нормаларни нафақат эълон қилиш, балки реал таъминлаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқнинг ўзи ҳам қудратли тарбия воситаси ҳисобланади. Ёш авлодни ҳуқуқий тарбиялашнинг хусусиятлари демократик жамиятнинг табиатига, турмуш тарзига асосланади.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ҳуқуқий тарбиянинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, давлатимиз раҳбари И. А. Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да қуйидагиларни таъкидлади: «Бугунги сиёсий — ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди»¹. Айтилиш вақтида, жамият миқёсида *инсон ҳуқуқларига риоя этиши маданиятини* шакллантириш ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда.

9. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловни демократлаштириш. Суд адолатни таъминловчи, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи нуфузли орган ҳисобланади. Айтилиш вақтида, ҳуқуқий давлатда одил судлов алоҳида мақомга эга бўлади. Шу билан бирга, ҳозирги шароитда судлар фаолиятида ижти-

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 27–28.

мой адолат мезонларига амал қилинишини таъминлаш, судлов маданиятини юксалтириш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Суд ислохоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас ва зарурий таркибий қисмидир. Суд-ҳуқук тизимидаги ислохот мамлакатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари билан тенг, мустақил кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришнинг муҳим омилдир.

Суд ҳокимияти — уч ҳокимиятнинг бири. Унинг юксак ҳуқуқий ҳолати жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир. Зеро, суд ҳокимиятининг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатнинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларни ижро этиш ва қўллашда қонунийлик ва адолат учун курашишдан иборат.

Суд ҳокимиятининг нуфузи ва аҳамияти аввало қуйидагиларда кўринади: судлов давлат томонидан, махсус ташкил этилган идора орқали амалга оширилади; судья фақат қонунга бўйсунди; суд ҳокимияти сиёсий партиялар ва бошқа давлат органларидан мустақилдир; суд функциялари ўзига хос, фақат угина давлат номидан мажбурлов ва жазолаш функциясини адо эта олади; суд қарорлари қатъий ва барча учун мажбурийдир.

Алоҳида эътиборга молик муҳим ўзгариш шундаки, мамлакат ҳуқуқий ва суд тизимини ислоҳ этиш тўлкинида ўзбек давлатчилиги тарихида илк бор *Конституциявий суд жорий этилди*. Ўз моҳиятига кўра, Конституциявий суд — суд ҳокимияти мустақиллигининг сиёсий-юридик тимсоли, одил судловнинг янги ҳамда олий намунаси ва, ниҳоят, судлов тизими демократлашувининг ёрқин намоёиши. Конституциявий одил судлов (конституциявий юстиция) мамлакат ҳудудида суд ҳокимиятини намоён этувчи махсус ваколатли орган томонидан барча қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир.

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди Конституцияни, конституциявий қадриятларни муҳофаза қилишда, улар-

ни халқимизнинг турмуш тарзига сингдиришда салмоқли саъй-ҳаракатларни амалга оширмакда. Айни вақтда, Конституциявий суд ҳуқуқий модернизациялашнинг ҳам объекти, ҳам субъекти сифатида майдонга чиқмакда.

Конституциявий суд ўзининг қарорлари, ҳулосалари ҳамда шарҳлари билан конституциявий нормаларнинг аниқ қўлланилишига, давлат ва ҳуқуқ соҳасини модернизациялашнинг конституциявий-ҳуқуқий доктринасини ишлаб чиқиш ва модификациялаш ишига салмоқли хисса қўшмакда. У конституциявий одил судловнинг соҳиби сифатида бажарадиган муҳим ижтимоий функциялардан бири — ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солишнинг конституциявийлиги мезонини белгилаб беришдан, бутун ҳуқуқий воқеликнинг «ҳуқуқийлигини» тасдиқлашдан иборат¹.

Бу ерда гап Конституциявий суднинг қарорлари асосида демократик конституциявий кадриятларни мустаҳкамлаш, уларни ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнларига сингдириш ҳамда шу йўл билан жамият ва давлат ҳаётини конституциявий меъёрларга мослаштириб бориш ҳақида бормоқда. Албатта, бу иш конституциявий одил судловга хос қуйидаги воситалар (усуллар) ёрдамида амалга оширилади:

- 1) ҳуқуқий нормаларни, қонун меъёрларини Конституция нуқтаи назаридан талқин этиш;
- 2) қарор топган ҳуқуқни қўллаш амалиётини (агар у баъзи қонунчилик соҳаларида ғайриконституциявий маъно касб этаётган бўлса) Конституция талаблари асосида тузатиш;
- 3) ҳуқуқий тизимимизда мавжуд бўлган, аммо Конституцияда назарда тутилмаган баъзи юридик институтларнинг, шу жумладан халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормаларини имплементация қилиш асосида шаклланган институтларнинг конституциявий табиатини аниқлаш;
- 4) Конституция нормаларини шарҳлаш².

1 Қаранг: *Курис Э.* О стабильности конституции, источниках конституционного права и мнимом всемогуществе конституционных судов//Сравнительное конституционное право. — 2004, № 3. — С. 101.

2 Қаранг: *Бондарь Н. С.* Конституционное правосудие как фактор модернизации российской государственности//Журнал Российского права. — 2005, № 11. — С. 20–21.

Мазкур шакллардаги фаолиятни амалга ошириш орқали Конституциявий суд, *биринчидан*, жамият миқёсида Конституциянинг принцип ва қоидаларига барча томонидан қатъий амал қилинишини таъминлашга кўмаклашади; *иккинчидан*, ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари ҳаракатини (фаолиятини) Конституция талаблари билан уйғунлаштиради ва шу орқали ҳуқуқий модернизация жараёнларига изчиллик ҳамда жўшқинлик бахш этади; *учинчидан*, мамлакатда конституциявий кадриятларни қарор топтириш ва конституциявий қонунийликни мустаҳкамлашга жиддий ҳисса қўшади.

Ҳуқуқий модернизациялашнинг муҳим таркибий йўналишларидан бири судлов тизимини, шу жумладан, конституциявий одил судловни замонавий стандартлар асосида демократлаштириш, унинг механизмлари мазмунини адолат мезонларига янада яқинлаштиришдан иборат.

Суд ҳокимияти — давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи бўлса, одил судлов — давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, фуқароларни суд ёрдамида муҳофазалаш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг олий конституциявий шаклидир. Суд ҳокимияти — суд томонидан фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини кўриб чиқиш, ҳуқуқий низоларни ҳал этиш орқали намоён бўлади. Бунда фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир этиш; жиноят содир этганликда айбдор деб топиш, жиноят иши бўйича жазо тайинлаш; шахсни суд тартибида айрим ҳуқуқлардан, мулкдан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этиш ёки уларни чеклаш; адолатни таъминлаш ва ўрни келганда шахснинг айбсизлигини исботлаб, ҳукм чиқариш каби фаолиятида қонунни қўллаш билан шуғулланади¹.

Мустақил Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тақсимланиши реал жорий этилиши билан чинакам суд ҳокимиятининг қарор топишига йўл очилди. Бу ўринда ўта муҳим жиҳат — суднинг давлат ҳокимиятининг бир бўғини сифатида тегишли қатъий ваколатлар соҳиби эканлигини тан олишдир. Жамият ижтимоий онги суд ҳокимиятининг ҳуқуқий мақомини эътироф этиши лозим. Суд ҳокимияти дав-

1 Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истикболлари. — Т., 2007. — Б. 213.

латнинг муайян судлов сиёсатини шакллантиради ва рўёбга чиқаради. Судлов сиёсатининг асослари конунда ўз аксини топади ва суд муас-сасалари фаолияти орқали ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистонда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топти-риш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Маълумки, собиқ то-талитар тузум шароитида суд маъмурий-буйруқбозлик тизимининг «тўқмоғига» айлантирилган эди. Одамлар кўз ўнгида суд жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи орган сифатида гавдаланар-ди. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 12 ноябрда парла-мент мажлисида баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш концепцияси» да суд — ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида қуйидаги фикрларни билдирди: «... Биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб... суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкам-лаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳи-моя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташки-лий — ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширдик»¹.

Ҳозирги кундаги бош вазифа — судни адолат ва ҳақиқат посбони-га айлантиришдан иборат. Пировардида судга муносабат тубдан ўз-гариб, унга ишонч ва ҳурмат шаклланиши лозим. Бу ўринда қуйида-ги сўзлар муҳим методологик, йўналтирувчи аҳамиятга эга: «Халқ судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган, орган деб эмас, аксинча, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади-ган орган деб билиши керак. Бу ўта муҳим... Одамлар суд органлари-ни ўзларининг ҳимоячиси, адолат посбони деб билиши керак»². Бу-нинг учун суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини қадам-бақадам такомиллаштириб бориш айти заруратдир. Мазкур ҳуқуқий

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қо нунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажли-сидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон». 2010. — Б. 16.

2 Ислоҳ Каримов Конституция тўғрисида. — Б. 186.

асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсунганини таъминлаши лозим. Зеро, ушбу ҳуқуқий асос демократизмни, холисликни, суднинг аҳолига яқинлашувини таъминлайди ва суднинг ҳимоя доираси кенгайиб, инсонпарварлашувига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди¹. 2001 йилнинг январидан бошлаб судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Мазкур суд тизими янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонунда ўз тасдиғини топди. Қонунга киритилган янгиликлардан яна бири шундаки, Адлия вазирлиғи ҳузурида судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича департамент тузилди.

Ўтган йиллар мобайнида суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институти жорий этилди, тергов-суруштирув ва шахсларни ҳибсда сақлаш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чекловчи қонунчилик нормалари яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда одил судловни амалга ошириш жараёнининг иштирокчиси ҳисобланган адвокат ва давлат айбловини амалга оширувчи прокурорнинг суд муҳокамасидаги тенглигини ҳамда уларнинг тортишув принципини тўлақонли амалга оширишдаги роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизм қайта кўриб чиқилди. Хусусан, адвокатлик фаолияти билан боғлиқ иккита қонун қабул қилинди ва бу ҳол ҳимоячининг фаолиятини ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан ислоҳ этишда кўмаклашди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга доир чора тадбирлар ҳам улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижа-

1 Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — Т., 2007. — Б. 34.

сида оғир ва ўта оғир жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинланишига йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди. Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинланиши 2010 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 26 фоизга камайди. Шунингдек, *ярашув институти* жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда. Мазкур институтнинг самардорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайтиб боришига асос бўлмоқда. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган. Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жинойий жавобгарликдан озод этилди¹. Жиноят қонунида жиноят содир этган шахсга ўз хатосини тузатиш учун имконият бериш механизми мавжуд бўлиб, жинойий жавобгарликдан озод этиш мазкур механизмнинг негизини ташкил этади.

Фикримизча, ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод этиш институтини янада ривожлантириш ва кенгайтириш бугунги кун талаби, бироқ унга барча ўртача оғир жиноятларни киритиш мақсада мувофиқ эмас, зеро айрим ўртача оғир жиноятлар жамиятга, унда қарор топган кадриятларга жиддий хавф солади. Айрим ўртача оғир жиноятлар бўйича ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод этиш институтини қўллаб, жабрланувчининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш жиноят ҳуқуқининг устувор йўналиши ҳисобланади².

Агар жабрланувчи етказган зарарнинг қопланганлиги сабабли айбдор билан келишиб, уни кечириб, ярашиш таклифини билдирса, суд

1 *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо нунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 22–23.

2 Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истикболлари. — Т., 2007. — Б. 289.

бу тоифадаги ишлар бўйича ҳеч қандай жазо белгиламайди, аксинча, ишни тугатиб, ярашишни тасдиқлайди. Бу билан айбдор жавобгарликдан озод этилади, судланган ҳисобланмайди.

Хуқуқий тизимга ярашув институти жорий этилишининг аҳамияти, лўнда қилиб айтганда, қуйидагиларда намоён бўлади:

- 1) ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо ҳал этилади ва ортиқча сарф-харажатнинг олди олинади;
- 2) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган тамғадан фориғ қилинади;
- 3) жабрланувчининг қонуний талабларини бажариш билан адолатнинг нақадар муқаддаслиги ва қонун устуворлиги тан олинади;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов органлари машаққатли меҳнатдан халос бўлади;
- 5) суднинг одил судлов органи сифатидаги обрў-эътибори ошади¹.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиб, бундай деган эди: «Биз барчамиз, биринчи навбатда, қонун ҳимоячилари, шўро давридан қолган эски иллатлардан тўлиқ халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак». Шу нуқтаи назардан ёндашганда, суд-ҳуқуқ тизимининг навбатдаги босқичида ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масалалардан бири мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилаб берадиган тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратиш, уларга берилиши зарур бўлган ҳуқуқий асос, имтиёз ва кафолатларни давр талаби даражасига кўтаришдек муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим.

Ўзбекистон Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2005 йил 14 июндаги ПФ — 3619-сонли Фармонининг 3-бандида «тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик

1 Суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари: янгича ечим ва ёндашувлар/Б. Мирбобоев, Б. Пайзуллаев ва бошқ. — Т., 2005. — Б. 55.

низолари хўжалик суди ёки ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқи-лиши» белгиланган эди.

Эътироф этиш ўринлики, мамлакатимизда ҳакамлик судлари тўғ-рисида янги қонуннинг қабул қилиниши бундай нодавлат тузилмани ташкил этиш ва фаолиятини йўналтириш учун кенг кўламли ҳуку-кий имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддасига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар ўзлари тегишли фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ўз хо-хиш-истакларига мувофиқ тасарруф қила оладилар. Кодекснинг ана шу қондасига асосланиб, низо субъектлари ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат ёки ҳакамлик судига мурожаат қилишни ўзлари ҳал этишга ҳақлидирлар.

Суд қарорлари ва бошқа органларнинг қарорларини мажбурий иж-ро этиш чоғида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солув-чи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» ги қонуннинг 5-моддасига асосан эса ҳакамлик судлари-нинг қарорлари, шунингдек, хорижий судлар ва арбитражларнинг қар-орлари ижро этилиши лозим. Бундан ташқари, Қонуннинг 7-модда-сига мувофиқ, ҳакамлик судининг қарорлари, мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари ижро ҳужжатлари қа-торига киритилган.

Ҳакамлик суди давлатнинг суд тизимида кирмайди, аммо фуқаро-лик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиққан низоларни мустақил ҳал этади. Қисқача айтганда, ҳакамлик суди низоларни кўриб чиқиш бо-расида давлат судларига муқобил суд шакли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш, шу-нингдек, прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўт-казиш бўйича амалга оширилган тадбирлар суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштиришда ижобий натижаларни бер-ди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти шундай деб таъкидлади: «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 1 январидан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқаро-ларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқаро

хамжамият томонидан ижобий кутиб олинди ва бутун дунёда катта акс садо берди»¹.

Қонунларга киритилган ўзгартишларга кўра, бундан буён ўлим жазоси тайинлаш умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли қамок жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Ўлим жазосининг сақланиши жамият аъзоларининг атрофда рўй бераётган хавфли воқеаларга бефарқлигидан дарак беради. Фикри-мизча, эркин ҳаёт кечиришни, юқори турмуш даражасига тезроқ эришишни истаган, жамиятнинг барча соҳаларида руҳий, маънавий, жисмоний жиҳатдан соғлом ва мўътадил муҳит яратиш ҳаётий воқеликка айланишини хоҳловчи жамият аъзоларининг диққат-эътибори, куч-ғайрати ҳар қандай, жумладан, ўлим жазоси қўлланадиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Ҳолбуки, инсон ҳаётига тажовуз қилиш бир томонлама — фақат жамият аъзоларига эмас, балки давлат учун ҳам узил-кесил тақиқланган бўлиши шарт. Акс ҳолда инсон ҳаёти мутлақ дахлсиздир, деган муҳим принцип жамият ахлоқ-одоби қоидаларига путур етказида².

Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилиши ва уни амалга оширишининг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизимини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъкиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишни танлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган

1 Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараккиёт йўли. — Т.: Ўзбекистон, 2007. — Б. 34–35.

2 Судларнинг янги мақоми/3. Иноғомжонова, М. Ражабова. — Т., 2005. — Б. 23.

конституциявий ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 2010 йил 12 ноябрда баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» да қуйидагиларни таъкидлагани эътиборга молик: «Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилганини таъкидлаш лозим.

Бу борада **“Хабес корпус”** институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди»¹.

Бугунги куннинг яна бир муҳим талаби шуки, ҳар бир шахс қонун бўйича яшашга ва меҳнат қилишга, қонун воситасида ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, ўз бурчини сикидилдан бажаришга ўрганиши лозим. Бу ҳар қайси фуқаро ўзлаштириб олиши шарт бўлган муҳим сабоқдир. Шунингдек, бошқа одамлар ҳуқуқи, эркинликлари ҳамда манфаатларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш маданиятини шакллантириш ҳам шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш хусусида гап борганида хорижий тажрибани ўрганишнинг аҳамияти катта. Қатор илғор демократик давлатлар

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 22.

да фукароларнинг ҳуқуқини судлов воситасида тиклаш механизмлари кенг ривож топган, бузилган ҳуқуқларни тиклаш жараёнига оид халқаро ҳужжатлар амал қилмоқда. Ана шу халқаро ҳужжатлар амалиётидан келиб чиқиб, маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизда фукароларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибидан қайта тиклаш механизмларини назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2002 йилнинг 24 июлида БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши ўзининг 43-ялпи мажлисида «Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тиклаш одил судловига оид дастурларни қўллашнинг асосий принциплари тўғрисида»ги БМТ Декларациясини қабул қилди. Мазкур ҳужжатда бутун дунё бўйича ҳуқуқни тиклаш одил судловининг тарқалиши билан боғлиқ ташаббусларнинг тобора ўсиб бориши, миллий шаклдаги одил судлов институтларининг ҳуқуқни тиклаш одил судловига нисбатан мойиллиги чуқурлашиб бораётганлиги таъкидланиб, бундай шаклни давлатнинг ички қонунчилигига киритиш тавсия этилган.

Декларацияга қўшилган мамлакатлар қонун чиқарувчи ҳокимият ёрдамида ҳуқуқни тиклаш одил судловига оид дастурларни қўллаш учун тегишли меъёр ва йўриқномалар ишлаб чиқиши талаб этилади. Ҳуқуқни тиклаш ва жиноий жазодан озод этилиш билан боғлиқ суд ажримларининг ҳуқуқий мақоми оқлов ҳукмларининг ҳуқуқий мақомига тенг бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Декларацияга қўшилган мамлакатлар ҳуқуқни тиклаш одил судловини ривожлантиришнинг миллий стратегия ва сиёсатини олиб бориб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, суд органлари ва ижтимоий ҳимоя органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида тегишли ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратишлари лозим.

Ушбу халқаро ҳужжатда қайд этилган асосий талабларни Ўзбекистон Республикасида жорий қилиш бўйича қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигига ҳуқуқни тиклаш одил судловига оид халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш мақсадга мувофиқ;

2. Ўзбекистон Республикаси томонидан «Жиноят ва ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши натижасида жабрланган шахслар учун одил судловни амалга оширишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги 1985 йил 29 ноябрдаги БМТ Декларациясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.
3. Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқни тиклаш одил судловига оид дастурлар қўлланишининг асосий принциплари тўғрисидаги 2002 йил 24 июлда қабул қилинган БМТ Декларациясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан эътироф этилиши ҳам муҳим воқеа бўларди.

Юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши ҳуқуқни тиклаш одил судовининг халқаро ҳуқуқий стандартларини Ўзбекистоннинг ички қонунчилигига киритилиши учун асос бўлади ва жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг манфаатларини муҳофаза этиш жараёни янада самарали бўлишига, жамиятда адолат ва қонунийлик қарор топишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилар эди.

Маълумки, республикамизнинг ихтисослашган фуқаролик судларида кўриладиган ишлар ҳажми кўпчиликти ташкил этмоқда. Уларнинг кўлами ортиб бормоқда. Бу ишларни мавжуд судьяларнинг ҳар бирига таксимлаганда ҳам ўртача норматив бошқа давлатларга қараганда анча юқори эканлиги аён бўлиб турибди. Шу боис судларда фуқаролик ишларини тезкор кўриб ҳал этиш масаласи ўта долзарб бўлиб турибди. Мазкур масалада ҳам хорижий ва халқаро тажрибадан фойдаланиш ўринли. Ана шундай институтлардан бири — «суд буйруғи» институтидир. Бунга кўра, солиқ ва бошқа тўловларни ундириш, бошқа фуқаролар ёки давлат фойдасига айрим мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш тартибини соддалаштириш мақсадида қонунчилигимизга «суд буйруғи»га оид қоидаларни киритиш тўғри бўлар эди. Яъни, суд баъзи оддийроқ мажбуриятларнинг тезкор бажарилишини таъминлаш мақсадида суд жараёнини бошламасдан, ишни мазмунан ўзи яқка тартибда ўрганиб чиқиб, жавобгар шахс учун бажарилиши мажбурий бўлган «суд буйруғини» чиқаради. Бу ҳужжатнинг бажарилишини суд ижрочилари тезкор тартибда таъминлайдилар. «Суд буйруғи»

институтининг қонунчилигимизда жорий этилганлиги хусусида кейинги фаслларда фикр юритамиз.

Шундай қилиб, судлов тизимини шу тарзда ислоҳ этиб, эркинлаштириш орқали фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришга эришиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июнда «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. У Ўзбекистонда мустақилликка эришилган кундан бошлаб мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган чуқур демократик ислохотларни давом эттиради ва ҳуқуқни қўллаш ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш, суд обрўсини мустақкамлаш, унинг қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қатъий ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган. Қарорда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ташкил этилаётган муассаса, авваламбор, тадқиқот маркази ҳисобланади ва унинг вазифаси Олий суд органлари тизимида суд-ҳуқуқ муносабатларини янада ислоҳ қилишнинг иккита муҳим йўналишини амалга ошириш — уни либераллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда улар бўйича таклифлар тайёрлашдан иборат¹.

Юқорида баён этилган барча ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил, холис, демократик суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга хизмат қилади.

10. Шахсининг ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминлаш. Кенг маънода «*ижтимоийлашув*» инсон томонидан жамиятда умргузаронлик қилишга имкон берувчи билимлар, кўникмалар, коида ва кадриятлар тизимининг ўзлаштирилиши жараёни тарзида талқин этилади. Ижтимоийлашув, шунингдек, инсон томонидан ки-

1 Халқ сўзи. — 2008. 24 июнь.

шилиқ маданиятининг, хусусан миллий маданият анъаналарининг ўзлаштириб борилиши жараёни ҳамдир. Мазкур универсал ёндашувдан келиб чиқиб, ҳуқуқий ижтимоийлашувни инсон томонидан ҳуқуқий маконда фаолият юритишда (ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишда) унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга имкон берувчи ҳуқуқий билимлар, нормалар ҳамда қадриятлар тизимини ўзлаштириш жараёни сифатида таърифлаш мумкин. Ҳуқуқий ижтимоийлашув тушунчасига шахс (ҳуқуқ субъекти) томонидан инсоният цивилизацияси яратган ҳуқуқий маданият анъаналарини, меъёрларини ўзлаштириб бориш ҳам киради. Ҳуқуқий қадрият ва меъёрларни, ҳуқуқий меросни ўзлаштириш инсоннинг бутун умри бўйи давом этади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида шахс турли ижтимоий ролларни ўзлаштиради ва намоён этади. Масалан, аксарият инсонлар никоҳ ёшига етгач турмуш қурадилар, шу тариқа «эр» ва «хотин» ролини, фарзандли бўлгач «ота» ва «она» ролини, низо бўйича судга мурожаат этганда «даъвогар» ва «жавобгар» ролини, меҳнат муносабатларига киришганда эса «иш берувчи» («маъмурият раҳбари») ва «ҳодим» («ишчи») ролини ижро этадилар ва х. к.

Шахснинг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш орқали ижтимоийлашиб бориши ниҳоятда мураккаб жараёндир. Бунда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур, билим, ҳуқуқий маданият, тарбия, юридик тажриба каби махсус ходисалар намоён бўлади. Бу жараёнда ҳуқуқий руҳият, ҳуқуқий маънавият (баъзан ҳуқуқий нигилизм) муайян ўрин тутиши табиий. Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳуқуқий таълим ва тарбия, тарғибот ва ташвиқот, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув даражаси юқори бўлган шахс ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳуқуқий воситалар ҳамда усуллардан фойдаланган ҳолда қондириш йўлларини пухта ўзлаштиради. Ҳуқуқий ижтимоийлашув қуйидаги *функцияларни* бажаради:

- а) ҳуқуқий нормалар ихтиёрий ижро этилишини, қонун устуворлиги қарор топишини таъминлайди;
- б) аниқ ижтимоий-тарихий жараёнда ва ҳуқуқий маконда ҳуқуқ субъектларини шакллантиради;

- в) жамиятнинг маърифий тараққиётида ҳуқуқий мерос кадрланиши ва авлодлар ўртасида ворисийликни, давомийликни таъминлайди;
- г) индивидни ижтимоий-ҳуқуқий муҳитга мослаштириш орқали ҳуқуқий коллизия ва зиддиятларни бартараф этади, ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви фуқароларнинг жамият ҳаётидаги турли муносабатларда, айниқса, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги фаоллигини акс эттиради. Шахс фаоллиги — барча жараёнларда унинг ўз фикри, ўз қарашлари, ўз ҳаракати, ўз ташаббускорлиги, жонқуярлик билан иштирокида намоён бўлади. Демак, фуқароларимизнинг давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал этишда фаол иштирокини таъминлаш мамлакатимизнинг ривожланаётганлигини, ўз мақсадлари йўлида шаҳдам одимлаётганлигини англатади. 2010 йилнинг мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ва ёшларга оид қонунчиликнинг изчил такомиллаштирилиши ёшларимизнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви борасидаги муҳим қадам десак, муболаға бўлмайди.

11. *Ҳуқуқий тизимни халқаро ҳуқуқий стандартларга мослаштириш* орқали замонавий талаблар даражасида ривожлантириш уни модернизация қилишнинг ўта муҳим йўналишини ташкил этади. Табиийки, ҳар бир «миллий қонунчилик» халқаро тизимнинг элементи, узвий қисми бўлиб, бошқа давлатларнинг қонунчилиги, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий мезонлар таъсиридан, уларнинг ижобий самарасидан четда қолиши мумкин эмас.

Халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси, халқаро ҳуқуқнинг тенг субъекти сифатида майдонга чиқаётган суверен Ўзбекистон ўз мустақил ва янги ҳуқуқий тизимини, қонунчилик тизимини шакллантираётган ҳозирги масъулиятли даврда мамлакатимиз учун имплементация алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномани мамлакат ҳуқуқий тизимига сингдиришда янги ҳуқуқ ижодкорлиги актини яратиш масаласи ҳар бир муайян вазиятда алоҳида тарзда ҳал этилади. Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан халқаро

шартноманинг ратификация қилиниши унинг нормалари амалга оширилганлигини (татбиқ этилганлигини) англатмайди. Халқаро ҳуқуқий ҳужжат нормаларининг мамлакат ичкарасида амалга оширилиши учун давлатимизнинг алоҳида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти рўй бериши лозим.

Халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилишнинг энг оқилона шакли халқаро норманинг мазмунини давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги актида қайта акс эттириш (гавдалантириш) дир. Бошқача айтганда, халқаро норма давлатнинг қонунида қайтадан (янгитдан) эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида халқаро ҳуқуқнинг бир қатор умум эътироф этилган принциплари ва нормаларининг имплементация қилинганлигига қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Асосий принциплар» (I бўлими) ҳамда «Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари» (II бўлими) да «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» нинг¹ қатор қоидалари мазмуни ўзининг бевосита ифодасини топганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг 13-моддасида Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланиши ва уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари *олий қадрият* ҳисобланиши мустаҳкамланган. Мазкур конституциявий қоида Декларациянинг муқаддимаси ҳамда 1–2-моддаларининг мазмунини ўзига сингдирган. Декларациянинг 3-моддасида: «Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир», деб мустаҳкамланган. Шунингдек, «ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш, уй-жойи дахлсизлигига... тажовуз қилиниши мумкин эмас» лиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида — барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллиги, 19-моддасида — фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, 24-моддасида — яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги, 25-моддасида — ҳар ким эркин ва шахсий дахл-

1 Қаранг: Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т., 2004. — Б. 30–36.

сизлик ҳуқуқига эгаллиги, 27-моддасида ҳар ким ўз шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган.

Шубҳасиз, мамлакатимиз миллий қонунчилиги халқаро ҳуқуқий тажрибадан самарали озиқланади, халқаро ҳуқуқий стандартларни қонунларимиз мазмунига сингдириш (имплементация қилиш) орқали улар республикамиз фуқаролари ҳаётига олиб кирилади, улар мавжуд ҳуқуқий муносабатларни оқилона, жаҳонда эътироф этилган меъёрлар ва мезонлар асосида тартибга солишига эришилади. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари тан олинади, улар миллий қонунчилик қоидаларидан устун саналади. Ўзбекистон Республикасининг катор кодекс ва қонунларида, башарти, мазкур қонуннинг қоидалари тегишли халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келиб қолса, халқаро ҳуқуқнинг нормалари қўлланилади, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур қоидалар миллий қонунчилигимиз билан халқаро ҳуқуқ стандартларининг нисбати ва алоқадорлигини ифода этади.

Мухтасар айтганда, ҳуқуқий тизимни модернизация этиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Ўзини шу юрт, шу эл фарзанди деб билган ҳар бир шахс ҳуқуқни яратиб, уни татбиқ этмасида, ҳеч бўлмаса, унга оғишмай риоя этиш орқали ҳуқуқий тизим ривожига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Зеро, фаол ҳаракатда бўлган, инсон манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий тизим ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тизим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш жараёни катта масъулият талаб этади. Ислохотлар ҳуқуқий тизим таркибига кирувчи барча бўғинларни қамраб олмақда. Демак, ҳар бир бўғинда рўй бераётган ўзгариш ва жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Ҳуқуқий ислохотларга кенг қамровли ва комплекс ёндашиш лозим. Ана шундагина бунёдкорлик йўналишидаги куч-ғайратимиз ва ижодий фаолиятимиз ижобий самаралар беришига умид боғлаш мумкин¹.

1 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 137.

§1.4. ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАБИАТИ, МАЗМУНИ ВА ТАСНИФИ

Мамлакатимиз демократик ривожланиш йўлидан илдам одимлаётган, дунё давлатлари ўртасида ўз ўрни, нуфузи ва мавқеига эга бўлиб бораётган бугунги шароитда ижтимоий ҳаётимизда янги-янги воқеликлар пайдо бўлмоқда. Албатта, бу — замон, давр, таракқиёт талаби, ҳаёт қонунияти. Ҳуқуқшунослик илмининг асосий вазифаларидан бири бундай замонавий воқеликлар, ҳодисалар мазмун-моҳиятини илмий асосда изоҳлаб беришдир. Шундай ҳодисалардан бири **ҳуқуқий қадриятлардир**. «Ҳуқуқий қадрият» ибораси кундалик ҳаётимизда тез-тез кўлланилмоқда. Инсоният тафаккури ва онгининг юксалиб бориши жамият ҳаётидаги воқеа ва ҳодисалар мазмунини англаб етиш ҳамда уларни ўз манфаатларига хизмат қилдиришга кўмаклашади.

Ҳуқуқий қадрият хусусида фикр юритганда, ушбу сўзнинг луғавий маъносини билиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади. *Ҳуқуқий қадрият* ҳуқуқнинг ижтимоий манфаат келтирувчи смилтадаги талқинидир. «Ҳуқуқий қадрият» — «ҳуқуқ» ва «қадрият» тушунчалари уйғунлигининг ҳосиласи. Мазкур илмий категориянинг асл маъносини ҳуқуқ ва қадрият тушунчалари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқ — кўп маъноли, серқирра ва айни вақтда, ноёб ҳамда мураккаб ижтимоий ҳодиса.

Қадимги юнон ва рим файласуфлари томонидан таърифланган ҳуқуқ ва одиллик, ҳуқуқ ва эзгуликнинг узвий алоқаси ҳақидаги қоидалар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. «Сиёсий муносабатларни тартибга солувчи норма» бўлган ҳуқуқ, қадимги юнон мутафаккири Арасту таъбири билан айтганда, «адолат мезони» бўлиб хизмат қилиши лозим. Ҳуқуқни ўрганувчи, энг аввало, *jus* (ҳуқуқ) сўзи қардан келиб чиққанини; у «*justitia*» — ҳақиқат, адолат сўзидан олинганлигини ёдда тутиши кераклигини таъкидлаган эди қадимги рим юристи Ульпиан.

Машхур давлат арбоби ва ҳуқуқшунос М. Т. Цицероннинг фикрича, ҳуқуқ асосида табиатга мос бўлган ҳақиқат ётади. Бунда ҳақиқат абадий, ўзгармас бўлиб, бутун табиатнинг ҳам, инсон табиатининг

хам ажралмас хусусиятидир. «Ҳақиқий қонун» — табиатга мос, оқилна, барча инсонларга татбиқ этиладиган, доимий, абадий қоида бўлиб, инсонларни ҳамиша бурчни бажаришга чорлайди, буйруқ бериш ва тақиқлаш билан жиноят содир этишдан қайтаради; лекин, керак бўлмаган чоғда ҳалол одамларга ҳеч нарсани буюрмайди ва ҳеч нарсани тақиқламайди¹.

Ҳуқуқ ходисасининг замонавий талқини шуни кўрсатмоқдаки, унинг табиатидаги ҳал қилувчи таркибий қисм *нормалардир*. Ҳар бир алоҳида норма ҳали объектив ҳуқуқни ташкил этмайди. Норма — бу восита, аниқроқ айтганда, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик восита². Объектив (позитив) ҳуқуқ давлат иродасини қонун даражасига кўтарувчи нормалар тизимидан иборат.

Ҳуқуқнинг моҳиятини биргина таъриф билан ифодалаш қийин. Ҳуқуқ жамиятдаги муносабатларни норматив тартибга солувчи турли тизимларнинг бир шакли, ҳолос. Ҳуқуқ юридик нормаларнинг оддий тизими эмас. У жамият тараққиётининг бутун маърифий даври мобайнида қарор топган муносабатлар асосида шакллантирилган қоидалар мажмуи бўлиб, давлат ҳокимияти томонидан ўрнатиладиган, инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда **эркинлик**, **адолат** ва **тенглик** мезонларини белгилаб берувчи норматив мажбурий воситадир³.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг ўзагини ташкил этган ҳуқуқий доктринани шакллантириш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунга келиб Ўзбекистонда табиий ҳуқуқ таълимоти, умуминсоний, умумбашарий ҳуқуқий кадриятлар билан халқимизнинг бир неча минг йиллардан буён сайқалланиб келаётган тарихий, миллий, ҳуқуқий ва маънавий кадриятларининг ҳамоҳанглиги асосида ҳуқуқий доктрина яратилди⁴. Ҳуқуқий доктринамизнинг асосий ғоялари, қоида ва тамойиллари

1 Қаранг: Цицерон. Диалог о государстве, о законах. — М., 1966. — С. 148.

2 Қаранг: Алексеев С. С. Восхождение к праву: поиски и решения. — М., 2001. — С. 96–97.

3 Батафсил маълумот учун қаранг: Одилқориев Х. Т., Тультеев И. Т. Икки палатали парламент. — Т., 2005. — Б. 79.

4 Батафсил маълумот учун қаранг: Одилқориев Х. Т. Замонавий ҳуқуқ назарияси масалаларининг конституциявий талқини//Ҳуқуқ. Право. Law. — 2005, № 4. — Б. 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан ҳуқуққа берилган қуйидаги таъриф асосида шакллантирилди: «Ҳуқуқ ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолат ва тенгликни вужудга келтириш воситасидир»¹. Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқнинг бундай талқини ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий онгда туб бурилиш бўлиб, у ўзбек ҳуқуқшунослигини адолат ва демократик ғоялар асосида ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди².

Юқоридаги фикрни ривожлантириб айтиш мумкинки, ҳуқуқ айни вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий муносабатларни *тартибга солишга* мўлжалланган қудратли расмий восита, ҳам мавжуд муносабатларнинг бир мақсад, бир сиёсат, бир ҳуқуқий мафкура замирида уйғунлаштирилишига асосланган *ижтимоий тартиботдир*.

Ҳуқуқ — давлат даражасида умумлаштирилган ироданинг норматив ифодаси. Шундай экан, ҳуқуқни жамиятдаги турли ижтимоий манфаатларни келиштириш, мувофиқлаштириш воситаси деб эътироф этиш лозим бўлади (айнан ана шу келиштириш, жамият учун ягона умумий иродани шакллантириш ҳамда расмийлаштириш қонун ижодкорлиги жараёнида рўёбга чиқарилади).

Башарти, жамият таракқиётининг ҳозирги босқичида ҳуқуқнинг маъноси, табиати унинг ижтимоий келишувга эришиш оқибати, муросага асосланган ижтимоий тартиботнинг асоси эканлигида бўлса, унда ҳуқуқнинг моҳияти нимада акс этади: ҳуқуқий ғоялардами, нормалардами ёки ижтимоий муносабатлардами? Бу саволга ҳуқуқнинг учта йирик мактаби турлича жавоб беради.

Жумладан, *ҳуқуқнинг норматив назарияси мактабининг* талқинига кўра, ҳуқуқ — нормалар йиғиндиси. Бу талқинга мувофиқ, ҳар қандай қонун ҳуқуқ ҳисобланади. Қонун давлат томонидан яратилади ва ҳар доим тўғри ҳамда ҳуқуқий деб тан олинади.

Социологик назарияга кўра, ҳуқуқ — энг аввало реал ҳаёт, айнан ижтимоий муносабатларнинг ўзи. Ҳуқуқий муносабатлар эса ижти-

1 Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — Б. 20.

2 Қаранг: Жавлиев Н. Б. Ҳозирги замон ҳуқуқни тушуниш муаммолари. — Т., 2008. — Б. 87–88.

мой муносабатларнинг таркибий қисмидир. Ҳуқуқ ҳаётнинг ўзида шаклланади, вужудга келади; судьянинг фаолияти ҳуқуқ яратади (суд прецеденти). Бу назария давлат ҳукмронлиги (этатизми)ни сусайтиради, иқтисодиётга давлат аралашувини чеклайди, шунингдек плюрализм, ҳокимиятлар тақсимланиши принципларига кенг йўл очиб, суднинг юксак ролини таъминлашга хизмат қилади.

Маънавий ва ахлоқий қадриятлар устунлигини ҳимояловчи ҳуқуқий мактабнинг фикрича, ҳуқуқ — олий идеал ғоянинг ифодаси. Масалан, ижтимоий шартнома ғояси, ижтимоий ҳамжиҳатлик ғояси, ижтимоий мурося (компромисс, консенсус), тенглик, адолат ғоялари ва ҳоказо. Ушбу ғоялар ҳуқуқий нормаларга, қонунларга ҳамда ижтимоий муносабатларга сингдирилиб ифодаланиши мумкин. Ана шу ғояларнинг акс эттирилиши ёки акс эттирилмаслиги нуқтаи назаридан, мазкур мактаб «**ҳуқуқ**» билан «**қонун**»ни фарқлайди. Ҳуқуқий ғоя қонун чиқарувчи орган учун асосий мезон ҳисобланади. Шу боис бу мактаб кучли демократик гуманистик асосга таянади, унда ижтимоий плюрализм, ҳокимиятлар тақсимланиши принципларига қатъий риоя этилади¹.

Барча ҳуқуқий мактаблар учун умумий жиҳат ҳуқуқни ижтимоий тартибот тизими, ижтимоий келишув ва мурося деб таърифлашдан иборат².

Ҳуқуқ жамият ва инсон манфаатларини ҳимоя этишга сафарбар этилганлиги боис нуфузли ижтимоий қадрият тарзида майдонга чиқади. Ҳуқуқнинг жамият ҳаётидаги асосий кадр-қиммати, ижтимоий вазифаси ва аҳамияти унинг норматив система эканлигидадир³. Бу хусусият орқали ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга тизимлилик, батартиблик, изчиллик, уйғунлик ва узвий алоқадорлик бахш этади. Демократик тузум шароитида ҳуқуқ халқ, жамият ҳамда шахс манфаатларига хизмат қилиши, тенглик ва эркинликни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishiда адолат ва мўътадилликни таъминлаш воситаси эканлиги унинг ижтимоий кадр-қимматини оширади.

1 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т., Тультеев И. Т.* Икки пачатали парламент. — Т., 2005. — Б. 79–81.

2 Қаранг: *Лившиц Р. З.* Теория права. — М., 1994. — С. 51–53.

3 Қаранг: *Алексеев С. С.* Восхождение к праву: поиски и решения. — М., 2001. — С. 54.

Қомусий олим Абу Наср Форобийнинг фикрича, ҳуқуқ мамлакат-даги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тараққиётга шарт-шароит яратиш, ижодий меҳнатга имкон ҳосил қилиш воситасидир¹. «Ҳуқуқ — расман тенглик принципларига мувофиқ бўлган, давлат томонидан ўрнатилган ёки руҳсат берилган ҳамда давлат томонидан мажбур қилиш имконияти билан таъминланган нормалар тизими»². Рус файласуфи Б. Н. Чичериннинг таъбирича, ҳуқуқ инсоннинг умумий қонун билан аниқланадиган зохирий эркинлигидир. Ахлоқдан фарқ қилган ҳолда, ҳуқуқ баъзи ҳолларда мажбурлашга асосланади³. Ҳуқуқ — бу давлат томонидан ўрнатиладиган ёки маъқулланадиган ва қўриқланадиган, ҳамма учун мажбурий бўлган яшаш қоидаларидир. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятордир.

Машҳур немис мутафаккири Г. Кельзеннинг ёндашувига кўра, ҳуқуқ фақат буйрук, норма сифатидагина қадр-қиммат касб этади. Ушбу маънода (буйрук, норма сифатида) ҳуқуқ муқаррарлик шакли сифатида тавсифланади. «Кўпинча бўлганидек, — деб таъкидлаган Кельзен, — ҳуқуқ ўзида нормани (ёки буйрукни) ифодалаш баробарида муайян кадриятни ташкил этади ёки ифодалайди (мутлақ кадриятга йўл қўйиш мумкин бўлгандагина бундай эътироф маъно касб этади). Чунки ҳуқуқ айнан норма бўлганлиги учун кадриятни ташкил этади»⁴.

Позитив ҳуқуқ (яъни, давлат иродаси билан яратилган ҳуқуқ) реал борлик сифатида инсонлар тафаккури ва иродасининг шундай маҳсулдирки, унда ҳаётий муносабатлар кадрият шаклида (уларнинг муҳим хусусиятлари жамланиб) ифода этилади ва қатъий белгиланган, барқарор ижтимоий воқеликка, неъматга айланади⁵.

Шундай қилиб, ҳуқуқ — жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, фуқароларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт фаолиятини белгилаб берувчи, давлат томонидан расмийлаштирилган ва муҳофаза этиладиган яшаш қоидалари тизимидир.

1 Қаранг: *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шахри. — Т., 1993. — Б. 122.

2 *Нерсеянц В. С.* Ҳуқуқ фалсафаси. — Т., 2003. — Б. 64.

3 Қаранг: *Чичерин Б. Н.* Философия права. — М., 1900. — С. 1.

4 Чистое учение о праве Ганса Кельзена. Вып. I. 1996. — С. 93.

5 Қаранг: *Алексеев С. С.* Восхождение к праву: поиски и решения. — М., 2001. — С. 117.

«Қадрият» ибораси ўз маъносида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг кенг қўлланила бошланди. Собиқ Иттифок даврида бу термин муомалада деярли учрамас эди, уни ўзбекча луғат манбаларидан чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йилда Москвада «Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти» томонидан чоп этилган ва 40 мингдан ортиқ сўздан иборат «Ўзбекча — русча луғат»га ҳам, 1988 йили ЎзСЭ Бош редакцияси чиқарган ва 50 минг сўзни ўз ичига олган «Ўзбекча — русча луғат»га ҳам «қадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби ибораларнинг киритилмаганлигини келтириш мумкин.

Шунингдек, ушбу терминлар 1981 йилда Москвадаги «Русский язык» нашриёти томонидан чоп этилган ва 60 минг сўзни қамраб олган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳам учрамайди. Бошқа русча — ўзбекча луғатларда ҳам «қадрият» сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»да «ценность» сўзининг тўртта маъноси алоҳида луғат мақоласи тарзида берилгани ҳолда уларнинг бирор-тасида «қадрият» маъноси ўз ифодасини топмаган¹.

Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларни ўрганишга, тадқиқ этишга, улар тўғрисида мушоҳада юритиш ва ҳолис фикр билдиришга шароит яратилди. Ўзбек олимларидан А. М. Жалолов, Қ. Назаров, Ж. Туленов, О. Умрзоқова, Э. Юсупов, Ф. Темиров, С. Назарова, Х. О. Шайхова, Қ. Х. Хоназаров, Б. Р. Каримов, Б. О. Тўраев ва бошқалар ўз тадқиқотларида қадриятларнинг мазмун-моҳияти, таснифини ёритишга ҳаракат қилдилар².

1 Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. — Т., 1998. — Б. 8–9.

2 Жалолов А. М. Мустақиллик масъулияти. — Т., 1996; Умрзоқова О. П. Умуминсоний қадриятлар: миллий анъана ва урф-одатлар тақомиллашмоқда. — Т., 1992; Шайхова Х. О., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. — Т., 1994; Пўлатов Ҳ. П. Мустақиллигимиз қадриятлари. — Т., 1993; Хоназаров Қ. Ҳ. Миллий ўзликни англаш ва умуминсоний қадриятлар. — Т., 1994; Каримов Б. М., Тўраев Б. О. Оқилона қадрият мўлжаллари. — Т., 1998; Мурод М. Ўзбек қадриятлари. — Т., 1994; Юсупов Э. Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. — Т., 2003; Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. — Т., 1994; Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). — Т., 2004.

Қадриятларнинг турли кирраларини очиб бериш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар фақат унинг мазмуни ва моҳиятини англаш ва тушунтириш билан чекланмасдан, уларнинг келиб чиқиши, тадрижий тараққиёти жараёни ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирмоқдалар. Шу билан бир каторда, инсоният учун қадрли бўлган моддий ва маънавий неъматлар мажмуи ҳисобланган ижтимоий қадриятларни асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш борасида саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Уларнинг ижобий натижаси ўлароқ мамлакатимизда миллий қадриятларга чексиз ҳурмат муносабати шаклланимоқда, уларни эъзозлаш ва қадрлашнинг ўзига хос шакли ва амалиёти такомиллашиб бормоқда.

Сўнги йилларда нафақат ҳуқуқшунослик илмида, балки ижтимоий фанларнинг барча жабҳаларида «қадрият» категориясининг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи тадқиқотлар амалга оширилмоқда, у ҳақида янгича ёндашув, қараш ва фикрлар илгари сурилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ўзбекона миллий қадриятларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш хусусида фикр билдирар экан, «қадрият» сўзининг маъносини очиб беради: «Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган гоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз»¹.

Қадриятлар аксиология фани томонидан ўрганилади². «Қадрият» тушунчасидан ахлоқ нуқтаи назаридан зарур маънода фойдаланиш Иммануил Кантга бориб тақалади. Унинг талқинидаги «қадрият» — муқаррарлик ва эркинлик аҳамиятига эга тушунча. И. Кантнинг издошлари Р. Г. Лотце, В. Виндельбанд ва бошқалар қадрият тўғрисидаги тасаввурларни янада ривожлантирдилар. Масалан, В. Виндельбанд қадриятни нафақат ахлоқийлик, балки маданият нормаси сифатида талқин этди ва ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик каби қадриятлардан ташқари, инсоният маданиятининг санъат, дин, фан ва ҳуқуқ сингарини қадрият бойликларини эътироф этган³.

1 Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 82.

2 Қаранг: Фалсафа: Комусий луғат/Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. — Б. 17.

3 Қаранг: *Нерсеянц В. С.* Ҳуқуқ фалсафаси. — Т., 2003. — Б. 76.

Фалсафа — комусий луғатида таъкидланишича, «**қадрият** — вокеликдаги муайян ходисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлокий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча»¹. Шунингдек, қадриятларни аксиология нуктаи назаридан талкин қилиш унинг илмий категория сифатидаги моҳияти, мазмуни, объектив асоси, субъектив жиҳатлари, намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларини ўрганишга имкон беради.

Яна бир мутахассис Н. Бердалиевнинг эътирофи этишича: «Қадрият — жамият, миллат, халқ ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаати учун хизмат қиладиган, уларнинг истиқболига асос бўладиган, тараққиёт ва ривожланишга ҳисса қўша оладиган моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини ёрқин ифодалайдиган тушунчадир»².

Қадриятларни баъзи файласуфлар талкин қилганларидек, «табиатнинг, моддий ва маънавий маданиятнинг буюмлари инсон эҳтиёжларини кондириш, унинг мақсадларига хизмат қилиш қобилятига эгадир. Ана шу маънода уларга қимматдорлар, деб қараш мумкин ва зарурдир», деган маънода тушуниш тўғри эмас. Бу категория ўзида қадрият объектининг нафақат қимматини, балки ижтимоий аҳамиятини, фалсафий-аксиологик мазмунини, жамият ва инсон учун фойдали эканлигини ҳам ифодалайди. Қадрият категориясидан аксиологлар ҳар қандай нарса, шу жумладан, инсоннинг ҳам ижтимоий қадрини ифодалайдиган умумий ва универсал категория сифатида фойдаланадилар — деб, эътироф этади³.

«Қадрият категориясини “урф-одат”, “анъана” тушунчаларидан фарқлаш лозим, — деб таъкидлайди академик Э. Юсупов, — чунки, урф-одат, анъаналар орасида жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка, умуман тараққиётга путур етказувчилари ҳам бор. Жумладан, мутаассиблик, боқимандалик, бепарволик, бепарқлик ва ҳ. к. “Қадрият” деганда халқ кадрлайдиган, ҳурмат қиладиган, эъзозлайдиган ру-

1 Фалсафа: Комусий луғат/Тузувчи ва масъул муҳаррир. К. Назаров. — Т., 2004. — Б. 496.

2 Бердалиев Н. Қадрият тушунчаси ва унинг моҳияти//Жамият ва бошқарув. — 2008. — № 3. — Б. 80.

3 Қаранг: Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). — Т., 2004. — Б. 62–64.

хий юксалишга, тараққийетга, фаровонликка йўналтирилган маънавий бойликларни тушунишимиз лозим»¹.

«Қадрият» ибораси инсонга, жамиятга нисбат берилиб таърифлангандагина муайян маънога эга бўлиши, аниқ мазмун касб этиши мумкин. Зеро, *қадрият* деганда инсониятга хизмат қилувчи, унинг эҳтиёж ва манфаатларини қондирувчи жамики моддий ҳамда маънавий неъматлар тушунилади. Албатта, ҳеч бир буюм ёки воқелик инсон ва унинг эҳтиёжларидан алоҳида олиб талқин этилганда бирон-бир кадр-кимматга эга бўлмайди. «Қадриятлар, — дейди Н. Неновски, — инсонлар эҳтиёжларини қондирувчи предметлар, ҳодисалар ва уларнинг хусусиятларидир. Инсониятга нисбат бериб баҳоланмаган буюм, ҳодисалар ҳеч қандай кадр-кимматга эга бўлмайди. Қадриятлар инсонга хизмат қилувчи неъматлардир»².

Дунёнинг энг олий неъматини, бетакрор хилқати инсондир. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, инсонларнинг ижтимоий турмуши учун зарур ва фойдали бўлган, уларнинг ривожланиши учун хизмат қиладиган, шароит яратадиган барча предмет ҳамда воқеликлар қадрият саналади. Атрофимизни куршаб турган нарсалар, ҳодисалар, маънавий воқеликларнинг кадр-киммати инсонларнинг уларга нисбатан билдирадиган муносабати билан белгиланади. Бу муносабат ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Табиийки, инсонларнинг манфаат ва эҳтиёжларини қаноатлантиришга хизмат қиладиган, интилиш ва мақсадлари рўёбга чиқишига кўмаклашадиган неъматларга ижобий, эъзозли муносабат бўлади. Ҳар бир қадрият фақат инсонлар муносабати туфайлигина ўзининг муносиб баҳосига сазовор бўлади.

Жамият ҳаётида мавжуд турли-туман қадриятларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, миллий, маънавий мазмундаги қадриятларга ажратиш мумкин. Бу ўринда барча қадриятлар хусусида муфассал тўхталишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз.

«Қадрият» атамаси бугунги кунда ўзининг ҳақиқий маъносига эга бўлиши билан бир қаторда, ижтимоий ҳаётда моҳият жиҳатдан тўғри

1 Юсунов Э. Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. — Т., 2003. — Б. 59.

2 Қаранг: *Нено Неновски*. Право и ценности/Под ред. В. Д. Зоркина. — М., 1987. — С. 210.

қўлланишига эришилмоқда. Айниқса, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўтган қисқа вақт мобайнида қадриятлар талқинига бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Илмий, бадний, оммабоп асарлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари яратилди ва бу ишлар жадал давом эттирилмоқда. Энг асосийси, ўзбек қадриятшунослик мактабига асос солинди.

«**Ҳуқуқий қадрият**» — нисбатан янги тушунча. Инсоният дунё-қарашининг тобора кенгайиб бориши фанда янгидан-янги категорияларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Илмий категория фаннинг асоси ҳисоблангани боис, унинг мазмун-моҳиятини англаш ва тушунтириб бериш алоҳида аҳамият касб этиши табиий. Лейбницнинг фикрича, «математик рақамлар билан фаолият олиб борса, юрист тушунчалар билан ишлайди». Демак, ҳар бир тушунчанинг моҳиятини тўғри англаш, уни ўз ўрнида қўллаш аввало ҳуқуқшуносликнинг, шу билан бир қаторда бошқа касб эгаларининг ҳам муҳим вазифасидир.

XXI асрнинг бошларига келиб, «**ҳуқуқий қадрият**» тушунчаси ўзбек ҳуқуқшунослик фанига кириб келди. У миллий қадриятларнинг қайта тикланиши, замонавий қадриятларнинг шаклланиши ва таснифланиши натижасида юзага келди. Ҳозирга қадар қадриятларнинг муҳим шакли ҳисобланган ҳуқуқий қадриятларни атрофлича тўла тадқиқ этишга қаратилган комплекс тадқиқот ишлари бўлмаса-да, айрим олимлар томонидан муайян фикрлар билдирилган мақолалар нашр этилган¹.

Профессор В. В. Лазаревнинг эътироф этишича, «ҳуқуқий қадрият муайян ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса, ҳуқуқий восита ва механизмлардир»². «Ҳуқуқий қадрият, — деб таъкидлайди рус олими А. Н. Бабенко, — бу ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, тасаввур ва мулоҳаза асосида ўзлаштирилган ҳуқуқий норма ва принципларнинг шахс ҳуқуқий ва умумий маданиятига уйғунлаштирилган ҳолда давлат ва жамият ривожига таъсир кўрсатиш даражасидир»³.

1 Батафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х. Беназир ҳуқуқий қадрият//Халқ сўзи. — 2001. — 30 март: Ўша муаллиф. Мустақиллик ва ҳуқуқий қадриятлар// Ҳуқуқ. Право. Law. — 2001. — № 3. — Б. 4–7.*

2 Теория права и государства//Под ред. проф. В. В. Лазарева — М., 1996. — С. 106.

3 *Бабенко А. Н. Правовые ценности (вопросы теории). — М., 2001. — С. 35.*

Ҳукукий кадрият — ижтимоий кадриятнинг бир шакли. Қадриятлар инсон учун кадрли моддий ва маънавий неъматлар мажмуи дея талқин этиладиган бўлса, ҳукукий кадриятларни биз маънавий неъматлар таркибида акс эттиришимиз мантиқан тўғри бўлади. Ҳукукий кадриятлар ҳукукнинг кадрият даражасидаги ифодасидир. Ҳуқуқ қачон кадрият мақомига эга бўлади? Ҳуқуқ ижтимоий ҳаётда ҳурлик ва озодлик, тенглик ва адолат, тинчлик ва фаровонлик, эркинлик ва масъулият кўрсаткичи сифатида ўз ўрнига эга бўлса, инсонлар томонидан кадрланса, эъозланса, ардоқланса, унга ихтиёрий риоя этилсагина кадрият сифатида тан олинади.

Ҳукукий тартибга солиш тизими ўз мазмунига кўра турли кадриятлар, баҳолаш мезонлари, принциплари, қоидалари, ижтимоий институтларни камраб олади. Ҳукукий кадриятлар ва ҳукукий баҳолашлар ҳукукий онг соҳасида намоён бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи аҳамият касб этади¹.

Шундан келиб чиқиб, ҳукукий кадриятни қуйидагича таърифлаш мумкин: **Ҳукукий кадриятлар** — бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъозланадиган, кадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳукукий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир. Ҳукукий кадрият — ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантана қилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари собитқадамлик билан таъминланишига, юксак ҳукукий онг ва маданият шаклланишига хизмат қиладиган ҳукукий ҳодиса².

Мустақиллик шароитида қўлга киритилган энг катта ютуғимиз шундаки, аввало, халқимизнинг миллий, тарихий кадриятлари тикланди, шунингдек ўз табиатимизни ифода этувчи янги замонавий демократик кадриятларимиз тизими шаклланмоқда. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг моҳияти, мазмуни унда қарор топган ҳамда халқнинг

1 *Маматов Х.* Ҳукукий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. — Т., 2009. — Б. 85.

2 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Ҳукукий кадрият ва шахс ижтимоий ҳимояси//Миллий кадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳукукий механизмларини такомиллаштириш. — Т., 2007. — Б. 44.

турмушидан мустаҳкам ўрин олган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий кадриятлар тизими билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бу хусусда қуйидаги фикрларни билдиради: «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маданий кадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»¹.

Биз таҳлилимиз мобайнида асосий эътиборни ҳуқуқий кадриятлар талқинига, айниқса, мустақиллик йилларида ижтимоий турмушимиздан жой олиб улгурган ҳуқуқий кадриятларга қаратамиз.

Ҳуқуқий кадриятлар тўғрисидаги илмий тасаввурларимизни чуқурлаштиришдан олдин ҳуқуқнинг ўзи улкан ижтимоий кадрият эканлигини таъкидлаш жоиз. Ҳуқуқнинг кадр-қиммати унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари мезонини белгилашида, ижтимоий адолатни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида майдонга чиқишида, фуқароларнинг, бутун жамиятнинг илғор ижобий талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришга хизмат қилишида намоён бўлади.

«Ҳуқуқ, — дейди болгариялик Нено Неновски, — инсонлар томонидан воқеликни маънавий-амалий англаш ҳамда ўзгартиришнинг алоҳида усулидир. Шу билан бирга, ҳуқуқ маънавий ҳаётнинг маҳсули ҳисобланади. Ҳуқуқий нормаларда нафақат баҳоловчи, мезонловчи, балки мазмунни баён этувчи, изоҳловчи, норманинг билим ҳосил қилувчи жиҳатини кучайтирувчи ахборот мужассам»².

1 Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998 — Б. 524.

2 Каранг: Нено Неновски. Право и ценности. — М., 1987 — С. 51.

Хўш, ҳуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатидаги хусусиятлари нималарда кўринади?

Биринчидан, ҳуқуқ таъсирчан восита тарзидаги муайян кадр-қимматга эга. У кишиларнинг хатти-харакатига уюшқоқлик, ташкилийлик, барқарорлик, ўзаро мутаносиблик бахш эта олади. Айни вақтда, улар устидан назорат ўрната олади. Шу тарика ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар тизимига батартиблик ҳамда барқарорлик киритади, уларнинг муайян маърифийлик даражасида бўлишини таъминлайди. Ҳуқуқ, шунингдек, жамиятда давлат бошқарувини амалга оширишнинг кудратли воситаси ҳамдир.

Иккинчидан, ҳуқуқнинг кадри шундаки, у ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг умумий (мувофиклашган) иродасини ифодалаб, индивидлар, бутун жамият манфаатдор бўлган муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашади. Ҳуқуқнинг энг олий кадр-қиммати, унинг кишилар хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир этиб, турли хусусий манфаатларни мурасага келтириши ҳамда мувофиклаштиришида ифодаланади. Гап хусусий манфаатларни бостириш ёки сиқиб чиқариш ҳақида бораётгани йўқ, аксинча, уларни таъминлаш, шунингдек ижтимоий манфаатлар билан уйғунлаштириш устида бормоқда. Ҳуқуқнинг мазмунида махсус ёки хусусий манфаатлар қанчалик тўла акс эттирилса, унинг кадри шунчалик баланд бўлади.

Учинчидан, ҳуқуқ шахснинг жамиятдаги эркинлигини белгилайди ва ифодалайди, у эркинликнинг мезони сифатида намоён бўлади. Бунда ҳуқуқнинг ижобий салоҳияти ва қиммати эркинликни умуман эътироф этишда эмас, балки унинг чегарасини, меъёрини қатъий белгилаб беришидандир. Кундалик ҳаётимизда ҳуқуқ ижтимоий эркинликнинг, шахс фаоллигининг мужассам ифодаси, эркинлик ва масъулият ўзаро уйғун эканлигининг рамзи сифатида гавдаланади. Ҳуқуқнинг бундай роли туфайли ижтимоий муносабатларнинг батартиблигига эришилади, кишилар ҳаётдан ноқонунийлик, зўравонлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик каби иллатлар истисно этилади.

Ҳуқуқ ва эркинлик ўзаро узвий боғлиқ ҳодисалардир. Ҳуқуқ ўз моҳиятига кўра, эркинликнинг реал муносабатлардаги тарихан муайян ва объектив белгиланган шакли, унинг қатъий меъёри ҳисобланади.

Бошқача айтганда, ҳуқуқ эркинликнинг мавжуд бўлиш шакли ёки шаклан расмийлаштирилганлигидир.

Тўртинчидан, ҳуқуқнинг кадр-қиммати унинг адолат ғоясини ифода-
далай олиш имконияти билан белгиланади. Аслида, «адолат» сўзи
«хақ», «ҳақиқат», «ҳуқуқ» сўзлари билан теран маънодош ҳисоблана-
ди. Амалиётда эса, ҳуқуқ адолатнинг меъёрланган ифодаси, моддий
неъматларни адолатли тақсимлаш мезони бўлиб, барча фуқаролар-
нинг — келиб чиқиши, мулкый ҳолати, ижтимоий мавқеидан қатъи
назар — қонун олдида тенглигини мустаҳкамлайди. Шу боис қону-
ний ҳал этилган ҳар бир иш кишилар онги ва тасавурида адолатли
ҳал қилинди, деб эътироф этилади. Ҳуқуқ билан адолат ўртасидаги
чуқур алоқадорлик адолатнинг туб ҳуқуқий табиатга эгаллиги билан
изоҳланади. Ўз ижтимоий вазифасига кўра ҳуқуқ адолатсизликка қар-
ши туради, жамият аъзоларининг ўзаро келишилган манфаат ҳамда
иродасини ифодалаб, приовард натижада адолат қарор топишини
таъминлайди. Эркинлик ва адолат ғояларини, қоида ҳамда принцип-
ларини мустаҳкамлаш орқали ҳуқуқ том маънода инсоний мазмун,
аҳамият касб этади ва ҳар бир инсон, бутун жамият учун чинакам
юксак қадрият мақомига эга бўлади.

Демак, ҳуқуқнинг юксак кадри, нуфузи унинг инсонпарварлик ру-
ҳи билан суғорилганлиги ва инсон манфаатларига бўйсундирилганли-
гидадир. Жамики дунёвий неъматлар ичида энг улуғи инсон, «...бар-
ча нарсалар меъёри Инсондир» (Протагор) деган ҳикматлар ҳуқуқни
баҳолашда асосий мезон вазифасини ўтайди.

Бешинчидан, ҳуқуқнинг кадри яна шунда кўринадики, у тараққи-
ётнинг қудратли омили, жамиятни ижтимоий ривожланишнинг тари-
хий маъромига мос равишда янгилашнинг манбаи сифатида майдонга
чиқади. Ҳуқуқнинг бундай роли мамлакатимизда кечаётган модерни-
зациялаш жараёнларида, сиёсий, ижтимоий ва маънавий янгилашиш-
лар палласида яққол кўзга ташланмоқда. Юртимизда мустақиллик
йилларида қабул қилинган қонунлар янги, бозор иқтисодиёти муно-
сабатларини, шунингдек демократик принцип ва замонавий қадрият-
ларни қарор топтиришда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Ҳуқуқий таъсир этиш натижасида, шунингдек турмушимизда ҳу-
қуқнинг фаол амал қилиши ҳамда турли ҳолларда намоён бўлиши би-

лан муайян воқеликлар, ходисалар, институтлар, қоидалар ва ҳуққатвор стереотиплари (андозалари) шаклланадики, уларнинг аксарияти ҳуқуқий кадриятлар тарзида эътироф этилиши мумкин. Ҳуқуқий кадриятлар — ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солишга, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантана қилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари собитқадамлик билан таъминланишига, юксак ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига хизмат қиладиган ҳуқуқий ходисалардир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, янги демократик жамият барпо этиш йўлига киргач, юртимизда кўплаб ижобий ижтимоий-ҳуқуқий кадриятлар вужудга келди. Улар сиёсий, давлатчиликка оид ва ҳуқуқий амалиётимиздан, халқнинг ижтимоий онгидан мустаҳкам ўрин олди ва мамлакатимиз ривожланишида катта роль ўйнамоқда. Янги ҳуқуқий кадриятлар ўз мазмуни, йўналиши ҳамда кўлами бўйича ниҳоятда ранг-баранг, серқирра ва пурмаънодир. Мустақиллик шароитида қарор топган жами ҳуқуқий кадриятларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- а) институционал (ташкилий-моддий) ҳуқуқий кадриятлар;
- б) норматив-ҳуқуқий кадриятлар;
- в) маънавий-ҳуқуқий кадриятлар;
- г) мафкуравий-ҳуқуқий кадриятлар;
- д) ижтимоий-ҳуқуқий кадриятлар;
- е) иқтисодий-ҳуқуқий кадриятлар;
- ж) сиёсий-ҳуқуқий кадриятлар.

Мазкур тасниф доирасида мавжуд ҳуқуқий кадриятларимизнинг умумий рўйхати ва тавсифини беришга уриниб кўрамир.

1. **Институционал-ҳуқуқий кадриятлар** сирасига, аввало, сиёсий тизимда, давлат идоралари тизимида вужудга келган сиёсий-ҳуқуқий институтларни киритиш лозим. Давлатчилигимиз ривожиданги муҳим қадамлардан бири — Ўзбекистон Республикасида Президент лавозимининг таъсис этилиши бўлди. Ўша даврда «Президент» институти тимсолида давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимият бошлиғи олий давлат мартабалари мужассамлашди. Бу институт туфайли мамлакатимизда ҳокимиятлар тақсимланиши тамойилини жорий этишга йўл очилди. Дастлабки даврда Президент қонун чиқарувчи, ижро

этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини уйғунлаштирувчи омил сифатида майдонга чиқди. Унинг юксак нуфузи ҳар бир ҳокимият шохчасининг мустақил шаклланишига, ўз ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашига имкон яратиб берди. 2007 йил 11 апрелда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» ги конституциявий қонун қабул қилиниши муносабати билан Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Президент фақат давлат бошлиғи деб эътироф этилиб, у давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди¹.

Демократик ислохотлар туфайли давлат идоралари тизимида замонавий парламентаризм анъаналарига мос тарзда фаолият юритувчи, қўппартиявийлик асосида сайланадиган олий вакиллик органи, қонун чиқарувчи идора — Олий Мажлис қарор топди. 2005 йилдан эътиборан у икки палатали парламентга айланди. Суд ҳокимияти идоралари ҳам янги қонунлар асосида шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг таъсис этилганлиги ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадам бўлди. Бундай суд Ўзбекистон тарихида илк бор қарор топди ва бу ўта муҳим ҳуқуқий демократик кадрият сифатида баҳолашига муносиб. Конституциявий суднинг энг асосий вазифаси — Конституциянинг устуворлигини таъминлаш; қонунларнинг, Президент фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат идоралари қарорларининг, шунингдек Қорақалпоғистон Конституцияси ва қонунларининг Ўзбекистон Конституциясига мослигини назорат қилиш ва бу ҳусусда ўз ҳулосасини беришдан иборат.

Ҳозирги кунда ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган институционал-ҳуқуқий кадриятлар қаторида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили — Омбудсман институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқаларни эътироф этиб ўтиш ло-

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2007. — № 4. — 161-модда.

зим. Айни вақтда, республикамизда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини ўз фаолиятининг асосий мезони деб ҳисобловчи қатор нодавлат тузилмалар амал қилмоқда. Бу идора ва ташкилотлар тизими инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг ягона механизмини ташкил этади.

Жойларда маҳаллий вакиллик давлат идоралари — халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликларнинг вужудга келтирилганлиги, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан маҳаллаларнинг қайта шакллантирилганлиги аҳоли кенг қатламларини давлат ва жамият ишларини бошқаришга фаол жалб этишга, сиёсий фаоллик ва сиёсий маданиятни юксалтиришга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий демократик кадриятлар ҳисобланади.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий ҳурфикрлилик, кўппартиявийлик муҳитининг вужудга келтирилганлиги демократиянинг муҳим тантанасидир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия-Ўзбекистон халқ демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, Миллий тикланиш партияси фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий партиялар ўз сафларида минглаб фуқароларни бирлаштириб, улар учун демократия мактаби вазифасини ўтамоқдалар. Конституциямизда таъкидланганидек, Ўзбекистон фуқаролари сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиб, ўзларининг сиёсий ҳаётдаги ўринларини топадилар, муайян манфаат ва эҳтиёжларини қондирадилар.

2. *Норматив-ҳуқуқий кадриятлар* кунунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида, шунингдек ҳуқуқий принципларда мужассамланган, кишилар хулқ-атворини ижобий мақсадлар сари йўналтирувчи қоидалар шаклида майдонга чиқувчи кадриятлардир. Бундай ҳуқуқий кадрият сифатида, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини кўрсатиш лозим. Конституция ўз моҳият-эътибори билан навқирон демократик давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворидир. Унинг кадри шундаки, Асосий қонунда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаровий жамият барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истаклари мужассам ифодаланган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Консти-

туцияси истиклолнинг буюк неъматиде сифатида мўътабар ижтимоий-хукукий қадриятга айланди. Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир кадр-қиммати унинг инсон ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлашга хизмат қилаётганлигидадир.

Конституция туфайли онгу шууримизга янги демократик қадриятлар сингиб бормоқда. Булар орасида «суверен давлатчилик», «инсон ҳуқуқлари устуворлиги», «фуқаролик жамияти», «хукукий давлат», «қонун устуворлиги», «хусусий мулк дахлсизлиги», «ҳар кимнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи», «ҳокимиятлар тақсимланиши», «айбсизлик презумпцияси», «сиёсий плюрализм» кабилар бор.

Эътиборга молик ўта муҳим жиҳати шундаки, Конституция қоидалари хукукий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ғояси билан йўғрилган. Шунга кўра, биз қураётган янги жамият Ўзбекистон халқи учун муносиб фаровон турмушни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида қафолатланишини, миллий ва хукукий қадриятларимиз ҳамда маданиятимиз қайта тикланишини, шахнинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаб бериши тайин. Худди шу нарса қонуний тарзда акс эттирилганлиги улуғ неъмат, беназир қадрият ва таҳсинга сазовор жиҳатдир.

Қонунлар ва бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар мажмуаси ҳам жамият ҳаётида катта ўрин тутувчи ижтимоий-хукукий қадрият саналади. Қонун халқ иродасини давлат амри даражасига кўтарувчи энг юқори юридик кучга эга бўлган хукукий ҳужжатдир. Айнан қонун воситасида ижтимоий муносабатларни олий даражада хукукий тартибга солиш амалга оширилади. Конституция ва қонунлар ёрдамида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ўрнатилади ҳамда ишончли тарзда қафолатланади. Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида 560 дан зиёд қонунлар, жумладан хуқуқнинг турли соҳаларига оид 15 та кодекс қабул қилинди. Ушбу қонунларнинг барчаси жамиятимиз қўлга киритган ижтимоий, маънавий-хукукий бойликдир. Уларда халқнинг табиатига, менталитетига мос ва унинг манфаатини акс эттирувчи қоидалар, ижобий меъёрлар ўз ифодасини топган. Қонун билан мустаҳкамланган меъёрий қадриятлар одамлар онгига осон сингади ва уларнинг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатларини йўналтириб турувчи раҳбарий қоидаларга айланади.

Норматив-ҳуқуқий қадриятлар тизимида Президент фармонлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида аҳамият касб этади. Изчил кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳамда жамиятни модернизациялаш даврида Президент фармонлари ностандарт вазиятлардаги муаммолар ҳуқуқий ечимини топишнинг, янги ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий шакл бахш этишнинг оқилона воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бу борада шундай деган эди: «Давлат қурилиши ва иқтисодий ётқи ислох қилиш соҳасидаги асосий, ғоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислохотларнинг асосий мафқурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиқ берилади... Фармонларда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида баён этилган асосий қоидалар... ўз умрини яшаб бўлган иқтисодий муносабатларни ва сиёсий тузумни юридик йўл билан алмаштириш, чинакам демократик нормалар ва ижтимоий қафолатларни қарор топтириш жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий негизини яратади»¹.

Мустақил тараққиёт йўлига кирганимиздан шу бугунгача 4500 га яқин Президент фармонлари ва 1300 дан ортиқ қарорлари ҳамда 8900 дан зиёд Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда². Президент фармонларининг асосий қоидалари ҳукумат қарорларида батафсил ёритилиб, аниқлаштириб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Вазирлар Маҳкамаси қарорларини чиқариш орқали сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан изчил равишда тартибга солиш, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни модернизациялаш амалга оширилади.

1 *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.-Т. Ўзбекистон, 1996. — Б. 195, 201.

2 Маълумот Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти тайёрлаган ҳисоботлардан олинган (31.12.2009 йил ҳолатига қўра).

Қонунлар, фармонлар ва қарорлар мазмунига жо этилган қоида ва принциплар ҳаётий муносабатларимизни равон тартибга солувчи, ижобий ҳуққ-атворни шакллантирувчи кадрият, юридик-маънавий неъмат сифатида жамиятни бойитишга, энг муҳими, буюк фаровон келажак сари тараккий этиб боришимизни таъминлашга хизмат қилади.

Демократик таракқиётимизнинг ёркин кўрсаткичлари бўлмиш кадриятларимиз қаторида сайлов қонунчилиги ва унинг асосида шаклланган сайлов тизимимизни ҳамда халқ иродасини ифодалашнинг ишончли воситаси — референдумни таъкидлаш ўринлидир. Сўнгги йилларда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (1993 йил), «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» (1991 йил), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» (1994 йил), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994 йил) қонунлар қабул қилинди (мазкур қонунларга 1997, 1999, 2001, 2004 ва 2008 йилларда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, улар замонавий талаб даражасида такомиллаштирилди). Айниқса, 2008 йил 25 декабрдаги «Сайлов қонунчилигининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши сайлов тизимимизга янги демократик норма ва кадриятларни киритди.

Референдум ҳам муҳим ижтимоий-ҳуқуқий кадрият ҳисобланади. 1991 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ушбу демократик институт ўзининг қонуний негизига эга бўлди. Шу тариқа Ўзбекистон фуқароларининг мамлакат қонунларини қабул қилиш, давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар бўйича ўз иродасини баён этишдек конституциявий ҳуқуқи кафолатланди.

Ҳуқуқий принциплар сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар фаолиятининг негизини ташкил этувчи раҳбарий ғоялар бўлиб, аввало Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий принциплар, юқорида таъкидланганидек, бутун ҳуқуқий материяни — ғоялар, нормалар ва муносабатларни қамраб олиб, бутун ҳуқуқий ҳаётга муайян мантиқ, мазмун, маъно, собитқадамлик, ички мутаносиблик ҳамда

уйғунлик бахш этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқ принципларида бами-соли ҳуқуқ ривожининг бутун дунёвий тажрибаси, инсоният маърифий тараққиётининг ҳосиласи мужассам ифодасини топади. Ҳуқуқий принциплар жамиятнинг ҳаёти ва ривожланишига йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди. Ҳуқуқий принциплар давлат қурилиши, давлат идоралари ҳамда ҳуқуқнинг бошқа субъектлари фаолиятини муайян тарзда тартибга солади ва қатъий йўналтириб туради. Жамият барча аъзоларининг онгига ва хулқ-атворининг мазмунига сингиб кетган ҳуқуқий принциплар ўта таъсирчан ҳамда самарали ҳуқуқий кадриятга айланади.

Мустақил тараққиёт йилларимиз тажрибасини таҳлил этиш асосида мулоҳаза юритиб кўрайлик. Хўш, сўнгги йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз, ислохотлар давридаги фаолиятимиз қандай ҳуқуқий принципларга асосланмоқда? Бу аввало, Конституцияда мустаҳкамланган ва бунёдкорликка йўналтирилган қуйидаги илғор принциплардир: давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги, демократизм, инсонпарварлик, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонунийлик, ижтимоий адолат, сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, қонун олдида ҳамманинг тенглиги, давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, шахсий дахлсизлик, айбсизлик презумпцияси, ягона фуқаролик, ошқоралик, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг умумийлиги, тенглиги, яширин ва тўғридан-тўғри амалга оширилиши ва ҳоказо. Шунингдек, жорий қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқий принциплар ҳам мавжуд. Хусусан, ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши; қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг юридик кафолатланганлиги; ҳуқуқ бузилганлиги учун юридик жавобгарликнинг муқаррарлиги; юридик жавобгарликнинг фақат айбли қилмиш учун келиб чиқиши; жавобгарликни енгиллаштирувчи қонуннинг орқага қайтиш кучига эгалиги; фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи соҳаларида моддий жавобгарликнинг қўлланиши; суд процессида (фуқаролик ишлари бўйича) томонларнинг тенглиги ва баҳслашув принципи; ишларни судда кўришда миллий тилдан фойдаланиш ана шулар жумласидандир. Мазкур принципларнинг ҳар бири халқнинг маънавий бойлигига, фуқаролик жамия-

ти аъзоларининг фаолиятини йўналтирувчи, тартибга солувчи ҳуқуқий қадриятга айланиб улгурди.

3. *Маънавий-ҳуқуқий қадриятлар.* Ўзбек халқининг адолат, озодлик ва эркинликка бўлган асрий интилиши **мустақиллик** туфайли рўёбга чиқди. Миллий ўзлик, инсоний ғурур, қудратли тарихий илдишларга таянишдек маънавий қадриятлар, эзгу туйғулар Конституция ва қонунларимизда юридик тасдиғини топди. Ватан озодлиги, одил демократик жамият барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ғоялари Асосий қонунимизда марказий ўринни эгаллайди. Бугун ана шу юксак ғояларни тараннум этувчи, моддийлашган кўринишда ифодаловчи давлат рамзлари — Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси барчамиз учун беназир маънавий-ҳуқуқий қадриятга айланди. Зеро, ҳар тонг юртдошларимиз қалбига нур бўлиб кирувчи қуйидаги сўзларда олам-олам маъно, ҳаётбахш маънавий озуқа мужассам:

*«Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони!
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, Она юрт, мангу бўл обод!»*

Ўзбекистон давлатининг рамзлари, бир томондан, халқ руҳияти ва қалбида ардоқлаб келинаётган юксак идеаллар, эзгу ниятлар ва ўзбекона фазилатларни акс эттирса, иккинчи томондан, ҳар бир фуқарони она Ватанга муҳаббат, халқ олдида масъуллик, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамияти кишилар ўртасидаги муносабатларнинг юксак маданий савия ва теран маънавий заминга асослангани билан ажралиб туради. Бундай жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, уларнинг мўътабар, ҳатто муқаддас саналиши одатий бўлмоғи шарт. Мазкур жамиятнинг ҳар бир аъзоси эмин-эркин, озод ҳамда мустақил бўлиши учун унинг шахсий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланиши лозим. Инсоннинг ички маънавий дунёси ва руҳиятига бевосита алоқадор ҳуқуқ ва эркинликлар орасида виждон (диний эътиқод) эркинлиги, сўз ва эъти-

код эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва таркатиш ҳуқуқи алоҳида ўрин тутди. Хусусан, виждон эркинлиги ҳақида гап кетганида шуни эътироф этиш керакки, мазкур эркинлик инсоннинг ўз фикрлаш тарзи ва шахсий маънавий эътиқодига мос хатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир. Бошқача айтганда, виждон эркинлиги ҳар бир инсоннинг ақлий салоҳиятига хос маънавий дунёсини рўёбга чиқариш ҳамда уни камол топтиришга имкон яратиб берувчи улуғ неъматдир.

Маънавий ҳуқуқий қадриятлар — инсон маънавиятини юксалтириш, жамият миқёсида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилувчи, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини ифода этувчи, фуқароларни комил инсон этиб тарбиялашга кўмаклашувчи ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир.

Маънавият инсон камолотининг асосидир. «... Миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб иш юритишни талаб қилади»¹.

Мамлакат ривожидида маънавий соҳанинг аҳамияти беқиёс. Тарих сабоқлари маънавият жамият ҳаёти ва тараққиётининг, инсон камолотининг ҳал қилувчи омили эканлигини ҳар қадамда исботлаб келади. Жамият, мамлакат, халқ, миллат тараққиётидан манфаатдор бўлган кучлар барча замонларда ҳам тараққиётнинг оқилона, одилона йўлларини танлаш, унинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлаш учун биринчи навбатда халқнинг маданияти ва маънавиятини кўтаришга асосий эътибор қаратганлар².

Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий соҳаларни ислоҳ қилиш устувор вазифалардан бири сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мактабларда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида «Маънавият» фанини ўқитиш жорий этилди. Республика «Маънавият тарғибот маркази» ташкил этилди. «Аҳолининг кенг қатламлари орасида юксак

1 Каримов И. А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 81.

2 Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти/Масъул муҳаррир Э. Юсупов. — Т., 2003. — Б. 4.

маънавий кадриятларни тарбиялашда, — дея таъкидлайди Президент И. А. Каримов, — асосий эътибор, биринчидан, аждодларимиз яратган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимизни тиклашга; иккинчидан, хозирги дунё ва ахборот цивилизацияси кадриятларига мослашишга қаратилган»¹.

Маънавий-маданий соҳаларни ривожлантиришга қаратилган қонунчилик тизимиغا, яъни маънавий ҳуқуқий кадриятлар жумласига қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритишимиз мумкин: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (1997 йил 29 август) қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997 йил 29 август), «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» (1997 йил 29 август), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисидаги (1994 йил 23 апрель) фармони², Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» ги (2006 йил 25 август) қарори ва бошқалар. Уларда ижодкор ёшларнинг маънавий ўсиши учун шарт-шароитларни яхшилаш, ёшлар фаолиятини ривожлантириш, республика маданияти ва илмий-техника кудратини кўтаришга қўшадиган ҳиссаларини оширишга қаратилган тадбирлар белгиланган³. Маънавий-ҳуқуқий кадриятлар фуқароларнинг замонавий етук инсонлар бўлиб етишишларида, баркамол авлодни тарбиялашда му-

-
- 1 Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. — Т., 1997. — Б. 140–145.
 - 2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ 451-сонли қарорининг 5-бандига асосан: Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг амалий тарғибот йўналишида фаолият олиб борадиган. Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилган. Шунингдек, мазкур қарорнинг 4-бандига асосан: Республика Маънавият ва маърифат кенгаши хузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилган. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2006. — 45-сон. — 445-модда.
 - 3 *Қаюмов Р. Қ.* Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., 1997. — Б. 176.

хим омил бўлиши билан бирга, халқнинг ўзлигини англашига, миллий кадриятларни асраб-авайлашга, Ватанни севишга, унинг ҳар бир қарич тупроғини кўзга суртишга, келажак авлодни элга, юртга чексиз садоқат руҳида тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий кадриятларнинг таҳлил этилаётган турига жамиятнинг ижтимоий-ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, шунингдек ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий тушунча ва категориялар ҳам киради. Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуқ, қонун ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, таърифлари, ҳис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқнинг мазмунини ташкил этувчи нормаларни шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Ҳуқуқ нормаларини яратишга қаратилган ҳуқуқ ижодкорлиги инсонлар онгли фаолиятининг натижасидир. Шу билан бирга, ушбу фаолият маҳсули бўлган ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш инсонларнинг онги ва иродасига таъсир этиш орқали содир бўлади. Демак, маънавий, миллий кадриятлар ижтимоий-ҳуқуқий онгга чуқур сингиб кетса, уларнинг ҳуқуқий нормалар мазмунига кириб бориши ва аксинча, бу кадриятларнинг ҳуқуқий меъёрланган кадриятларга айланиши ҳамда инсонлар хулқ-атвори га таъсир кўрсатиши самарали бўлади. Ҳуқуқий онг давлатчилик ва ҳуқуққа оид ҳодисаларнинг инъикосигина бўлиб қолмасдан, балки баҳоловчи-иродавий хусусиятга ҳам эгадир. Ҳуқуқий ҳодисалар, институтлар ва жараёнлар ҳуқуқий онгдан қанчалик мустаҳкам жой олса, уларнинг кадрият сифатида жамиятнинг ижтимоий-маънавий мулкига айланиши шунчалик самарали бўлади.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий тизим, амалдаги қонунчилик асослари тўғрисидаги муайян билим ва улардан фойдаланиш уқуви (кўникмалари) нинг мавжудлиги, шунингдек амалий фаолиятда ҳуқуқий воқеликларга ҳурмат бажо этиб, маърифий муносабатда бўлишдир.

Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожига ва ҳуқуқий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар жипслашувига кўмаклашувчи, юрт яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи кадриятдир.

Ҳуқуқий кадриятлар ва нормалар жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳияти ҳақида кенг камровли тасаввур ҳосил қилади. Улар жамиятда инсоннинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг чегара ва шакллари, шунингдек шахс эркинлигининг меъёрлари ҳақида маълумот беради. Ҳуқуқий маданиятнинг ўзи ҳам ижтимоий кадрият сифатида инсонлар фаолияти ва ривожининг аниқ тарихий мезони бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий маданият кишиларнинг амалий ҳуқуқий фаолияти, ҳуқуқий алоқа ва муносабатлари таркибига узвий сингиб кетади. У шахснинг ижтимоий фаоллигидан, ҳуқуққа ва қонунийликка оид ижодий тарбиясидан ажралмас жиҳатдир¹.

Ҳуқуқий маданият маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий кадриятларнинг муштарак тизими сифатида жамият ҳуқуқий тараққиётининг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар савиясининг, ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинганлик даражасининг кўрсаткичидир. Қолаверса, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг даражасининг реал ифодаси ҳисобланади.

Демократик ислохотлар туфайли мамлакатда янги миллий ҳуқуқий тизим қарор топди, амалдаги объектив ҳуқуқ, қонунларимиз ўзбекиона миллий руҳ касб этиб бормоқда, ўзгаришларга мос янги ҳуқуқий тафаккур шаклланмоқда. Энг муҳими, ҳуқуқий тизимизнинг инсонпарвар, адолатпарвар, маърифий ҳамда маънавий асослари теранлашиб бормоқда. Бундай йўналишнинг аҳамияти ва кадри фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишда ниҳоятда сарбаланддир.

4. **Мафқуравий-ҳуқуқий кадриятлар.** Ҳуқуқий мафқура — ҳуқуқий назариялар, концепциялар, ҳуқуқий қарашлар ва талабларнинг илмий тизимлаштирилган ифодаси тарзида талқин этилади. Ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий янгилик амалиётга, халқ турмушига ўз-ўзидан кириб, ўрнашиб қолмайди. Аввал унинг ғояси шаклланади, сўнг ғоя онгга сингади. Ғоя ижтимоий-ҳуқуқий онг томонидан мушоҳада этилади. Муайян вақт ўтгач, ушбу ғоялар ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий нормаларга, ҳаётий меъёрларга айланади, тегишли қонун ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланади ва инсонлар ўр-

1 *Маматов Х.* Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. — Т., 2009. — Б. 82, 84.

тасидаги муносабатларни тартибга сола бошлайди. Шу тариқа ғоялар, мафкуравий қондалар ижтимоий ҳаёт мазмунига кўчади.

Масалан, Ўзбекистон Конституцияси муайян демократик сиёсий-ҳуқуқий мафкурани ўзига жо этган ва уни қонуний тарзда ифодалайди. Бу — миллий мафкура, инсон қадрлари эъзозланадиган демократик жамият барпо этиш мафкураси. «...Бизнинг Конституциямиз, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — умуминсоний ғоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби энг улуғ ғояларга хизмат қилади»¹. Миллий истиқлол мафкураси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия принципларига асосланади. У адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради². Бошқача айтганда, Конституциямиз истиқлол мафкурасининг ҳуқуқий асосидир. У сиёсий плюрализм, фикр ва қарашлар эркинлиги принципларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади (Конституциянинг 12-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тарафдорлик этиб, мустаҳкамлайдиган ўта муҳим мафкуравий ақидалардан бири инсоннинг улуғлини ва унинг демократия шароитида яшашга муносиблигидир. Ўзбекистон халқи миллий тараққиёт йўлининг бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ҳисобланади. Бу стратегик мафкуравий йўриқнинг турли жабҳа ва қирралари қонунларда, ҳуқуқий ҳужжатларда ўз тасдиғини топиб, муайян мафкуравий-ҳуқуқий қадриятлар тизимини ташкил этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчилик мафкураси, қонун устуворлиги ва қонунга итоатқўйлик мафкураси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги мафкураси, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ва фуқароларнинг давлат олдидаги масъуллиги мафкураси, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва унинг

1 Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. — Т., 1993. — Б. 8.

2 Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2000. — Б. 43.

хавфсизлигини таъминлаш мафкураси шаклланиб, ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланмоқда. Муҳими, бу гоёлар қонуний эътирофга эга бўлиб, мафкуравий-ҳуқуқий қадрият даражасига кўтарилди. Замонавий ҳуқуқий мафкурамизнинг ўзагини ҳуқуқни авваллари бўлганидек давлат ихтиёридаги оддий бошқарув воситаси, таъсир ўтказиш «мурвати» деб тушунишдан янгича талқинга, яъни уни ижтимоий қадрият, адолат, тенглик ва эркинлик мезонини белгиловчи қадрият деб тушунишга ўтиш ташкил қилади. Бу ҳуқуқий мафкурага кўра, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига энг бебаҳо неъмат, ҳуқуқнинг ўзига эса ҳар бир инсоннинг ички салоҳияти ва истеъдодини очиш омили сифатида қаралади.

Шундай қилиб, Истиқлол шарофати билан биз миллат, халқ сифатида ўз маънавий қиёфамиз, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий қадриятларимизга эга бўлиб бормоқдамиз. Ана шундай юксак қадриятлар асосида мамлакатда соғлом маънавий-руҳий, адолатли ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг вужудга келтирилиши халқимизни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради, бунёдкорлик ишларига сафарбар этади, ҳар бир инсоннинг комиликка эришиши учун реал шарт-шароит яратади.

Ҳуқуқий қадриятлар юридик адабиётларда турли асосларга кўра таснифланади. Жумладан, профессор В. Лазарев таҳририда чоп этилган «Ҳуқуқ ва давлат назарияси» китобида ҳуқуқий қадриятлар жумласига қуйидагилар киритилади:

- ҳуқуқий қадриятнинг кишилар амалий ҳаётида аниқ ифодаланиши: низоли вазиятларда инсон хавфсизлиги, ҳуқуқнинг аниқлаштирилганлиги ва қафолатланганлиги, ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда адолатнинг таъминланганлиги;
- инсон дунёга келиши билан эга бўладиган табиий ҳуқуқлари, асосий демократик ҳуқуқий тамойиллар;
- ҳуқуқнинг қадрини таъминловчи махсус ҳуқуқий воситалар ва ҳуқуқий механизмлар (ҳуқуқий воситалар таркибига кирувчи барча элементлар), норматив ва индивидуал тартибга солишнинг оқилона нисбатини ифодаловчи институтлар ва ҳ.к.¹

1 Каранг: Теория права и государства/Под ред. проф. В. В. Лазарева. — М., 1996. — С. 106.

5. *Ижтимоий ҳуқуқий кадриятлар* — фуқароларнинг ижтимоий соҳадаги муносабатларини тартибга солувчи, эҳтиёжларини қондирувчи, турмушга доир манфаатларига хизмат қилувчи ва юксак нуфузга эга бўлган ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир.

Ҳуқуқий кадриятларнинг бу тури инсонларнинг турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги муаммоларни ҳал этишга қўмаклашиш орқали жамиятда ижтимоий бирдамликни таъминлайди. Ижтимоий бирдамликни таъминлаш — ижтимоий зиддият ва тенгсизликларнинг ўзларини адолатсиз равишда ҳамма нарсадан бебаҳра бўлиб қолган ёки ҳақ-ҳуқуқлари камситилган деб ҳисобловчи бутун-бутун аҳоли гуруҳлари ва табақалари вужудга келадиган даражага бориб етмаслигига эришиш демакдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгилашни ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи принциплардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборат¹.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш йўлида қабул қилинган ва ўз навбатида фуқаролар манфаатларининг ёрқин ифодаси сифатида амал қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижтимоий ҳуқуқий кадриятлар сирасига киритиш мумкин. Буларга Мехнат кодекси (1995 йил 21 декабрь), «Бандлик тўғрисида» ги (1992 йил), «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги (1993 йил), «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида» ги (1991 йил), «Фуқароларни давлат нафақаси билан таъминлаш тўғрисида» ги (1993 йил), «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида» ги (1990 йил), «Давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида» ги (1991 йил) ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Юқорида номлари зикр этилган ижтимоий ҳуқуқий кадриятларнинг амалдаги ифодасини ҳамда уларнинг нима учун кадрият даражасига кўтарилаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг қуйидаги маълумотидан англаш мумкин: «Мамлакатимизда айни вақтда 2 953 214 нафар фуқаро пенсия ва ижтимоий нафақа билан таъминланган. Улардан 2 711 669 нафари пенсия, 241 545 нафари ижтимоий нафақа олувчиларни ташкил этади. 2 680 967 пенсияларнинг 1 904 416 нафарига ёшга доир, 555 443 нафа-

¹ Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.* — Т., 1998. — Б. 590.

рига ногиронлик ва 221 108 нафарига боқувчисини йўқотганлик пенсиялари тўланади. Шунингдек, 30 702 нафар ҳарбий хизматчиларга тайинланган пенсиялардан 22 118 нафари ногиронлик ва 8584 нафари боқувчисини йўқотганлик учун пенсия оладиган фуқаролар ташкил қилади»¹. 29 300 нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногирон, жумладан, 8400 нафар ўзгалар ёрдамига муҳтож киши ижтимоий хизмат кўрсатишнинг алоҳида тури — бепул озиқ-овқат, дори-дармон билан таъминланмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг бошида уларга 1130,7 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар ажратилди².

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ҳам ижтимоий ҳуқуқий кадриятлар жумласидандир. Оиланинг жамиятдаги муносиб ўрнини таъминлашда, унинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашда Оила кодексининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси жаҳон ҳамжамияти эътироф этган ҳуқуқий нормаларга тўла мос равишда тузилгани ҳолда, «оила — жамиятнинг таянч тузилмаси» деган принципга асослангандир.

Ўзбекистонда 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилинганлиги, «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури»³нинг қабул қилинганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги қарори билан республикада «Оила» илмий — амалий марказининг ташкил этилганлиги, сўнгги йилларда оиланинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш билан боғлиқ тадбирлар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги фармонлари асосида кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

-
- 1 *Хувайтов И.* Пенсия таъминоти/«Ҳуқуқ — Право — Law». — 2005, № 3. — Б. 88.
 - 2 Қаранг: Ижтимоий ҳимоя тизими самаралари//ЎзА муҳбири Норгул Абдураимованинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Шухрат Саидов билан суҳбатидаги маълумотлардан. Халқ сўзи. 2010 йил. 11 май.
 - 3 Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги 45-сон қарори//Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1998 йил. — январь. — Т., 1998. — Б. 102–103.

Амалдаги ижтимоий ҳуқуқий қадриятларга содик ҳолда 2009 йилнинг ўзида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди. 2010 йилда мамлакат миқёсида қарийб 1 миллион янги иш ўринлари очилди, шуларнинг 480 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан яратилди¹. Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади. Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир. Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йил 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди. 2010 йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда².

-
- 1 *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси//Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. — Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.
 - 2 Қаранг: *Каримов И. А.* Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир//Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. — Т., 2010. — Ғ. 48, 49, 62, 74.

6. *Иқтисодий ҳуқуқий қадриятлар* — иқтисодий соҳадаги барқарор ривожланишни таъминлаш билан бирга фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир.

Иқтисодий соҳани ривожлантириш ҳар бир давлатнинг асосий вазифасидир. Ушбу фаолият ҳам бевосита муайян ҳуқуқий асосга таянади. Мамлакатимизда бу борада улкан сазъ-ҳаракатлар, ислохий тadbирлар амалга оширилди.

Аввало, иқтисодий соҳанинг энг муҳим ҳуқуқий асоси ҳисобланган ва бугунги кунда бозор муносабатларини шакллантириш хартияси сифатида эътироф этилаётган Фуқаролик кодекси қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини ҳеч иккиланмасдан иқтисодий ҳуқуқий қадриятларнинг асоси сифатида эътироф этиш мумкин. Бундан ташқари, иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг аҳамияти ҳақида Президент И. Каримов алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: «Ҳозирги вақтда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи бир қатор асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, қонунларнинг бир бутун тўплами вужудга келтирилди, жумладан уларнинг асосийлари мулкчилик, корхоналар, тadbиркорлик, банклар ва банк фаолияти, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, валютани тартибга солиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлардир. Мазкур қонунларда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги, мулк эгаси ҳуқуқининг кафолати ва ҳимояланганлиги, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклда ҳўжалик юритувчи субъектларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизми, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш принциплари ва тизими каби нормалар ўз аксини топган... **Қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак**»¹. Шу билан бир қаторда улар фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларини ўзида акс эттириши лозим. Шундагина, улар инсонларнинг моддий, иқтисодий манфаатларига хизмат қилади ва ҳақиқий иқтисодий ҳуқуқий қадриятлар мақомига эга бўлади. Айниқса, ҳозирги умумжаҳон молиявий инқирози

1 Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. — Б. 124–125.

шароитида иқтисодиёт соҳасида пухта ўйлаб, келажакни оқилона башоратлаб яратилган нормаларнинг кадр-қиммати бекиёсдир. «Шуни бугун катта мамнуният билан таъкидлашимиз керакки, ҳукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди.

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди, десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз»¹.

Ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатлари молиявий инқироздан азият чекаётган бир вақтда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида ўсиш кузатилаётганлигини мамнуният билан қайд этишимиз мумкин. Албатта, бундай юксалишга бетакрор иқтисодий-ҳуқуқий кадриятлар асос бўлмоқда.

7. Сиёсий ҳуқуқий кадриятлар — давлат ҳокимиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи, давлат бошқарувида фуқароларни бевосита ёки билвосита иштирокини таъминлаш билан ўз манфаатларини ифодалашга асос яратувчи ва демократик бошқарув тизимида хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир.

Сиёсий ҳуқуқий кадриятлар жумласига кирувчи нормалар нафақат ҳуқуқий кадриятлар сирасига кириши билан, балки мамлакатдаги давлат бошқарув тартибини намоён этиши билан ҳам ажралиб туради.

Демократиянинг кўрсаткичи фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки билан ифодаланса, ўз олдига ҳуқуқий-демократик дав-

1 *Каримов И. А.* Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир//Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. — Т., 2010. — Б. 35.

лат куришни мақсад қилиб қўйган мамлакатимизда ушбу фаолиятни тартибга солувчи нормаларнинг аҳамияти бениҳоя катталигини билдиради. «Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — авваламбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур. Демократиянинг энг муҳим принципи — фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим»¹. Бу борада бир қатор самарали ишлар амалга оширилди, сиёсий соҳани тартибга солувчи қонунлар ишлаб чиқилди ва улар фуқароларимиз манфаатларининг амалий ифодаси сифатида қадрият даражасига кўтарилмоқда.

Бундай сиёсий — ҳуқуқий қадриятлар сифатида мамлакатимиздаги ўзига хос ривожланиш йўналишини белгилаб берувчи қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин: «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун²; 1993 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги³, 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»⁴ги, 1996 йил 26 декабрдаги «Сиёсий партиялар тўғрисида»⁵ги ва «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»⁶ги қонунлар; 1998 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қону-

-
- 1 Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. — Т., 1999. — Б. 16.
 - 2 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992, № 1. — 34-модда//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998, № 3. — 38-модда.
 - 3 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1994, № 1. — 6-модда.
 - 4 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1994, № 5. — 125-модда.
 - 5 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997, № 2. — 36-модда.
 - 6 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1994, № 5. — 127-модда.

ни¹, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқаруви ни янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонуни ва бошқалар.

«Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида»ги қонунни сиёсий ҳуқуқий кадрият сифатида алоҳида қайд этиш лозим. Чунки Референдум мамлакатимиз фуқароларининг қонунларни қабул қилиш, давлат аҳамиятига молик муҳим масалалар бўйича ўз иродасини баён этишдек конституциявий ҳуқуқини амалга оширишлари учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. «Референдум, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — фуқароларнинг эркин фикр билдириш минбари, уларнинг ўтказилаётган ислохотларга ва уларнинг келажагига бўлган муносабати»².

Фуқароларимизнинг референдумдаги иштирокига эътибор қаратайлик. 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13 266 602 нафар фуқароларнинг 12 113 070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси референдуми яқунлари тўғрисидаги Баёнотига кўра, икки палатали парламентни шакллантириш масаласи юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11 344 242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768 828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга розимисиз?» — деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг 11 117 841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб овоз берган. Ёки 1999 йил декабрь ойида ўтказилган Олий Мажлисга сайловларда Республика бўйича 12 692 202 киши рўйхатга киритилиб, булардан 12 061 266 нафари овоз беришда иштирок этган бўлса, 2004 йилнинг 26 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, ту-

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1994, № 5–6. — 95-модда.

2 Каримов И. А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди//Халқ сўзи. — 2002 йил 5 апрель.

ман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 14 323 709 нафар сайловчилардан 12 197 159 нафари овоз беришда иштирок этди¹. 2009 йилдаги сайловларда эса 15 108 000 сайловчи овоз бериш жараёнида қатнашди².

Юқоридаги рақамлар фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва сиёсий фаоллигини кўрсатиши билан бирга, сиёсий соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий кадриятга айланган нормаларнинг амалдаги муваффақиятли ҳаракатини намоён этмоқда.

Ҳуқуқий кадриятларни *фаолият доираси ва даражасига* кўра куйидагича таснифлаш мумкин:

- миллий ҳуқуқий кадриятлар;
- минтақавий ҳуқуқий кадриятлар;
- халқаро ҳуқуқий кадриятлар.

Миллий ҳуқуқий кадриятлар — муайян мамлакат миқёсида амал қиладиган, шу макондаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган, мамлакат таркибидаги миллат учун кадрли бўлган ва фуқаролар томонидан эъзозланадиган, миллий хусусият ва фазилатларни ифодаловчи ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир. Ҳуқуқий кадриятлар норма сифатида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этади. Масалан, Конституциянинг муқаддимасига эътибор қаратайлик, унга асосан:

Ўзбекистон халқи:

*инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,
ҳозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятини англаган ҳолда,
ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,
демократия ва ижтимоий адолатга содиқлигини намоён қилиб,
халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,*

1 Батафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т.: Шарқ, 2002; *Одилқориев Х. Т., Ғультеев И. Т.* Икки палатали парламент — Т., 2005.

2 Халқ сўзи. — 2010 йил 13 январь.

*республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечирishiларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишини кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади*¹.

Фуқаролар онгида шаклланиб, сайқалланиб, қисқа, аниқ ва лўнда тарзда ифодаланган мазкур фикрлардан ушбу ҳужжатнинг ўзбек халқи учун нақадар қадри аъанлигини англаш мумкин. Конституциянинг беназир ҳуқуқий қадрият аъанлиги ва нуфузи тўғрисидаги фикрларимизни кейинги фаслда давом эттирамиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ва миллий қадриятларни ўзида аъан эттирувчи бир қатор қонунларни мисол сифатида аъантироф этиш мумкин. Буларга: «Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (1989 йил 21 октябрь//1995 йил 21 декабрда янги таҳрири қабул қилинди)². Унга асосан аъан муҳим қадриятларимиздан бири ҳисобланган тилимиз мақоми қонун даражасига кўтарилди. «Ҳар бир халқ, ҳар бир аъан, ўзи ҳурмат ва аъантиром қиладиган тилга аъан... Тилда унинг ижодқори бўлган халқ, миллатнинг тарихи ва маданияти аъан аъан. Аъан замонда, тил ижтимоий тараққиётда улугвор аъан аъан касб аъан»³. «Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики аъан фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Буюқ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан аъанганда, “ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадур-

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2009. — Б. 3.

2 Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомости. 1989, № 2. — 453-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг аъанборотномаси. — 1995, № 12. — 258-модда.

3 Абдумажидов Ф. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунига шарҳлар. — Т., 2004. — Б. 8.

фон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир” ...қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг мамлакатимизда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Бу Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа эди»¹. Тил — ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгиси. Ўзбек халқининг, унинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, мазкур тилнинг давлат тили мақомидек салоҳиятини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш муҳим вазифадир².

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси³ ҳам кўплаб миллий ҳуқуқий қадриятларни мустаҳкамлаган. Ушбу ҳужжатда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оила ва у билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Масалан, Кодекснинг 8-моддасида: «Қонунларда оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади», — дейилган.

Халқимизга хос муҳим миллий жиҳатлардан яна бири қон-қариндошлар ўртасида никоҳ тузишнинг тақиқланишидир. Оила кодексининг 16-моддасига мувофиқ, «насл-насаб шажараси бўйича туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опасингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузиш мумкин эмас». Кодекснинг 9-боби «Қариндошлик, қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик» деб номланиб, унда «қариндошлик», «ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндошлик», «қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик» тушунчалари баён этилган (57–59-моддалар). Мазкур нормаларда халқимизнинг миллий табиатига хос ниҳоятда муҳим ҳуқуқий қадрият қонун-

1 Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 83–84.

2 Қаранг: Қаюмов Р. Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., 1998. — Б. 92.

3 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998, № 5–6. — Илова.

лаштирилган. Бу ерда гап якин қариндошлар ўртасида никоҳни таққиллаш орқали миллат бардавомлиги, насл софлиги хусусида қайғуриш устида бормоқда. Айнан шу маънода қонун қон-қариндошлик шажараси тўғрисида, якин қариндошлик ришталари ҳақида муфассал маълумотни мустаҳкамлайди. Бундай нормалар ижтимоий-ҳуқуқий онгга улкан тарбиявий таъсир кўрсатади. Оила кодекси ўзбек оиласидаги ўзига хос муносабатлар ҳалқимизнинг анъаналари, урф-одатлари, миллий қадриятлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги боис мамлакат фуқаролари томонидан эъзозланиб, оғишмай амал қилиб келинмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўриш мумкин.

Минтақавий ҳуқуқий қадриятлар — маълум бир минтақа вакиллари (бир неча давлатлар)га тегишли ва улар манфаати учун хизмат қилувчи ва шу ҳудудда яшовчи фуқаролар онгида ижобий воқелик сифатида жой олган ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир. Масалан, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Европа конвенцияси (1950), «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Америка конвенцияси (1969), «Инсон ва халқ ҳуқуқлари Африка Хартияси» (1981), МДХ давлатларининг «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси (1995), Инсон ҳуқуқлари ислом декларацияси кабилар минтақага хос ҳуқуқий қадриятларни, хусусиятларни акс эттиради.

Юқорида таъкидланган ва биз минтақавий ҳуқуқий қадрият сифатида талқин этаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, уларнинг амал қилиш доираси муайян минтақада жойлашган давлатлар чегараси билан чекланмайди, балки ушбу ҳужжатни ратификация қилишни ихтиёр этган бошқа давлатлар ҳудудига ҳам таъсирини ўтказди.

Минтақавий ҳуқуқий қадриятларга мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаларини ҳам киритиш ўринлидир. Ушбу нодир ва ноёб ҳужжатлар мусулмонлар ва эътиқод қилган халқлар томонидан чексиз эъзозланади ҳамда қадрланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг аксарият фуқаролари ислом динига, Қуръони Каримга катта эҳтиром билан муносабат билдирадилар. Президентимиз И. А. Ка-

римов такидлаганидек, «ислом дини ота-боболаримиз дини, ...биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукроналар келтирамиз, тавба қиламиз. “Шукур” деган каломни ҳар кун айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи!»¹. Мухтасар қилиб айтганда, «Қуръони карим», табир жоиз бўлса, дунёвий ҳуқуқий қадриятлар жумласидандир.

Халқаро ҳуқуқий қадриятлар — бутун дунё халқлари учун муқаддас ҳисобланган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, ер юзи аҳолисининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида яратилган халқаро ҳуқуқий нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, принциплар ва ҳодисалардир. Халқаро ҳуқуқий қадриятлар башарият манфаатларини ўзида акс эттириши, фаолият доирасининг кенглиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мисол сифатида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция кабиларни кўрсатиш мумкин.

Инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳозирги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси алоҳида ўрин тутаети. Бу муътабар ҳужжат ер юзидаги ҳар бир инсонга тегишли узвий ва асосий ҳуқуқларнинг обрўли баёнидир. Унда БМТ Низомининг «инсон ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиш барча ҳукуматлар ва халқларнинг муштарақ бурчидир» деган принципи ўз аксини топган. Декларация буюк тарихий аҳамиятга молик ҳужжат, жаҳон аҳлининг виждони, жамиятлар ва ҳукумат-

1 Каримов И. А. Оллох қалбимизда, юрагимизда: «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. — Т., 2000. — Б. 5.

лар позицияларининг нечоғли тўғрилигини асослаб ҳамда меъёрлаб берадиган мезондир¹. Унинг «Инсоният тарихида энг ноёб ҳужжат», «бутун инсоният учун эркинликлар хартияси» деб таърифланиши бежиз эмас. Бошқа бирорта халқаро ҳужжат бундай юксак эътирофга сазовор бўлмаган. Бундай эътирофнинг сабабини инсон ҳуқуқларининг замонавий концепциясини мухтасар ва тушунарли баён қилиб берган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмунидан изламоқ жоиз². Унинг ҳар бир нормаси башариятнинг муштарак манфаатларини ўзида намоён этиши билан бирга, инсонларнинг тенглиги, эркинлиги, тинчлиги, фаровон ҳаёти каби умуминсоний ғоялар руҳи билан суғорилган.

Халқаро ҳуқуқий қадриятлар жумласига Умумжаҳон декларациясига ҳуқуқий куч-қудрат бахш этадиган яна уч ҳужжатни, яъни Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 19 декабрь), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил 18 декабрь), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Факультатив протокол (1966 йил 19 декабрь) ни ҳам киритиш ўринли. Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 1976 йилдан кучга кирди ҳамда халқаро ҳуқуқий муносабатларда «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билль» (қонун) деб атала бошлади. Бу ҳужжатлар инсоният ҳаёт фаолиятининг ҳуқуқий кафолати сифатида юзага келди. Шу боис улар жаҳон аҳли томонидан юксак қадрият сифатида эътироф этилади ва эъзозланади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳуқуқий қадриятларни турли асосларда таснифлаш уларнинг мазмун-моҳиятини тўлароқ ва теранроқ англашга, уларни асраб-авайлаш, янада ривожлантириш ва келажак авлодларга етказишга кўмаклашади. Ҳуқуқий қадриятларнинг илмий таҳлили ва унинг якуний хулосалари фуқаролар томонидан мамлакатимизнинг суверенитетини, озодлигини, куч-қудратини янада чуқурроқ ҳис этишга, у билан фахрланишга ундайди.

-
- 1 Қаранг: Қаямов Р. Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., 1998. — Б. 115.
 - 2 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ/Академик Ш. Ўразев таҳрири остида. — Т., 2001. — Б. 86.

§1.5. Ҳуқуқий қадриятларни талқин этишнинг методологик асослари

Ҳуқуқий қадриятларни талқин этишнинг методологик асослари тадқиқот ва илмий билиш усулларига таянади¹. Уларни илмий нуқтаи назардан тўғри талқин этиш объектнинг моҳияти тўғрисидаги билим ва тасаввурларни бойитишга қўмаклашади.

Ҳуқуқий қадриятларни ўрганишда фаннинг энг умумий (универсал), умумий, хусусий илмий методларидан фойдаланиш мақсадга эришишнинг муҳим омилдир².

Илмий диалектика³ — ҳуқуқий қадриятларни ўрганишнинг энг умумий усули ҳисобланади. У қадриятларнинг инсон тафаккури иштирокида шаклланиши, инсон эҳтиёжи учун муайян кадр-қимматга эга эканлиги ҳамда инсон билан биргаликда мавжудлигини, ҳар бир ҳуқуқий қадрият муайян сабабсиз, яъни ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги, уларни жамиятда мавжуд ҳодисалар билан алоқадорлик ва ривожланишда эканлигини ҳамда уларни ўрганиш жараёнида англанидиган ҳақиқатлар объектив, айтилиши вақтнинг ўзида нисбий ва мутлақ хусусиятга эга бўлишини эътироф этади. Улар мавҳум эмас, балки аниқ шаклда мавжуд бўлишини тан олиш ва шу асосда иш юритиш диалектиканинг бош ғоясидир. Ушбу хусусият бу методни нафақат ҳуқуқий қадриятларни ўрганиш усули ёки бошқа фанларнинг энг умумий методи, балки методологик асоси даражасига қўтаради.

Маълумки, умумий илмий методлар барча фанларни ўрганишда асос бўлувчи *анализ, синтез, тизимли, функционал* тадқиқ этиш каби усулларни қамраб олади. Умумий илмий методлар, универсал методлардан фаркли равишда, ҳуқуқий қадриятларни ўрганиш ва таҳлил этишнинг муайян босқичларида қўлланилади.

1 «Методология» юнонча сўз бўлиб, «билиш йўли, усули ҳақидаги таълимот» деган маънони англатади.

2 «Метод» юнонча сўз бўлиб, айнан «бирон нарсага бориш йўли» демакдир.

3 Диалектика (юн. *Dialektika* — суҳбат, мунозара қилиш) — тараккиёт тўғрисидаги таълимот. Диалектика — барча нарса, ҳодиса, жараёнлар ўзаро алоқада, боғланишда, ўзгаришда, ривожланишда, деб талқин қилувчи таълимот. Қаранг: Фалсафа: Қомусий лугат/Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т.. 2004. — Б. 109.

Анализ¹ методи орқали ҳуқуқий кадриятлар таркибий қисмларга ажратилган ҳолда ўрганилади. Ушбу усул орқали объектни тадқиқ этишда, унинг жамият ҳаётидаги ўрни аниқланади, умумийлари хусусийларидан, зарурийлари тасодифийларидан, асосийлари муҳим бўлмаганларидан ажратилади ва шу орқали уларнинг мазмун-моҳиятини ёритишга эришилади.

Синтез² методи воситасида ҳуқуқий кадриятларни, уларга тегишли ижтимоий ҳодисалар ва тушунчаларни тафаккур ёрдамида бирлаштириш, умумлаштириш орқали янги билим ва тасаввурларга эга бўлиш мумкин.

Анализ ва синтез методлари узвий алоқадорликда бўлиб, умумиллий билишдаги аналитик-синтетик усулнинг ўзаро таъсир қилувчи хусусиятларидир. Мисол учун, ҳуқуқий кадриятларни ижтимоий ҳодиса сифатида таҳлил қиладиган бўлсак, у аввало «ҳуқуқ» ва «кадрият» каби алоҳида ҳодисаларнинг умумлашувидан ҳосил бўладиган янги ҳодиса эканлигини кўриш ёки аксинча, ҳуқуқий кадриятларни мазмун жиҳатдан турли қисмларга ажратиш мумкин. Айни вақтда, анализдан олинган маълумотларни мантиқан умумлаштириш, яъни синтез орқали ҳуқуқий кадриятнинг алоҳида ижтимоий ҳодиса эканлигига амин бўлаемиз.

Тизимли (системали³) таҳлил методи ҳуқуқий кадриятларнинг ички таркибий тузилишини, таркибий қисмларининг «горизонтал» ва «вертикал» йўналишлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганади. Тизимли таҳлил фалсафа фанининг ютуғи бўлиб, бугунги кунда ушбу усул барча ижтимоий ҳодисаларни ўрганишда ва жамиятнинг барча соҳаларини тадқиқ этишда кенг қўлланилмоқда⁴.

Функционал⁵ тадқиқот методи ҳуқуқий кадриятларнинг жамиятда мавжуд ижтимоий ҳодиса сифатидаги вазифалари нималардан иборатлигини аниқлайди.

1 «Анализ» — грекча сўз бўлиб, «ажратиш, бўлиш» деган маънони англатади.

2 «Синтез» грекча сўз бўлиб, «қўшиш, бирлаштириш» деганидир.

3 «Система» — грекча сўз бўлиб, «қисмлардан таркиб топган мажмуа» деган маънони англатади.

4 Қаранг: Керимов Д. А. *Философские основания политико-правовых исследований*. — М., 1986. — Б. 200–210.

5 «Функция» лотинча сўз бўлиб, «амалга ошириш, бажариш, юзага чиқариш» деган маъноларни англатади.

ратлигини ўрганади. Ушбу саволга жавоб топиш орқали янги билимга эга бўлиш баробарида тасаввурларимизни янада кенгайтиришимиз мумкин. Бундан ташқари, ҳуқуқий кадриятларни талқин этишда хусусий илмий методлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Хусусий илмий методлар табиий, ижтимоий ва бошқа фанларнинг тараққиёти натижасида келиб чиқади ва уларга *социологик, кибернетик, тарихий, мантиқий* ва бошқа методлар киради.

Социологик¹ метод ёрдамида ҳуқуқий кадриятларни ўрганишда социологик усуллар: сўров, анкеталаштириш, ҳужжат матнларини тадқиқ этиш, кузатувлар олиб бориш, жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали янги маълумотлар, муайян билимлар олиш мумкин. Билим ва маълумотлардан ҳуқуқий кадриятларни шакллантиришда, ҳаётга жорий этишда фойдаланиш мумкин. Социологик тадқиқотлар ижтимоий фаолиятнинг ҳар бир соҳаси учун жуда қимматли маълумотларни етказиб беради².

Кибернетика³ методи. Дунёнинг бугунги қиёфасини ахборот технологияси воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Ҳуқуқий кадриятларни ўрганишда компьютерлар, мультимедиа, слайд ва бошқа воситалардан фойдаланиш оз вақт сарфлаб, сифатли маълумотлар олишга замин яратади.

Мантиқий метод — ҳуқуқий кадриятларни ўрганишда оқилона, тўғри хулоса чиқаришга имкон берадиган усул. У илмий билишнинг мавҳум шакли бўлиб, ҳуқуқий кадриятларни мантиқий ўрганишнинг усул ва воситаларини ифодалайди ҳамда мантиқ қонунлари ёрдамида асослаб беради.

Тарихий метод — ҳуқуқий кадриятларнинг пайдо бўлиши, ривожланишини тараққиётнинг муайян даврида, хронологик изчилликда ўрганишни тақозо этадиган илмий усул. Ушбу метод ёрдамида жамият ҳаётида амал қилувчи ҳуқуқий кадриятнинг қарор топиши ва ривожланишини тарихий тараққиётнинг мураккаб жараёнлари,

1 «Социология» термини латинча «societas» (жамият) ва юнонча «logos» (таълимот) сўзларидан олинган бўлиб, жамият тўғрисидаги фан деган маънони билдиради.

2 Абдураҳмонов Ф. Р., Саидходжаев Х. Б. Социология. — Т., 2000. — Б. 190.

3 «Кибернетика» грекча сўз бўлиб, «бошқариш санъати» деган маънони билдиради.

босқичлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда кўпинча кишилиқ жамиятининг турли даврларида рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳақида билим олиш имконини берадиган тарихий манбалар, қонунлар, махсус ҳужжатлар ва бошқалар таҳлил қилинади. Қисқача айтганда, ҳуқуқий кадриятларни ўрганиш усуллари уларнинг мазмун-моҳиятини англаш ва шу чоққача ҳосил қилинган билимларни ривожлантиришга кўмаклашади.

Ҳуқуқий кадриятлар бетакрор ижтимоий ҳодисадир. Уларни тадқиқ этишда тадқиқот методологияси алоҳида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий кадриятлар талқинининг умумфалсафий асосини, яъни методологиясини қуйидагилар ташкил этади:

биринчидан, ҳуқуқий кадриятларга нафақат ижтимоий кадриятнинг бир шакли, балки умуминсоний кадриятларнинг таркибий қисми сифатида қараш;

иккинчидан, ҳуқуқий кадриятларни ўрганиш ва тадқиқ этишда Шарқ ва Ғарб таълимотлари уйғунлигига асосланиш;

учинчидан, ҳуқуқий кадриятларни талқин этишда халқимизга тегишли ҳуқуқий мерос ва тажрибага суяниш;

тўртинчидан, ҳуқуқий кадриятлар мазмунида миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини акс эттириш;

бешинчидан, ҳуқуқий кадриятларни шакллантиришда ўзбек халқининг менталитети ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш.

Ҳуқуқий кадриятларга умуминсоний ҳуқуқий кадриятларнинг таркибий қисми сифатида баҳо беришда, биринчи навбатда, эътиборни «*умуминсонийлик*» тушунчасининг таҳлилига қаратиш лозим. «Бу тушунча жамият ҳаётининг асосий жиҳатлари, турли ижтимоий сифатлар, хусусиятлар ва бошқаларнинг умуминсоний характерга эга эканлигини англатади. “Умуминсонийлик” тушунчаси кадриятларни жонли табиатнинг бир қисми бўлган инсон зотининг ҳаёти ва камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва бошқа бирликлар (ижтимоий субъектлар) учун аҳамиятини ҳам акс эттиради»¹. Демак, умуминсоний кадриятлар дунё халқлари учун қадрли бўлган моддий ва маънавий неъматлар мажмуи дея талқин этиладиган бўл-

1 Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси (Аксиология). — Т., 2004. — Б. 78.

са, ҳуқуқий кадриятларимиз ҳам мазмунан, ҳам амалий жиҳатдан умуминсоний кадриятларга, уларда акс этган принципларга ҳамоханг бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши туфайли ўзини халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида намоён этди. «...Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чеғараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади» (Конституциянинг 17-моддаси).

Бундан ташқари, мамлакатимизда мавжуд ҳуқуқий нормалар умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва уларда белгиланган принципларга асосланади. Дунё халқлари томонидан тан олинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон халқи учун ҳам кадрлидир.

Ўзбекистон Республикасида бошқарув тартиби, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиши ривожланган давлатлар томонидан амалда қўлланган ва халқаро миқёсда тан олинган, кадрланадиган, эъзозланадиган принципларга асосланади. Конституциямиз халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиши билан бирга тарихда синалган умуминсоний кадриятларни ўзида акс эттирган ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда яратилган. Президентимиз И. А. Каримов ўринли таъкидлаганидек, «мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи — халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидадир»¹.

Ҳуқуқий кадриятларни ўрганиш ва тадқиқ этишда жаҳоннинг илғор тарихий ютуқлари ҳисобланган Шарқ ва Ғарб таълимотлари талқини хусусиятларини инобатга олиш лозим. Албатта, Шарқ ва Ғарб халқларининг ўз кадриятлари ва турли умуминсоний кадриятларга нисбатан ўз қарашлари, муносабатлари мавжуд. Ҳар бир ижтимоий ҳодиса ўзининг муайян тарихига эга.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — Б. 74.

Хукукий кадриятлар ҳам маълум тарихий даврларда пайдо бўлиб, шаклланиб, инсоният онгида сайқалланиб, ўзининг бугунги кўринишига эга бўлган.

Хукукий кадриятларнинг тарихан шаклланиш жараёни тўғрисида муайян тасаввурлар, қарашлар, билимларга эга бўлишимиз мавжуд билим ва фикрларимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Нафакат хукукий кадриятлар, балки умуман ҳуқуқ, инсоният, давлат, жамият тарихини ўрганиш, билиш, онгни шакллантиришнинг асосий омилдир. Шу ўринда. ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг «мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир»¹, деган сўзларини эсга олиш жоиз.

Қадимги Шарқ давлатларининг ҳаёти хукукий кадриятларнинг тарихий ўчоқлари ҳисобланади. Шарқда давлат, ҳуқуқ, жумладан хукукий кадриятларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига хос хусусиятлар ҳамжиҳатлик ғояси ва жамоатчилик фикрининг устунлигида ифодаланади. Шарқда маънавий-ахлоқий кадриятлар сиёсий муносабатлардан устун турган. Қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган давлатлар Шарқнинг буюк тарихий давлатлари ҳисобланади. Бу давлатларда ҳуқуқнинг, жумладан, хукукий кадриятларнинг илк кўринишлари пайдо бўлгани тарихий манбалардан маълум. Масалан, Қадимги Мисрнинг: «Рамзес II», «Бокхорис», «Амасис», «Ипусер» қонунлари; Қадимги Бобилнинг «Ур Намму», «Липид Иштар», «Билалам», «Хаммурапи» қонунлари; Қадимги Ҳиндистоннинг «Артхашастра», «Дхармашастра», «Ману» қонунлари; Қадимги Хитойнинг «Ли», «Фа», «Чжоу Ли», «И Ли», «Ли Цзи» қонунлари²; Марказий Осиёдаги «Авесто» ва бошқалар илк хукукий кадриятлар жамланган манбалар жумласидандир.

Юқорида номлари зикр этилган қонунлар орасида бизгача етиб келгани ва мукамаллиги билан шуҳрат қозонгани Бобил подшоҳи Хаммурапи томонидан ишлаб чиқилган «Хаммурапи» қонунла-

1 Қодирий Абдулла. Ўткан қунлар; Меҳробдан чаён: Рўмонлар. — Т., 1992. — Б. 6.

2 Қаранг: Мухамедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. I-қисм. Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 1999. — Б. 65–66, 97–98, 139, 166–169.

ридик¹. Хаммурапи қонунлари 1901–1902 йилларда Жениульях бошчилигидаги Франция археологик экспедицияси томонидан қадимги Элам пойтахти Суз шаҳридаги қазилмалар чоғида топилган. Бу қонунлар миҳхат ёзувида қора базальт тош устунни сатҳига ўйиб ёзилган². Бу устунда қуёш, ҳақиқат ва адолат худоси Шамаш тахти олдида турган ҳамда унинг қўлидан олий суд ҳокимлиги белгиси чўқмор ва чамбар олаётган подшо тасвирланган. Унда подшонинг ниҳоятда улуғлигини акс эттирувчи нормалар мавжуд. Хаммурапи қонунлари 282 та моддадан иборат³.

Шарқ давлатларида ҳуқуқий қадриятларнинг шаклланиши аста-секинлик билан амалга ошган. Бошқарув асосан бир шахс — подшо томонидан амалга оширилган. Ўз-ўзидан норматив ҳужжатларда ҳам аввало давлат бошлиғининг иродаси акс этган. Ғарбда эса илк демократик бошқарув шакли мавжуд бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Яъни, қадимги ғарб давлатларида халқ оммаси бевоқифа давлат бошқарувида иштирок этган. Мисол сифатида «Афина демократияси»ни қайд этиш мумкин. Афинада давлат аҳамиятига молик масалалар «Халқ мажлиси»да кўриб чиқилган. Халқ мажлисида 30 ёшга тўлган шахслар иштирок этганлар. Қадимги Ғарб давлатларида ҳуқуқий қадриятларнинг пайдо бўлиши ўзининг юқори чўққисига чиққан. Бунинг исботини Қадимги Ғарбда мавжуд Спарта давлатидаги Подшо Ликургнинг «Ретра» қонуни; Афина давлатидаги «Драконт», «Салон» қонунлари; Рим давлатидаги машҳур «XII жадвал қонун»ларида кўриш мумкин⁴.

-
- 1 Хаммурапи қонунларининг матнига назар ташласак, уларнинг жуда каттик қонун бўлганига гувоҳ бўламиз. Уларда оддий ҳаракатлар учун ўлим ва бошқа оғир жазолар назарда тутилган, лекин қонун ўша давр халқи томонидан жуда қадрланган ва унга амал қилиш шараф ҳисобланган. Сабабини биз қуйидагича изоҳлаймиз: Айнан қонун яратилган даврда халқ томонидан турли худоларга эътикод қилиш кучайган. У давр халқи учун худолар орасида ҳақиқат ва адолат худоси Шамаш худоси олий худо ҳисобланган ва унга эътикод жуда кучли бўлган. Қонун матнининг бошида Шамаш худосининг ва подшога қонуннинг топширилиши тасвирлангани қонуннинг қадри юксалишига асосий сабаб бўлган.
 - 2 Хаммурапи қонунларининг асл нусхаси Париж (Лувр)да сақланади.
 - 3 Қаранг: Вестник древней истории. 1958, № 3. — С. 225–258. Бу ерда қонунларнинг тўлиқ матни берилган.
 - 4 Қаранг: Мухамедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 1999. — Б. 237, 290–333.

Биргина «XII жадвал қонун»ининг ўзи Ғарб мамлакатлари ҳуқуқий асосларининг нечоғли мустақамлигини ифода этади. Буюк нотик Цицерон томонидан қадимги «XII жадвал қонуни» хусусида айтилган қуйидаги фикрлар бироз ғарбона индивидуализмга асосланган субъектив ёндашув бўлса-да, уни қайд этишни лозим топдик. «Майли, ҳамма норози бўлса ҳам, мен барибир ўз фикримни айтаман: кимда-ким ҳуқуқнинг асослари ва манбаларини изласа, кичкинагина XII жадвал китобчаси ўзининг мавқеи ва фойдасининг кўплиги билан барча файласуфларнинг барча кутубхоналаридан устунрок туради»¹.

Қадимги Ғарб давлатларида ҳуқуқий кадриятларнинг шаклланишида ғарб мутафаккирларининг ўрни беқиёс. Жумладан, Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида илк бор «номос» (қонун), «дике» (ҳақиқат, адолат)² каби тушунчалар ишлатилган. Гесиоднинг «Теогония» асарида ҳуқуқ ғоялари ҳақида: «Эпос, энг аввало, ҳуқуқ ғояси туфайли янги қиёфага эга бўлди»³, деб қайд этилади. Салон ўз ислохотларида ҳуқуқни шакллантиришга катта ҳисса қўшган. У «тенг ҳуқуқлик» принципини илгари сурган ва «оддий одамга зодагон билан тенг» қонунларни берганлигини қайд этган⁴. Гераклит ўз асарларидан бирида: «Адолат, қонун ва бошқалар — умуман олам, коинот ҳақидаги билимларнинг бир қисми»⁵, — деб фикр билдирган. Демокритнинг фикрича, «қонунларнинг пайдо бўлиши одамларнинг цивилизациялашган турмуш тарзига ўтганлигини билдиради»⁶. Демокрит қонунларни табиий нуктаи назардан танқид қилиб: «Қонунларнинг кўрсатмалари сунъийдир»⁷, «Қонунлар — аҳмоқона ихтиродир. Доношманд қонунларга бўйсунмаслиги, эркин яшаши керак»⁸, — деб

1 Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола/Таржимон: Урфон Отажон. — Т., 2007. — Б. 108.

2 Қадимги Ғарб давлатларида ҳуқуқни тушунишнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида батафсил маълумот учун қаранг: *Нерсезян В. С.* Политическое учение Древней Греции. — М., 1979.

3 *Cassirer Ernst.* Logos. Dike. Kosmos in der Entwicklung. Goteborg. 1941. — S. 13.

4 Қаранг: *Аристотель.* Афинская полития. — М., 1937. — С. 19–21.

5 *Материалисты Древней Греции.* — М., 1955. — С. 39–52.

6 *Лурье С. Я.* Демокрит. — Л.: 1970. — С. 187–382. *Материалисты Древней Греции.* — М., 1955. — С. 53–178.

7 Ўша жойда. — Б. 52.

8 Ўша жойда. — Б. 371.

таъкидлаган. Суқрот табиий ва позитив қонунларга тенг муносабатда бўлган, унинг учун инсонлар томонидан ёзилган қонунлар ҳам, илоҳий қонунлар ҳам айна бир хил адолатни кўзда тутган¹. Платон идеал давлатдаги адолатни тавсифлаб, қуйидагича фикр билдирган: «Ҳар бир кишининг ўз иши билан ўзи шуғулланиши адолатли иш бўлур эди». «Мен, — деб қайд этади Платон, — Қонун кучга эга бўлмаган ва кимнингдир ҳокимияти остида бўлган давлатнинг ҳалокати яқинлигини кўраман. Қонун ҳукмдорлар устидан ҳокон, ҳукмдорлар эса унинг қули бўлган жойда мен давлат кутқарилади ҳамда худолар давлат орқали барча нарсани инъом этади, деб ҳисоблайман»². Аристотель ҳам ўз асарларида адолат, қонун, ҳуқуқ тўғрисида фикр билдирган. «Ҳар қандай қонун, — деб ёзади у, — ўз асосига кўра ўзига хос ҳуқуқни назарда тутати»³. Ёки «Нафақат ҳуқуқ бўйича, балки ҳуқуққа зид равишда ҳукмронлик қилиш қонуннинг иши бўлиши керак эмас; зўрлик билан бўйсундиришга қаратилган интилиш, албатта, ҳуқуқ ғоясига зиддир»⁴. Цицероннинг фикрича, ҳуқуқнинг асосида табиатга хос бўлган адолат ётади. У табиий ҳуқуққа қуйидагича таъриф беради: «Ҳақиқий қонун — бу табиатга мувофиқ бўлган, барча одамларга тааллуқли, доимий, абадий бўлган, буйруқ берган, таъкидлаган ҳолда бурчни адо этишга ундовчи, қўрқитган ҳолда жиноятдан қайтарувчи оқилона қонундир, бироқ, бу қонун зарурат бўлмаганда ҳалол одамларга ҳеч нимани буюрмайди ва таъкидламайди»⁵.

Юқорида номлари зикр этилган Ғарб мутафаккирларининг ҳуқуқий кадриятшуносликка қўшган ҳиссалари жуда бебаҳо ва биз уларнинг замонавий аксиология учун кадр-қимматини эътироф этамиз.

Аммо ҳуқуқий кадриятлар мавзуси кўҳна ва навқирон Шарқ, унинг таркибий қисми бўлган Марказий Осиё ва қадим ўзбек мутафаккирлари ҳамда алломалари учун ҳам бегона эмас! Қадриятшунослик тарихининг энг теран жиҳатларини фақат Ғарбдан эмас, балки Шарқдан ҳам қидириш фойдадан холи бўлмас. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Си-

1 Қаранг: *Нерсеянц В. С.* Сократ. — М., 1996. С. 21–22.

2 *Laws*, 715//Cassirer Ernst. Op. cit. 1941. — S. 22.

3 *Sieqfried W.* Der Rechtsgedanke bei Aristoteles. — Zurick, 1947. — S. 64–65.

4 *Аристотель.* Политика. — М., 1973. VII, С. 2,4,1324.11.

5 Қаранг: *Цицерон М. Т.* О Государстве. М., 1966. III, XXII, С. 33.

но, Нажмиддин Кубро, ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Давоний, Кошифий, Машраб, Бедил, Махтумқули, Абай, Беҳбудий, Авлоний каби мутафаккир ва олимларнинг ижодида ҳам бу мавзунинг ёрқин излари бор. Гап ана шу изларни қидириб топишда, уларни унутмасликда, давом эттиришда, замонавий воқелик нуктаи назаридан холисона талқин қилишдадир¹. Зеро, аждодларимизнинг юксак қарашлари, илғор фикрлари, ноёб асарлари нафақат тарихий манба, балки бебаҳо қадрият, беназир маънавий меросдир².

Ҳуқуқий қадриятларни талқин этишда халқимизнинг бир неча асрлар мобайнида, жиддий машаққатлар билан қўлга киритган ҳуқуқий мероси ва бой тажрибасига эътибор қаратиш тадқиқотимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Шу ўринда қайд этиш жоизки, биз масалани «Осиёцентризм» нуктаи назаридан эмас, балки авлод-аждодларимиз яратган ҳуқуқий қадриятларнинг илғор кўринишларини дунё мамлакатлари маданиятининг бир қисми сифатида холис тадқиқ этиш тарафдоридирмиз. Бунда асосий мақсад — тарихий тадқиқот эмас, балки масаланинг ҳуқуқий қадриятлар билан боғлиқлигини очиқ бериш ва у орқали янгича дунёқарашни шакллантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «барпо этаётган давлатимиз, келажагимиз илдизи теран тарихимизга, бетакрор маданиятимизга, ноёб қадриятларимизга, юксак мақсадларимизга монанд бўлиши лозим»³. Албатта, мамлакатимизда турли йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаатлари ётар экан, унинг асосини бой маънавий мерос ва ҳуқуқий тажриба ташкил этади.

Ўзбек халқининг ижтимоий онгида шаклланган бу ҳуқуқий меросни сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк бобоқалонларимизнинг ҳуқуқий соҳага бағишланган асарларидан из-

1 Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). — Т., 2004. — Б. 12.

2 Қаранг: Тўраев Б. Р. Ҳуқуқий давлат: гоёлардан амалиёт сари. — Т., 2009. — Б. 20–25.

3 Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсади-миз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 471.

лаш мақсадга мувофиқдир. Бундай асарлар орасида, шубҳасиз, энг қадимий ва муқаддас ҳисобланган «Авесто» муҳим ўрин эгаллайди¹. Авестода инсон масаласи биринчи ўринга қўйилади. Инсон, унинг ҳаёти, фаровон келажаги ҳақидаги масала ушбу манбаинг асосий мавзусидир. «Авестода тарғиб қилинишича, инсонни энг олий қадрият сифатида кўкларга кўтариш ва унга мансуб бўлган озод ҳамда эркин ҳаёт тарзини таъминлаб бериш яхшилик худоси Аҳура Мазда-нинг ёмонлик ва зулмат худоси Ахриман устидан қозонган ғалабаси билан боғлиқ»². Умуман олганда, бу асарда халқимиз турмушининг илк кўринишлари ва ўша даврдаги мавжуд ижтимоий муносабатлар ҳамда уларни тартибга солиш усуллари акс эттирилган.

Буюк мутафаккир, Шарқда «Иккинчи муаллим» номи билан до-руғ қозонган аллома — Абу Наср Форобий ўз асарларида комил ин-сон, адолатли давлат, ҳуқуқ, қонун, давлатни оқилона бошқариш масалаларига алоҳида тўхталган. Жумладан, «Фозил одамлар шах-ри» асарида давлатни бошқариш санъати, давлат бошлиғининг фа-зилатлари, давлат ва ҳуқуқнинг моҳиятига доир илғор фикрларни илгари сурган. Шу билан бирга, Форобий асарларида фазилатли ин-сон ва инсонпарварлик масалалари катта ўрин эгаллайди. У инсон-парварлик ҳақида шундай ёзади: «Инсонларга муносабатда инсон-парварлик боғловчи асос сифатида намоён бўлади, чунки у инсон зотига хосдир»³.

Уйғониш даврининг яна бир машҳур мутафаккири Абу Али Ибн Сино ҳам инсонни фаришталардан ҳам соф ва порлок бўлган ду-нёдаги мавжудотлар ичра энг олийси ва буюги деб билган. Ўз нав-батаида, одамларни инсон номига муносиб бўлишга даъват қил-ган. «Биродарлар, — деб ёзади у, — фаришта ёмонлик билан маш-ғул бўлса, ёки ҳайвонлар хунук иш қилса, бунга ажабланиш керак эмас, балки инсон ақл билан мунаввар бўла туриб, шаҳватга бе-

1 Қаранг: *Исоқов Б.* Авесто сабоқлари/Таълим ва тафаккур. — Наманган, 2009, № 1 (39). — Б. 16–18.

2 *Юсуфов Э.* Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. — Т., 2003. — Б. 90.

3 Қаранг: *Григорян С. М.* Из истории философии Средней Азии и Ирана (VII–XII вв.). — М., 1960. — С. 158.

рилса-ю, инсонийлигини йўқотиб виждонидан кечса, бунга ажабланиш керак бўлади»¹.

Буюк алломаларимиздан яна бири Абу Райҳон Беруний ўз асарларида «инсон қадри» масаласига алоҳида эътибор қаратади. Алломанинг фикрича, инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг меҳнатига қараб белгиланади. Фақат меҳнат билангина инсон ўз мақсадларига эришиши мумкин. «Ҳар бир инсоннинг қадри — ўз вазифасини усталик билан бажаришидадир». Етук билимга эга бўлган инсон олий бахтга эришади. Берунийнинг таъкидлашича, инсоннинг «хақиқий лаззатланиши у билмаган нарсани билиб олганида»² рўй беради.

Ўзбек халқи ҳуқуқий меросида буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг шахси ва қолдирган бой маънавий мероси муҳим ўрин тутди. Буни Амир Темурнинг «Қуч — адолатдадир» ёки «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади» деган пурмаъно фикрлари бугунги мустақил, демократик давлатимизнинг бош шиори даражасига кўтарилганида кўриш мумкин. Темур даврининг асосий ёзма ёдгорлиги ҳисобланган «Амир Темур тузуклари» ўзида давлат бошқаруви, ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ноёб фикрларни мужассамлаштирган. Уни ҳеч иккиланмасдан ҳуқуқий кадриятлар сирасига киритишимиз мумкин. Шу ўринда Президент И. А. Каримовнинг «Амир Темур тузукларини ўқисам, худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан», деган сўзларини эсга олиш жоиз.

Буюк бобокалонимизнинг фаолияти, бой маънавий мероси ва ҳуқуқий кадриятлар тизимидаги ўрни хусусида ҳозирги ҳуқуқий адабиётда шундай фикр мавжуд: «Амир Темур нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳон тарихида ёрқин из қолдирган буюк шахс ҳисобланади. Бу ўринда XX асрнинг 90-йилларига келиб мамлакатимизда шаклланган ижтимоий фанларда алоҳида йўналиш бўлган темуршунослик ҳақида гапириш мумкин»³.

1 Шермухаммедов Я. Ўрта Осиё мутафаккирларининг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашлари. — Т., 1970. — Б. 33.

2 Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. — Т., 1976. — Б. 220–223.

3 Туляганов А. А. Ҳуқуқий кадриятлар тизимида Темуршуносликнинг ўрни ва унинг халқаро муносабатларга таъсири//Ҳуқуқ–Право–Law. 2005. № 4. — Б. 86–87.

Амир Темурнинг бой маданий меросини ўрганган покистонлик олим — Аҳмад Ҳасан Доний ўзининг «Timur Legas» (Темур мероси) асарида: «Темур Осиёнинг буюк юксалишига асос солди. Темур дунёга келмаганида Ҳиндистонда буюк империя бўлмаган, Самарқанд ва Бухоро бунчалик гуллаб яшнамаган бўлар эди. Амир Темур инсоният ҳаёт тарзини бошқача шаклга киргиза олди, Марказий Осиёга хос бўлган, юксак маънавий тараққиёт йўлини очиб берди. Марказий Осиёда бирорта сулола ўзидан бунчалик бой мерос қолдирган эмас»¹, — деб таъкидлайди.

«Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. Бу даврда Темурга муносабат, унинг тарихий хизматларини муносиб баҳолашга оид бир катор самарали тадбирлар амалга оширилди»². Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги (1994 йил 29 декабрь) қарори, Президентнинг 1996 йилни «Амир Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги (1995 йил декабрь) фармони, «Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида»³ги қонуннинг қабул қилиниши Амир Темур кадрини тиклашда улкан аҳамият касб этади.

Қонун устунлиги принципининг ғоявий-тарихий илдизлари аллома аждоқларимизнинг ижтимоий-ҳуқуқий қарашларини ифодаловчи асарларида акс этган. Масалан, Хўжа Самандар Термизий ўзининг «Дастур ал-мулук» асарида: «Кимки зўрлик болтаси билан адолатсизлик пайини қирқмас экан, у замон боғида ёш умид дарахтини ўстира олмайди... Агар мамлакатни бошқарувчи қонунлар завоқ топса, Дунёнинг асоси барбод бўлади»⁴, — деб ёзган эди.

Жалолиддин Давоний фикрига кўра, «ҳар қандай давлат ташкилоти ўзининг мўътадиллиги билан ажралиб туради, қонунлар эса ўз тартиби билан ижро этилади. Бу қонундан четга кетиладиган бўлса, ҳар бир қоида қарама-қаршилик манбаига айланади ҳамда у дўст-

1 Dani A. P. Timur Legacy//Pakistan Academy of Letters. — Islamabad, 1996. — S. 9–10.

2 Ўзбекистон тарихи: Миллий истиклол даври. — Т., 2003. — Б. 235.

3 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996, № 5–6. — 63-модда; 1997, № 4–5. — 126-модда.

4 Қарағ: *Ходжа Самандар Термизи*. Назидание государям. — М., 1971. — Б. 27–28.

лик муносабатларининг бузилишига, ёмонлик ва парокандаликка сабаб бўлади. Зеро, ҳар қандай давлатнинг асосини *аъзолари қонун олдида тенг бўлган жамиятнинг иттифоқи* ва фикри ташкил этади»¹.

Алишер Навоий машҳур «Маҳбуб ул-қулуб» асарида шундай деб ўғит берган эди: «Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги, тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим... Модомики, ҳукм элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим»².

Булардан ташқари, Кайковуснинг «Қобуснома» асаридан — Бобурнинг «Бобурнома»сигача, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» (Бахт келтирувчи билимлар) ёки Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиба-тул-ҳақоик» (Ҳақиқат неъматлари) асарларидан Алишер Навоийнинг «Ҳамса»сигача — барча-барчаси ўзида инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг турли тарзда ифодаланганлиги ва ҳуқуқий кадриятларнинг илк кўринишларини намоён этиши билан таҳсинга лойиқдир.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси юкоридаги халқимизнинг ноёб ёдгорликлари, бебаҳо ҳуқуқий кадриятлари, бой маънавий-маданий меросидан баҳра олиши, улар билан фахрланиши, уларни ўқиб-ўрганиши, асраб-авайлаши ва келажак авлодга етказиб бериши ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ҳуқуқий кадриятлар таркибида миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини акс эттириш уларнинг аҳамиятини муносиб тарзда кўтариш билан бирга, фуқароларимизнинг янгича демократик онги шаклланиши учун унумли фойдаланиш даркор. Миллий истиқлол ғояси ўзида халқимизнинг орзу-умидлари, хоҳиш-истакларини, бир сўз билан айтганда, мақсад ва манфаатларини мужассамлаштиради. «Миллий ғоя, — деб қайд этади Президент И. А. Каримов, — миллий ифтихор, ..бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат кураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлашига ишонаман»³. Албатта, фуқароларимиз

1 Қаранг: *Джалалиддин Давани*. Ахлоки жалоли/Рукопись. ИВ. АН. РУз. Инв. 7703.

2 *Алишер Навоий*. Маҳбуб ул-қулуб. — Т., 1983. — Б. 23–24.

3 *Каримов И. А.* Биз келажамизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т. 7. — Т., 1999. — Б. 92.

онгида миллий истиклол ғоясини шакллантириш кўзлаган мақсадимизга етишнинг асосий омилларидандир.

Энди олимларимизнинг миллий ғоя тўғрисидаги фикрларига эътибор берайлик. «Миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истикболини англашни ўзида мужассамлаштирган, унинг этноижтимоий бирлик сифатидаги туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалайдиган, тараққиётига хизмат қиладиган ғояга миллий ғоя дейилади»¹. «Миллий ғоя миллатнинг олий идеалини, узоқ муддатли мақсадларини, орзу-умидларини, иродасини, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос тарихий “даъвосини” умумий шаклда ифодалайди. У содда ва тушунарли тарзда икки оғиз сўзда биз интилайётган, қураётган жамиятимизнинг моҳиятини ифодалашни лозим»². Академик Эркин Юсупов нуктаи назарига кўра, миллий ғоя этник илдизлари, тарихи, тили, маданияти, она юрти, эътиқоди, маънавияти, иқтисодий ҳаёти, кадриятлари, анъана ва урф-одатлари бир бўлган кондош, жондош кишиларни муайян мақсадлар ва манфаатлар йўлида бирлаштириб, фаолиятини муштараклаштириб, йўналтириб турувчи руҳий омилдир³. Демак, миллий ғояни ҳуқуқ нормаларда акс эттириш, қонунларимизни миллий ғоя руҳида шакллантириш — уларнинг кадрини, нуфузини ошириши шубҳасиз!

Мафкура ҳозирги даврга қадар ижтимоий гуруҳлар учун ўзини идентификациялаш, ўз мақсадларини аниқлаш воситаси бўлиб келмоқда⁴. Шу боис, миллий истиклол мафкураси мамлакатимизнинг эртанги кунини белгилувчи йўлчи юлдузидир. Миллий истиклол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим⁵. Ҳар бир давлат, жамият ёки гуруҳ муайян мафкура асосида ҳаракат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов

1 *Очидиев А.* Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. — Т., 2004. — Б. 15.

2 *Эркаев А.* Миллий ғоя моҳияти. — Т., 2001. — Б. 6.

3 Қаранг: *Юсупов Э.* Маънавий кадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. — Т., 2003. — Б. 140.

4 Қаранг: *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. — Т., 1998. — Б. 78.

5 Қаранг: *Каримов И. А.* Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик//Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. — Т., 1996. — Б. 203.

Ўринли таъкидлаганидек, «мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар»¹. Миллий истиқлол мафкураси миллат, жамият, давлатни мустақил тараққиёт йўлига бошлайдиган, уни белгилаб берадиган, эркин ва озод ривожланишини таъминлашга қаратилган ғоялар, қарашлар тизимидир². Миллий истиқлол мафкураси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, миллий ва умуминсоний кадриятлар, демократия принципларига асосланади... Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради³. Миллий ҳуқуқий мафкура эса ўзбек давлатчилигига бўлган муҳаббат, уни эъзозлаш, ардоқлаш ва равнақ топтириш ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялар ва қарашлар мажмуидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчилик мафкураси, қонун устуворлиги ва қонунга итоатгўйлик мафкураси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги мафкураси, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ва фуқароларнинг давлат олдидаги масъуллиги мафкураси, юртнинг тинчлиги, барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мафкураси шаклланиб, ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланмоқда. Муҳими, бу ғоялар қонуний эътирофга эга бўлиб, мафкуравий ҳуқуқий кадрият даражасига кўтарилди.

Ҳуқуқий кадриятларни шакллантиришда ўзбек халқининг менталитети ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий кадриятлар халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари — иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ҳаё, уят ва андиша, ор-номус, элига ва юртига садоқат, ватанпарварлик каби кадриятлар ва ғояларни мужассамлаштиради. Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар оша сакланиб-сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удум ва анъаналарига эга. Буларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, табиати, ғурури, ижтимоий-иқ-

1 *Каримов И. А.* Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин//Биз келажамизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. — Т., 1999. — Б. 84.

2 *Очилдиев А.* Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. — Т., 2004. — Б. 28.

3 Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2000. — Б. 43.

тисодий ҳаёти, диний эътиқоди, ҳуқуқий онги ва маънавий-маданий дунёси акс этган.

Ўзбекистонда, бутун Шарқ цивилизациясига хос бўлганидек, оилани эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш энг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Президент И. А. Каримов жамият ҳаётида оиланинг ўрнига тўхталиб, қуйидагича таъкидлаган: «Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир. Халқимиз тарихига назар ташласак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган»¹.

Яна бир такрорланмас ўзбекона ўзига хос хусусият катталарга, ёши улуғларга, қарияларга юксак ҳурмат, эҳтиром ва эътибордир. Мамлакатимизда бу борада ҳам эзгу ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, Президент фармонида асосан, 2002 йил «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилинди. Республикамиздаги 27 минг нафардан кўпроқ ёлғиз қариялардан 24 минг нафари ўзгалар парваришига муҳтож бўлганлиги сабабли, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатадиган ходимлар бириктирилди. 3 мингдан ортиқ ёлғизларга ижтимоий-маиший ва тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди².

Юқоридаги ижобий фаолият ва саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида, мамлакатимизда 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди ва шу йилда 2 минг нафар ёлғиз қария ва 66 мингта кам таъминланган оиланинг уй-жойлари бепул таъмирлаб берилди. Қаровчиси йўқ 23 минг нафар қария ва ногиронларга беминнат хизмат кўрсатилди³.

Мамлакатимизда инсонларда ўзаро ҳурматни шакллантириш макони маҳалладир, зеро маҳалла халқимизнинг турмуш тарзи, отабоболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган яшаш тарзидир. Ўзбек

1 Каримов И. А. 1998 йил — оила йили. 1998 год — год семьи. — Т., 1998. — Б. 9–10.

2 Ўзбекистон тарихи: Миллий истиқлол даври. — Т., 2003. — Б. 169.

3 Хайдаров А. Кўнгли очқини — йўли очик/Халқ сўзи. — 2007 йил 31 май.

маҳаллалари ўзида жамоатчилик руҳи, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, инсоф, диёнат, раҳмдиллик каби инсоний туйғулар билан йўғрилган ҳолда шаклланган катта оиладир¹. Маҳалла минг йиллар давомида инсониятнинг буюк даҳолари томонидан эътироф этилган, жамоа бўлиб яшаш турмуш тарзини ардоқлаган ўзбек халқининг анъанавий урф-одатлари, миллий давлатчилик маданияти, умумбашарий кадриятларни ўзида мужассамлаштирган халқчил жамиятнинг мўжаз тимсоли, Ватан ичра — Ватандир². Ўзбек маҳалласи — халқимизга хос донишмандлик ифодаси. У тарихда ҳам ўз жозибаси, ҳаётийлиги, халқчиллиги, бетакрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган³. Маҳалла одоб, ибрат ва кадриятлар маскани ҳисобланган⁴.

«Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор, — биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз»⁵. Ўзбекистон Республикасида 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши, «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил этилганлиги миллий кадриятларимизга берилаётган эътиборнинг яққол намунаси дир.

Хулоса қилиб айтганда, бундай ўзбекона хусусиятларимизни ҳуқуқий нормалар орқали кафолатлаш, ўз навбатида, ҳуқуқий кадриятлар таркибида шакллантириш ҳуқуқ нормаларининг, қонунларимизнинг кадрини ва ҳурмати оширади, фуқароларимизнинг уларга ҳурмат билан муносабатда бўлишларини тақозо этади, мамлакатимиз ҳуқуқий тизими самарали амал қилишини таъминлайди ҳамда жамиятимиз олдига қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқади.

-
- 1 Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Сувоноккулов М. И. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларининг назарий-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номзоди... дисс. автореф. — Т., 2002. — Б. 19.
 - 2 Қаранг: Мустақиллик: Илмий-оммабоп дугат//А. Жалолов ва Қ. Хоназаровлар умумий таҳририда. — Т., «Шарк», 2000. — Б. 112–114.
 - 3 Қаранг: *Жалилов Ш. Ж.* Кучли давлатдан — кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. — Т., 2001. — Б. 11.
 - 4 Қаранг: *Малик Мурод.* Ўзбек кадриятлари. 1-китоб. — 1995. — Б. 269.
 - 5 *Каримов И. А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Мулоқот. — 1998. — № 5. — Б. 16.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг демократик миллий ҳуқуқий тизими қарор топди ва у муттасил такомиллашиб бормоқда. Мамлакат ҳуқуқий тизимига тарихий ва замонавий ҳуқуқий қадриятларнинг сингиши, унинг таркибий қисмларида янги қадриятларнинг намоён бўлиши муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Тадқиқотимиз мантиғи шундан иборатки, аввало, ҳуқуқий тизимнинг ўзини алоҳида салмоқли ҳуқуқий қадрият эканлигини исботлаш, қолаверса, унинг ҳар бир таркибий қисмини қадрият тарзида тавсифлашдан иборат.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим ҳуқуқий қадр-қимматга эга ҳужжатдир. Айни вақтда, Конституция мазмунини кўлаб ҳуқуқий қадриятлар ўз ифодасини топган. Конституциявий-ҳуқуқий қадриятлар ҳуқуқий қадриятларнинг юқори нуфузга эга бўлган шакли сифатида тавсифланди.

Ҳуқуқий тизимда, айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши, расмийлашиши ва намоён бўлиши муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳуқуқ ва қонунларнинг яратилиши жараёнида ҳуқуқий қадриятларни ифодалаш, қарор топтириши механизми таҳлил этилди. Ҳуқуқий нормалар мазмунини қадриятлар акс этишининг табиати ва хусусиятларини очишига ҳаракат қилинди.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳам қадриятлар муҳим ўрин тутади. Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятларга қанчалик амал қилсалар, ҳуқуқ нормалари ва қонун талабларини қўллаш шунчалик самарали бўлади. Ҳуқуқни қўллашнинг барча босқичларида қадриятлар намоён бўлишини аниқлаш ниҳоятда муҳим илмий-амалий масаладир.

§2.1. Конституция — ҳуқуқий қадриятлар гултожи

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятига кўра қад ростлаётган демократик давлатчилигимизнинг мустақкам ҳуқуқий пойдеворидир. Унда халқимизнинг олий иродаси, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги интилишлари, эзгу истаклари мужассам ифодаланган. Ҳозирги кунда Конституциямиз истиклолнинг буюк неъмат сифатида барчамиз учун эъзозли ҳамда мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий кадриятга айланди.

Йиллар ўтиб боргани сайин унинг бунёдкорлик салоҳиятини, ҳаёт-бахш кучини, ижтимоий муносабатларни батартиблаштирувчи ва барқарорлаштирувчи таъсирини бевосита кўриб, гувоҳ бўлмоқдамиз. Эътироф этиш жоизки, Асосий қонунимиз жамиятни бирлаштирувчи ҳамда баҳамжиҳат этувчи, халқимизнинг яратувчанлик саъй-харақатларини рағбатлантирувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, Конституциямиз ҳаётимиз ривожиди, Ватанимиз ва халқимиз тақдирида кундан-кунга юксак аҳамият касб этиб бормоқда, маърифий тараккиёт талабларига тўлиқ жавоб бермоқда, энг муҳими, у истикболни кўзлаб мукамал яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақил давлатимизнинг, ўзбек халқининг ҳаётини ақс эттирувчи, унинг ўзига хос белгилари, хусусиятлари ҳамда адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек энг эзгу мақсадларини ифода этувчи кўзгудир. Суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси — инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг демократик ҳартияси бўлиб, ҳуқуқий ва инсонпарвар давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У — катта — ижтимоий-сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Асосий қонунимиз мукамал, замон билан ҳамнафас, энг эзгу миллий ва умуминсоний ғояларни ўзида ифода этган мўътабар қонундир. Унинг халқаро демократик андозаларга мос эканлиги хорижлик етуқ мутахассислар ва сиёсатчилар, давлат арбоблари ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан эътироф этилаётгани ҳамда муносиб баҳоланганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Конституция-мизнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги маъруза-сида таъкидлаганидек: «Юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституция-мизнинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этамиз. Биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани — буларнинг барчаси Конституция-мизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди»¹.

Конституция-миз матни билан танишган ҳар қандай ҳолис ниятли инсон Ўзбекистон буюк келажакка эришиш учун оқилона йўл танлаганлиги, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этмокчи эканлигимизни англаб олади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий тизимини белгилаб бермокда. Шу билан бирга, у демократия ва адолат принципларини, тараккиётимизнинг устувор йўналишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, маънавий қадриятларимизнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб берди².

Энг аввало Асосий қонунимизнинг олий нуфузи, беназир кадр-киммати шундаки, у **Инсон** бахт-саодати учун хизмат қилмокда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш принципини онгимизга сингдирмокда. Унда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул экани ҳақидаги асосий қоида мустаҳ-

-
- 1 Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараккиётимизнинг муҳим омилидир//Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.
 - 2 Қаранг: Абдусаломов М. Э. Эркин ва фаровон ҳаётнинг ҳуқуқий асоси//Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. — 2005, № 12. — Б. 14–15.

камланган (2-модда). Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари **оллий қадрият** ҳисобланади (13-модда). Зеро, Конституция яратилаётган чоғда унинг ижодкорлари «жамиики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсондир», деган фалсафадан келиб чиқиб иш тутган эдилар.

Ўзининг бутун борлиги, мазмун-моҳияти билан Конституция Ўзбекистон фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча шахсий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларни қафолатлаб берди. Шунинчун мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу борада Бош қомусимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» нинг барча муҳим қоида ва принципларини ўзига тўла-тўқис сингдирган. Унда инсонни улуғлаш, унинг эркин раванқ топиши учун реал шарт-шароитлар яратиш мақсади ўз ифодасини топган.

Конституция шарофати билан ижтимоий онгимизга, ҳуқуқий тафаккуримизга замонавий демократик қадриятлар, принцип ва ғоялар жо бўлмоқда. Булар, энг аввало, суверен давлатчилик ва одил демократик жамият қуриш ғояларидир. Шунингдек, «қонун устуворлиги», «ҳокимиятлар бўлиниши», «сиёсий плюрализм», «кўппартиявийлик», «инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва устувор таъминланиши», «айбсизлик презумпцияси», «хусусий мулк ва унинг қонун билан муҳофазаланганлиги» каби принциплар сиёсий-ҳуқуқий тафаккуримизнинг узвий бўлагига айланди.

Таҳсинга молик ўта муҳим жиҳати шундаки, Конституциянинг барча қоидалари, бутун ички салоҳияти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилгандир. Шу боис, биз қураётган жамият мамлакатимиз халқи учун муносиб фаровон турмушни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари адолат мезонлари асосида қафолатланишини, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаши шубҳасиздир. Ушбу қоидалар Конституциямиз қонунлаштириб қўйган улуғ қадриятлардир. Зотан, ҳар қандай ижтимоий неъмат — қадриятнинг мезони унинг инсон ва жамият манфаатлари ҳамда эҳтиёжларига хизмат қилиш даражаси билан белгиланади.

Конституция мамлакатда кенг камровли иктисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширишнинг, тамомила янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришнинг залворли замини сифатида гавдаланмоқда. У ҳокимиятлар таксимланиши принципи асосида барча давлат идораларининг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан оқилона белгилаб берилишига хизмат қилмоқда, замонавий парламентаризм анъаналарига мос қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимини ташкил этадиган янги давлат идоралари вужудга келишига йўл очди. Булар жумласида Олий Мажлис, Конституциявий суд, Вазирлар Маҳкамаси, Омбудсман ва Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, янги маҳаллий бошқарув органлари — ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари кабилар ташкил топди.

Халқимиз Конституциядаги демократик кадриятлар ва илғор ғоялар орқали маърифий дунёни англаётган бўлса, дунё Конституциямиз орқали халқимизнинг табиати ва олижаноб фазилатларини англамоқда. Асосий қонунда ўзбекона одабийлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, адолат ва саховатпешалик хислатлари ҳуқуқий ифодасини топган. Қомусимиз муқаддимасидаёқ халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлиги, муҳим мақсадлардан бири фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш эканлиги баён этилган. «Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади». Бу чинакам саховат ва бағрикенгликнинг қонуний ифодасидир.

Бундан ташқари, қуйидаги қоидалар улкан маънавий-ахлоқий маъно касб этиши билан бетакрор кадриятлар сифатида намён бўлади:

«хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидир» (46-модда). Аёлларнинг жамиятдаги, давлат ишлари ва оиладаги ролини юксалтириш давлатимизнинг устувор сиёсатидир. Мамлакатимиз Президенти қайта-қайта таъкидлаганидек, оналарни эъзозлаш, аёлларга ҳурмат бажо келтириш жамиятимиз маданият даражаси ва маънавий қиёфасининг кўрсаткичидир;

«ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти кафолатланади» (44-модда). Бунда инсонни, унинг

шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза этувчи конституциявий қоида мужассам;

«Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир»(45-модда);

«оила жамият ва давлат томонидан қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади» (63-модда);

«Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модда);

«давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантиради» (64-модда);

«вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда). Ушбу конституциявий қоида халқимиз табиатига хос бўлган ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибатли муносабатларни ифодалайди.

Умуман олганда, юқоридаги нормалар мазмунида ўзбек халқининг бой маънавияти ва қадимий бетакрор маданияти, очиқ табиати акс этган. Оналарга, аёлларга самимий ҳурмат, болаларни дилдан севиш, етимларга мурувват, меҳр-шафқатлилиқ, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзандлар қамоли ва соғлом ҳамда баркамол авлод учун курашиш ва бошқалар халқимизнинг саховатини, улугвор салоҳиятли табиатини намоён этувчи фазилатлардир.

Халқимизнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, шаксиз, узок тарихий тараққиёт мобайнида шаклланди, сайқал топди. Уларнинг энг нодирлари Конституцияда ўз тасдиғига эга бўлди. Биргина лавҳани фикримиз далили сифатида келтирамиз. Шарқона ахлоқ-одобнинг дурдона мажмуаси бўлмиш «Қобуснома» да таълим берилишича, ҳеч бир кимса «ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмаслиги керак». Айнан мана шу маънодаги қоида Асосий қонунимизнинг 20-моддасида куйидагича мустаҳкамланган: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий истиқлол мафқурасининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Ҳар бир конституция ўз мазмунида жамиятнинг, миллатнинг маънавий-маданий қадриятларини, тарихан шаклланган анъаналари, урф-одатлари ва характерини акс эттиради. Худди шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз табиатига хос барча маънавий-маданий қадриятлар, ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган. Айни вақтда, Конституциянинг ўзи ўзбек миллий ҳуқуқий маданиятининг маҳсули, унинг таркибий қисмидир. Бугунги кунда Конституциямиз халқимизнинг миллий-маданий қадрияти, ғурури ва ифтихори тимсолидир.

Халқ маънавий-маданий қадриятларнинг ижодкоридир. Конституция, унинг принцип ва қоидалари ҳам ана шундай ижоднинг бевосита самараси, дейиш тўғри бўлади. Бошқа маданий ижодиёт маҳсуллари қатори конституциявий нормалар ҳам шахснинг ўзлигини англаши, ўз салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариши, пировардида фаол индивид тарзида майдонга чиқиши ҳамда ижтимоийлашуви учун кўмаклашади. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар шахснинг ўз иқтидори ва истеъдодини намоён этишига шароит, яъни мўътадил *норматив-ҳуқуқий муҳит* яратади. Конституциявий нормалар ўз моҳиятига кўра миллий маданиятнинг ижтимоий-норматив шаклидир. Уларга катъий риоя этиш нафақат мустаҳкам ҳуқуқий тартиботни, балки юксак маданиятни ифода этади.

Конституция мазмунида мужассамлашган ўзбек миллий маданияти ва маънавий мероси узок асрлар қаърига бориб такалади. У серкирра ва сержиллолиги, бой мазмунга эгалиги ҳамда халқчиллиги билан ажратиб туради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

биринчидан, миллий давлатчилик тажрибаси, сиёсий ва ҳуқуқий-маданий мерос;

иккинчидан, маънавий-маданий, илмий-фалсафий ва адабий мерос;

учинчидан, умуминсоний маданий қадриятларни сингдириш асосида қарор топган, шунингдек исломий қадриятлар таъсирида шаклланган мерос.

Конституция қонунчиликнинг ўзаги, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси ва ҳаёт булоғининг сарчашмасидир. Булоқнинг кадр-қиммати ҳаёт манбаи сувнинг тиниқ ва жўшқинлигига боғлиқ бўлганидек, давлатимизнинг нуфузи, мавжуд ҳуқуқий тизимнинг самарали

фаолияти Конституциямизнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги муваффақиятли харакатида ҳамда халқимиз томонидан кадрланиши ва эъозланишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакат ҳуқуқий тизимининг, шу жумладан қонунчилигининг пойдевори, халқ иродасининг қонуний ифодаси, фуқаролар фаолиятининг ҳуқуқий қафолати сифатида юксак ҳуқуқий қадрият саналади.

Конституциянинг ижтимоий кадр-қиммати, сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти жумладан, қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, у давлатимиз мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб берди. «Конституциямизнинг асосий сиёсий аҳамияти шундаки, — дея қайд этади Б. О. Эшонов, — у суверен давлат — мустақил Ўзбекистон Республикаси вужудга келганлигини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйди. Ўзбек халқлари қадимдан мустақил яшаш, озод ва эркин бўлиш учун курашганлар. Суверенитетга эришилганлиги, жумладан янги давлат ҳокимияти вужудга келганлиги туфайли ўзбек халқининг орзу-умидлари ушалди. Халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини рўёбга чиқариб, мустақил давлат барпо этди»¹. Конституция мустақил давлатнинг моҳияти, асосий хусусиятлари, бугуни, эртаси ҳамда келажагини белгилаб берганлиги билан кадрлидир.

Академик Ш. З. Ўразаев ўринли таъкидлаганидек, Конституция дастлабки моддасидан тортиб то охириги моддасигача мустақиллик ғояси билан суғорилган². Дарҳақиқат, Асосий қонуннинг ҳар бир бўлими, ҳар бир моддасиё, ҳар бир бандида янги гача қараш, янги гача ёндашув, илғор демократик ғоя ва фикр ўз аксини топгани ҳолда истиқлол нафаси уфуриб турганига гувоҳ бўламиз. Сўзимизни Конституциянинг қуйидаги моддалари тасдиқлайди: «Ўзбекистон суверен демократик республика» (1-модда). «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин» (10-модда). Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб... амалга оширилади. «Халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи-

1 Эшонов Б. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий қоидаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мужассамланиши//Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. — 1998. — № 2. — Б. 57.

2 Қаранг: Ўразаев Ш. З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. — Т., 1994. — Б. 32.

дир» (7-модда). Ушбу эътироф орқали давлатимизнинг мустақиллиги мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга эканлигини кўриш мумкин.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилишда ривожланган давлатлар конституцияшунослигининг илғор тажриба ва ютуқларидан кенг фойдаланилганлиги унинг жамиятдаги маъқеини юксалтириши баробарида сифат даражасини янада оширади. Бундан ташқари, Конституциямизни яратишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларига қатъий асосланилган. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, — дейди профессор Р. Қаюмов, — халқаро ҳуқуқ қоидалари ва принципларининг устунлигини тан олади. Шу асосда Ўзбекистон бошқа давлатлар билан тўла ишончли негизда ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи сиёсий ҳамда иқтисодий муносабатларни ўрнатмоқда»¹. Асосий қонунимиз жаҳоннинг илғор тажрибаси билан бир қаторда, ўзбек халқининг бой тарихий ва миллий, маънавий ва ҳуқуқий қадриятларини мужассам уйғунлаштирган. Унинг ҳар бир моддасида асрлар давомида шаклланган маънавий меросимиз, миллий ғоя ва шарқона қадриятлар акс этган².

Учинчидан, Асосий қонун фуқароларимизнинг манфаатларини тўлиқ ифода этади. Конституциямизнинг мукаддам давлатимиз ҳудудида қабул қилинган, амалда бўлган конституциялар (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги конституцияларидан, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920–1921 йиллардаги конституциялари, Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 конституциялари) дан фарқи ва хусусияти шундаки, унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига устувор эътибор қаратилган. «Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафа, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, — деб баҳо берди мамлакатимиз Президенти. — Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда “фуқа-

1 Қаюмов Р. Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. — Т., 1998. — Б. 111.

2 Қаранг: Абдусаломов М. Э. Эркин ва фаровон ҳаётнинг ҳуқуқий асоси//Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ахборотномаси. — 2005. — № 12. — Б. 15.

ро-жамият-давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик»¹.

Тўртинчидан, Конституциямиз халқимизнинг табиати ва менталитетига хос тарзда яратилган. У ўзбек халқининг хусусиятлари, фазилатлари — иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ибодат ва андиша, ор-номус, элига ва юртига садоқат, ватанпарварлик ҳамда миллий ғурур, ҳуқуқий онги ва маънавий-маданий қиёфаси билан боғлиқ кадриятлар ва ғояларни мужассамлаштирганлиги билан ибратлидир.

Бешинчидан, Конституциянинг изчил ҳаётийлиги ва замон билан ҳамнафаслиги. Қомусимиз бугунги кун эҳтиёжларига тўлиқ жавоб беради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек бурчлари инсон, жамият ва давлат манфаатларига уйғун ҳолда оқилона ифодаланган. Айни вақтда, юридик техника қодалари ҳамда талабларига риоя этилганлиги, иборалар, сўз бирикмалари, жумлаларнинг ўз ўрнида ва мохирона ифодаланганлиги Конституциянинг салоҳиятини бекиёс оширади. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, — деб таъкидлайди Ш. З. Ўразаев, — лўнда, ифодали, аниқ жумлалари билан ажралиб туради... Буларнинг ҳаммаси Конституцияни осон эсда қоладиган, раво тилда ёзилган ҳужжатга айланганди. Бу сифат ва фазилатлар Конституцияга боқий умр бағишлайди»².

Авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз ифодасини топган энг муҳим *конституциявий-ҳуқуқий кадриятларни* алоҳида санаб ўтиш лозим. Аслида, Асосий қонунимизда жуда кўплаб ҳуқуқий кадриятлар ўзининг олий юридик даражадаги тасдиғини топган. Конституция нафақат халқнинг ижтимоий онгида қарор топган маънавий-ахлоқий, маданий ва ижтимоий-сиёсий кадриятларни мустаҳкамлайди, балки таракқиёт тўлкинида туғилгандиган янги воқеликлар, замонавий ғоя ва принципларни юридик тилда ифодалаб, ҳуқуқий кадрият сифатида муҳрлаб, халқ онгига сингдиради, уларни жамиятнинг ақлий-маънавий мулкига айланганди.

1 Каримов И. А. Ўзбекистон — келажак буюк давлат. — Т., 1992. — Б. 37.

2 Ўразаев Ш. З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. — Т., 1994. — Б. 42.

Мустақиллик шарофати билан Конституциямиздан жой олган куйидаги ҳуқуқий кадрятларга, ҳуқуқий неъмат даражасига кўтарилган тушунча ва воқеликларга эътибор қаратайлик: «*Ўзбекистон — суверен демократик республика*» (1-модда). Бу конституциявий ифода замирида қандай буюк маъно, халқимиз асрлар мобайнида курашиб кўлга киритган ҳурлик, эркинлик, республика бошқарув тартиби, демократик давлатчилик тантанаси, сиёсий курашлар маҳсули бўлган улуг неъмат ётибди (!) «*Ўзбекистон халқининг мақсади — инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш*» (Муқаддима); *Конституциявий тузум принциплари* (1–9-моддалар); «*Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади*» (2-модда); «*Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир*» (4-модда); «*Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир*» (7-модда); «*Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади*» (11-модда); «*Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилинади*» (13-модданинг иккинчи қисми); «*Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади*» (14-модда); «*Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади*» (15-модданинг биринчи қисми); «*Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидан тенгдирлар*» (18-модданинг биринчи қисми); «*Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир*» (24-модда); «*Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга*» (25-модданинг биринчи қисми); «*Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир*» (29-модда); «*Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга*» (31-модда); Фуқароларнинг Конституцияда эътироф

этилган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳар бири алоҳида, айни вақтда олий ҳуқуқий қадриятдир.

Ўзбек халқининг меҳр-мурувватли, инсонпарвар, етимларга жон қайишувчи, саховатли ва бағрикенг табиати қуйидаги конституциявий-ҳуқуқий қадриятлар мазмунига жо бўлган десак муболаға бўлмайди: «Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг вазийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради» (64-модданинг иккинчи қисми). «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади» (65-модданинг иккинчи қисми).

Халқимизнинг тарихан маънавий мулки ҳисобланган «*маҳалла*», «*ҳокимлик*», «*оқсоқол*» каби институтлар Конституция даражасида мустахкамланиб, ҳуқуқий қадрият мақомига эга бўлди. Шунингдек, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий фазилатларини акс эттирувчи қадриятлар: бағрикенглик, инсонни улуғлаш, эркинликни кадрлаш, савоб исташ, оилапарварлик қабилар ҳам ўзининг конституциявий ифодасини топди. Масалан, Асосий қонунимизнинг ушбу нормалари мазмунига эътибор қаратайлик: Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (Конституциянинг 4-моддаси); Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари *олий қадрият* ҳисобланади (13-модда). Конституциявий-ҳуқуқий мақом юксак ижтимоий қадрият даражасидаги ҳуқуқий воқелик бўлиб, шахснинг жамиятдаги, фуқаронинг давлатдаги нуфузли ўрнини, аҳамияти ва кадр-қиммати акс эттиради.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, кенгрок маънода гапирадиган бўлсак, шахснинг ҳуқуқий мақоми муайян принципларга таянади. Ушбу принциплар универсал хусусиятга эга бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради:

- инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари *тенглик* ҳамда *тенг ҳуқуқлилиқ* асосида амалга оширилади. Бу принцип Конституцияда уч жиҳатдан таърифланган:

барча фуқароларнинг конун ва суд олдида тенглиги; фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг тенглиги; эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

- конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг *кафолатланганлиги* алоҳида принцип саналади;
- инсонларнинг ажралмас ҳуқуқлари мавжуд, *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чегараланишига йўл қўйилмайди*. Мазкур принцип инсонга туғилишидан табиатан тегишли бўлган, ундан ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларнинг давлат томонидан тан олинисидан келиб чиқади;
- *ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги принципи*. Шахс нафакат муайян ҳуқуқ ва эркинликлар эгаси, балки мажбуриятлар соҳиби ҳамдир. Турли-туман ҳуқуқий муносабатлар ишгирикчиси бўлмиш фуқаро фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ва бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди.

Фуқароларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тизимида *сўз ва эътиқод эркинлиги* муҳим ўрин тутаети. Демократиянинг бу шартлари ҳар қандай маърифий жамиятда ўз чегара, меъёр ва мезонларига эга бўлади. Масалан, фикр айтиш, сўз эркинлигини кафолатлаш билан бир қаторда урушни тарғиб қилиш, миллий ва диний адоват уйғотишни келтириб чиқарувчи тарғибот ва ташвиқот юритиш чекланади. «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга», — дейилади Конституциямизнинг 29-моддасида. Шунингдек, бу модда ўзининг қуйидаги мантиқий давомига эга: «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва конун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир». Шу билан бирга, давлат сири ва шу тоифадаги бошқа сирларга оид ахборотлар конунда белгиланиб, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқининг мавзуини ташкил эта олмайди.

Сўз эркинлиги конун лойиҳаларининг муҳокамаларида, референдумларда, Президент ва парламент сайловларида, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари умумий йиғинларида иштирок этиш ҳамда ўз фикрини ифодалаш

имконини беради. Фикр ва сўз эркинлиги фуқаролар томонидан яқка тартибда ҳамда жамоа тарзида амалга оширилиши мумкин. Масалан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда (1996 йил 26 декабрь) мустақамланганидек, маслағи ва манфаатлари бир бўлган фуқаролар ихтиёрий равишда сиёсий иродасини билдириши, ҳокимият органларини шакллантиришда қатнашиши мумкин.

Ахборот ва маълумот олиш эркинлиги ҳам ҳокимият билан фуқаро ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг муҳим бўғинларидан биридир. Мамлакатимиздаги барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим (Конституциянинг 30-моддаси). Бу ҳуқуқ мутасадди ташкилот ва шахслар томонидан таъминланмаган тақдирда фуқаро судга мурожаат қилиши мумкин¹.

Президент И. А. Каримов 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталари мажлисида баён этган Концепцияда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қуйидагиларни таъкидлади: «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.

Маълумки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади»².

1 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 145–146.

2 *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 28

Шахсий ҳуқуқлар тизимида *инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги, турар жой дахлсизлиги*. Ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сир сақланиши ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади. Асосий қонуниimiz ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатлайди. Ҳеч ким қонунсиз равишда ҳибсга олиниши ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Шунингдек, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тайзикка дучор этилиши мумкин эмас (26-модда)¹.

Конституцияда мустақкамланган муҳим сиёсий-ҳуқуқий кадрлар сифатида қуйидагиларни ҳам эътироф этиш мумкин: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади» (32-модда); «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар» (33-модда); «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас» (34-модда); «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга» (35-модда); «Оммавий ахборот воситалари эркиндир.... Цензурага йўл қўйилмайди» (67-модда); «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади» (76 ва 77-моддалар); «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқла-

1 Багафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 144.

ри бўйича вакили (Омбудсман)» (78-модда); «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи» (83-модда); «Ўзбекистон Республикаси Президенти — давлат бошлиғи» (89-модда); «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади» (98-модда); «Конституциявий суд» (108-модда); «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар» (112-модда); «Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади» (116-модда); «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар» (117-модда) ва х. к.

Юқоридаги хусусиятлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини *юксак ҳуқуқий қадрият* сифатида эътироф этишимизга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг моҳияти юзасидан баъзи тортишувли, баҳсли фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд. Буларни таҳлил қилиш конституция тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтириш билан бирга, фикрларимизни янада аниқлаштиришга кўмаклашади.

Таникли сиёсатшунос олим Леонид Левитин Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши масаласида фикр билдириб, қуйидагиларни қайд этади: «МДХ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон иккинчи бўлиб ўз конституциясини қабул қилди. Туркменистонда Конституция 1992 йил 18 майда қабул қилинди. Шундан кейин Қозғистон — 1993 йил 28 январда (1995 йил 30 августда бу республикада янги Конституция қабул қилишга мажбур бўлинди); Қирғизистон — 1993 йил 5 майда (Конституция 1996 йил 16 февраль ва 1997 йил октябрдаги референдумларда икки марта ўзгартирилди ва тўлдирилди); Россия — 1993 йил 12 декабрда; Беларусь — 1994 йил 16 мартда (1996 йил 24 ноябрда янги Конституция қабул қилинди); Молдова — 1994 йил 29 июлда; Тожикистон — 1994 йил 6 ноябрда; Арманистон — 1995 йил 5 июлда; Грузия — 1995 йил 24 августда; Озарбайжон — 1995 йил 12 ноябрда; Украина — 1996 йил 28 июнда Конституция қабул қилди. Очиғини айтганда, нега шошилишди, бунга қандай эҳтиёж бор эди?»¹

1 Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т., 2001. — Б. 240.

Бунга жавобан академик Ш. З. Ўразаев Конституция қабул қилинишининг зарурияти тўғрисида қуйидаги фикрларни баён этган: «Республика ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгач, табиий равишда, шу давлат мустақиллигини Конституция асосида мустаҳкамлаб қўйиш муаммоси бутун бўй-баста ва кучи билан кўндаланг бўлди. Конституцияда янги давлатнинг табиати, унинг ички ва ташқи сиёсати принциплари, инсон ҳуқуқларига, давлат суверенитетига, демократия ва ижтимоий адолатнинг олий мақсадларига содиқлиги мустаҳкамлаб қўйилмоғи лозим эди»¹. Албатта, янги давлатни шакллантириш учун, мустаҳкам ҳуқуқий асос — Конституциянинг қабул қилиниши зарурий эҳтиёж эди. Бундай оқилона тадбирлар ҳаётда ўзини оқлади ва ўз навбатида бизнинг Конституциямиздан бошқа ҳамдўстлик давлатлари ўз Конституцияларини яратишда намуна сифатида фойдаландилар.

Конституциямизнинг тузилишига оид баҳсли фикрларни давом эттириб, Левитин яна бир муҳим масала — ўзбек халқининг демократик анъаналари ва уларнинг Конституцияда ёритилиши масаласида ўз фикрларини баён этади. Масалан, маҳалланинг алоҳида демократик институт сифатида юксак салоҳиятга эга эканлиги ва ижтимоий ҳаётдаги ролига нисбатан бош қонунда унга етарлича эътибор берилмаганлигини таъкидлайди: «Конституцияга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақида қўшимча моддалар, эҳтимол бутун бир боб киритиш, — дея таъкидлайди Л. Левитин, — маҳалланинг мақомини Конституцияда мустаҳкамлаш муаммосини ҳал этган бўлар эди. Ҳозир маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга биттагина модда (105-модда) бағишланган, холос. Унинг мазмуни мана бундай: “Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди”.

МДХ га аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг конституцияларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга қанча ўрин берилган?

Россия Конституциясида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни кафолатлаш конституциявий тузумнинг асосларидан бирига айлантирилган

1 Ўразаев Ш. З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. — Т., 1994. — Б. 10.

(12-модда), маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга 8-боб (130–133-моддалар) бағишланган. Украинада ҳам шундай қилинган (7-модда ва “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш” деган XI бўлим 140–146-моддалар). Озарбайжон (10-боб, 176–181-моддалар), Қирғизистон (7-боб, 91–95-моддалар) ва Туркменистон (IV бўлим 85–88-моддалар) Конституцияларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга махсус боблар ажратилган»¹. Албатта, Конституцияда маҳалланинг ҳуқуқий мақомини алоҳида белгилаш ушбу демократик институтнинг фаолиятига йўл очиб беради. Лекин шунини унутмаслигимиз лозимки, маҳаллий манфаатларни умумдавлат манфаатларидан юқори қўйиш мумкин эмас.

Конституцияда маҳаллага катта эътибор қаратиш, унинг ролини кучайтириш, ўзини ўзи бошқариш органи замирида умумдавлат органини тузиш ва улар ўз фаолияти билан шуғулланмасдан, муайян ҳудудга тааллуқли ҳужжатлар ўрнига умуммажбурий қонун ҳужжатларини қабул қила бориб, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи тизимини идора эта бошлаши тўғри эмас. Бу ҳокимиятни босқичма-босқич қайтариб олиш эмас, аксинча уни янада марказлаштириш демакдир².

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий институт ва демократик анъаналарга алоҳида моддалар ажратиш мақсадга мувофиқ, лекин бу борада шахс, жамият ва давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда фаолият юритиш лозим.

Конституцияни яратиш, унда халқ манфаатларини тўла ифодалаш билан бирга ушбу фаолиятнинг манتيқий давоми ҳисобланган Асосий қонунни амалиётга татбиқ этиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш, уни тарғиб ва ташвиқ қилиш, ҳар бир ғоясини кенг омма онгига сингдириш масаласидаги тадбирлар ҳам унинг нуфузини оширишда катта аҳамият касб этади.

Конституцияни мукаддас қонун, беназир ҳуқуқий кадрият сифатида асраб-авайлаш, мазмун-моҳиятини англаш, амалий фаолиятда унга оғишмай риоя қилиш, баён этилган ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларни виждонан бажариш, омма ўртасида кенг тарғиб

1 *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. — Т., 2001. — Б. 248–249.

2 Қаранг: *Халитов Э. Ҳ.* Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. — Т., 2001. — Б. 111.

қилиш, амалиётга тўла-тўқис татбиқ этиш, ёш авлодга улуғ неъмат сифатида етказиш, у билан фахрланиш ҳар бир фуқаро учун шарафдир!

Конституциянинг муҳим ижтимоий-ҳуқуқий кадрият сифатида талқин этилиши унинг қуйидаги хусусиятларида яққол намоён бўлади:

- Конституциянинг жамият ҳуқуқий тизимида устувор мавқега эгаллиги;
- конституциявий нормаларнинг бевосита амал қилиш имконияти мавжудлиги;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кафолатланганлиги;
- жамият ва давлат ҳаёт-фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлиги;
- Конституция барча ҳуқуқ соҳалари шаклланиши, қарор топиши ва ривожланиши учун пойдевор эканлиги;
- Конституцияда давлат органлари тизими ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш тартиби белгиланганлиги;
- Конституция жамиятда ҳуқуқий тартибга солишнинг устувор йўналишлари ва принципларини белгилаши ҳамда жамият барқарорлигини таъминлаш омили эканлиги.

Мазкур эътирофлардан кўриниб турибдики. Конституциянинг ижтимоий кадрият сифатидаги мезонлари, таҳлили ва тавсифи бугунги кунда ниҳоятда долзарбдир.

Юқорида келтирилган мухтасар мулоҳаза ва таҳлилларнинг ўзидаёқ Конституциямизнинг нақадар теран демократик фалсафий заминга, қудратли сиёсий-ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий таъсир кучига эгаллигини исботлаб турибди. Конституциянинг худди ана шу ғоявий, фалсафий, ҳуқуқий-мафқуравий, маърифий-тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар онгига сингдириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги (2001 йил 4 январь) фармойиши қабул қилинди.

Фармойишда Асосий қонунимиз моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш назарда тутилади. Шу мақсадда мутасадди вазирлар, раҳбар ходимлар, ҳуқуқшунос олим ва мутахассислардан иборат нуфузли Комиссия ҳам

тузилди. Айни вақтда, мазкур Комиссия юқорида зикр этилган дастурни ишлаб чиқди, шунингдек барча даражадаги таълим турлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда Конституцияни ўрганишга оид махсус ўқув курслари, дарсликлар яратиш учун малакали муаллифлар жамоаларини тасдиқлади, тегишли экспертлар гуруҳларига мўлжалланаётган ўқитиш дастурларини, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш топширилиб, улар қисқа муддатларда яратилди. Жумладан, мактабгача тарбия муассасаларида тарбияланувчилар ва ўрта мактаб бошланғич синф ўқувчилари учун алоҳида методика; умумий ўрта таълим тизими ўқувчилари учун алоҳида методика; ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун алоҳида, олий таълим (бакалавр, магистрант ва аспирантлар) толиблари учун алоҳида, давлат хизматчилари учун алоҳида, бошқа тоифа меҳнатчилар ва маҳаллалар аҳли учун алоҳида дастур ҳамда методик қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Комиссия иш режасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида турли соҳа ва касб мутахассисларининг Конституцияни ўрганиш бўйича мунтазам семинарларини ташкил этиш, барча турдаги таълим муассасаларида дарс берувчи ўқитувчиларни тегишли йўналишда тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, телевидение, радио ва матбуотда Конституцияни фаол тарғиб қилиш (мавзулар рўйхати) чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, «Конституция ҳақида суҳбат», «Конституция: савол ва жавобларда», «Конституция рангли тасвир, изох ва чизмаларда» каби ҳар турли рисола-лар, болаларга мос фото-альбомлар тайёрлаб тарқатилди.

Белгиланган тадбирлар ижросига жадал киришилганлигини қуйидаги жамоалар фаолиятида кўриш мумкин. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги Академияси олимлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳукуки» (дарслик), «Конституция атамаларининг изохли лугати», «Конституциявий ҳуқук: таъриф ва чизмаларда», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ» нинг янги нашри ва бошқа асарлар чоп этилди. Тошкент давлат юридик институти олимлари ноюрдик олий ўқув юртлари учун конституциявий ҳуқук асослари бўйича дарслик тайёрладилар. Ўзбекистон миллий университети мутахассислари эса ўрта мактаб, лицей ва коллежлар учун дарсликлар яратдилар.

Шу ўринда Ўзбекистон Конституциясини мукамал ўрганишга йўналтирилган баъзи ташаббусли таклифларни илгари суришни жониз топдик.

Биринчи. Мамалакат Президенти И. А. Каримов Конституциянинг ўн саккиз йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, Конституциянинг ҳар бир моддаси ҳаёти-мизда қандай қўлланилаётганини таҳлил этишимиз лозим. Фикри-мизча, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуклари бўйича вакили (омбудсман), прокуратура ва ҳуқукни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ўз фаолият йўналиши бўйича Конституция меъёрлари амалда қўлланилишининг самарасини ўрганишни мунтазам йўлга қўйсалар, шунингдек, амалиёт ходимлари Конституция қондаларини билиши бўйича тест синовларидан ўтказиб турилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчи. Конституцияни ўрганиш ва мукамал билиш нафақат фуқаролар, ёшлар учун фарз, шунингдек барча давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам зарурий талабдир. Шундан келиб чиқиб, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ҳамда амалиётчилар учун семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференциялар доимий тарзда ўтказиб турилиши йўлга қўйилса, ўринли бўларди. Уларнинг намунавий мавзулари қуйидагича бўлиши мумкин:

- судьялар ва адлия ходимлари учун — «Конституцияни амалга ошириш механизми»;
- прокуратура ва ҳуқукни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ходимлари учун — «Конституция ва фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш»;
- журналистлар учун — «Конституция мавзусини оммавий ахборот воситаларида (матбуотда) ёритишни такомиллаштириш»;
- депутатлар, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар, мутахассислар учун — «Конституция ва ҳуқуқий тизимни, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари»;
- маърифат ва маънавий жабҳаси ходимлари учун — «Конституциянинг маънавий-ахлоқий салоҳияти» каби семинар мавзулари ва х. к.

Ушбу анжуманларни туман, шаҳар, вилоятлар ва республика даражасида ташкил этиш фойдадан холи бўлмайди.

Учинчи. Ёшлар томонидан Конституцияни мукамал ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадбирлардан бири сифатида ўрта мактаб юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талаблари орасида «Конституция мавзусига бағишланган энг яхши реферат танловлари» ўтказиш жорий этилса, хайрли иш бўлар эди. Танлов ғолибларини ҳар йили Конституция куни байрами арафасида тақдирлашни анъанага айлантирсак, энг муносиб ва таҳсинга сазовор «ғолиб рефератлар» матнини республика матбуотида чоп этиш йўли билан муаллифларни рағбарлантирсак, ёшлар истеъдоди барқ уриб ривожланишига кенг йўл очилар эди. Шунингдек мамнуният билан эътироф этиш жоизки, Адлия вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили адлия идоралари ходимлари ўртасида Конституцияни ўрганишга бағишланган рефератлар ҳамда журнал ва газета саҳифаларидаги мақолалар танловлари ўтказилиши яхши анъанага айланди.

Тўртинчи. Ўқувчи ёшлар орасида Конституция ва амалдаги қонунчилик бўйича бир неча босқичли республика олимпиадалари ўтказиш, радио ва телевикториналар, тест синовлари, баҳс-мунозара клублари ташкил этиш, шунингдек, Конституциянинг мазмуни ва хусусиятларини унинг аниқ моддалари ҳаётга жорий этилиши натижасида қўлга киритилган ютуқларни ифодаловчи мультимедиа дастурларини тайёрлаб, уларни меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ҳамда ўқув муассасаларида кенг тарқатиш Конституцияни чуқур ўрганишга салмоқли ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, Конституциянинг моҳиятини, ғоялари, тамойил ва қоидаларини ҳуқуқий тафаккуримизга сингдириш ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш, шубҳасиз, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай давлатчилик ва жамиятнинг қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафқурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу мақсадда Ўзбекистон Президенти бошлаб берган саъй-ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг Ватан саодати ва юрт равнақи йўлидаги муқаддас бурчимиздир.

§2.2. Ҳуқуқий тизим таркибида ҳуқуқий кадриятларнинг қарор топиши ва мустақамланиши

Ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмлари бир-биридан мазмуни ва мохияти, мақсади ва вазифалари, тузилиши ва шакли, ҳаракат йўналиши ва макони ҳамда бошқа хусусиятлари билан фарқ қилади. Ҳуқуқий тизим тузилишининг мураккаблиги ва турли-туманлиги уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг кўплиги, ҳар бирининг алоҳида функцияси мавжудлиги ва ўзаро муносабатда, диалектик алоқадорликда сержило боғланишлар воситасида амал қилиши орқали намоён бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий тизим — мураккаб ижтимоий ходиса сифатида ўз таркибида мамлакатда мавжуд ҳуқуқий воқеликнинг барча элементлари, яъни, ҳуқуқий воситалар, ходисалар, институтлар, муассасалар, бинобарин ҳуқуқий ҳаётни акс эттирувчи бутун бир ҳолат — реалликни ифодалайди.

Ҳуқуқий тизим таркибий элементларида ҳуқуқий кадриятларнинг ифодаланиши ҳақида фикр юритганда, мамлакат миқёсида мавжуд бўлган ҳуқуқий воқеликлар: ҳуқуқий институтлар, ходисалар, жараёнлар ва буларни амалга оширувчи ҳамда тартибга солувчи юридик муассасалар фаолияти қамраб олинишига эътибор қаратишимиз лозим.

Ҳуқуқий тизимни ташкил этувчи элементларнинг мазмун ва мохияти жиҳатидан бир-бири билан узвийлиги ва фарқ қилишини эътиборга олиб, ушбу гуруҳий элементлар таркибида ҳуқуқий кадриятларнинг ифодаланиши масаласини таҳлил қилиш лозим.

1. Норматив хусусиятга эга бўлган таркибий элементлар. Бу борада, аввало, ҳуқуқий тизимнинг асосий таркибий қисми — ҳуқуқ нормаларида кадриятларнинг ифодаланиши масаласига тўхталиш ўринли. Ҳуқуқ тизими ўз таркибига ҳуқуқ тармоғи (соҳаси), ҳуқуқ институти ва ҳуқуқ нормаларини қамраб олишини инobatга олган ҳолда, воқеликни теран тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда амал қилаётган ҳуқуқ тармоқлари жамият тараққиётининг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. Шу боис улар мазмунига Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг табиати ҳамда руҳиятига хос кадриятлар сингиб кетганлиги табиий. Айниқса, миллий хусусият

ва кадриятлар ўз ифодасини кўпроқ топган конституциявий ҳуқук (давлат ҳуқуқи), оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи каби тармоқларни таъкидлаш ўринли. Мустақиллик даврида демократик ҳуқуқий тизимни барпо этиш баробарида янгидан-янги ҳуқуқий институтлар жорий этилмоқда. Масалан, конституциявий ҳуқук соҳаси таркибидаги «Икки палатали Олий Мажлис», «Конституциявий суд», «махалла», «махалла оксоқоли», «оила», «ҳокимлик» институтларини келтириш мумкин. Юқорида таъкидланган ҳуқук институтлари таркибидаги барча нормалар миллий кадриятларимизнинг амалдаги ҳуқуқий шаклда ифодаланган ёки ҳуқуқий тартибга солинган кўринишидир.

Ҳуқуқий нормалар тизими умумлашган ҳолда ягона қонунчилик соҳасини ташкил этади. Шу ўринда «Мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида кадриятларнинг қарор топиши ва ифодаланиши қай даражада?» деган табиий савол туғилади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўз олдига ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадларни қўйиш билан бирга, бу мақсадларга эришишнинг ҳуқуқий асосини тубдан янгилашга биринчи даражали вазифа сифатида катта эътибор қаратилди. Бундай вазиятда қонуншуносларимизга алоҳида масъулият юклатилди. Улар олдида турган асосий вазифа мамлакатимиз тақдирини белгиловчи, унинг таракқиётини таъминловчи ҳар томонлама мукамал қонунлар яратишдир. Албатта, қонунларнинг кучи, савияси, кадр-қиммати уларнинг халқ иродаси ва манфаатига мослиги ва уларга оғишмай риоя этилиши билан белгиланади. Бундай масъулиятли ва ўз навбатида шарафли вазифа тўла ҳис этилган ҳолда бугунги кунгача мустақил Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи органи томонидан турли йўналишдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 560 дан ортиқ қонунлар, жумладан 15 та кодекс қабул қилинди. Бу қонунларнинг баъзилари мисолида миллий хусусиятларимиз ва кадриятларимиз акс этишига тўхталиш жоиз.

Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида. Мамлакатимизда ушбу соҳа бозор хартияси сифатида эътироф этилаётган Фуқаролик кодекси ёрдамида тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ижтимоий муносабатларнинг жуда кенг доирасини тартибга со-

либ, бой мазмунга эга. Ушбу соҳани тартибга солишда, албатта, халқимиз онгида азалдан шаклланган мулкка муносабатни эътиборга олиш жоиз. Собиқ совет тузуми давридаги қонунларда белгиланган ва фуқаролар, ташкилотларнинг мулкий, шахсий муносабатларини тартибга солишга қаратилган меъёр ва қоидалар моҳияти ҳамда мазмуни жиҳатдан маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, қадимий маданий меросларини ўзида тўла акс эттира олмади. Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган барча республикаларнинг «гражданлик» ҳукуки қонунлари, уларда яшовчи халқларнинг тарихи, ҳозирги шароити қандай даражада ривожланган бўлишидан қатъи назар, бир хил қонун мезонлари остида шаклланди ва ривожланди¹. У қонунларда давлат манфаатлари, давлат мулкига эътибор юқори даражада бўлса, мустақилликка эришилгандан сўнг, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида инсон манфаати, хусусий мулк масалалари барча нормалар мазмунига сингдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида миллий қадриятлар ўз ифодасини топган бир қатор нормаларни талқин этиш мумкин. Жумладан, Кодекснинг 6-моддасида «Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар» ўз аксини топган бўлиб, фуқаролик қонунларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар кўлланиши таъкидланган. Бу ҳолатда халқимизнинг миллий хусусиятлари инобатга олинганлиги табиий. Ёки Кодекснинг «Хазина»га бағишланган 196-моддаси 1963 йилда қабул қилинган Кодекс билан янги Фуқаролик кодекси ўртасидаги фарқни яққол намоён этади. Аввалги Кодекснинг 159-моддасига биноан, хазина топган шахс, уни қаердан топган бўлишидан қатъи назар, тегишли давлат идорасига топшириб, унинг қийматидан йигирма беш фоиз микдорида мукофот олиш ҳукукига эга эди. 1997 йил кучга кирган, амалдаги Кодекснинг 196-моддасига мувофиқ, давлатга фақат тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат хазина топширилади. Бунда ҳам хазина топган шахс билан хазина топилган жойнинг эга-

1 Раҳмонқулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. — Т., 1997. — Б. 51.

си давлатдан хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишга ҳақли бўлади. Бу янги Кодексимиздаги давлат манфаатидан инсон манфаатларига томон одимлашга мисол бўлади. Фуқаролик кодексининг 511-моддасида кўрсатилган «Хайр-эҳсон»га эътибор қаратсак, у халқимиз қалбининг тубидан жой олган миллий кадриятнинг ҳуқуқий ифодасидир. Инсоний саховат фазилатларидан бири закот бериш эканлиги барчамизга маълум. Мамлакатимизда истикомат қилаётган фуқароларнинг мурувватли, меҳр-окибатли ҳислатларидан келиб чиқадиган бўлсак, хайр-эҳсоннинг ҳуқуқий тартибга солиниши ибратли ҳолдир.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида. Мазкур ҳуқуқ соҳасининг асосий манбаи Жиноят кодекси ҳисобланади. Амалдаги Жиноят кодексимиз ҳам ўзида бир қатор миллий хусусият ва кадриятларни акс эттиради. Жумладан, аввалги (1959 йилги) Жиноят кодексида калин берганлик учун жиноий жавобгарлик кўрсатилган эди. Эндиликда «калин бериш», «чайқовчилик» учун жавобгарликни юзага келтирадиган ҳаракатлар ва унга оид моддаларнинг чиқариб ташланганлиги сўзимизнинг исботидир. Кодекснинг маҳсус қисми биринчи бўлимидаги бешинчи боби миллий кадриятларимизга таҳдид солувчи, зарар етказувчи ижтимоий хавfli қилмишларни ўзида мужассамлаштирган. Сўнги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби, жиноят ҳуқуқи соҳасида амалга оширилаётган либераллаштириш, яъни жиноий жазоларни енгиллаштириш, ярашув институтининг жорий этилиши, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ фаолият жамиятда мавжуд умуминсоний кадриятларнинг миллий кадриятлар билан уйғунлашгани ҳамда ҳуқуқий кадриятларга айланганини ифодалайди.

Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят қонунчилигига киритилган муҳим ўзгартиш ва қўшимчалардан бири ярашув институтининг жорий этилганлигидир. Бу ҳақиқий ўзбекона кадриятнинг қонундаги ёрқин ифодасидир. Зеро, ўзбек халқи ўзининг кечиримлилиги, бировга ёмонликни раво кўрмаслиги, мард ва тантилиги билан ажралиб туради. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, «ярашув институти амалга жорий этилганидан то бугунги кунга қадар 50 066 та жиноят иши бўйича 54 323 нафар шахсга нисбатан жиноят ишлари тугатилди. Республикамиз ми-

қёсида фаолият олиб бораётган судлар томонидан 2000 йилда озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар умумий судланганларнинг 47,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб умумий судланганларнинг 28,7 фоизигагина озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди»¹.

Жиноят ҳуқуқи нормаларида миллий кадриятларни янада мукамалроқ акс эттириш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси² 55-моддасининг биринчи қисми «ж» бандидаги «вояга етмагanning жиноят содир этиши» жумлаларини «вояга етмаган ёки қариянинг жиноят содир этиши»-дея; (бу ерда «қария» деганда ёши 70 ёшдан ошган кишилар тушунилиши лозим) ЖК 56-моддасининг биринчи қисми «б» бандидаги «ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан» жумлаларини «ёш бола, қария, ўз ота-онаси ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан» дея; 110-моддасининг иккинчи қисми «а» бандидаги «вояга етмаган шахсга нисбатан» жумлаларини «вояга етмаган, қария ёки ўз ота-онасига нисбатан» дея; 245-моддасининг иккинчи қисми «а» бандидаги «вояга етмаган шахсга нисбатан» жумлаларини «қария ёки вояга етмаган шахсга нисбатан» дея; 277-модданинг иккинчи қисми «д» бандидаги «ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб» жумлаларини «ўз ота-онаси, ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб» деб тўлдирилиши ҳуқуқий кадрият сифатидаги нормаларни кўпайтиради. Чунки ота-онага ҳурмат, ёшларга эҳтиром ва иззат, қарияларни кадрлаш каби хусусиятлар халқимизнинг юксак кадриятлари жумласидандир. Шу каби бошқа бир қатор қонунларимизда ҳам ўзбек халқининг бир неча асрлар давомида асраб-авайлаб, ардоқлаб келаётган миллий кадриятларини акс эттириш уларнинг амалий аҳамиятини, қадрини ошириши табиий. Бугунги қонунларга қўйиладиган талаблар фақатгина ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан чеклангани йўқ, балки халқимизнинг миллий ва азалий кадриятларини уларнинг норма-

-
- 1 Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотидан//Халқ сўзи. — 2008 йил 18 январь.
 - 2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996, № 9. — 144-модда; 1997, № 2. — 56-модда; 1997, № 9. — 241-модда; 1998, № 5–6. — 102-модда; 1998, № 9. — 181-модда; 1999, № 1. — 20-модда; 1999, № 5. — 124-модда.

ларида акс эттириш қонун ижодкорлигининг долзарб вазифаси саналади. Чунки, қайси бир мамлакатда бўлмасин қабул қилинаётган қонунлар, аввало, ўша мамлакат халқининг миллий урф-одат ва хусусиятларидан келиб чиқиб қабул қилинмаса, унинг амалдаги ижросини таъминлашда жиддий муаммоларга дуч келинаверади. Соддарок айтганда, халқнинг миллий урф-одатлари ва азалий қадриятлари қонунларда акс этмаса, қонун маънавий-ахлоқий заминдан узилиб қолади. Шунинг учун ҳам барча мамлакатлардаги қонунчилик жараёнини ташкил этишда, аввало, ўша ернинг туб халқи манфаатлари, урф-одатлари ва миллий қадриятларидан келиб чиқиб ёндашилганлигини кўриш мумкин¹.

Ҳаракатда (муайян жараён орқали) ифодаланадиган ҳуқуқий тизим таркибий элементларида ҳуқуқий қадриятларнинг ифодаланиши биринчи навбатда ҳуқуқий муносабатлар мазмунида намоён бўлади. Ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий тизимнинг зарурий элементи бўлиши билан бир қаторда, унинг ҳаракатини намоён этувчи ҳуқуқ нормалари ёрдамида амалга ошириладиган алоқалар тизимидир. Турли юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатларни тушунишга оид бахсли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар ҳуқуқий муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир тури деб ҳисобласалар², бошқа муаллифлар — «ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг алоҳида тури эмас, балки ижтимоий муносабатлар қачонки ҳуқуқий шаклга келтирилса, шундагина ҳуқуқий муносабат мақомига эга бўлади... Ижтимоий муносабатлар юридик шаклга эга бўлиши мумкин, шунда улар ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади»³, дея талқин этадилар.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинган ҳаракатлари, муносабатлари ёки алоқаларидир. Ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий

1 *Исмоилов Н. М.* Қонун ижодкорлиги фаолиятида миллий қадриятларнинг ўрни// Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш. — Т., 2007. — Б. 14.

2 Қаранг: *Явич Л. С.* Право и общественные отношения. — М., 1987. — С. 39; *Общая теория права*/Под ред. В. К. Бабаева. — Н. Новгород, 1993. — С. 405–407; *Гревцев Ю. И.* Правовые отношения и осуществление права. — Л., 1987. — С. 29–42.

3 Қаранг: *Лазарев В. В., Липень С. В.* Теория государства и права. — М., 1998. — С. 290–291.

кадриятларнинг ифодаланиши ҳуқуқий тизим самарали фаолиятининг, фаол ҳаракатининг муҳим омилidir. Демак, ижтимоий муносабат ҳуқуқ нормалари ёрдамида тартибга солинса, ҳуқуқий муносабат кўринишига эга бўлади. Жамиятда мавжуд муносабатлар турлича кўринишларга эга. Жумладан, ҳуқуқий, сиёсий, иктисодий, ижтимоий ва ҳ. к. Ҳар бир муносабат марказида инсон ва унинг манфаатлари туриши табиий. Инсон олий хилкат сифатида ўз ҳаракатларини, ҳаёт тарзини тартибга солиш учун ҳуқуқни яратган ва, ўз навбатида, аксарият фаолиятини улар орқали тартибга солишга интилади. Бу ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиш асосидир.

Ҳуқуқий муносабатлар мазмунида кадриятларнинг ифодаланиши ҳуқуқий муносабатга киришаётган тарафларнинг манфаатларини ифодалашга хизмат қилади; чунки ҳуқуқий муносабатнинг икки ёки ундан ортиқ субъектлари умум эътироф этилган, фуқаролар томонидан тан олинган ва улар эъзозлайдиган умумий ижтимоий норма (ахлоқ, одоб, анъана ва ҳ. к.) ларни инobatга олган ҳолда муносабатга киришсалар, барча иштирокчилар учун масала қонуний ва адолатли ҳал этилиши табиий. Масалан, оилавий низоларни ҳал этишда маҳалла кексалари, ҳаётий тажрибага эга катта ёшли фуқаролар ва маҳалла фаолларининг иштироки ҳамда умумий фикри асосида муросага келтириш ёки низо судгача бориб етган тақдирда, суд ишини ҳаётий тажрибага эга бўлган ва низолашган томонларга қараганда ёши улугроқ судьялар амалга оширсалар, ҳам мантiқан тўғри бўлади, ҳам ишнинг муайян маънода адолатли ҳал этилишига эришиш мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқий муносабатнинг асосий мезони ҳуқуқ нормалари ҳисобланади. Табиийки, ҳуқуқий нормаларда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг акс эттирилиши ҳуқуқнинг нуфузини ошириш баробарида ҳуқуқий муносабатга киришаётган томонларнинг бу муносабатдан ижобий самара олишларини таъминлайди.

Ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни амалга ошириш ва қўллаш жараёни каби элементлар ҳуқуқий тизимнинг зарурий таркибий қисми ва нисбатан кенг қамровли жараёни ўзида ифодалашини инobatга олган ҳолда, уларга кейинги фаслларда тўхталамиз.

II. Ҳуқуқий тизимнинг гоявий-мафқуравий мазмунга эга бўлган элементлари. Аввало, ҳуқуқий онг ҳуқуқий тизимнинг яна бир муҳим

таркибий қисми ҳисобланади. Ҳукукий онгда кадриятларнинг шаклланиши, унга сингиши табиий жараёндир. Ҳукукий онгнинг юксалиши ижтимоий онг шаклланиб бориши билан бирга кечади. Ҳукукий онг ривожини ижтимоий онг шаклланишидан айри холда тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳукукий онг ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, нисбатан мустақилдир. Ҳукукий онг тўғрисида ҳукуқшунос олимлар яқдил фикрга эга эмаслар. Профессор С. С. Алексеевнинг фикрича, ҳукуқий онг инсонларнинг ҳуқуққа бўлган муносабатидир. Ҳукуқий онгнинг энг муҳим жиҳати инсонлар томонидан ҳукуқий воқеликлар ва кадриятларни англаш, айни вақтда амалдаги позитив ҳуқуқ, унинг онг ва адолат, ғоялар талабларига қанчалик мувофиқ келиши тўғрисидаги қарашларидир¹. Академик В. С. Нерсисянц ҳукуқий онгни инсонларнинг ҳукуқий ҳодисаларга бўлган қарашлари, тасаввурлари, эътиқодлари, қайфияти ва ҳис-туйғулари йиғиндиси сифатида таърифлайди². З. М. Исломов эса мазкур ҳодисани қуйидагича таърифлайди: «Ҳукуқий онг — ҳукуқий ҳиссиётлар, туйғулар, ғоялар, баҳолар, йўл-йўриқлар. тасаввурлар ва фуқароларнинг давлатга муносабатини кўрсатувчи (бу муносабат эса амалдаги ҳуқуққа, ҳукуқий амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларига ёндашувни ҳам қамраб олади) қарашлар йиғиндиси»³. Демак, ҳукуқий онг инсонлар онгида ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, фикрлар, тушунчалар ва тасаввурларнинг акс этишидир. Юксак даражада шаклланган ҳукуқий онг ҳукуқий-демократик давлат барпо этишнинг муҳим омилдир.

Жамият ҳукуқий онгида кадриятларнинг акс этиши оқилона ташкил этилган ҳукуқий тарбияга боғлиқ. Ҳукуқий тарбия ва тарғиботнинг самара билан олиб борилиши илғор ҳукуқий онгнинг шаклланиши гаровидир.

Ҳукуқий онг ҳукуқий маданиятнинг зарурий элементи сифатида ифодаланади. *Ҳуқуқий маданиятни* юксалтириш мамлакатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишнинг қафолатли шарти ҳисобланади. Ҳукуқий маданият ижтимоий маданиятнинг бир шакли бў-

1 Алексеев С. С. Право: азбука — теория — философия: Опыт комплексного исследования. — М., 1999. — С. 50–51.

2 Нерсисянц В. С. Общая теория права и государства. — М., 2000. — С. 233.

3 Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 324–325.

либ, ҳуқуқни билиш, унга оғишмай риоя этиш ҳамда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишда ифодаланадиган ижтимоий ҳодисадир.

Ҳуқуқий маданий муҳит инсонлар ҳуқуқий онгини шакллантириши билан бирга уларни ҳуқуқ асосида ҳаракатланишини таъминлашнинг муҳим омили тарзида майдонга чиқади.

Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгда борлиққа нисбатан маънавий ва моддий кадриятлар инъикоси сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ҳодисаларда мавжуд бўлган илғор, ижтимоий фойдали ва қадрли жиҳатларни ўзида мужассам этади. У нафақат натижа, балки шу билан бирга фаолият усули ҳамдир. Шу маънода, ҳуқуқий маданият тафаккур шакли, хулқ-атвор нормалари ва талаблари сифатида тушунилади. Ҳуқуқий маданиятда кадриятларнинг ифодаланиши масаласига келсак, маданиятнинг ўзи кадриятларни ўрганиш, асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш каби ижобий ҳаракатларни ҳам ўзига қамраб олади. Ҳуқуқ соҳасида кўлга киритилган ютуқларни, бой ҳуқуқий меросни янада такомиллаштирган ҳолда ёшларга етказиб бериш келажак авлод ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омилидир.

Аслини олганда, *ҳуқуқий маданиятнинг ўзи ҳам юксак ҳуқуқий кадриятдир*. Ҳозирги кунда ҳуқуқий маданиятни ўрганиш, шакллантириш ва юксалтиришга оид қатор самарали тадбирлар амалга оширилаётгани, мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, фуқароларимиз томонидан унинг аҳамияти тобора теран англаб етилаётгани ва бошқалар фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшу-

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. № 8. — 227-модда.

нос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги (1997 йил 28 июнь) фармони¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги (2001 йил 4 январь) фармойиши² ва бошқалар жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир аниқ чора-тадбирларни белгилаб берувчи муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

«Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётгий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади»³.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш аҳолини, айниқса ёшларни бой маънавий меросимиз, миллий ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний кадриятларга ҳурмат, ватанга мухаббат, демократия ва истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда кечаётган ислохотларнинг ҳал қилувчи омилдир.

Маънавий маконда ҳуқуқий маданият ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик биноси ривожига ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар, барча ижтимоий гуруҳлар жипслашувига кўмаклашувчи, мамлакат яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи кадриятдир. Ижтимоий маънодаги «ҳуқуқий маданият» категорияси икки даражада талқин этилиши мумкин. Бутун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва алоҳида шахснинг ҳуқуқий маданият даражаси, ижтимоий ҳуқуқий маданият ҳуқуқий кадрият

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995 йил 5 январдан 2000 йил 1 январигача. — Т., 2000. — Б. 153–157.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001, № 1.

3 Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997, № 8. — Б. 23–33.

ва меъёрлар, ҳуқуқий институт ва муассасалар, ҳуқуқий онг ва фаолиятнинг диалектик муштарак бирлигини ифодоловчи сифат ҳолати деб баҳоланиши мумкин. Шахсга нисбатан эса у ҳуқуқий реалликни ўзлаштириш меъёри, ташки оламни идрок этишнинг ўзига хос ҳуқуқий кўзгуси тарзида майдонга чиқади.

Мамлакатимизда шаклланаётган ҳуқуқий маданиятга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- қонун устуворлиги, қонунга итоаткорлик ва қонунийлик принципларига риоя этилиши;
- демократик кадриятларнинг ҳуқуқий воқеликка сингиб бораётгани;
- жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар орқали кенг халқ оммасининг ҳуқуқий нормаларни яратиш ҳамда амалга ошириш жараёнларига жалб этилиши;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ғоялар ҳамда кадриятларни қонуний мустаҳкамлаш тенденциясининг қарор топиб бораётгани;
- давлат билан фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлар билан боғлиқлиги ҳамда ўзаро масъуллиги эътироф этилиб, амалиётга кириб бораётгани ва ҳ. к.

Демократик маърифий жамиятда, бир томондан, амалдаги қонунчилик, иккинчи томондан, давлат идоралари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг фаолияти юксак маданият мезонларига, талабларига тўла мувофиқ бўлиши шарт. Айни вақтда, ҳуқуқий маданиятнинг мазмуни кўп жиҳатдан ҳуқуқий тизим, ҳуқуқий тамойиллар, ҳуқуқ тармоқлари ва нормалари мажмуи билан белгиланади.

Қонунчиликнинг такомиллашуви ва қонунийликнинг мустаҳкамланиши, аҳоли маданиятини, жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтиради.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиб бориши турмушнинг барча томонларига ўз таъсирини кўрсатиши демократик ҳуқуқий жамиятга хос табиий қонуниятдир. Ҳуқуқий маданият даражаси жамиятда қарор топган ҳуқуқий кадриятлар кўлами, уларнинг омма орасида тарқалганлиги ҳамда инсонлар томонидан теран ўзлаштирилганлиги билан ўлчанади. Ҳар бир алоҳида олинган инсоннинг ҳуқуқий мада-

нияти унинг ҳуқуқий кадрятларни, қонунлар мазмунини ўз шуурига қанчалик сингдиргани билан белгиланади. Шахс ҳуқуқий маданиятини тавсифловчи жиҳатлар, назаримизда, қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқий нормалар мазмунини муқаммал билиш;
- қонунга ва ҳуқуқий институтларга чуқур ҳурмат;
- юксак ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик;
- ҳуқуқнинг ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофа этувчи восита сифатида баҳоланиши;
- ҳуқуқий меъёрлар талабига ихтиёрий тарзда, ички эътиқод амри билан риоя этиш ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий нормалар талабларига риоя этилишига, шунингдек аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий маданият шахснинг сиёсий-юридик ижтимоийлашуви натижаси, унинг ижтимоий тажрибаси маҳсулидир. Бунда айниқса, шахснинг юридик муассасалар ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи мутасадди ходимлар фаолияти юзасидан шаклланган фикри (баҳоси) муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, ҳоким, қорхона раҳбари, милиция ходими ўз мансабини суиистеъмол қилса, қонунни четлаб ўтса ва бу қилмиши учун қонунга биноан жазоланмаса, буни кўрган оддий фуқаро онгида салбий таассурот ҳосил бўлади. Унда шундай ҳақли савол туғилади: «Таассуф, давлат ишонган одамлар қонунни бузса, беҳурмат қилса, биз оддий фуқародан нимани талаб этиш мумкин?», «Қонун фақат “кичкина одамлар” учун ёзиладими?», «Нима учун лавозимли шахслар жазодан холи қолмоқда?» ва х. к.

Табийки, мазкур ҳолат ижтимоий ва шахсий ҳуқуқий онга зарарли таъсир кўрсатади. Юқори ҳуқуқий маданият шаклланишига путур етказди. Энг хатарлиси, аҳолининг, фуқароларнинг давлат ҳокимиятига ишончи, қонунга, ҳуқуққа бўлган ҳурмати завоқ топади.

«Ҳокимият органларининг жинойатга аралашиб қолиши, — деб таъкидлайди мамлакат Президенти И. А. Каримов, — ривожланаётган жамият учун энг жиддий хавф-хатарлардан биридир. Жинойий тузулмаларнинг давлат органлари билан чатишиб кетиши, уларнинг турли ҳокимият тармоқларига кириб олиши жамоатчилик наздида фу-

қароларнинг ҳимоясизлиги хиссини кучайтиради. Давлатнинг ўзини обрўсизлантиради»¹.

Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради². Қонунни бузиш, жиноят содир этиш аксарият ҳолларда ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий савиянинг, шу жумладан, ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги оқибатида юз беради. Бу — нафсиламрини айтганда, тўғри хулоса. Бироқ бундан ҳуқуқий онги ва маданияти паст кишиларнинг барчаси жиноятчи бўлади ва, аксинча, ҳуқуқни яхши билган, чуқур англаганлардан ҳеч бири қонунни бузмайди, деган маъно ҳам чиқмайди. Афсуски, баъзан профессионал ҳуқуқий онг ва билим соҳиби бўлган кишилар томонидан ҳам қонунга тажовуз қилинади. Баъзан судьялар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идора ходимлари порахўрлик қилгани ёки бошқа оғир жиноятлар содир этганига гувоҳ бўлиб қоламиз. Юрист, ҳуқуқшунос томонидан қонун бузилиши ҳеч бир таърифга сиғмайдиган салбий ҳолатдир. Бу ерда уларнинг ҳуқуқий маданияти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Афсуски, қундалик турмушда ҳамон учрайдиган кўнгилсиз, ҳуқуқий маданиятга зид ҳолатлар кўпчиликни ранжитади. Масалан, автомобиль хайдаб кетаётган пулдор бойваччалар, лавозимли шахслар, баъзан ҳатто милиция ходимларининг ўзлари светафорнинг қизил чироғи ёниб турганда намоийшқорона ўтиб кетадилар; одамлар врач хузурига кириш учун ёки дўкондан маҳсулот харид қилиш учун ёхуд авиакассадан чипта сотиб олиш учун навбат кутиб турганида бирон-бир мансабдор шахс, пулдор тўра сурбетларча навбатсиз иш битиради: боғча мудираси гўдақлар ҳақида хиёнат қилса, жарроҳ ҳар операция учун бемордан пул тама қилса, сотувчи ё сифатсиз маҳсулотни «уриб юборса» ёки тарозидан уриб харидор ҳақида хиёнат қилса, гўшт сотаётган чайқовчи харидорнинг кўзини шамғалат қилиб, сўлақмондек суякни қўшиб пуллаб юборса, ҳуқуқий маданият ҳақида,

1 Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари — Т., 1997. — Б. 90–91.

2 Ўша жойда. — Б. 89.

виждон, инсоф ва диёнат ҳақида нима дейиш мумкин? Ушбу мисолларда мавжуд ҳуқуқий коида ва ахлоқий меъёрлар атайлаб, била туриб, боз устига уларни менсимасдан бузилаётганини кўрамиз. Бу ерда ҳуқуқий билимсизлик эмас, балки айни ҳуқуқий маданиятсизлик, ҳуқуқий нигилизм намоён бўлмоқда.

Маънавий ва маданий кадриятларимиз ҳолати шунга бориб етдики, аксрият одамлар нопок йўллар билан бойиб кетган кимсаларни «хурматлайдиган» бўлиб қолди. Инсоннинг кадридан кўра лавозим, амалнинг ҳурмати устун бўлиб қолди. Бирон-бир юкори мансабдор шахс тўй қилса, қимматбаҳо совға-салом ва катта «тўёна» берувчиларнинг саноғига етиб бўлмайди. Энг таажжублиси, катта лавозим эгасининг туғилган куни ва байрамларда табрикловчи кўп бўлади. Аммо у мансабидан кетгач, на таваллуд куни эсланади, на байрам билан табрикланади. Ҳатто телефон қилиб, хол-аҳвол сўраш ҳеч кимнинг эсига келмайди. Ахир бу қандай ҳурмат ва маънавият бўлди? Айтмоқчимизки, аксарият ҳолларда инсонни эмас, балки «мансаб» ни «ҳурматлаш», «табриклаш» урф бўлмоқда.

Шу ўринда хайрат билан немис халқи кадриятлари иерархияси маъносига эътибор қаратиш жоиз. Германияда вазир ёки корхона директорининг ҳурматидан мўри тозаловчи (трубочист) нинг нуфузи юксакроқ туюлади. Уни кўрганда ҳар ким шляпасини ечиб олқишлайди. Зеро, ҳамиша қора куяга бўялиб юрадиган мўри тозаловчининг меҳнати оғирроқ бўлиб, доимо инсонларга наф келтиради, шу боис у шарафлидир. Бу ерда инсоннинг ижтимоий фойдали меҳнати юксак кадрланиши том маънодаги маънавий-ахлоқий мезондир.

Афсуски, пора олиб иш битирадиган «қув»ларни «қудратли инсон» ҳисоблаб эъзозлаш, ҳокисорлик билан савоб учун ҳожат чиқарувчи кишиларни эса лакма санаб, бекадр тутиш одат бўлиб қолмоқда.

Маънавиятимиздаги баъзи қусурлар инсон қалбини ларзага солади. Жумладан, бойлик орттириш учун «одам савдоси» билан, наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланаётган кимсаларнинг хатти-харакатлари қайси маънавиятга тўғри келади? Одам савдосини касб қилган манфурлар қиз-жувонларни бадном қилиш эвазига пул топишлари энг тубан қилмишлардан-ку! Бундайлар инсоний қиёфасини йўқотган, инсофсиз, виждонсиз, диёнатсиз шахслардир.

Энг дахшатлиси — одам савдосидек тубан фаолият туфайли жабрланувчининг соғлиғига зарар етказилиши билан бир қаторда, унга жуда кучли рухий жароҳат ҳам етказилади. Маълумки, одамлардан ҳар қандай, жумладан, фоҳишалик мақсадида фойдаланиш ҳам инсонни қулга айлантиради ва уни ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқсиз кимса даражасига тушириб қўяди. Одам савдоси билан шуғулланувчилардан жабр кўрганларнинг шаъни, кадр-қиммати, инсоний туйғуларининг бундай камситилиши уларнинг келажак ҳаётида ҳам ўчмас доғли из қолдиради¹.

Қабих жиноятчилар инсонни ўғирлаб ёки алдов йўли билан туюққа илинтириб, кейинчалик сотиш мақсадида болаларни ота-онасидан, оналарни боласидан, аёлларни эридан (ёки аксинча) ажратиб, оилани барбод қиладилар, жамиятнинг маънавий илдизларига «болта урадилар». Мамлакатимизда жиноятларнинг бундай оғир кўринишлари тарқалишига қарши кескин ҳуқуқий чоралар кўрилди. 2003 йилда Ўзбекистон БМТ нинг Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши курашиш тўғрисидаги (1949 йил 2 декабрь) Конвенциясига қўшилди ва 2008 йилда ушбу конвенцияни тўлдирувчи «Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида» ги қонун қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» ги (2008 йил 17 апрель) қонуни ҳамда Ўзбекистон Президентининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги (2008 йил 8 июль) қарори қабул қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритилиб, унинг 135-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, «одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади». Модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида ушбу жиноят содир этилишининг оғирлаштирилган ҳолатлари назарда тутилиб, жазо-санкциялари тегишинча беш йилдан сак

1 *Рустамбоев М. Х.* Одам савдоси. — Т., 2009. — Б. 6.

киз йилгача ва саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан махрум қилиш билан жазоланиш тарзида белгиланди¹.

Мазкур вазиятдан чиқиш учун бугунги ҳуқуқий, айниқса маънавий кадриятларни жамият олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий вазифалардан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қайта шакллантириш лозим. Янги демократик тузумга, миллий мафкура ва миллий ғоя руҳига мос кадриятлар тизимини, мутаносиб шажарасини вужудга келтириш устида жиддий бош қотириш зарур. Бутун таълим ва тарбия тизими, маънавият ва маърифат билан боғлиқ барча муассасалар соф ахлоқий, юксак маънавий ҳамда ҳуқуқий кадриятларни қарор топтириш ва омма онгига сингдириш ишига сафарбар этилиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ва демократик кадриятларнинг оқилона тизимини шакллантириш ҳуқуқий тарбия ва функционал ҳуқуқий маданиятнинг муҳим вазифаси, деб эътироф этилиши лозим.

Ҳуқуқий кадриятлар ва нормалар жамият ҳуқуқий маданиятининг моҳияти ҳақида кенг қамровли тасаввур ҳосил қилади. Улар жамиятда инсоннинг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг чегаралари ва шакллари, шунингдек, шахс эркинлигининг меъёрлари ҳақида маълумот беради. Ҳуқуқий маданиятнинг ўзи ҳам ижтимоий кадрият сифатида инсонлар фаолияти ва ривожланишининг конкрет тарихий мезони бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий маданият кишиларнинг амалий ҳуқуқий фаолиятига, уларнинг ҳуқуқий алоқа ва муносабатлари таркибига узвий сингиб кетади. У шахснинг ижтимоий фаоллигидан, ҳуқуққа ва қонунийликка оид ижодий тарбиясидан ажралмас ходисадир.

Ҳуқуқий маданиятнинг амалий аҳамияти шундаки, у фуқаролар ҳамда ҳуқуқнинг бошқа соҳиблари томонидан қонунларга (ҳуқуқ нормаларига) қатъий риоя этилишига салмоқли таъсир этади. Шунингдек, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги даражасини кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

1 Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008. — № 37–38. — 366-модда.

Аслида, ҳукукий маданият ўз моҳият-эътибори билан инсоннинг сиёсий ва ҳукукий жихатдан ижтимоийлашуви (социализациялашуви) натижасидир. Бунда инсоннинг ижтимоий тажрибаси, билим ва кўникмалари коришмаси тўлалигича намоён бўлади. Инсон ўз манфаат ва эҳтиёжларини кондиришга қай даражада қобил, айни вақтда, жамият манфаатларини таъминлашга қанчалик самарали ҳисса қўша олади, деган саволларга жавоб кўп жихатдан унинг ички маънавияти, эътиқоди ва ҳукукий маданиятига боғлиқ.

Ҳукукий маданият ижтимоий ходисадир. Зеро, у жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар сирасида майдонга чиқади. Гўёки, маҳсулотнинг кўрки ва сифати бозорда билингани каби, ҳукукий маданият ижтимоий муносабатлар уммонида кўринади. Унинг теранлиги, даражаси ва савияси жамиятда тан олинган ҳукукий кадриятлар ҳамда меъёрлар мазмунига қиёсан англаб етилади ва баҳоланади.

Биз интилаётган фуқаролик жамияти юксак маънавий заминга, фуқароларнинг сиёсий-ҳукукий фаоллигига, чинакам ҳукукий маданиятга таянади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий алоқалар, шу жумладан, ҳукукий муносабатлар ниҳоятда адолатли бўлмоғи, ҳалоллик, поклик, инсоф, иймон ва виждон асосига қурилмоғи лозим. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир нарса устуворлик қилади, яъни: умуминсоний кадриятлар, инсон ҳуқуқлари эъзозланади, мўътабар ва муқаддас саналади. Инсоннинг кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳурмат топади, адолат ва инсонпарварлик, савоб излаш ва саховатпешалик каби олий кадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади. Фуқаролик жамиятининг ҳукукий маданияти демократик ва адолатли қонунлар тизими мавжудлигига, ҳуқуқ ва қонун устуворлигига, барчанинг ҳукукий тенглигига, ижтимоий адолат тантанаси ва инсон шахси улуғворлигига таянади.

Жамият ҳукукий маданияти миллий мафкура, миллий маданият, маънавий мерос, давлатчилик ва ҳуқуқнинг ривожланиши, умуминсоний кадриятлар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳукукий маданиятни шакллантириш ва унинг таркибида ҳукукий кадриятларни акс эттиришда ҳукукий мафкуранинг ўрни бекиёс.

Ҳукукий мафкура — ҳукукий қарашлар, дунёқарашни ташкил этувчи фикр ва ғоялар мажмуи, илмий тизими бўлиб, демократик ҳукукий

давлат барпо этиш йўлида аҳолини бирлаштирувчи кучдир. Ҳукукий мафкура фуқароларни конуннинг устуворлиги, барчанинг конун олдига тенглиги, ижтимоий адолат каби ҳукукий тамойиллар асосида фаолият олиб боришини таъминлайди. Ўзбек миллий ҳукукий мафкураси ўз таркибига мустақил давлатимизни, унда мавжуд нормалар, миллий ва маънавий кадриятларимизни эъозлаш, ардоқлаш, уларга нисбатан чуқур ҳурмат муносабатида бўлиш каби юксак ғоя ва қарашларни мужассамлаштиради.

Кишилик жамияти муайян мафкурасиз ҳаёт кечири олмайди. Ҳар бир жамият ўз ижтимоий манфаатларини ақс эттирувчи мафкура остида ғоявий жиҳатдан бирлашади. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов тўғри таъкидлаганидек, «ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Миллий мафкура халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий муаммоларга жавоб излайди»¹.

Дарҳақиқат, ҳар бир жамият ўз манфаатларини ифодаловчи ва муҳофаза қилувчи мақсадларга эришиш йўлида халқни сафарбар этувчи, уюштирувчи ҳамда йўналтирувчи ғоялар мужмуига эга бўлиши лозим.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг янги миллий ва демократик мазмунга эга бўлган мафкурасини шакллантирмоқда. Миллий истиқлол мафкурасини яратиш тарихий зарурият тарзида майдонга чиқди. *Биринчидан*, истиқлол шарофати билан Ўзбекистонда моҳият-эътибори билан тубдан янги ижтимоий-сиёсий тузумга ўтиш юз берди. *Иккинчидан*, халқимиз ва ёш суверен давлатимиз ўтмишда ҳукмрон бўлган собиқ тоталитар совет тузуми давридаги коммунистик мафкурадан бутунлай воз кечди, чунки совет мафкураси оддий инсонлар қалби ва онгини забт этишга, уларни миллий кадриятлардан, умумбашарий цивилизация ютуқларидан маҳрум қилишга, пировард натижада юртимизни ўзига қарам ҳолда сақлашга қаратилган мафкура эди.

1 Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Т., 2000. — Б. 5–6.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, моҳиятан халқимиз табиатиغا, дунёкарашига ёт бўлган коммунистик мафкурага барҳам берилди. Бу ғоя ўз умрини ўтаб бўлиб, тараққиёт йўлида тўсикқа айланган эди. Шу боис у ижтимоий ҳаёт томонидан инкор этилди. Ушбу қонуният, зарурат теран англаб етилмаган тақдирда ғоявий бўшлиқ юзага келади... Мафкура соҳасида бўшлиққа йўл кўйиб бўлмайди.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Асосий қонунимизнинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деган конституциявий қоида «бизнинг олдимизга **миллий истиклол мафкурасини яратиш вазифасини** қўяди»¹. — деб таъкидлаган эди.

Миллий истиклол мафкураси турли сиёсий партиялар ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун туради. У бутун жамиятнинг ягона мафкураси бўлиб, бирон-бир ижтимоий гуруҳнинг, сиёсий ҳокимиятнинг мафкурасига айлантирилмайди. Аксинча, миллий истиклол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади; барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг, бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди. «У давлатимиз фуқароларини улуғ мақсад йўлида қалбан бирлаштиришга қўмаклашади»².

Ўзбекистон жамиятининг миллий истиклол ғояси халқимизнинг эркин фуқаролик жамияти ва адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришдек асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажagini бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар, назарий қарашларнинг мантиқий тизимидир.

Миллий истиклол мафкурасининг бош ғояси озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Мазкур мафкуранинг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ва-

1 Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий қафолати. — Т., 1993. — Б. 13.

2 Ўша жойда.

тан мустақиллиги барча орзу-интилишларнинг, амалий фаолият ва истиқболимизнинг асоси эканлигидан далолатдир.

Миллий истиклол мафқураси қуйидаги *вазифаларни* ўтайди:

- 1) мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш;
- 2) хур фикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш;
- 3) жамият аъзоларининг, айниқса ёшларнинг иродасини бақувват қилиш, иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳитни яратиш;
- 4) инсонлар тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садокат, муқаддас қадриятларни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш;
- 5) ўзбек халқига хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, савобат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш;
- 6) халқнинг онги ва қалбида «Ўзбекистон — ягона Ватан» тушунчасини шакллантириш ва ривожлантириш¹.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши фуқароларнинг демократик ислохотлар даври ва истиқболдаги маъсулиятли ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган шахсларга, янги жамият қурилишининг фаол иштирокчиларига айлантиришга хизмат қилади.

Миллий маданий меросимиз улуғвор ва беназирдир. Унга қатъий таянган ҳолда иш кўриб, бугунги маънавиятимизни камол топтириш ва чинакам адолатли ижтимоий тузум ҳамда эркин инсонлар жамиятини яратиш мумкин. Буни қанчалик тез ва теран анғласак, миллий истиклолнинг яна бир муҳим истехкомини яратамиз ва бу, ўз навбатида, мустақил ўзбек давлатчилигининг маънавий-маданий замини бўлажак.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сакланиб-сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналарига эга. Буларда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги ва умуман, маънавий-маданий дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги кун ифодала-

1 Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Б. 45–46.

ниши билан бирга, бу маънавий оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Чунки фарзандлар ана шу кўз илғамас миллий ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбу туйғулар тил воситаси ила онгимизга кира боради. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожи ҳисобланади.

Мустақил тараққиётимиз даврида кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари тикланиб, униб, куртак отмоқда. Хўш ўзбек миллий маънавиятининг хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, юртимиз маданиятнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул алломаларни, улуғ зотлар, давлат арбобларини етиштириб берган. Буюк аждодларимиз башарият маданиятини яратишда бевосита иштирок этганлар, бу ишга улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий маданий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эга бўлган ўзига хос сиёсий, ҳуқуқий, маданий мерос соҳибидир. Милоддан бир неча юз йиллар олдин, ҳудудимизда турли давлатчилик тузилмалари, ҳуқуқий институтлар ва қарашлар тараққий этган. Мовароуннаҳрда Ислоҳ маърифати, ҳуқуқшунослиги ва, умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар яшаганлар.

Учинчидан, ўзбек миллий мафқурасининг узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади, ҳудудимиздаги 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари ўзбек халқи бекиёс маданий меросининг тирик гувоҳларидир. Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимиздир.

Ҳуқуқий мафқура асосида ҳуқуқий сиёсат шаклланади. Ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқ воситасида жамиятни бошқариш санъатидир. У мамлакат, давлат ва жамиятни бошқаришда ҳуқуққа қатъий асосланишда намоён бўлади.

Ҳуқуқий сиёсат — сиёсий тизим амал қилишининг алоҳида жиҳати бўлиб, давлат фаолиятининг ҳуқуқий шаклларини қўллашда ёрдам беради. Ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқий тизимни яратиш ва янада такомил-

лаштириш оркали давлат олдида турган мақсад ва вазифаларнинг тўлақонли бажарилишини таъминлайди. Ҳуқуқий сиёсат ўз доирасида ижтимоий қонуниятларни ақс эттириб, ижтимоий тартибга солишнинг ҳуқуқий ва бошқа (ташкилий, ижтимоий, ғоявий-тарбиявий) шакллари танлаб олади, яъни ижтимоий муносабатларга ҳуқуқий тус берилишининг мақсадга мувофиқлик даражасини аниқлайди, ҳуқуқий тартибга солишнинг усул ва ҳолатини белгилаб беради.

«Ҳуқуқий сиёсат давлат органлари ва ижтимоий ташкилотларнинг ҳуқуқий кўрсатмаларини ўзгартиришга қаратилган ёки уларга баҳо бериш бўйича фаолиятни қамраб олади. Ҳуқуқий сиёсат қонунчиликни такомиллаштиришга, уни амалиётга татбиқ этишни яхшилашга, фуқароларнинг ҳуқуқий тафаккурини ошириш учун энг яхши шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган»¹.

Ҳуқуқий сиёсат мазмунида ҳуқуқий қадриятларнинг мустақамланиши, мазкур сиёсатнинг самарали амалга оширилишига асос бўлади. Ҳуқуқий тартибга солишда халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихи, дини, тили, ижтимоий ҳолати, менталитетини инобатга олиш кўзланган мақсадга етишнинг бош омилidir.

Ўзбек халқининг бой маданий мероси Истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга халқимиз орасидан етишиб чиққан алломаларимиз асос солганлар, жаҳон илм-фани ва маданияти деярли барча соҳаларининг шаклланиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар. Улар яратган илмий асарлар асрлар оша инсоният маънавияти раванки йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Бизнинг она заминимиз жаҳонга буюк мутафаккирлар ва қомусий алломаларни етиштириб берган. Улар шу жиҳатлари билан алоҳида ажралиб турадиларки, хоҳ тиббиётчи ва доришунос, хоҳ риёзатчи ва фалакшунос, хоҳ тарихчи ва факих, хоҳ тилшунос ва мунаққид, хоҳ адиб ва шоир, хоҳ тасаввуф илмининг машхур намояндасию давлат арбоби бўлмасинлар, бир вақтнинг ўзида фаннинг турли соҳаларини мукамал билганлар, етук илмий асарлар яратганлар.

Фикримизнинг далили сифатида улуг бобоқалонларимиздан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу

1 Мамадалиев Ш. О. Халқ ҳокимияти: пазария ва амалиёт. — Т., 2003. — Б. 103.

Райхон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд ибн ул-Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Қошғарий, Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шарафитдин Али Яздий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларнинг номларини тилга олиш кифоя.

Юқорида таъкидланган ҳуқуқий тизим барча элементлари фаол ҳаракатини таъминлашда, уларни шакллантиришда ҳамда такомиллаштиришда юридик фаннинг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратиш муҳимдир. «Фаннинг вазифаси, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — келажагимизнинг шаклишамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат»¹. Демак, фанга, жумладан, унинг юридик соҳасига жиддий эътибор жамият ривожининг бош омилдир.

Юридик фан — ҳуқуқий билимларни, ҳуқуқий тафаккурни, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш асоси. Юридик фанга устувор эътибор бериш, унинг янги йўналишларини кашф этиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш нафақат ҳуқуқий тизимни модернизациялашга, балки мамлакатнинг жадал ривожига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Юридик фанларни ўқитишда аҳолининг ҳуқуқий савияси, салоҳияти, қобилияти ва бошқа хусусиятлари билан бирга халқимизнинг табиати ҳамда ҳуқуқий кадриятлар тизимини инобатга олиш зарур.

Ҳуқуқшунослик фани ижтимоий онг шаклларида бири сифатида жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларни (жараёнларни) аниқ инъикос этишда, ҳуқуқий онг ҳамда тафаккурни ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Мазкур илм соҳаси ўз нуфузи ва мақомига кўра ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётни ташқаридан кузатувчи, шунчаки ўрганувчи, таҳлил этувчи «бетараф нозир» эмас, балки ижтимоий жараёнларнинг, ҳуқуқий тизимнинг узвий таркибий қисми тарзида эътироф этилади. Ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий қиёфасини, ички мантиғи ва намоён бўлиш хусусиятларини талқин этиш ҳуқуқшуносликнинг бош манбаи ҳисобланади.

1 Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т. 7. — Т., 1999. — Б. 149–150.

Мухтасар таърифлаганда, *ҳуқуқшунослик (юридик фан)* — давлат ва ҳуқуқнинг барча жиҳатларини ўрганиш асосида ҳосил қилинадиган билимлар тизимидир. Лекин муфассалроқ тавсифланса, ҳуқуқшунослик ўта мураккаб ижтимоий ҳодисалар бўлиши давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши истикболи, моҳияти, вазифаси ва функцияларининг намоён бўлиш қонуниятларини, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва муҳофаза этиш жараёнларини, юридик қонунларни, низоларни ҳуқуқий ҳал этиш тизими ҳамда тартиб-таомилларини ўрганувчи, ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи фандир. Замоनावий ҳуқуқшунослик предметига, шунингдек, давлат ҳокимиятини оқилона ташкил этиш, демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш, қонунчилик ва юридик амалиётни такомиллаштириш, ҳуқуқий маданият ва тарбияни юксалтириш каби муаммоларини тадқиқ этиш қиради.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилиши билан боғлиқ ислохотларнинг авж олдирилиши ҳуқуқшунослик фани зиммасига улкан вазифаларни юқлади. Юридик билимларга интилиш, ислохотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш давр талабига айланди. Давлатчилигимиз ва ҳуқуқий тизимимизда жўшқин ислохотлар амалга ошаётган, жамиятимиз демократик тарзда янгиланаётган паллада рўй бераётган барча воқеа ва жараёнларни ҳуқуқий мушоҳада этиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш ва юридик тилда ифодалаш ўзбек ҳуқуқшунослик фанининг муҳим вазифасидир.

Ҳуқуқшунослик фанининг бугунги кундаги *асосий вазифаси*, аввало, Ўзбекистонда қарор топаётган янги демократик давлатчилиқнинг моҳиятини, унинг келгусида ҳуқуқий давлатга айланиши қонуниятларини, мазкур мақсад йўлидаги ислохотлар мазмуни ва асосий йўналишларини чуқур илмий таҳлил ҳамда талқин этиш, шу билан бирга, миллий ҳуқуқий таълимотни шакллантириш, ижтимоий муносабатларнинг қонуниятлари ва ҳуқуқий қоидаларни ўрганиш, уларга илмий баҳо беришда янги жамиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ҳамда амалиёт учун мукамал асосланган назарий хулоса ва таклифлар беришдир. Бу эса юридик фан соҳасида ил-

мий тадқиқотларни амалга ошириш ва ташкил қилишда кескин ўзгаришлар яшашни. янги шакл ва усулларини ўзлаштиришни талаб этади.

Юридик фан ҳар қандай бошқа фан сингари тегишли билимлар ҳосил қилиш, воқеа-ҳодисаларни изоҳлаш, тушунтириш, ижтимоий тараккиёт истикболларини белгилаш, шунингдек ҳуқуқий онгни шакллантириш ва тарбиялаш каби функцияларни бажаради. Юриспруденциянинг *эвристик* ва *онтологик* функциялари, яъни янги билимларни ҳосил қилиш ва ижтимоий ҳодисаларни изоҳлаш, талқин этиш функциялари давлатшунослик ва ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг моҳияти, қонуниятлари ва механизмларини очиш, ҳуқуқий институтларнинг тузилиши ва фаолият юритиши, ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши, қўлланиши ҳамда инсонлар хулқ-атвориға самарали таъсир этиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш, тушунтиришдан иборат. Шунингдек, бу функциялар доирасида мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фани давлат мустақиллиги йиллари мобайнида ҳаётимизга кириб келган янги воқеликлар (тушунчалар): «ҳуқуқий давлат», «ҳокимиятлар таксимланиши», «парламентаризм», «қонун устунлиги», «инсон ҳуқуқларининг устувор таъминланиши», «суд ҳокимияти», «айбсизлик презумпцияси», «фуқаролик жамияти», «фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги», «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви» кабиларни теран мушоҳада этиб, уларға илмий тавсиф беради.

Ҳуқуқшунослик фанимиз ислохотларни изоҳлаш билангина чекланиб қолмаслиги, айниқса ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини оддий шарҳлаб, улар ортидан эргашиб боровчи фан мақомиға тушиб қолмаслиги лозим. Миллий истиклол руҳи билан йўғрилган ҳуқуқий мафкурамиз, юридик фанимиз ўзининг йўл кўрсатувчи маёқ бўлишлик, давлат-ҳуқуқий ривожланишининг истикболларини *башоратлаш (прогноз қилиш) функциясини* адо этиши муҳимдир. Бу фан давлат ва ҳуқуқ институтларининг яқин келажакда (3–5 йил) ҳамда узоқроқ истикболда (10–15 йил) қайси йўналишда такомиллашиб бориши хусусида илмий ахборот бериш вазифасини тобора самарали адо этиши лозим.

Истикболимизни башоратлаш вазифасини бажариш аввало фундаментал юридик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Қонун ижодкорлик ишларининг самарадорлигини ошириш, мазкур фаолиятдаги

такрорийликни истисно этувчи тизимлик ва изчилликни таъминлаш, айниқса юридик фандаги фундаментал тадқиқотларнинг башоратлаш (прогнозлаш) ролини кескин ошириш вазифаси илгари сурилганлиги ҳуқуқшунослар зиммасига масъулиятли вазифа юклайди. Башоратлаш (прогнозлаш) ўз моҳиятига кўра, ижтимоий воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг бугунги ҳолатини илмий таҳлил этиш, уларнинг ривожланиш тенденцияси ва қонуниятларини аниқлаш орқали мазкур воқеликларнинг келгусида қандай ривожланиш даражасига эга бўлиши мумкинлигини олдиндан айтиб бериш, жамиятга тегишли хабар (ахборот)ни етказишдир.

Юридик амалиётнинг энг жўшқин қисми бўлган қонун чиқариш фаолиятини башорат қилиш (прогнозлаш) қонунчиликнинг ривожланиш тенденциялари, муҳим хусусиятлари, асосий йўналишлари тўғрисида илмий ахборот тўплаш, қонуниятларни ўрганиш ва унинг келгусида қандай қиёфага эга бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот яратиш жараёнидир.

Қонунчилик фаолиятининг ривожланишини прогнозлаш қуйидагиларни назарда тутуди: қонунчилик ривожланишининг тенденциялари, йўналишлари, усул ва шакллари ҳақида илмий ахборот тўплаш; қонунчиликни такомиллаштириш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ бўлган биринчи даражали ва ўта долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини таклиф этиш; келажакда қонун воситаси билан тартибга солиш эҳтиёжи туғилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар кўламини аниқлаш; ҳуқуқий тартибга солишнинг истикболли ҳамда илғор усул ва шакллари ишлаб чиқиш ва ҳ. к.

Пухта ўйланган, оқилона, барқарор *ҳуқуқий сиёсат* ҳамиша илмий асосланган изчил *юридик башоратга* асосланади. Мамлакатимизда юритилаётган ҳуқуқий сиёсатни тавсифлашда қуйидаги муҳим жиҳатларни қайд этиш мумкин:

- мамлакатни ҳуқуқий ривожлантиришнинг давлат стратегияси мўлжалларини белгиладиган, давлат миқёсидаги фаолиятнинг узоқ муддатли тизими учун ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қила оладиган ҳуқуқий сиёсатнинг ягона, яхлит концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш;

- бутун давлат микёсида ягона ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва уни мувофиқлаштиришга эришиш, барча давлат органлари ҳуқуқий сиёсат соҳасида амалга оширадиган фаолиятни уйғун ва комплекс тарзда олиб бориш;
- конун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи субъектларнинг ҳуқуқий сиёсат изчиллигига оид илмий тавсияларга эътиборини кучайтириш;
- ҳуқуқий сиёсатни амалга оширишда юридик башоратлашдан самарали фойдаланишга эришиш;
- юридик башоратлаш (айниқса, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги прогноз) жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий негизи, ҳуқуқий ҳодисаларга башорат тарзида баҳо бериш усулларини такомиллаштириш.

Ҳуқуқшуносликнинг ютуқлари, илмий хулоса ва тавсиялари конун ижодкорлиги жараёнида катта аҳамият касб этади. Юридик фан вакиллари янги **қонунларнинг илмий концепциясини** яратишда, қабул қилиниши режалаштирилаётган қонунларнинг зарурлигини исботлашда, конун лойиҳаларини ишлаб чиқишда беқиёс катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши конун ижодкорлигининг демократик салоҳияти ва илмий асосларини кучайтириш масаласини кун тартибига қўйди. Ўтган давр мобайнида конун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни ҳуқуқий экспертиза қилишда юридик фаннинг (илмий ва таълим мутахассасларининг), мутахассис ҳуқуқшунос олимларнинг иштироки сезиларли даражада фаоллашди. Ҳуқуқшунос олимларни Қонунчилик палатаси кўмиталарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги конун ҳужжатлари мониторинги институтида жамоатчи-эксперт сифатида расмийлаштириш тенденцияси пайдо бўлди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда адолатли ҳуқуқий тизимни яратиш ва уни жаҳон андозаларига мослаштириш борасида ҳуқуқшунослик фани қуйидаги салмоқли ютуқларга эришди:

- Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассамлаштирган Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси яратилди;

- давлатимизнинг мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамловчи ва халқларнинг тинч-тотув яшабини таъминловчи ҳамда уларнинг фаровон келажagini кафолатловчи қонунлар (кодекслар) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси вужудга келтирилди ва такомиллаштирилди;
- инсон ҳуқуқларини катъий ҳимоя қилишнинг изчил, жаҳон андозаларига мос келувчи механизмларини яратиш борасида муайян ижобий қадамлар қўйилди, бир қатор тегишли институционал тузилмалар вужудга келтирилди;
- аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида сезиларли даражадаги илмий-амалий ва илмий-назарий ишлар бажарилди;
- юқори малакали ҳуқуқшунослар тайёрловчи олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, факультетлар, махсус мактаблар (лицейлар) очилди ва уларда ҳуқуқшунослик илмининг долзарб муаммоларини хал қилиш юзасидан фундаментал илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва таълим бериш йўлга қўйилди;
- ҳуқуқшунослик фанларидан таълим ва тарбия беришга оид давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва улар асосида янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ўқув қуроллари тайёрланди, қонун ва кодексларга илмий-амалий шарҳлар ёзилди ва ҳ.к.

Юридик фанда қарор топаётган мазкур ижобий тенденцияларнинг ҳар бирини алоҳида *ҳуқуқий қадрият* деб эътироф қилиш, шу нуқтаи назардан талқин этиш мумкин ва лозим. Мустақил тараққиётимиз йилларида ҳаётимизга кириб келаётган ҳуқуқий қадриятларни юридик фан тадқиқ ва таҳлил этиш орқали илмий тавсиф этади, изоҳлайди. Ушбу қадриятларни илм кўзи билан таърифлаши туфайли ҳуқуқшунослик фанининг ўзи ҳам мазмунан бойиб боради.

Айни вақтда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳозирги талаблари ҳуқуқшунослик фанлари ривожига муайян *қамчилик* ва *муаммолар* мавжудлигини ҳам кўрсатмоқда. Улар объектив ва субъектив хусусиятга эга бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- а) ҳуқуқшунослик фанларининг жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётида юз бераётган демократик ўзгаришлардан орқада қолаётгани;
- б) ҳуқуқий ривожланиш истиқболларини белгилашда башорат (прогноз) лашнинг суғлиги;
- в) мустақилликнинг ўтган ўн тўққиз йили давомида мукамал бўлган миллий ҳуқуқий таълимот тизими, уни амалга оширувчи ва ривожлантирувчи ҳуқуқшунослик фанларининг фундаментал илмий мактаблари ҳали яратилмаганлиги;
- г) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида назария ва амалиёт ўртасида муайян узилиш мавжудлиги;
- д) жиноятчиликнинг пайдо бўлаётган янги турларини тезликда илғаб олиш ва уларга самарали қарши курашишнинг ҳуқуқий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда тезкорлик, изчиллик, олдиндан кўра билишнинг, илмий режалаштириш ва башоратлашнинг етарли эмаслиги;
- е) мамлакат микёсида ҳуқуқшунослик фанлари ривожини мувофиқлаштирувчи ягона илмий марказнинг шаклланмаганлиги, илмий тадқиқотлар мавзуида такрорлашлар, майда масалаларга куч сарфлаб, асосий муаммолар четда қолаётганлиги;
- ж) ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётда изчиллик билан жорий қилишнинг суғлиги;
- з) ҳуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммолари бўйича очик ва кенг баҳс-мунозаралар олиб боришнинг юқори савия ва лозим даражада ташкил этилмаганлиги;
- и) ҳуқуқшунослик фанларининг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан интеграциялашув жараёнларига етарлича эътибор қаратилмаётгани;
- е) юридик таълим жараёнини ҳуқуқшунослик илмининг сўнгги ютуқларига асосланиб, давлат таълим стандартларига мувофиқ ёзилган махсус адабиётлар билан таъминлаш борасида жиддий оқсаш мавжудлиги;

й) илмий тадқиқотчилар меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришнинг самарали тизими яратилмаганлиги ва бошқалар.

Юқорида зикр этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, **ҳуқуқшунослик фанининг мақсади** баркамол инсонни шакллантиришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қиладиган ҳуқуқий назариялар яратиш, уларни ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш ҳуқуқшунослик фани олдига қуйидаги долзарб масалаларни қўяди:

- демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қонунчилик базасини вужудга келтириш ва такомиллаштириш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориш;
- жамиятда инсоннинг эркин меҳнат ва ижод қилишини таъминлайдиган, унинг маҳсулини ўзи мустақил тасарруф этишини кафолатлайдиган муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- инсон, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи жиноятчиликка, айниқса унинг энг хавфли кўринишлари бўлган уюшган жиноятчилик, коррупция, терроризм, диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши курашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ҳамда қонун устуворлигини таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун юқори малакали, эркин тафаккурга ва юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятга эга бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашнинг илмий заминини мустаҳкамлаш;
- юридик фанларда мавжуд бўлган собиқ мустабид тузум мафқураси акс этган сохта таълимотлардан «покланиш» ва улар ўрнига миллий истиклол мафқурасига асосланган ҳуқуқий назарияларни яратиш кабилар.

Ушбу масъулиятли, долзарб масалаларни ҳал этиш келгусида давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб бориладиган барча ишларни ҳуқуқшунослик илмининг фундаментал тадқиқотлари натижасида

олинадиган назарий ва амалий ишланмалари заминида ташкил этиш-ни, айни вақтда, ҳуқуқшунослик фанини пухта ўйланган *истиқболли дастурлар* асосида ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбек ҳуқуқшунослик назариясининг *замонавий қиёфасини* тавсиф ва таъриф этишда унинг тадқиқот мавзусига кирадиган масалалар кўлами ва йўналишларини эътироф қилиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, давлатимиз Конституциясининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, маърифий ва юридик салоҳиятига таянган ҳолда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий жиҳатларини назарий талқин этишга оид фундаментал тадқиқотларни давом эттириш;

иккинчидан, ҳуқуқшуносликнинг методологик масалаларини чуқур тадқиқ ва таҳлил этиш. Шунингдек, ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқ социологияси соҳасидаги илмий изланишларни фаоллаштириш;

учинчидан, давлат қурилиши соҳасини эркинлаштириш, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларни демократлаштириш, шу жумладан судлов тизимини либераллаштиришнинг илмий асосланган оқилона шакл, усул ва йўллари излаш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг демократик асосларини ривожлантириш, суднинг юксак нуфузини қарор топтиришга оид илмий изланишларни авж олдириш;

бешинчидан, фуқаролик жамиятига мос ҳуқуқий кадриятлар тизимини шакллантириш, ҳуқуқнинг (қонуннинг) юксак нуфузли ижтимоий кадрият эканлигини илмий жиҳатдан исботлаш;

олтинчидан, мамлакатда давлат ҳокимиятининг амал қилиш механизми ва принципларини ўрганиш, сиёсий ҳокимиятнинг моҳиятини ёритиш, сиёсий ва ҳуқуқий плюрализм, шунингдек кўппартиявий тизим мустаҳкамланишининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш.

Мазкур муаммоларнинг изчил тадқиқ этилиши, бир томондан, жамиятнинг ҳуқуқий тараққиётини янада юксакроқ поғонага кўтарса, иккинчи томондан, юридик фаннинг мамлакат равнақига кўшади-ган ҳиссаси, ижтимоий кадр-қиммати янада ошишига хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат муносабатларининг табиати ва хусусиятлари тубдан ўзгариб бормоқда. Меҳнатни ташкил қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатнинг самарали бўлиши омилла-

рини аниқлаш, меҳнат муносабатларининг шартномавий табиатини орттириш, меҳнатни рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш илмий изланишлар учун алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусий мулкчилик муносабатлари қарор топаётган шароитда фуқаролик ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи оид муаммолар айниқса долзарб тус олиб, ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Илмий изланишнинг мазкур муаммоларга доир тадқиқот мавзулари билан ҳамоҳанг бўлган қуйидаги устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларини кўрсатиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқшуносликнинг методологик, гносеологик, социологик, аксиологик жиҳатлари бўйича фундаментал тадқиқотларни катъий ва мунтазам йўлга қўйиш ўта муҳимдир. Шунингдек, «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи хрестоматияси»ни ҳамда шу соҳадаги янги дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш даври келди деб ўйлаймиз, чунки мустақил тараққиётимиз даврида давлат ва ҳуқуқ соҳасида юз берган мисли кўрилмаган янгиликлар умумлаштирилиши ва тадқиқ этилиши лозим;

иккинчидан, Ўзбекистонда демократик давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асосларини яратиш, умуман, давлатчилигимизнинг ҳозирги замон тарихини яратиш муаммолари ҳам долзарбдир;

учинчидан, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни яратиш жараёнини, унинг асосий тамойиллари ва белгиларини, конституциявий моделини илмий асослаш ўта муҳимдир. Шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини илмий тадқиқ этишни чуқурлаштириш лозим:

тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат бош ислохотчи сифатида майдонга чиққанидан бошлаб унинг роли ҳамда ижтимоий функцияси мазмунини очиб бериш лозим. Давлат фаолиятини номарказлаштириш таълимоти нуктаи назаридан давлат идораларининг функция ва ваколатларини қайта тақсимлаш масаласи бўйича илмий изланишларни фаоллаштириш зарур;

бешинчидан, қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ва тамойилидир. Ушбу масаланинг назарий ва амалий жиҳатларини, уни таъминлаш механизмларини, аниқ шакли, усул ва воситаларини таҳ-

лил этиш катта илмий кадр-қимматга эга. Ҳуқуқий тизимимизда рўй бераётган либераллаштириш жараёнларини, унинг қонуният ва йўналишларини илмий таҳлил этиш, шунингдек, ҳуқуқ ва қонунчиликнинг барча соҳаларини янада либераллаштириш, инсонпарварлаштириш соҳасида фойдаланилмаган салоҳият ва янги имкониятларни излаб топиш борасида тадқиқотлар олиб бориш лозим;

олтинчидан, Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши, янги шароитдаги қонун ижодкорлиги муаммоларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, қонун чиқариш жараёнининг илмий заминини мустаҳкамлаши зарур. Шу мақсадда **қонунчилик социологиясидек** илмий йўналишни қарор топтириш мақсадга мувофиқ;

еттинчидан, давлат ва ҳуқуқ зоҳир бўлишининг фалсафий муаммоларига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Ҳуқуқшунослик билан фалсафа ҳамкорлиги замирида «**ҳуқуқ фалсафаси**» деган янги йўналиш шаклланмоқда. Ҳозирги вазифа: ҳуқуқ фалсафасининг предмети, услубиёти, тизими, шунингдек фан сифатида унинг объектини ташкил этувчи муаммоларни ўрганишдан иборат. Энг муҳими, давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини фалсафа категориялари ва қонуниятлари нуқтаи назаридан талқин этиш ҳуқуқшунослик фани ривожига янги марралар очиши табиий;

саккизинчидан, юридик онтология, юридик антропология, юридик гносеология ва юридик аксиология масалаларини тадқиқ этиш давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ва ҳуқуқшуносликнинг бошқа йўналишларини фундаментал тарзда бойитади.

Шундай қилиб, ҳозирги шароитда жамиятда рўй бераётган туб ислоҳий ўзгаришлар туфайли ҳуқуқшунослик фанимиз олдида янги уфқлар очилмоқда. Илмий муаммоларнинг ҳал этилиши эса, ўз навбатида, ижтимоий ҳаёт соҳасида жўшқин ривожланиш имкониятлари кенгайишига олиб келади. Юридик амалиёт билан ҳуқуқшунослик фанининг узвий алоқадорлик диалектикаси ана шундай. Демак, олимларимиз олдидаги асосий масала ҳуқуқшунослик фанининг ижтимоий нуфузи юксак бўлишига, унинг жамият тараққиёти ва мамлакатимиз равнақиға самарали хизмат қилишига эришишдан иборат. Ҳуқуқшунослик фани ижтимоий ҳаёт қонуниятларини аниқ англашга асосланган ва истиқболга йўналтирилган ҳулоса ва тавсияларни

шакллантириб бера олсагина, ўзининг юксак ижтимоий вазифасини адо этган ҳисобланади¹.

Ҳуқуқий тизимнинг институционал таркибий элементларига ҳуқуқий тизимни шакллантирувчи, ривожлантирувчи ва ҳаракатлантирувчи давлат ва нодавлат ташкилотлар, яъни *юримдик муассасалар* киради. Юримдик муассасалар сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни татбиқ этиш, уни муҳофазалаш ҳамда ҳуқуқ бузилишларига қарши кураш билан шуғулланувчи давлат ва бошқа ижтимоий институтлар тизими эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида юримдик муассасалар тизимига Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди, маҳаллий судлар, прокуратура, адлия, солиқ, божхона, ички ишлар идоралари, адвокатура каби муассасалар киради. Бугунги кунда мамлакатимизда юримдик муассасалар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қанча самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Қонун чиқарувчи органнинг икки палатали шаклга келтирилиши, ижро ҳокимиятида ҳам янгича йўналишларнинг жорий этилиши, суд тизимини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

«Яна бир ўта муҳим масала. — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш... Бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди»². Юримдик муассасалар фаолиятига халқимизнинг руҳиятида азалдан шаклланиб келган ўзбекона кадриятлар: адолатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, раҳм-шафқат, ҳалоллик каби фазилатларни сингдириш улар ҳаракатига ижобий сифатлар бахш этиш билан бирга

1 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Юримдик фаннинг ижтимоий вазифаси ва ривожлантириш истикболлари//Юримдик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. — Т., 2006. — Б. 100–111.

2 *Каримов И. А.* Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. — Т., — 2005. — Б. 49–50.

фуқароларнинг тегишли ҳурмати қозонишни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, ҳуқуқий тизимнинг самарали фаолиятига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири тарзида майдонга чиқади.

Ҳуқуқий тизим элементлари ўртасидаги ўзаро таъсир ҳамда алоқадорлик бошқа ижтимоий тизимларнинг таркибий тузилмалари ўртасидаги алоқаларга нисбатан барқарорлигидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий тузилмаларида ҳуқуқий кадриятларнинг қарор топиши, мустаҳкамланиши ёки ҳуқуқий принципларга ҳамоҳанглиги бу воқеликлар намоён бўлишидаги мутлақ аниқлик ва кўзланган самарага эришиш истиқболлини ифода этади.

§2.3. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий кадриятларнинг ифодаланиши

Ҳуқуқий тизим миқёсида ҳуқуқий кадриятларнинг қарор топиши, расмийлашиши ва мустаҳкамланишида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ҳуқуқий кадриятлар айнан ҳуқуқ ижодкорлигининг бевосита маҳсули бўлмиш ҳуқуқий нормалар мазмунида акс эттирилади, ўз ифодасини топади. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида миллий ва умуминсоний кадриятларни ҳисобга олиш, аниқроғи, жамият ва инсон манфаатларига хизмат қилувчи қоидалар, ғоялар, қарашлар, тамойиллар, институтлар ҳамда ҳодисаларни юридик тил ифодасига ўтказиб мустаҳкамлаш — ҳуқуқий кадриятларга айлантириш ниҳоятда долзарб вазифа бўлиб, у ҳуқуқий тизимнинг халқ (миллат) менталитетига, табиатига мос тарзда шакллантирилиши ва самарали фаолият юритишини таъминлайди.

Турли маънавий, маданий, маърифий, ахлоқий ҳодисаларнинг ҳуқуқий кадриятларга айлантирилиши ҳуқуқ ижодкорлигининг ўта нозик ва масъулиятли жиҳатини ташкил этади. Маълумки, ҳуқуқий (юридик) кадриятлар *юридик ва ҳокимият* фаолияти соҳасида, яъни инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ воситасида ўз эҳтиёжларини қондириши соҳасида шаклланади. Асосий, заминдор юридик кадриятлар сирасига «давлат» ва «ҳуқуқ», шунингдек улардан келиб чиқувчи «ҳокимият», «қонун», «давлат шакли», «демократия», «юридик норма-

лар», «хукукий тартибот», «хукукий муносабат», «юридик жараён» ва ҳоказо ходисалар киради. Хукукий маконда шаклланувчи ҳар қандай бошқа иккиламчи (уларни «*ҳосила хуқуқий қадриятлар*» деб аташ мумкин) қадриятлар *юридик ва ҳокимият* муносабатлари нуктаи назаридан баҳолангач, юридик қадрият мақомига эга бўлади. Масалан, адолат, эркинлик, тенглик, биродарлик, ватанпарварлик, барқарорлик каби ходисалар *юридик ҳокимият* фаолияти нуктаи назаридан тан олиниб, талқин этилгач, юридик қадрият сифатида эътироф этилади¹.

Файласуф Н. Н. Алексеев адолатни хукукий қадрият, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, «Адолат олий объектив идеал асос (бошланғич ибтидо) бўлиб, шахс онгига асл тартибот ҳақидаги тасаввурни киритади»². Либертар назариянинг намояндаларидан бири академик В. С. Нерсесянц эса адолат, тенглик ва эркинликни умум эътироф этилган маънода айнан ҳуқуқнинг ўзидир³, деб масалани янада чиғаллаштиради. Мазкур мунозарага аниқлик киритиб, шуни алоҳида уқтириш лозимки, фақат давлат ва ҳуқуқ асосий юридик қадрият ҳисобланади. Адолат, тенглик ва эркинлик, аввало, ахлокий, этикавий қадриятлар бўлиб, фақат давлат ва ҳуқуқ соҳасида амал қилган тақдирда юридик хусусият касб этади. Амалда адолат, тенглик ва эркинлик ғоялари (ходисалари) ҳуқуқ нормаларида қай даражада акс эттирилганлиги, уларни таъминлаш қонун ва давлат томонидан қанчалик қафолатланганлиги муҳимдир.

Ҳуқуқ нормалари давлат нуктаи назаридан муҳим деб тан олинган ва муайян шахслар (субъектлар) нинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи воқелик (предмет, ҳаракат) ларни мустаҳкамлаганлиги боис ҳам қадрият ҳисобланади. Аммо, хукукий қадриятларни шакллантиришнинг, қарор топтиришнинг энг мураккаб жиҳати шундаки, жамият ва шахс манфаатларига хизмат қилувчи, уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи нарса, ҳодиса, воқелик, ҳаракатларни ҳуқуқ нормаларида оқилона акс эттиришдадир. Ижтимоий қадриятларни ҳуқуқ нормаларида, қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаш, ифодалаш,

1 Қаранг: *Жуков В. Н.* Введение в юридическую аксиологию (вопросы методологии) — «Государство и право», 2009, № 6. — С. 30.

2 Қаранг: *Алексеев Н. Н.* Основы философии права. — Сп б., 1999. — С. 111–114, 119.

3 Қаранг: *Нерсесянц В. С.* Философия права. — М., 1997. — С. 58–59.

авваламбор ҳуқуқ ижодкорлигини пухта ўйланган ҳолда ва самарали ташкил этишга боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг куйидаги фикрларига эътибор қаратиш ўринли: «... биз ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агар уларнинг норма ва талаблари, амалий ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса — шу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди»¹. Албатта, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида халқнинг иродасини, унинг манфаатларига бўйсундирилган нормаларни ифодалаш устувор масаладир.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ижтимоий фаолият бўлиб, давлат шу орқали ҳуқуқий нормаларни яратади. Давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти натижасида жамиятда амал қилувчи бир бутун ва ички мутаносибликка эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий ҳуқуқий нормалар тизими вужудга келтирилади². Ҳуқуқ ижодкорлиги — давлатнинг жамият мақсадларига эришишга йўналтирилган ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган фаолияти бўлиб, бунда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи билан аниқланадиган, шу эҳтиёжларга мос бўлган янги ҳуқуқ нормалари яратилади, амалдагилари ўзгартирилади ёки бекор қилинади³.

Ижтимоий қадриятларни ҳуқуқ нормаларида, қонунчиликда ифодалаш икки шаклда: *дескриптив* ва *прескриптив* шаклларда амалга оширилади.

1. *Дескриптив шакл* деганда муайян ҳодисани ҳуқуқ нормасида, қонунчилик ҳужжатида тавсифлаш, таърифлаш, изохлаш тушунилади. Бундай баён этиш усули юридик техника қоидаларига мувофиқ қонунчилик ҳужжатларининг муқаддимасида, «умумий қоидалар» қисмида амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси Умумий қисми-

1 Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Т., 1993. — Б. 36.

2 Багафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикаси қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 5.

3 Қаранг: *Поленина С. В.* Законотворчество в Российской Федерации. — М., 1996. — С. 51.

нинг 10-моддасида «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчаси таърифланган: «Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга таъжовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади»¹.

Яна бир мисол. Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонунининг 2-моддаси «Асосий тушунчалар» деб аталиб, унда мазкур қонунда учрайдиган «интеграл микросхема», «интеграл микросхема топологияси», «ҳуқуқ эгаси» тушунчалари таърифланган. Жумладан, «*ҳуқуқ эгаси* — интеграл микросхема топологиясининг муаллифи, унинг меросхўри, шунингдек интеграл микросхема топологиясидан фойдаланиш мулкый ҳуқуқларини қонунга ёки шартномага асосан олган ва уларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс»².

Бозор иктисодиёти муносабатларини қарор топтириш шароитида қимматли қоғозлар айланишини ҳуқуқий тартибга солиш, депозитарийлар фаолиятини ташкил этишнинг қонуний асосларини вужудга келтириш ўзига хос замонавий ҳуқуқий кадрият саналади. Шунга кўра, 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида» ги қонун ҳаётимизга кириб келаётган янги ҳуқуқий институтларни (вокеликларни) таърифлаб берганлиги алоҳида аҳамиятлидир. Мазкур қонуннинг 2-моддаси «Асосий тушунчалар» деб номланган бўлиб, унда «корпоратив қимматли қоғозлар», «нақд қимматли қоғозлар», «қимматли қоғозлар депозитарийлари», «депонент», «депозитар шартнома», «депозитар операциялар стандартлари» деган қатор ҳуқуқий тушунчаларнинг қонунчилик матнида акс этган қатъий илмий таъриф-тавсифи баён этилган. Масалан, «*депозитарий*» деганда қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича фаолият юритув-

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1995, № 3. — 6-модда.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001, № 5. — 87-модда.

чи қимматли қоғозлар бозори институтлари тушунилади. «Депонент» деганда эса депозитарий билан қимматли қоғозларни сақлаш ва унинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқини ҳисобга олиш ҳақида шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс тушунилади¹.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, маданий бойликларни асраш, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлатнинг устувор вазифасига айланди. Тегишли қонуннинг қабул қилиниши эса миллий маданий кадриятларимизни ноёб ва нодир ҳуқуқий кадриятлар даражасига кўтарди. «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб қирилиши тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам бир қатор маданий соҳага оид асосий тушунчаларни таърифлаб берди. Хусусан, қонуннинг 3-моддасида таъкидланганидек, «*маданий бойликлар*» деб моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадиий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёларига айтилади².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳам мустақиллик даврида турмушимизнинг узвий қисмига айланган ҳуқуқий кадриятларнинг таърифи ўз ифодасини топган. Бу ўринда Кодекса ўз ҳуқуқий талқинини топган янги институтлар, воқеликлар, хизматлар ва бошқа ҳуқуқий кадриятлар рўйхатини келтириш билан чекланамиз. Масалан, Фуқаролик кодексининг 6-моддасида «Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар» таърифи берилган. Шунингдек, ушбу кодексида «эмансипация» (28-модда), «юридик шахс» (39-модда), «хўжалик ширкатлари ва жамиятлари» (58-модда), «коммандит ширкат» (61-модда), «масъулияти чекланган жамият» (62-модда), «акциядорлар жамияти» (64-модда), «унитар корхона» (70-модда), «жамоат бирлашмалари» (74-модда), «ижтимоий фондлар» (75-модда), «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» (78-модда), «ашёлар» (86-модда), «хусусий мулк» ва «хусусий мулк ҳуқуқи» (207-модда), «битимлар таърифи» (101-модда), «хазина» (196-модда), «оммавий мулк» ва «муниципал мулк» (213, 215-моддалар), «юридик мажбурият» (234-модда),

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998, № 9. — 172-модда.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998, № 9. — 178-модда.

«гаров» (264-модда), «кафолат» (299-модда), «шартнома» (353-модда), «васият» (1120-модда) ва бошқа кўплаб ижтимоий ҳамда фуқаровий ҳуқуқий кадриятлар таъриф тавсиф этилган ҳамда қонун тилида расмий изоҳлаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига сўнгги йилларда турмушимизга кириб келган янги ҳуқуқий кадрият — *никоҳ шартномаси* ўз изоҳини топган: «Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилувчи келишуви *никоҳ шартномаси* деб ҳисобланади» (29-модда).

II. *Прескриптив шакл* ҳуқуқий кадриятларни қонунчиликда акс эттиришнинг махсус усули бўлиб, бунда баҳоловчи, фарқловчи (деонтик) тарзда муҳокама, фикр юритилади. «Деон» юнонча сўз бўлиб, бурч, мажбурият маъносини англатади. «Деонтология» эса ахлоқ, бурч ҳақидаги таълимотдир. Бу таълимотнинг асосчиларидан бири И. Бен-там эди. Деонтологик ёндашувга кўра, қонунчилик бурч, мажбуриятни белгилаш билан шуғулланади. Масалан, мажбуриятлар муайян субъект, давлат учун аҳамиятли (кадрли) бўлган хатти-ҳаракатлар кўринишида мустаҳкамланади. Ҳуқуқлар (имкониятлар, ваколатлар) тарзида эса ушбу ҳуқуқларнинг субъектларига ва бошқа субъектларга фойда келтириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар мустаҳкамланади¹.

Нихоят, тақиқловчи қоидалар шаклида муайян кадриятлар билан сиғишмайдиган, баъзи субъектлар учун кадрли бўлган кадриятларни барбод этувчи хатти-ҳаракатлар, шунингдек ғайриижтимоий муносабатларни туғдирувчи хатти-ҳаракатлар мустаҳкамланади².

Ижтимоий кадриятларни қонунчиликда акс эттиришнинг умумий хусусияти шундаки, улар расмий, қатъий мажбурий аҳамиятга эга.

Қонун ижодкорлиги жараёнида акс этадиган, мустаҳкамланадиган ҳуқуқий кадриятларнинг объекти қуйидагилар бўлиши мумкин:

А) фойдалилиги аниқ аён бўлган ёки назарда тутилдиган *предметлар* (вокелиklar, ходисалар, ҳаракатлар, муносабатлар). Одатда,

1 Тугаринов В. П. Проблемы ценности в философии. — М., 1986.

2 Қаранг: Коржанский Н. И. Объект и предмет уголовно-правовой охраны. — М., 1980. — С. 171.

улар мавҳум (абстракт) тарзда ифодаланади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар» (49-модда), «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» (50-модда), «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар» (48-модда) дейилган. Баъзан эса, ҳуқуқий нормалар казуистик тарзда ифодаланади. Хусусан, Конституциянинг 39-моддасида ана шундай қоида мустаҳкамланган: «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»;

Б) воқелик, предмет, ҳодиса, муносабатнинг расмий белги хусусиятлари кўрсатилмасида, уларнинг (хатти ҳаракатнинг) *аҳамияти* яққол намоён бўлиб турадиган вазиятлар. Қадриятларни ифодалашнинг мазкур шаклида қонунчиликда *баҳоловчи тушунчалар, иборалар* қўлланилади. Масалан, ғайриқонуний «хатти ҳаракатнинг кам аҳамиятлилиги», «узрли сабабларнинг мавжудлиги», «аёллар, она ва бола манфаатларига мослиги», «фойдалилиги», «алоҳида ижтимоий аҳамиятга эгаллиги», «оғир оқибатга олиб келганлиги» каби тушунчаларда баҳолаш оҳанги намоён бўлади. Улар ҳодисанинг, хатти ҳаракатнинг жамият, гуруҳ ёки шахс учун аҳамиятини ифодалайди, чунки норматив ҳуқуқий ҳужжат матнида ҳодисанинг (қадриятнинг) барча хусусият ва белгиларини батафсил санаб кўрсатишнинг имкони бўлмайди.

Қонунчиликда бундай баҳоловчи ибораларнинг қўлланилишига объектив зарурат мавжуд. Зеро, қатор ҳолларда муайян хатти-ҳаракатнинг, ҳодисанинг формал хусусиятлари ва ташқи белгилари ўхшаш бўлса-да, амалда улар бир хил ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди. Ва аксинча, формал жиҳатдан турлича бўлган ҳаракат, ҳодиса ва муносабатлар бир хил ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Давлат ҳодиса, ҳаракат ва фактларнинг ҳуқуқий нормалар воситасида юридик қадрлилик «рейтинги» ни белгилашда уларнинг ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратади. Шу боис ҳуқуқ ижодкорлиги органлари норматив ҳужжат матнида ҳодиса, ҳаракат ҳамда муносабатлар-

нинг юридик кадрият нуқтаи назаридан ўрнини белгилашда, табиий равишда, баҳоловчи категориялардан фойдаланади. Шу маънода, ҳуқуқ ижодкорлигида баҳоловчи терминлардан фойдаланиш ўзига хос махсус давлат — ҳуқуқий қонуниятдир, десак асло ноўрин бўлмайди.

Қонунчиликдаги мисолларга мурожаат этайлик. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 117-моддаси 3-қисмида куйидаги қоида мавжуд: «Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг муддати чегараси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади». Бу нормада «*ўта зарарли*» ва «*ўта оғир*» иборалари бўрттирма, баҳоловчи иборалардир. Ушбу кодекснинг 176-моддаси ходимнинг бурчларига бағишланган: «Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиш, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, ... иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт». Кўрииб турибдики, бу нормадаги «*ҳалол*», «*виждонан*», «*авайлаб асраши*» сўзлари баҳоловчи иборалар ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 66-моддаси учинчи қисмида куйидаги қоида мустаҳкамланган: «Ишсиз шахс узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда маҳаллий меҳнат органига келмаган тақдирда, ишсизлик нафақасини тўлаш уч ойгача муддатга тўхтатиб қўйилиши ёки нафақанинг миқдори камайтирилиши мумкин». Бу ерда баҳоловчи тушунча «*узрсиз сабаблар*» сўзларидир. Сабабнинг узрли ёки узрсизлик даражасини маҳаллий меҳнат органи аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида «оғир шикаст етказиш», «ўртача оғир шикаст етказиш», «енгил шикаст етказиш» деган баҳоловчи тушунчалар ишлатилади. Масалан, Жиноят кодексининг 104-моддаси «Қасддан баданга оғир шикаст етказиш», 105-моддаси «Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш», 106-модда «Қучли рухий хаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш», 109-модда «Қасддан баданга енгил шикаст етказиш» деб номланган. Ушбу моддалар матнида ҳам мазкур баҳоловчи тушунчалар бирон-бир изоҳсиз қўлланилади. Боз устига 109-модданинг матнида бошқа баҳоловчи иборалар ишлатилган. Яъни: «*Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча*

узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган касддан баданга енгил шикаст етказиш...»

Шикастнинг енгил ёки оғирлик даражасини, одатда, тиббий экспертиза аниқлаб беради. Аммо, амалда шикастнинг даражаси жабрланувчининг шифохонада даволанган кунлари миқдори билан белгиланади. Башарти, у етти кундан зиёд даволанса, шикастнинг даражаси оғир ҳисобланади;

В) ниҳоят, қонунчиликда бир вақтнинг ўзида ҳам воқеликнинг аҳамияти, ҳам хатти-ҳаракатнинг формал аҳамиятли белгилари эътироф этилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 484-моддасида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари белгиланган.

Апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бир ёқлама олиб борилганлиги;
- 2) ҳукмда баён қилинган суд ҳулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ эмаслиги;
- 3) ушбу Кодекс нормаларининг жиддий бузилганлиги;
- 4) Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги;
- 5) жазонинг адолатсизлиги.

Шунингдек, судга ишни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва қонуний қарор ҳамда асослантирилган ҳукм чиқаришга ҳалал берувчи ёки ҳалал бериши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланса, ҳукм бекор қилиниши лозим.

Кодекснинг кейинги моддаларида (формал аниқланган белгиларни санаб кўрсатиш йўли билан), қонун чиқарувчи органнинг фикрича, ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўладиган (тегишли аҳамият касб этадиган) қонун бузилиши ҳолатлари санаб ўтилган:

- 1) ҳукми қонунга хилоф таркибдаги суд чиқарган бўлса;
- 2) судьянинг ҳукми яққа ўзи чиқариши тартиби ёки ҳукм чиқаришда судьялар маслаҳатлашувининг сир сақланиши бузилган бўлса;
- 3) иш судланувчининг йўқлигида кўрилган бўлса, ушбу Кодекснинг 410-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- 4) дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу койдабузарлик ҳукм чикарган суд томонидан бартараф этилмаган бўлса;
- 5) ҳимоячиси бўлмаган судланувчига ҳимоя нутки учун сўз берилмаган бўлса;
- 6) судланувчига охирги сўз берилмаган бўлса;
- 7) судланувчининг она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган бўлса;
- 8) конунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-ю, иш унинг иштирокисиз тергов қилинган ёки кўриб чиқилган бўлса;
- 9) ишни юритишни истисно этадиган ҳолатлар бўла туриб, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси ўтказилган бўлса;
- 10) суд мажлиси баённомаси ишга тикилмаган ёхуд имзоланмаган бўлса (ЖПК нинг 487-моддаси).

Худди шу йўл билан қонунчиликда воқеликни қадрият нуқтаи назаридан акс эттириш имкон қадар тўлиқ таъминланади. Ҳуқуқ ўзининг инструментал-ифодаловчи қадрият бўла олиш хусусияти билан ижтимоий эҳтиёжларни қондиришда кенг фойдаланилади. Қадриятларни ифодаловчи ҳуқуқ нормалари, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий муносабат субъектларининг фикрини «худди светофор сингари» тегишли манзил-мақсад сари йўналтиради ва уларга эришишга кўмаклашади¹. Ҳуқуқ фақат эҳтиёжларни қондиришдагина қадрият бўлиб қолмасдан, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида объектив эҳтиёжларни билвосита ёки бевосита кўрсатиш, изоҳлаш ёхуд мазмунан тавсифлашни амалга ошириши, уларга давлатнинг муносабатини баён этиши боис ҳам қадрият сифатида аҳамиятга эга.

Ҳуқуқ ижодкорлиги орқали ҳуқуқий қадриятларни қарор топтириш борасидаги таҳлилимиз янада аниқ ва асосли бўлиши учун ушбу ходисанинг қуйидаги шаклларда амалга оширилишини инобатга олган ҳолда фикр юритиш лозим:

- а) халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги;
- б) давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги;

1 Қаранг: Лазарев В. В. Социально-психологические аспекты применения права. — Казань. 1982. — С. 101.

в) мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги.

I. *Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлигида ҳуқуқий қадриятларнинг ифодаланиши.* Халқ ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг бевосита субъекти бўлиши мумкин. Халқнинг ҳуқуқ ижодкорлиги асосан давлат микёсида ўтказиладиган ёки маҳаллий даражадаги референдум воситасида намоён бўлади. Бунда халқ (аҳоли) ваколатли давлат органларининг иштирокисиз ўзининг иродасини мажбурий ҳуқуқий кондага айлантиради. Халқнинг бевосита ҳуқуқ нормаларини яратиши қонун ижодкорлигининг олий шакли ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, референдум бевосита халқ ҳуқуқ ижодкорлигининг юксак кўриниши бўлиб, унинг воситасида қонунлар яратилади, давлат аҳамиятига молик муҳим масала узил-кесил ҳал этилади, у бўйича қатъий (императив) қарор қабул қилинади. Баъзи олимлар «халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчаси билан «референдум» тушунчаси ўртасида айният белгисини қўядилар. Хусусан, В. В. Лазарев ва С. В. Липенларнинг фикрича, «халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги референдум жараёнида амалга ошади»¹.

Бундай ёндашувни қўллаб-қувватлаш қийин. Фикримизча, «халқ ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчасининг бутун мазмуни, барча қирралари биргина «референдум» институти орқали батафсил очилмайди. Референдум халқнинг қонун лойиҳаси учун умумий овоз бериши ҳодисасини акс эттиради, холос. «Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги» тушунчаси «референдум» категориясидан анча кенг бўлиб, унинг мазмунига қуйидаги воқеликлар ҳам киради:

- халқнинг ҳуқуқ ташаббускорлиги;
- ҳуқуқий ҳужжат (қонун) лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси;
- ҳуқуқий ҳужжатни, қонунни халқ овоз бериши орқали қабул қилиш (референдум).

Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни босқичлари баёнидан аён бўлмоқдаки, референдум бу жараённинг фақат учинчи, якуний босқичини ташкил этади, холос.

1 Қаранг: Лазарев В. В., Липень С. В. Теория государства и права. — М., 1998. — С. 242.

Кўрсатилган боскичларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталамиз:

А) *халқнинг ҳуқуқ ташаббускорлиги*. Халқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи деган қоида дунёдаги республика бошқарув шаклидаги деярли барча давлатлар конституцияларида мустаҳкамланган. Бево-сита демократия ва ҳокимиятнинг асосий субъекти бўлмиш халқ ҳу-қуқий нормалар яратилишининг ташаббускори бўлиши табиий. Халқ-нинг ҳуқуқ ижодкорлик ташаббуси деганда халқ ёки аҳолининг му-айян қисми томонидан янги ҳуқуқий норматив ҳужжат (қонун) қабул қилинишига, амалдагисини ўзгартиришга ёки бекор қилишга йўнал-тирилган таклифнинг намоён этилиши тушунилади.

Халқ ташаббуси маҳсули бўлмиш лойиҳа ёки таклифда халқ оммасининг интилиши, эҳтиёжи ва иродаси муфассал акс этади. Бундай лойиҳа ёки таклифнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқ ижодкор-лиги билан шуғулланувчи давлат органларига ҳуқуқий ҳужжат-ларда халқнинг иродасини имкон қадар тўла ифодалаш имкония-тини беради.

Дунё мамлакатларининг конституцияларида халқ ташаббусининг предмети кўламини акс эттиришга ҳаракат қилинади. Масалан, Ру-миния Конституциясининг 73-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, фискал (молиявий-маъмурий) муаммолари, халқаро мазмундаги ма-салалар, амнистия ва афв этиш масалалари фуқаролар қонунчилик ташаббусининг предметини ташкил этиши мумкин эмас. Испания Конституциясининг 87-моддасига кўра, халқ ташаббуси намоён эти-лиши учун 500 минг кишининг имзоси талаб этилиб, у органик қо-нунлар тартибга солувчи, шунингдек солиқ ва халқаро масалаларга, авф этишга тааллуқли бўлиши мумкин эмас.

Билакс, Колумбия Конституциясида халқ ташаббусига ҳеч қандай чеклов қўйилмайди. Унинг 155-моддасига биноан қонун лойиҳаси ёки конституциявий ислохот таклифи сайловчиларнинг 5 фоизи ёки ун-дан кўпроғини ташкил этувчи фуқаролар томонидан тақдим этили-ши мумкин. Бундай ташаббус мамлакатдаги маслаҳатчиларнинг (ма-халлий ўзини ўзи бошқарув органлари аъзолари) ёки депутатларнинг 30 фоизи томонидан тақдим этилиши мумкин. Бундай таклифни Ко-лумбия Конгресси шошилинч тартибда кўриб чиқади, айни вақтда, ташаббус кўрсатган фуқаролар ўз вакилларини тайинлаб, улар қонун

лойихаси парламент палаталари томонидан кўриб чиқилишининг барча босқичларида иштирок этишлари мумкин.

Баъзи давлатларнинг конституцияларида халқ ташаббусини амалга ошириш учун зарур бўлган сайловчилар сони белгиланади. Бу ердаги яна бир муҳим талаб шуки, ушбу сайловчилар мамлакат барча минтақалари манфаатларини ақс эттирадиган фуқаролардан иборат бўлишлари шарт. Руминия Конституциясининг 73-моддаси биринчи қисмида таъкидланишича, ҳуқуқ ташаббускорлигини амалга оширувчи фуқаролар мамлакат уездларининг 1/4 қисмидан кам бўлмаган худудлардан бўлишлари талаб этилади. Бу уездларнинг ҳар биридан лойиҳани қўллаб-қувватловчи 10 мингдан кам бўлмаган имзо тўпланиши лозим. Бразилия Конституциянинг 61-моддаси 2-§ га биноан, «Халқ ташаббуси Депутатлар Палатасига миллий электоратнинг бир фоизидан кам бўлмаган, лекин бу миқдор камида бешта штатнинг ҳар бирида сайловчиларнинг 30 фоизини қамраган қисми томонидан имзоланган лойиҳанинг киритилиши орқали амалга оширилади».

Ақсарият ҳолларда конституциялар халқ ташаббуси институтини таъсис этишда унинг объекти сифатида фақат қонун лойиҳаси киритилишини шарт қилиб қўядилар. Бу қоида юқорида келтирилган Бразилия Конституциясидан ҳам келиб чиқади. Италия Конституциясида белгиланган талабга кўра, халқнинг қонунчилик ташаббуси амалга оширилганида 50 минг сайловчининг имзоси тўпланиб, лойиҳа қонуннинг тайёр моддалари шаклида тақдим этилиши шарт (71-модданинг иккинчи қисми)¹.

Халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги ахлоқий, миллий, маънавий қадриятларни қонунчиликка олиб киришнинг қулай, рақон ва оқилона йўлидир. Бошқача айтганда, жамият турмушидан чуқур жой олган одатлар, аънаналар ҳамда унинг эҳтиёжларини ифодаловчи қадриятлар, одатда, халқ ҳуқуқ ижодкорлиги учун сарчашма манба бўлиб хизмат қилади. Маълумки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Орол денгизи қуриши муаммолари «Оролни қутқариш халқ ҳаракати»ни вужудга келтирди. Бу ҳаракат илгари сур-

1 Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. Т. 1-2. / Отв. ред. Б. А. Страшун. — М., 1995. — С. 499.

ган ғоя ва ташаббуслар, бир жиҳатдан, Оролни кутқариш жамоатчилиги жамғармасининг қарор топишига, иккинчи томондан, «Табиатни муҳофаза этиш тўғрисида»ги ва «Алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисида» ги қонунларнинг қабул қилинишига сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Халқимиз кадрлайдиган кўплаб ижтимоий воқеликларнинг қонунчилигимизда ўз юридик ифодасини топганлиги тегишли ваколатли давлат органларининг халқ даҳоси билан узвий алоқадорлиги, халқ ташаббусларидан оқилона фойдаланаётганлиги самарасидир. Мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий тикланиш ҳақида гапирганда, халқнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида олиб борилган ишларни таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ўринда халқимизнинг азалий қадрияти, сеvimли байрами хисобланмиш «Наврўз» байрамининг халқимизга қайтарилиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йилда фармон қабул қилиб, 21 март — Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланишини белгилади. Шундан эътиборан, «Наврўз» байрами ҳуқуқий қадриятга айланди.

«Қадимий халқ байрами — Наврўзнинг тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олди ва ҳозир ҳам ардокли байрам сифатида нишонламоқда. Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши қўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари тикланишининг қудратли омили бўлмоқда. Наврўз халқ байрамининг инсоний ва байналмилал моҳияти ҳам ана шундадир», — дейилади Ўзбекистон Президентининг «Наврўз халқ байрамини ўтказиш яқунлари тўғрисида»ги фармонида².

Халқимизнинг меҳр-мурувватли табиати, саховатли фазилати ифодасидан яна бири *ярашув институтининг* жинойят қонунчилигига киритилганлигидир.

1 Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Т., 2000. — Б. 404.

2 Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Т., 2000. — Б. 405.

Ўзбек халқининг фарзандлар камолини истаб яшаши, болажон фазилати асосида қонунчилигимизда яна бир қатор муҳим ҳуқуқий кадрятлар мустаҳкамланганлигини эътироф этиш лозим. Масалан, «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди (1994 йил 4 мартдаги Президент фармони). «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (2007 йил 1 декабрь) қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси эканлиги белгиланиб, бола ҳуқуқи кафолатланиши ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини ижтимоий таъминлашдаги ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Мазкур Қонунга асосан давлат болаларнинг барча шакллардаги камситилишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, Қонунда маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошираётган бошқа ташкилотларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилган.

Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий базаси БМТ нинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияси нормаларини тўла-тўқис ўзида акс эттирганидан ташқари, она ва бола ҳуқуқлари ҳимоясини бирмунча кенгайтирмоқда. Чунончи, БМТ Конвенциясига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати ўн икки ҳафтани ташкил этиши лозим бўлса, Меҳнат кодексига биноан аёлларга бир юз йигирма олти календарь куни муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилади. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, бўлажак оналар соғлиғи муҳофазасини таъминлаш, соғлом авлодни тарбиялаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида она ва болани ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими шаклланди¹. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунда ота-она қаровисиз қолган ва етим болалар ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги эътиборга молик. Оилавий болалар уйларига доимий ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, қариндошлари оиласида тар-

1 Қаранг: *Эргашев И.* Бола ҳуқуқлари//Халқ сўзи. — 2008 йил 1 апрель.

бия топаётган етим болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича «Менинг уйим — менинг чирогим» дастури амалга оширилмоқда¹. Бу мисоллардан юртимизда *бола ҳуқуқлари* нуфузли ҳуқуқий кадриятга айланганини англаш мумкин.

Халкнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида кадриятларни юридик тилда ифодаланиши куйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

- халк ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ўз манфаатларини устувор ўринга қўяди ва шу асосида фикр билдиради;
- халкнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида қатнашувчи фуқаролар омма орасидаги эҳтиёжлар ва муаммоларни яхши англайдилар;
- халк ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ўз ижтимоий турмуш тарзи, одат ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланади;
- халк ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида тарихий-маданий мерос ва азалий ижобий ҳаёт тарзи ҳамда кадриятларга асосланади.

Демак, халк ҳуқуқ ижодкорлигида кадриятларнинг ифода этилишида асосий роль ўйновчи субъект сифатида майдонга чиқади.

Б) *умумхалқ муҳокамаси ва ҳуқуқий кадриятларнинг шакллантирилиши*. Халкнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан қонун лойиҳаларининг кенг халқ муҳокамасига қўйилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Умумхалқ муҳокамаси, аслида, қонун лойиҳаси юзасидан халқ билан бевосита кенгашув, маслаҳатлашувдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига киритиш халқ оммасининг тажрибасини умумлаштириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва қонунда халқнинг манфаатлари, хоҳиш-иродасини, у эъзозлайдиган кадриятларни тўла-тўқис акс эттириш имконини беради.

Ўзбекистон Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади. Бу қоида муҳим қонун лойиҳаларига ҳам тааллуқли. Умумхалқ муҳокамасини амалга оширишнинг процессуал, ташкилий жиҳатлари «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғ-

1 Қаранг: *Иванова А.* Болалар манфаатини таъминлаш барчамизнинг бурчимиз// Халқ сўзи. — 2008 йил 19 май.

рисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Умумхалқ муҳокамасининг Конституцияда эътироф этилиши ва алоҳида қонун билан мустақамланишининг ўзи ҳам бу институтнинг муҳим демократик ҳуқуқий кадрият сифатида мустақамланишидир. Вазифа умумхалқ муҳокамасининг табиатини очишдан иборат. Гап қонун лойиҳасини халқ муҳокамасига чиқариш тўғрисидаги қарорни ким, қайси орган қабул қилиши, бу ҳақдаги таклифни киритишга кимлар ваколатли эканлиги хусусида бормокда. Масалан, ушбу қонунга кўра, қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига чиқариш ҳақидаги таклифни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар киритиши мумкин. Лойиҳани бундай муҳоқамага чиқариш тўғрисидаги қарорни эса республика парламенти қабул қилишга ҳақли.

Умумхалқ муҳоқамалари ўтказишнинг процессуал жиҳатлари, яъни бу масала бўйича ташаббус кўрсатадиган субъектлар муҳоқама тайинлаш хусусида қарор чиқарадиган мутасадди орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йилдаги Регламентида батафсил белгиланган эди. Бироқ, таассуфки, Олий Мажлис палаталарининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган Регламентларида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳоқамаси масаласи эътибордан четда қолдирилди.

Амалдаги Конституцияда халқ муҳоқамаси ўтказиш ташаббускори бўла оладиган органлар ва шахслар, шунингдек Олий Мажлисининг мазкур масала бўйича қарор қабул қила олиши ваколати белгиланмаган. Бу борадаги тегишли қоидаларни Конституцияга киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Халқ муҳоқамаси институтининг мазмун-моҳиятини, муҳим хусусиятлари ва сифатларини чуқурроқ англаб етиш учун бу ижтимоий воқеликнинг ички механизмини батафсил таҳлил этиш лозим. Муайян ижтимоий ҳодисанинг *механизми* деганда, унинг таркибий тузилиши ва функционал жиҳатларининг бирлигини тушуниш лозим. Механизм қандай қисмлардан иборатлигини изоҳлаш (яъни, унинг тизими, таркибий тузилиши қандайлигини кўрсатиш), бу унинг қандай амалга ошиши, қайси принциплар негизида ҳаракатланишини очиқ бериш деган гап эмас. Бинобарин, механизм қисмлар, элементлардан иборат дейиш — шу элементлар мавжудлигини эътироф этиш, аммо

ҳали уларнинг ҳаракатланиши қай тарзда, қай шаклда намоён бўлишини кўрсатиш эмас¹.

Умумхалқ муҳокамасининг механизми муайян тизим сифатида талкин этилиши мумкин. Ҳар қандай муштарак тизим жараён ёки оқим тарзида кечади². У қандайдир қотиб қолган ва ўзгармас нарса эмас. Бунинг устига, мазкур механизм ижтимоий мазмундаги тизимдир. Бундай тизимлар моддий, процессуал, маънавий ва инсоний йўсиндаги қисмларга эга³.

Умумхалқ муҳокамаси механизми таркибий тузилиши жиҳатидан, фикримизча, қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: умумхалқ муҳокамасини тайинловчи субъект. Бу — амалдаги қонунларга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидир; мазкур муҳоқамада иштирок этувчи субъект — республиканинг бутун халқи; умумхалқ муҳокамасининг ўтказилишини таъминловчи идоралар ва ташкилотлар (давлат идоралари, айниқса Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Кенгаши, сиёсий партиялар ва йирик жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари ва ҳ. к.).

Функционал жиҳатдан эса бу механизм умумхалқ муҳокамаси ўтишининг бутун жараёнини қамраб олади, яъни: ваколатли органларнинг қонун лойиҳаси халқ муҳокамасини тайинлаш, ташкил қилиш, уюштириш ва амалга ошириш ҳамда унинг яқунларини умумлаштиришга қаратилган фаолияти; муҳоқамада иштирок этувчи барча ижтимоий-сиёсий институтлар ва фуқароларнинг фаолияти; муҳоқама соҳиблари ўртасидаги ўзаро алоқалар тизими; ушбу тадбир жараёнида қўлланувчи ташкилий-ҳуқуқий воситалар ва услублар.

Умумхалқ муҳокамаси, табиийки, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, ахборот етказувчи ва бошқа жиҳатлар билан тавсифланади. Албатта, бу муҳим масалани тадқиқ этишга атрофлича (комплекс) ёндашиш зарур. Бирок, ҳозирги ҳолатда унинг барча жиҳатларига батафсил тўхталишимизнинг имкони йўқ. Зотан, умумхалқ муҳокамаси механизмининг бутун мураккаблиги ва серкирралигини

-
- 1 Қаранг: *Казимирчук В. И.* Социологические проблемы действия права//Право и социология. — М., 1973. — С. 69–70.
 - 2 Қаранг: *Славин Б. Ф., Чесноков В. С.* О некоторых общих принципах построения систем//Научное управление обществом. Вып.7. — М., 1973. — С. 277.
 - 3 *Афанасьев В. Г.* Системность и общество. — М., 1980. — С. 263.

тасаввур этиш учун унинг ҳуқуқий ва ижтимоий жихатларига тўх-талишнинг ўзи етарлидир.

Умумхалқ муҳокамасининг *ҳуқуқий механизми* қонунда баён этилган. Унга биноан, қуйидаги элементларни кўрсатиш мумкин.

- а) умумхалқ муҳокамасини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилувчи субъект (Олий Мажлис, унинг палаталари);
- б) умумхалқ муҳокамасини ўтказиш ташаббусини амалга оширувчи субъектлар (Олий Мажлис палаталари, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳ. к.);
- в) муҳоқамада иштирок этувчи субъектлар (халқ оммаси, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, меҳнат жамоалари, бошқа муассасалар);
- г) қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига чиқариш тартиби (матбуотда эълон қилиш);
- д) муҳокамани уюштириш ва амалга ошириш тартиби ва усуллари (жамоаларнинг мажлислари, фуқароларнинг таклиф ва мулоҳазалари битилган мактублари, газета, журналларда, радио ва телевидение орқали муҳокамалар);
- е) муҳоқама яқунларини чиқариш тартиби (таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ва кўриб чиқиш. Қонунга мувофиқ бу парламент палаталарининг кўмиталари, махсус комиссиялар ва ишчи гуруҳлар томонидан амалга оширилади).

Кўриниб турибдики, умумхалқ муҳокамасининг ҳуқуқий механизми анча батафсил ва кетма-кетликда тартибга солинган.

Умумхалқ муҳокамасининг *социал механизми* муҳокаманинг барча босқичларида унинг субъектларининг реал хатти-ҳаракатини, феъл-атворини ёки фаолиятини, таъсир этувчи ижтимоий омилларни ўз ичига олади. Шундан келиб чиқиб, умумхалқ муҳокамасининг социал механизмини қуйидагича тавсиф этиш мумкин:

- а) ваколатли орган томонидан қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига чиқариш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши (бошланғич турткининг берилиши);
- б) қонун лойиҳасининг мазмунини (матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали) муҳоқама иштирокчилари эътиборига етказилиши (ахборотнинг юқоридан пастга тушиши);

- в) муҳокама иштирокчилари томонидан лойиҳанинг ўрганилиши, мушоҳада этилиши, муҳокама килиниши, баҳоланиши ва у бўйича фикр билдирилиши;
- г) муҳокама иштирокчилари таклиф ва мулоҳазаларининг уларни жамловчи ва умумлаштирувчи органларга (давлат ва жамоат органлари, матбуот, ОАВ органлари) хатлар ва мажлис баёнлари орқали етказилиши (ахборотнинг пастдан юқорига чиқиши);
- д) махсус белгиланган давлат органи, парламент палаталари кўмиталари, комиссиялари, ишчи гуруҳлар томонидан таклиф ва мулоҳазаларнинг жамланиши, ўрганиб чиқилиши ва умумхалқ муҳокамаси яқунларининг чиқарилиши.

Кўриб чиқилган механизмда юқоридан — пастга ва пастдан — юқорига алоқалар, яъни ижтимоий боғланиш; муайян ахборот занжири; ижтимоий-ҳуқуқий ва ташкилий-техникавий воситалар ҳамда усуллар; алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар, жамоалар ва умуман жамиятнинг фаоллик даражаси мавжудлигини адоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, юқоридаги механизмнинг ҳар бир қисмида, муҳокама жараёнининг барча босқичларида турлича ижтимоий омиллар ҳаракатланиши ва таъсир кўрсатишини назардан кочирмаслик керак¹.

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси кенг меҳнаткашлар оммасининг мислсиз сиёсий донишмандлиги дорилфунуни бўлди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намоишидир. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизгин ҳамда манфаатли муҳокамаси ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик вазиятида ўтди. Бир сўз билан айтганда, мазкур муҳокама халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатди.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб,

1 Қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Ўзбекистон Республикаси қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 122–124.

умумлаштириб, мужассам давлат иродаси тарзида Асосий қонунда ифодалаш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов ҳақли равишда Конституцияни «халқчил қомус» деб атади. «Унинг лойиҳаси устида, — деди у, — тахминан икки йил давомида ишладик. У икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокама-сидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайкал топди»¹.

Шундай қилиб, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига чиқариш — номигагина ўтказиладиган тадбир эмас. Бу аниқ мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган мазмунан теран демократик институтдир. Халқ муҳокамалари жамият турли қатламларининг қонун лойиҳаси юзасидан ижтимоий фикрини аниқлаш, унинг мазмунини бойитиш, таҳририни яхшилаш, энг муҳими, халқ иродасини шакллантириш ва уни қонунда ифодалашнинг самарали воситасидир².

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг умумхалқ муҳокамаси жараёнида ушбу ҳужжатлар мазмунига ижтимоий эҳтиёжларни акс эттирувчи қоидалар, халқ эътирофи этган ва эъзозлайдиган қадриятлар киритилиши табиий. Фикримизни қуйидаги мисол орқали исботлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси чоғида фуқаролар томонидан шундай ажойиб таклиф киритилди: «Фуқаролар ўз ота-оналарини хурмат қилишлари лозимлиги Конституцияда мустаҳкамланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди». Албатта, халқнинг дилидан отилиб чиққан бу таклиф элимизда азалдан шаклланиб келган теран маъноли маънавий-ахлоқий қадриятдир. У Конституциянинг 66-моддасида қуйидагича ифодаланиб, ниҳоятда муҳим ва ибратли конституциявий-ҳуқуқий қадриятга айланди: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар».

Мазкур конституциявий қоида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ўзининг мантикий ривожини топди: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга мухтож ўз ота-онасига

1 Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. — Т., 1992. — Б. 36–37.

2 Одиқориев Х. Т. Ўзбекистон Республикаси қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 130.

таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди» (Кодекснинг 109-моддаси). Ушбу нормалар мазмунида ўзбек халқининг бой ички маънавий дунёси, саховати ва қадимий маданияти акс этган. Зеро, оналарга, аёлларга чексиз ҳурмат, болажонлик, етимларга мурувват ва уларнинг бошини силаш, меҳр-шафқатлилик, оила мустаҳкамлиги учун ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва соғлом авлод учун масъуллик — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг саҳий қалбини, улугвор салоҳиятли табиатини намоён этувчи фазилатлардир.

В) *референдум* — *халқнинг бевосита ҳуқуқ ижодкорлигининг яқунловчи босқичи*. Бу босқичнинг мазмуни ва маҳсули ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни, қонунларни қабул қилишдан иборатдир. Қонун лойиҳаларини умумхалқ овозига қўйиш орқали қабул қилиш референдум деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Референдум тўғрисида» ги қонунида «референдум» тушунчаси қуйидагича таърифланади: «Ўзбекистон Республикаси Референдуми — давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва ўзга қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида умумхалқ овоз бериши бўлиб, халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириш воситасидир».

Референдумда қабул қилинган қарорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум ўтказиш йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин (1-модда)¹.

Илмий адабиётларда референдум қатъий иродавий ҳодиса сифатида талқин қилинади. Референдум давлатнинг у ёки бу қарорини халқ овози берилиши йўли билан тасдиқланиши, шу орқали унга узил-кесил ва мажбурий характер бахш этилишидир.

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992, № 1. — 37-модда.

Юқорида қонундан келтирилган сатрларда референдум «жамоатчилик фикрини аниқлаш...» деб таърифланган. Бу қоида мантиқан референдумнинг асл моҳиятини ақс эттирмайди. Референдум қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик ёки умумхалқ фикрини билиш эмас, балки айнан қонуннинг халқ овози воситасида расмий тарзда қабул қилинишидир. Умумхалқ фикрини билиш учун эса ваколатли давлат идоралари белгиланган тартибда расмий сўров ўтказиши мумкин. Башарти, сўров қонун лойиҳаси хусусида ўтказилган бўлса, бунда айтилган фикрлар асосида қонун лойиҳасига тегишли тузатишлар киритилиб, қайта таҳрир қилинади. Референдумда эса иккита қатъий аниқ жавобдан бири бўлади: «қонун қабул қилинди» ёки «қонун қабул қилинмади». Агар референдум чоғида қонун қабул қилинмаса, лойиҳа, яна қайта ишланиб, кейинги референдум ҳукмига ҳавола этилади.

Ўзбекистон фуқароларининг референдумда қатнашишлари ихтиёрий бўлиб, иштирок этиш бевоситадир.

Референдумда овоз бериш яширин ўтказилади, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Референдум иштирокчилари тенг бўлиб, ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва битта овозга эга бўлади.

Амалдаги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорни фақат Ўзбекистон Олий Мажлисига қабул қилиш ҳуқуқига эга. Референдум ўтказиш ташаббуси билан Ўзбекистон фуқаролари (талабномада 400 минг нафар фуқаронинг имзоси бўлиши лозим), Республика Олий Мажлиси, Ўзбекистон Президенти, Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимияти олий органи чиқиши мумкин.

Референдумда овоз беришни ташкил этиш, уни ўтказиш тартиби ва овозларни ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролар референдумга киритилган масалага қарши овоз берсалар, савол матнини ўчириб ташлайдилар, аксинча масалани ёқлаб овоз берсалар, савол матнини ўчирмайдилар (Қонуннинг 24-моддаси). Агар референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ярмидан камроғи овоз беришда қатнашган бўлса, референдум ўтказилмаган деб ҳисобланади. Агар референдумда қатнаш-

ган фукарларнинг ярмидан кўпроги референдумга олиб чиқилган масалаларни ёқлаб овоз берган бўлса, бу масала (конун лойиҳаси) қабул қилинган ҳисобланади.

Референдум муҳим демократик институт сифатида ҳозирги кунда ўзбек жамияти ижтимоий-сиёсий ҳаётида беназир аҳамият касб этувчи ҳуқуқий қадриятга айланди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришилганлигини халқ иродаси билан мустаҳкамлаш эҳтиёжи туғилган вазиятда референдум ўтказишга қарор қилинди (1991 й. 18 ноябрь). Шунга мувофиқ, 1991 йил 29 декабрда: «Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?» — мавзусида референдум ўтказилди. Умумхалқ референдумида 9 млн. 898 минг 707 киши ёки сайловчилар рўйхатиغا киритилганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Давлатимизнинг мустақил деб эълон қилинишини ёқлаб 9 млн. 718 минг 155 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди.

1995 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласида референдум ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Президент ва Олий Мажлиснинг сайлов муддатларини ўзаро яқинлаштириш, ислохотларга барқарорлик бахш этишдан иборат эди. Референдумда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11 319 447 нафар фуқародан 11 245 028 нафари ёки 99,3 фоизи қатнашди. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?» деган саволга 11 199 415 нафар фуқаро ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди¹.

2002 йил 27 январда ўтказилган референдум Ўзбекистон халқининг мамлакатда икки палатали парламент тузишга муносабатини аниқлашга бағишланди. Референдум асл мазмунини эркинлаштириш ташкил этувчи демократик ислохотлар даврини кечираётган Ўзбекистон сиёсий тизими учун, юксак тараққиёт марраларини кўзлаётган халқимиз учун катта синов бўлди. Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни аҳолининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий фаоллигини ошириш-

1 Халқ сўзи. — 1995 йил 30 март.

га жиддий туртки бўлди. Умумхалқ овоз бериши Ўзбекистон тарихи учун тақдириломон қарор қабул қилиш, яъни икки палатали парламент тизимига ўтиш ғоясини қувватлаш билан яқунланди.

Референдум давлатчилигимиз ва ҳуқуқий тизимимиз тараққиётида беназир истиқболлар очди. Халқ давлат ҳокимияти органларига, мансабдор шахсларга демократик ислохотлар ўтказиш учун зарур бўлган юксак ишонч билдирди ва уларнинг зиммасига улкан масъулият юкледи. Айтиш мумкинки, референдумнинг бутун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий юридик кучга эга бўлган қарори давлатчилик ривожланишида ва қонун ижодкорлигини фаоллаштириш борасида янги босқични бошлаб берди. Халқимиз референдумга қўйилган масалаларни маъқуллаб, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ислох қилиш борасидаги фаолиятни давом эттириш зарурлигини тасдиқлади. Референдум қарорлари фуқаролик жамияти асосий институтларининг изчил ривожлантирилиши учун зарур бўлган энг муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Референдуми яқунлари бўйича амалга ошириладиган қонунчилик ишларининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрель қарорида шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда демократик давлатчиликнинг асосий институтларини ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ХХI аср бошидаги қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналишлари, шунингдек қонунларни қабул қилиш кетма-кетлиги мустаҳкамланди¹. Мазкур референдумнинг энг муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, *у икки палатали парламент мамлакатимизда реал ҳуқуқий воқеликка, институционал ҳуқуқий қадриятга айланишига йўл очиб берди.*

Референдум халқ қонун ижодкорлигининг яқуний босқичи бўлиб, унинг тасдиғини олган қонун референдум яқунлари эълон қилинган кундан бошлаб юридик кучга ва мажбурий характерга эга бўлади. Шундай қилиб, референдум бевосита демократиянинг энг ёрқин

1 Қаранг: *Одилқориев Х. Т., Тультеев И.* Икки палатали парламент. — Т., 2005. — Б. 17–18.

шаклидир. Демократиянинг мазкур шакли ёрдамида қабул қилинган қонунда халқ иродаси ўзининг бевосита ифодасини топади.

II. *Давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқий қадриятларни ифодалаши.* Ҳуқуқ ижодкорлиги, умумий қоида тариқасида, ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бу ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий, энг кенг тарқалган, аниқ мақсадга йўналтирилган туридир. Давлат органлари ўзларига Конституция ва қонунлар билан берилган ваколат доирасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар. Уларнинг ваколатлари даражаси ва кўлами норматив ҳужжатларнинг юридик кучини, ўзаро мутаносиблик (иерархик) муносабатларини кўрсатиб беради. Давлат органларининг давлат хоқимияти тизимида эгаллаган ўрни ва юридик мақоми улар қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунчилик ҳужжатлари тизимидаги нуфузини белгилайди, десак тўғри бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига кўра, Олий Мажлис қонун (шу жумладан, Конституция ва конституциявий қонунлар) қабул қилади; 94-моддасига кўра, Президент фармон, қарор ва фармойиш қабул қилади; 98-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойиш чиқаради; 100 ва 104-моддаларига биноан, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ҳоқимлар ўз ваколатлари доирасида қарор қабул қиладилар.

Олий Мажлис ҳуқуқ ижодкорлигининг маҳсули қонундир. Қонун чиқариш жараёни ҳуқуқ ижодкорлигидаги асосий шаклларида бири саналади. Қонун ижодкорлиги — мураккаб, масъулиятли фаолият. Руминиялик таниқли ҳуқуқшунос олим Анита Нашиц қонун яратиш жараёни тўғрисида фикр билдиради экан, қуйидагиларни таъкидлайди: «Қонун яратиш — ижтимоий ҳаёт ва инсонлар фаолияти учун ниҳоятда зарур бўлган, фахрли ва ўз навбатида катта куч талаб қиладиган вазифа. Ва баъзан, жамиятдаги энг юксак билимлар ҳам ҳаётнинг минг хил мураккабликларида инсонларга ёруғ йўл кўрсатувчи ҳуқуқни яратиш учун ожизлик қилади»¹.

Қонун ижодкорлик фаолияти — ваколатли давлат вакиллик органининг қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қара-

1 *Нашиц А.* Правотворчество: теория и законодательная техника. — М.: Прогресс, 1974. — С. 256.

тилган ва аник мақсадга йўналтирилган иродавий фаолияти. Мазкур фаолият ижодий жараён бўлиб, бунда халқнинг иродаси аникланади, шакллантирилади, белгиланган тартибда қонун даражасига кўтарилади, расмийлаштирилади, унга юридик шакл берилади. Д. А. Керимовнинг таъкидлашича, қонун ижодкорлиги шунинг учун ҳам ижодий хусусият касб этадики, унда ташқи муҳитдаги ўзгаришлар оддийгина акс эттирилмайди, балки уни чуқур мушоҳада қилиб, норматив-ҳуқуқий қайта ташкил этишнинг мураккаб жараёни намоеён бўлади¹. В. К. Бабаев эса, қонун ижодкорлигини қуйидагича талқин этади: «Қонун ижодкорлиги — давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари норматив ҳужжатларни яратиш борасида амалга оширадиган фаолиятидир»².

Қонун ижодкорлиги жараёни, *биринчидан*, қонунни мазмунан тайёрлашни таъминловчи ўзаро алоқадор институтлар тизимини белгилашдан; *иккинчидан*, халқ иродасини, жамоатчилик фикрини ифодалашнинг қатъий демократик шаклларини мустаҳкамлашдан; *учинчидан*, қонунни яратиш ва қабул қилиш жараёнида давлат ҳокимияти олий вакиллик органи фаолиятининг турли шакллари қўлланилишини акс эттиришдан иборат.

«Қонун ижодкорлиги, — деб изоҳ беради россиялик олим Ю. А. Тихомиров, — қонунларни тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш билан боғлиқ босқичлар ҳамда хатти-харакатларни ифодаловчи қонунчилик жараёнидир»³. Қонун ижодкорлиги босқичларини мунтазам такомиллаштириб, сайқал топтириб бориш ҳамisha ҳуқуқшунослик илми ва ҳуқуқий тизим амалиётининг диққат марказида турадиган масаладир. Чунки айнан шу жараён туфайли *қонун* яратилади. Қонуннинг жамият ҳаётидаги юксак нуфузи, кадр-қиммати табиий равишда уни яратиш билан бевосита боғлиқ жараённинг аҳамиятини бекиёс оширади.

«Қонун ижодкорлиги жараёнида қадриятларни акс эттириши» иборасини ҳуқуқий қадриятларни муайян жараённинг ўзида ҳамда шу жа-

1 Қаранг: Керимов Д. А. Культура и техника законотворчества. — М., 1991. — С. 22// Проблемы общей теории права. — М., 2000. — С. 15–16.

2 Бабаев В. К. Правотворчество//Общая теория права. — Н. Новгород, 1993. — С. 313.

3 Тихомиров Ю. А. Правотворчество//Теория права. — М., 1998. — С. 164.

раён натижасида яратиладиган қонунларда ифодаланиши тарзида тушуниш лозим. Маълумки, қонунларда, уларнинг ҳар бир модда, ҳар бир қисми ва бандида давлатимиз табиати, халқимиз руҳига мос бўлган ўзбекона ҳуқуқий кадриятлар акс эттирилса, албатта, бу қонунлар ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш баробарида жамиятимизнинг келажаги, раънақи ва гуллаб-яшнаши учун салмоқли асос бўлиб хизмат қилади.

Халқнинг руҳи, табиати ва менталитети қонунлар руҳи ҳамда мазмунини белгиловчи асосий омилдир. Ш. Л. Монтескьё таълимотида шундай ғоялар бор: «Қонунлар инсоният тафаккурининг маҳсули бўлиб, барча инсонлар фаолиятини бошқаради»; «ижобий қонунлар уни яратадиган халқнинг табиатини, ҳукуматнинг хусусияти ва принципларини акс эттиради»; «ҳуқуқнинг мазмунига таъсир этувчи омиллар каторига аҳолининг турмуш тарзи, феъл-атвори, халқ руҳиятининг алоҳида хусусиятлари, ахлоқи, маънавияти, одатлари, дини ва бошқалар қиради». Монтескьё ўзининг «Қонунлар руҳи» номли шоҳ асарида ҳуқуқ мазмунига таъсир этувчи ва қонун ижодкорлиги жараёнини белгиловчи омилларни қонунлар руҳи деб атади. Қонун чиқарувчи идоранинг маҳорати ва санъати ана шу омилларни оқилона аниқлаш ва қонунда акс эттиришдан иборат. «Қонун чиқарувчи, аввало, оқилолим, изланувчи, жамиятда амал қилувчи объектив қонуниятларга риоя этади... У ижобий қонунларда жамиятда шаклланган ижтимоий муносабатларни ифода этади»¹.

Қонун чиқарувчининг ижтимоий муносабатларга аралашуви худди жарроҳнинг инсон вужудига аралашувидек фавқулодда ҳолатларда юз бериши мумкин. Ш. Монтескьё таъкидлаганидек. «кимки инсонлар феъл-атвори ва урф-одаглариини ўзгартиришни истаса, уларни қонунлар воситаси билан эмас, чунки бу ўта золимлик бўлур эди, яхшиси ўзга хулқ-атвор ва одатларни жорий қилиш йўли билан ўзгартиргани маъқул»².

Шу боис халқ табиати, ахлоқи ва маънавиятида мустаҳкам қарор топган кадриятларга таяниш, уларни қонунлар мазмунига сингдириш

1 Қаранг: Политико-правовые идеи и институты в их историческом развитии. — М., 1980. — С. 41.

2 Монтескьё Ш. Избранные произведения. — М., 1955. — Б. 416.

уларнинг узок муддат самарали амал қилишининг, ижтимоий муносабатлар муваффақиятли тартибга солинишининг гаровидир.

Қонун ижод этишда ўтмиш аждодларимиз яратган ижобий ҳаётий тажрибага, бой маданий ва маънавий меросга, миллий урф-одат ва анъаналарга ворислик, яъни тарихийлик принципига таяниш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, қонун қабул қилишда ижтимоий адолат принципи устунлик қилиши лозим. Айнан адолатлилик қонун ҳал этаётган муаммони ечишнинг, ижтимоий муносабатни тартибга солишнинг асосий мезони бўлиши керак.

Жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни, айниқса фуқароларнинг ҳуқуқий мавқеига тааллуқли масалаларни фақат қонун шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан мустақкамлаш принципини қўлланиш, қонун чиқарувчи идора томонидан ҳуқуқий (қонунчилик йўли билан) тартибга солишга эҳтиёж мавжудлигини оқилона ҳисобга олишни йўлга қўйиш зарур.

Ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ равишда қонунчиликнинг мунтазам равишда янгилаб борилиши принципини амалга ошириш лозим. Қонунчиликнинг самарали амал қилишини таъминлаш учун уни муттасил системалаштириб, яъни инкорпорация қилиб ва кодекслаштириб бориш керак. Бу қонунчилик ҳужжатлари тизимига батартиблик, уюшқоқлик, мутаносиблик ва динамик ҳаракатланиш сифатларини бағишлайди.

Қонунчилик фаолияти илмийлик принципига қатъий таянмоғи даркор. Қонунчилик жараёни замонавий ҳуқуқ илми ва амалиёти ютуқларига асосланиб амалга оширилиши талаб этилади. Қонунларни шакллантириш ва расмий баён этишда юридик техникани такомиллаштириб бориш ҳам муҳим ўрин тутаети.

Мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимияти — Олий Мажлис, биз юқорида таъкидлагандек, халқимизнинг миллий қадриятларини амалдаги қонун нормаларига сингдиришга тобора катта эътибор қаратиб келмоқда. Бу айниқса, мустақиллик йилларида фаолият юрита бошлаган миллий парламентаризм мактабига хос жиҳатдир. Амалдаги қонунларда халқимиз тарихи, урф-одатлари, миллий қадриятлари тўлиқ акс этган бўлиб, унинг нормаларида миллийлигимизни яққол кўриш мумкин. Масалан, 1998 йил 1 сен-

тябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг биргина «Қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш» деб номланган учинчи бўлимнинг қатор моддалари айнан ўзбекона урф-одатларимизга хос хусусиятларни ўзида му-жассамлаштирган. Шунингдек, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддаларида, уларнинг қабул қилиниши замирида миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни ҳимоя қилиш назарда тутилган. Хусусан, мазкур Кодекснинг «Қабрни таҳқирлаш» деб номланган 134-моддаси, «Аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсиқлик қилиш» деб номланган 136-моддаси, «Виждон эркинлигини бузиш» деб номланган 145-моддаси, «Миллий, иркий ёки диний адоват кўзғатиш» деб номланган 156-моддаси ва бошқа шу каби кўплаб нормалар борки, уларнинг деярли барчасида фақат ўзбекларга хос бўлган бағрикенглик, олижаноблик хислатлари акс этган. Чамаси, бундай нормалар бошқа давлатларнинг жиноят кодексларида деярли учрамаса керак. Буларни ҳақли равишда миллий қонунчилигимизнинг ўзига хос жиҳатлари деб эътироф этиш мумкин¹.

Демак, давлат идораларининг қонун ижодкорлиги жараёнида яратиладиган норматив ҳужжатларда ҳуқуқий тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг маъно-мазмунни, юридик табиати, хусусиятларини, тегишли муаммоли вазиятнинг ҳуқуқий ечимига оид механизмларини, хорижий тажрибани инобатга олиш баробарида халқнинг тарихий тажрибаси, миллий ҳуқуқий мероси, маънавий-ахлоқий менталитети ҳамда жамият эъвозлайдиган ижтимоий қадриятларнинг акс эттирилиши ниҳоятда муҳимдир. Қонун яратиш жараёнида қадриятларни қонун матнига сингдириш, уларни юридик тилда баён этиш (расмийлаштириш) нинг ижтимоий ва юридик механизмларини тадқиқ этиш долзарб вазифа бўлиб, катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

1 Қаранг: *Исмоилов Н. М.* Қонун ижодкорлик фаолиятида миллий қадриятларнинг ўрни//Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш. — Т., 2007. — Б. 16–17.

Миллий кадриятларни аниқлаш, баҳолаш ва қонунчилик ҳужжатлари мазмунига сингдиришда қуйидаги тадбирлар самара бериши мумкин:

- ижтимоий кадриятларнинг мазмуни ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солишдаги самарасини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганишга оид ижтимоий сўровлар ўтказиш;
- қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаларида билдириладиган таклиф ва мулоҳазалар мазмунидан миллий ҳамда бошқа ижтимоий кадриятларни ажратиб олиш ва қонун тилига ўтказиш;
- қонунчилик ташаббуси субъектлари ёрдамида ижтимоий кадриятларни аниқлаш ва уларнинг мақсадга мувофиқлари тайёрланадиган қонун лойиҳалари матнига киритилишига эришиш;
- оммавий ахборот воситалари ёрдамида ижтимоий кадриятларни ўрганиш, муҳокама этиш ҳамда тегишли таклифларнинг қонун чиқарувчи идорага, қонунчилик ташаббуси субъектларига юборилишини йўлга қўйиш;
- сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат ношароит ташкилотлари, миллий-маданий марказлар, маънавият ва маданият соҳасида фаолият юритувчи жамоатчилик фондлари ёрдамида қонунчилик ҳужжатларида мустақамланиши мумкин ва лозим бўлган кадриятларни аниқлаш;
- олимлар ва мутахассислар ёрдамида қонунларимизда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлган кадриятларни аниқлаш, изоҳлаш ва юридик тилда ифодаланишини ташкил этиш.

Юқоридаги таҳлиллар асосида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқий мақом даражасида акс эттирилган кадриятларни эътироф этиш ушбу соҳада эришилган ютуқларни баҳолаш имконини беради.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларда ҳам талайгина кадриятлар ўзининг юридик ифодасини топган. Фикримизни далиллаш учун бир қатор қонунлардан лавҳалар келтирамиз. 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асос-

лари тўғрисида» ги қонун қабул қилиниши чуқур рамзий маънога эга бўлиб, у халқимизнинг мустақиллик борасидаги асрий орзусини рўёбга чиқарган, унинг ғурури ва руҳини тиклаган, қаддини ростлаган, фаровон келажакка ишончини мустаҳкамлаган, ўз тақдирини ўз белгилаш ҳуқуқини таъминлаган, умумбашарий қадриятларга ва демократик принципларга асосланган давлатчилик барпо этишига йўл очган, шу боис оламшумул тарихий аҳамият касб этган *улуғвор ҳуқуқий қадриятдир*.

Мустақилликнинг дастлабки қадамлари билан бирга «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» ги (1991 йил 20 ноябрь) қонун қабул қилинди. Унда «давлат халқ манфаатларини кўзлаб, республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади», — дейилган. Давлат ёшларга оид сиёсатни ўтказишда ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш; миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси; ёшларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш; ёшлар Конституция ва қонунлар доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўлларини эркин танлай олишларига қафолат бериш; ёшларнинг эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлигига эришиш каби эзгу тамойилларга таянади. Ушбу қонун юқорида зикр этилган эътиборли ғоялар билан бирга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг меҳнат қилиш ва таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини қафолатлашга оид қондаларни мустаҳкамлаб, келгуси тараккиётимизга қонуний пойдевор яратишга хизмат қилувчи салмоқли ҳуқуқий қадрият эканлигини эътироф этиш ўринлидир.

1993 йил 7 майда «Соғлом авлод учун орденини таъсис этиш тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилинганлиги ижтимоий-сиёсий ҳаёти-мизга яна бир *муҳим ҳуқуқий қадриятни* олиб кирди. Фарзандлар саломатлиги учун қайғуриш ва улар қамолидан умидворлик ўзбек халқининг болажон табиати, ёш авлод тарбияси учун масъуллик ҳислатлари ифодасидир. Бундай олий мукофотни таъсис этишдан мақсад халқимизнинг қуйидаги қадриятларини қонуний тарзда мустаҳкамлашдир: «оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлод саломатли-

гини мустаҳкамлаш, уни маънавий, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, унга ватанпарварлик туйғусини сингдириш»¹. Мазкур орден ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилиб, салмоқли ютуқларга эришган инсонларни рағбатлантириш учун берилади.

«Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида² ҳам кўплаб эътиборга молик ҳуқуқий қадриятлар ўз ифодасини топган. Жумладан, қонунда фуқаролар соғлиғини сақлашнинг қуйидаги асосий принциплари мустаҳкамланган: соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши; аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши; соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши. Қонуннинг 4-моддасида Ҳукумат «давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боради ва назорат қилади», — деган қонуннинг мустаҳкамланиши давлатнинг инсонпарварлик ғоялари ва қадриятларига содиқлигини кўрсатади. Ушбу қонуннинг аксиологик талқинини янада кучайтиришга қуйидаги қоидалари ҳам хизмат қилади: «Қасал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга» (16-модданинг I-қисми)³; «Ҳар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оилага тааллуқли масалалар, ўзида ижтимоий аҳамиятли касалликлар атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликлар бор-йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муноса-

-
- 1 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1993, № 6. — 257-модда;
 - 2 Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1996, № 9. — 128-модда;
 - 3 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996, № 9. — 128-модда;

батларининг тиббий-руҳий жиҳатлари юзасидан бепул маслаҳатлар олиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш ва текширувдан ўтиш ҳуқуқига эга. Болали оилалар фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга» (18-модданинг 1 ва 2-қисмлари); «Ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болалиқдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламалари, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга» (22-модданинг 1-қисми); «Бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга: тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари лозим» (24-модданинг 1 ва 2-қисмлари). Айниқса, қонуннинг 44-моддасини ўқиганда миллий тарихий маънавий-ахлоқий кадриятларимиз уфуриб турганининг гувоҳи бўламиз: «Шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

- ўзимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлашга;
- кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;
- Букрот, Абу Али ибн Сино сингари улуг табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиламан».

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ги қонунда¹ қуйидаги миллий кадриятлар ҳуқуқий кадрият тарзида мустаҳкамланган: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мус-

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1999, № 5. — 110-модда.

тақил фаолиятидир (1-м.); «Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар» (3-м., 1-к.); «Куйидагилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир: шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши), фуқаролар йиғинининг кенгаши, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, ярашув комиссиялари (7-м.); «Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини: тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади; ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг уй ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади; атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади; гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади; шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади» (10-модда).

Фуқаролар йиғинининг Кенгаши «икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди; бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронаж) ёрдами шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади; мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади; аҳолининг уйларни, ховлилардаги биноларни, ховлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўп-

риклар, кўчалар, йўлчалар, коммунал тармоқларни куриш, қайта куриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда саклаш, тарих ва маданият ёд-горликларини, кабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида катнашишларини ташкил этади. туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадларда ишлатади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказади» (12-модда)¹. Санаб ўтилган барча коидалар жуда муҳим, лекин шулар жумласида ўзбекона урф-одат бўлган «*ҳашарларнинг*» ҳуқуқий қадриятга айлан-тирилганлиги айниқса таҳсинга сазовордир.

«Ноширлик фаолияти тўғрисида» ги қонунда² ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларимизни ўз мазмунига сингдирган муҳим ҳуқуқий коидалар мавжуд. Масалан, қонуннинг 13-моддаси «Имтиёзли нашрлар» деб номланиб, унда шундай инсонпарвар қоида мустаҳкамланган: «Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, фан ва техникага оид адабиёт, норматив маълумотлар, комусий қўлланма ва экспорт учун мўлжалланган матбаа маҳсулотлари, шунингдек, кўзи ожизлар ва ногиронлар учун мўлжалланган нашрлар имтиёзли асосда чоп этилиши, қоғоз ва бошқа ресурслар, шу жумладан, матбаа қуввати билан таъминланиши мумкин».

Матбаа маҳсулотини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чет эл матбаа маҳсулотини олиб кириш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади³.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳужжатлари қаторида Президент фармонлари ва қарорлари алоҳида ўрин тутади. Президент давлат бошлиғи сифатида республика ҳудудида мажбурий тарзда амал қилувчи фармонлар чиқаради. Президентнинг давлат механизмида тутган юқори нуфузли ўрни фармонларнинг мамлакат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари орасидаги мавқеи ва ролини белгилаб беради. Фармонлар Президентнинг конституциявий ваколатларини амалга ошириш мақсадида

1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари. — 1999. № 21. — Б. 120–121.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996. № 9. — 137-м.

3 Ўзбекистоннинг янги қонунлари. — Т.. 1996. № 14. — Б. 130.

чиқарилади¹. Аксарият мамлакатлар конституцияси ва юридик адабиётида Президент давлат органи сифатида талкин этилади. Шу боис унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат органлари яратадиган ҳуқуқий ҳужжатлар иерархиясида ўз юридик кучига мувофиқ мақомга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Давлат ҳокимияти органлари ташкил этилиши» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидан кейин мустаҳкамланган. Айни вақтда, амалиётда ва ҳуқуқий адабиётларда талкин этилишича, конституцияда мустаҳкамланган ваколатлари мазмунига кўра, Президент мамлакатдаги энг олий мартабали мансабдор шахс ҳисобланади. Демак, Президент ҳам давлат органи, ҳам олий мансабдор шахс сифатида ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятини амалга оширади.

Мазкур ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентини юқори давлат органи сифатида таърифлаб, унинг давлат бошлиғи деган конституциявий мақомидан келиб чиқиб, қабул қиладиган фармонларида ҳуқуқий кадриятларнинг мустаҳкамланиши масаласига эътибор қаратамиз. Асарнинг кейинги ўринларида Президент олий мансабдор шахс сифатида қабул қиладиган қарорларида ҳуқуқий кадриятларнинг ифодаланишига тўхталамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартда қабул қилинган «Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони биз таҳлил этаётган мавзуда ибратли ҳужжатлардан биридир. Унда шундай қоида мустаҳкамланган: «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш манфаатларини кўзлаб болали оилаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтириш, ёш авлодни камол топтириш ва тарбиялаш учун шароитлар яратиш мақсадида: 1996 йил 1 апрелдан бошлаб бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун ҳар ойлик нафақалар миқдорлари кўпайтирилсин ва улар энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоиз миқдорида белгилансин»². Ушбу фармоннинг номи ҳам, келтирилган қоида ҳам муҳим ҳуқуқий кадриятдир.

1 Багафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х.Т.* Президент фармонларининг ҳуқуқий табиати//Ҳаёт ва қонун. — 1994, № 4. — Б. 13–19.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995–1999). Т. 4. — Т., 2000 — Б. 59.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 мартда қабул қилинган фармони билан мамлакат ижтимоий-сиёсий тизимида «Тадбиркорлар палатаси» деган институционал-ҳуқуқий кадрият таъсис этилганлиги расмийлаштирилди. Фармонда таъкидланганидек, «кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, мулкдорлар синфини жадал шакллантириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида: Ўзбекистон тадбиркорлари уюшмасининг ўз негизида жойларда ҳудудий бўлинмалари бўлган Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Белгилаб қўйилсинки, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш асосида амалга оширувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Палата тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган, аъзолиги шарт бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини шартнома асосида бирлаштиради»¹.

Президент фармони асосида таъсис этилган яна бир муҳим институционал-ҳуқуқий кадриятни эътироф этиш мумкин. Давлат бошлиғининг 1996 йил 5 апрелдаги фармонида мувофиқ, мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон концерт ижодий жамоаларининг истакларини эътиборга олиб:

- «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил қилинсин²;
- Бирлашма Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб қилиш билан шуғулланади;

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995–1999). Т. 4. — Т., 2000. — Б. 62.

2 Ўша жойда. — Б. 69.

- иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларини, мақсадли, комплекс, маданий, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш, амалга оширади;
- хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиради¹.

Ўзбекона миллий тўй-ҳашамлар, маросимлар ва маърака тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ кадриятларимизнинг сақлаб қолинишига хизмат қилган, уларга замонавий маърифий мазмун ва ҳуқуқий тус бахш этган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги фармони алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг кадр-қиммати, нуфузи юксаклиги боис фармон матнидан батафсилроқ иқтибос келтиришни лозим топдик:

«Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай хунук одатларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истикомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда. оддий одамларнинг нафсониятларига тегмоқда, уларни адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда. Ўтганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтакетган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-русумларимизга путур етказиш, муқаддас анъаналаримизни обрўсизлантиришга олиб келмоқда.

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995–1999). Т. 4. — Т., 2000. — Б. 69.

Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобакага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда. Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда халқимиз табиатига ёт бундай хунук ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш тавсия этилсин;

б) муқаддас динимиз, кадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оmmasига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

2. Оммавий ахборот воситалари мазкур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий анъаналарни кенг тарғиб қилсин, миллий кадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўскинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 ноябрдаги «Имом ал — Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ги фармони азалий маънавий кадриятларимизни тиклаш, бой ҳуқуқий меъросимизга ҳурмат ва ундан фахрланиш туйғуларини ривожлантиришга хизмат қилаётгани шубҳасиз. Ушбу ҳужжатда қуйидаги эзгу ниятлар ифодаланиб, жамғармани муҳим маърифий ва ҳуқуқий кадриятга айлантирди. Фармонда таъкидланишича, жамғармага тушган маблағлар қуйидаги мақсадларга:

- Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, уни кенг тарғиб қилиш, алломанинг шахси билан боғлиқ маданий ва тарихий ашёларни қидириб топиш ва тўплаш мақсадида илмий ва амалий экспедициялар ташкил этишга;
- Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёратгоҳга айланттириш, унинг муқаддас кадамжоларига маҳаллий ва хорижлик фуқароларнинг зиёратларини уюштиришга;

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995–1999). Т. 4. — Т., 2000. — Б. 235–236.

- муҳаддис ижодига мансуб барча турдаги асарлар ва манбаларни излаш, жамлаш ва уларни чоп этишга;
- миллий кадриятларимизни ўзида мужассам этган қадимий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилишга;
- Имом ал-Бухорийнинг маънавий-маърифий ва бошқа йўналишдаги асарларини халқ, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга;
- миллий одоб-ахлоқ анъаналарига, урф-одатларга, умуминсоний кадриятларга асосланган ёшлар руҳиятига мос таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда мутафаккир асарларидан унумли фойдаланиб, кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш, бадиий, илмий-оммабоп фильмлар яратиш, адабиётлар, кўргазмалар воситалар ва бошқаларни нашр этишга йўналтирилсин¹.

Халқимизнинг азалий маънавий-маърифий кадриятларини қайта тиклаш, унинг бой меросини асраш ҳамда келгуси авлодларга етказиш ишига қўшилган катта ҳисса сифатида Президентнинг «Ибн Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ги (1999 йил 6 январь) фармони² мурожаат этиш ўринли бўларди. Унда, жумладан, мамлакатда тиббий-ижтимоий хайрия ташкилотларини, нуронийлар учун геронтология (гериатрия) марказларини очиш ва Ибн Сино таълимоти ҳамда замонавий тиббиёт илму фани асосида Шарқ табобатини (халқ табобатини) ривожлантириб бориш каби гоёлар ҳамда халқчил кадриятлар ҳуқуқий мазмун касб этиб, тегишли расмий юридик асосга эга бўлганлиги диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 мартдаги «“Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвонини белгилаш тўғрисида» ги фармони³ ҳам миллий кадриятларимизга ҳуқуқий тус беришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда бахшичи-

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари (1995–1999). Т. 4. — Т., 2000. — Б. 243.

2 Ўша жойда. Б. 259–261.

3 Ўша жойда. Т. 5. Б. 15–16.

лик санъатини янада ривожлантириш, миллий кадриятларимизни эъозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса, ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд қилишдаги салмоқли ҳиссалари ҳамда Ватан истиклоли ва шон-шаарафини улуғлаш йўлида меҳнат қилган, саъй фаолият юритган инсонларни рағбатлантириш назарда тутилган.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти йилларида «*инсон ҳуқуқлари*» олий кадриятга айлангани эътиборли ҳолдир. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «*Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида*» ги фармони¹ бу ҳуқуқий кадриятни қўшимча мустаҳкамлаш ва нуфузини янада оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Фармонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар умумлаштирилиб, уларга муносиб баҳо берилди. Барча давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш вазифаси белгиланди. Мухим бир кадрият сифатида 2008 йил 10 декабрда юртимиздаги барча мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртларида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси юбилейига бағишланган *умуммиллий дарс* ўтказиш белгиланди. Эндиликда бундай дарслар ҳуқуқий анъанага айланди.

Мамлакат Президентининг фармони билан 2007 йил февралдан эътиборан халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари таъсис этилиб, улар *институционал-ҳуқуқий кадрият* сифатида расмийлаштирилди².

Фуқаролар ижтимоий ҳимояси ҳуқуқий кадрият даражасига кўтарилишида Асосий қонун билан бир қаторда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Президент қарори ва «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш-

1 Халқ сўзи. — 2008 йил 2 май.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмни такомиллаштириш тўғрисида» ги фармони//Халқ сўзи. — 2007 йил 27 февраль.

га оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони¹ муҳим роль ўйнагани айти ҳақиқатдир. Фармоннинг қуйидаги сатрлари алоҳида эътиборга молик: «Кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида: болали эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан: ижтимоий адолат, ҳолислик ва ошқоралик тамойилларига қатъий амал қилиш; кўсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимандаликка йўл қўймаслик, оилалар даромади ва мол-мулкни ҳар томонлама ҳисобга олиш; ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади»².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармони³ билан вилоят, шаҳар ва туманларда «*Пенсия жамғармаси бўлинмалари*» дек маҳаллий аҳамиятга молик янги *институционал-ҳуқуқий қадрият* жорий этилди.

Ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширувчи идоралар сирасида Ҳуқумат — Вазирлар Маҳкамаси ўзининг ҳуқуқий ҳужжатлар яратишда сермаҳсуллиги билан ажралиб туради. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширганлиги боис Ўзбекистон қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлаш йўлида кенг қўламдаги ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти билан шуғулланади. Табиийки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздан, ҳуқуқий онгимиздан ўрин эгаллаётган

1 Халқ сўзи. — 2007 йил 20 март.

2 Постда. — 2007 йил 31 март.

3 Халқ сўзи. — 2009 йил 31 декабрь.

хукукий кадриятларнинг муайян қисми Ҳукуматнинг норматив-хукукий ҳужжатлари матнида мустаҳкамланади.

Мисолларга мурожаат этайлик. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги қарори¹ илм-фан, маърифат соҳасидаги азалий халқ мероси ва кадриятларини тиклашга бағишланган. Қарор мақсади «жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг бой илмий меросини ҳар томонлама ўрганиш, ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига чуқур ҳурмат туйғусини камол топтиришдан иборат». Мазкур тарихий-маърифий меросга Ҳукумат қарори даражасида эътибор қаратилиши, шубҳасиз, уни *юксак маънавий-хукукий кадриятга* айлантирди. Бошқача айтганда, у *давлат эътироф этган кадриятга* айланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 апрелдаги қарори билан «хусусий тиббий муассасалар» лицензиялаш орқали хукукий мақомга эга бўладиган бўлди². Айтиш мумкинки, шу орқали турмушимизга яна бир янги институционал-хукукий кадрият кириб келди. «*Оилавий шифокор*», «*оилавий поликлиника*» каби институтлар хукукий расмийлашув орқали ҳаётга йўл олди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги (2007 йил 29 ноябрь) қарори³ ҳам халқимизнинг болапарвар ва етимпарвар саховатли табиатига ҳос маънавий кадриятларни ифодалашга, уларга хукукий мазмун бахш этишга йўналтирилган ҳужжатдир.

Мамлакатда бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топаётган ҳозирги шароитда пайдо бўлган янги хукукий институт — *итотека ўзига ҳос молиявий мазмундаги хукукий кадриятдир*. Ўзбекистон Респуб-

1 Халқ сўзи. — 2004 йил 10 ноябрь.

2 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. — 2008. № 4. — 13-модда.

3 Ўша жойда. № 11. 67-модда.

ликасининг «Ипотека тўғрисида» ги қонуни, Президентнинг ««Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» даги ПҚ — 1083-сонли 2009 йил 30 март қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» (2009 йил 25 май, 148-сон) қарор қабул қилди¹. Ушбу ҳужжатда Хукумат «ипотека кредити», «ипотека тўғрисидаги шартнома», «ипотека», «қурилиш — уй-жой омонат қўйилмаси», «яқка тартибдаги уй-жой», «имтиёзли давр» каби янги ҳуқуқий тушунча-қадриятлар мустаҳкамланиб, истеъмолга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори² ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш борасида ҳамда оилалар бюджет даромадларини кўпайтиришнинг, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишнинг ва халқ хунармандчилигининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолишнинг энг самарали воситаларидан бири сифатида «*оилавий тадбиркорлик*» ва хунармандчиликни янада ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Мавзуга оид тасдиқланган Низомда «оилавий тадбиркорлик», «оила аъзолари», «хунармандчилик» нинг таърифи, маъно-мазмунни тавсифланиб, улар *ҳуқуқий қадрият* мақомига эга бўлди.

Хукуматнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид қарорлари қанчалик халқчил бўлса, аҳолини ташвишлантирувчи муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган, умумбашарий ва миллий қадриятларга, урф-одат ҳамда анъаналарга таянган бўлса, шунчалик самарали

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2009, № 22 — 259-модда.

2 Ўша жойда. № 30–31. 347-модда.

амал қилади, тегишли ижтимоий муносабатларни мақсадли ва манфаатли ҳуқуқий тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қила олади. Ана шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 мартдаги «Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қароридир. У халқимизнинг меҳр-шафқатли ва мурувватли табиатига тамомила мос қарор бўлиб, давлат ва жамият мададига, кўмагига мухтож инсонларга тиббий, ҳуқуқий, моддий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш масалаларини комплекс ҳал этади. Қарорда «*ногиронни реабилитация қилиши*», «*тиббий реабилитация қилиши*», «*ижтимоий реабилитация қилиши*» каби ижтимоий-ҳуқуқий кадриятлар ўз ифодаси ва таърифини топган. Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури — ногирон учун реабилитация қилишнинг мақбул чора-тадбирлари комплекси, улар ногирон организмнинг, шунингдек меҳнат фаолиятининг муайян турларини бажариш қобилиятининг бузилган ёки йўқолган функцияларини тиклашга, компенсация қилишга йўналтирилган тиббий, касб бўйича, ижтимоий ва бошқа реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширишнинг айрим турлари, шакллари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади¹. Ногиронни ижтимоий реабилитация қилиш — РЯТД нинг реабилитация қилиш чора-тадбирлари, улар ногироннинг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш, мўлжал олиш, муомала қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, ўқиш ва бошқа қобилиятини тиклашга йўналтирилган ижтимоий муҳит бўйича мўлжал олдириш ва ижтимоий-маиший мослашувдан иборат бўлади².

Ҳуқумат қарорларида ўз юридик тасдиғини топиб, ҳаётимизга кирган ва ундан мустаҳкам ўрин олган ҳуқуқий кадриятлар қаторида «*электрон рақамли имзо*», «*электрон ҳуқумат*», «*хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати*», «*zironet*» кабиларни ҳам эътироф этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, маҳаллий халқ депутатлари кенгашларининг ҳуқуқ ижодкорлиги

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2009, № 13. — 140-модда.

2 Ўша жойда. № 13. 140-модда.

фаолияти натижасида яратиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам кўплаб ҳуқуқий кадриятлар ўзининг юридик тасдиғи, расмий мустаҳкамланишига эга бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази 2009 йил 1 майда Ҳукуматнинг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» ги қарорига мувофиқ «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларини ўтказиш ва халқаро фан олимпиадалари иштирокчиларини танлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори қабул қилгани фикримизни қувватловчи далиллардан биридир. Қарор мамлакатимиз келажагига хизмат қилувчи *«иқтидорли ёшларни тарбиялаш, аниқлаш ва рағбатлантириш»* дек кадриятни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирди. Унда белгиланишича:

- «1. Қуйидагилар ўқувчи ёшлар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказишнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади:
 - а) ўқувчи ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён қилиш;
 - б) ўқувчиларда ўзлари танлаган фанлар ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишларини ошириш;
 - в) ўқувчиларнинг келажакдаги касбларини тўғри танлашига кўмаклашиш.
2. Фан олимпиадаларининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:
 - а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги қонунлари ҳамда ушбу Низом талаблари асосида таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг замонавий талаблар даражасида бўлишни таъминлаш, фан ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш, қобилиятли ва истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш ҳамда тарбиялашга қаратилган ижодий изланишлари ва меҳнатини рўёбга чиқариш;
 - б) қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, рағбатлантириш ва камолотга етказиш жараёнида таълим муассасаси, ота-оналар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини кучайтириш;

в) фан олимпиадаларининг ғолиблари орасидан халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ўқувчиларни аниқлаш»¹.

III. *Ҳуқуқ ижодкорлигининг яна бир тури мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидир.* Ушбу жараёнда ҳам халқнинг хоши-ирода-си ва манфаатларини ҳисобга олиш, ҳар бир яратилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фуқаролар учун муҳим бўлган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мужассамлигини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатига эга бўлган *мансабдор шахслар* сирасига: Президент, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери, Сенатнинг Раиси, Бош вазир, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ҳамда барча даражадаги ҳокимларни киритиш мумкин. Юқорида зикр этилган мансабдор шахслар қонунларда белгиланган ваколатларига асосланган ҳолда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш билан шуғулланадилар.

Президент И. А. Каримов мансабдор шахслар ва уларнинг фаолияти тўғрисида фикр билдирар экан қуйидагиларни таъкидлайди: «Ҳар қайси раҳбар шунинг учун раҳбар қилиб қўйилганки — сайланганки, у атрофида юрганларга нисбатан чуқурроқ билиш ва узоқроқ кўриш қобилияти ва тажрибасига эга бўлиши керак»². Раҳбар ходим доимо халқнинг дарди билан яшаши лозим. Албатта, халқнинг орасидан чиқиб, уларнинг муайян гуруҳларига бошчилик қиладиган шахслар фуқароларнинг манфаатларини уйғунлаштирган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошириши лозим.

Бизга маълум мамлакатимиздаги энг юқори мартабали мансабдор шахс — Ўзбекистон Республикасининг Президентидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасида Президентга ҳуқуқ ижодкорлиги ваколати берилган. Унга асосан: «Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2009, № 23. — 266-модда.

2 Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т. 12. — Т., 2004. — Б. 178.

худудиди мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

Юқорида Президентнинг давлат бошлиғи, давлат органи сифатида чиқарадиган фармонларида ҳуқуқий кадриятларнинг мустаҳкамланишига жонли мисоллар келтирдик. Навбатдаги таҳлилларимиз Президент мансабдор шахс сифатида қабул қиладиган қарорларда ҳуқуқий кадриятлар ифодаланиши масаласига бағишланади. 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти «“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилиб, жамиятда барқарор ижтимоий муҳофаза тизимини шакллантиришга оид бир қатор ҳуқуқий кадриятларни мустаҳкамлади. *«Самарали ижтимоий ҳимоя тизими», «жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик, меҳр-шафқат муҳитини яратиш», «аҳолининг муҳтож тоифалари, кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатиш», «“Соғлом она — соғлом бола” ҳаракатини рағбатлантириш», «“Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйлариининг моддий-техника базасини кучайтириш», «ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш»* каби миллий, маънавий-ахлоқий кадриятлар қарорда ўзининг ҳуқуқий талқинини топди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги «2007–2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» ги қарорининг номидан ҳам қандай инсоний эзгу кадриятларга ҳуқуқий мақом берилаётгани кўриниб турибди. Мазкур қарорда тегишли вазирлик ва ҳокимликларга ҳар йили инвестиция ва бюджетни шакллантиришда, ёлғиз фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга, ижтимоий таъминот тизимидаги объектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга, кексалар ва ногиронларнинг уй-интернатларини жиҳозлашга зарур капитал қўйилмалар лимити ва маблағларини кенг жалб этиш вазифаси юклатилди².

1 Халқ сўзи. — 2007 йил 24 январь.

2 Халқ сўзи. — 2006 йил 7 сентябрь.

2007 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорида *«ёш оилаларга имтиёзли кредит», «истеъмолад кредитни бериш ҳуқуқий механизмини соддалаштириш»* каби қатор қадриятлар ўз ифодасини топди¹. Бу қадриятларнинг амалда жорий этилиши ёш оилаларнинг ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ҳамда ёшларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга пухта замин яратиши тайин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори² (2008 йил 23 июнь) *«суд қонунчилигини демократлаштириш»* ҳодисаси алоҳида ҳуқуқий қадрият сифатида эътироф этилди. Шунингдек, *«суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази»* тимсолида янги *институционал-ҳуқуқий қадрият* шакллантирилди.

Ҳуқуқ ижодкорлигини амалга оширувчи конституциявий субъектлардан бири Бош вазирдир. Конституциянинг 98-моддасига мувофиқ Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини имзолайди. Шунингдек, лавозимли шахс сифатида Ҳукумат фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ фармойишлар қабул қилади.

Парламент палаталарининг раислари ҳам ўз ваколатлари доирасида тегишли фармойишлар чиқарадилар. Табиийки, ушбу ҳужжатларда ҳам муайян ҳуқуқий қадриятлар ривожлантирилади.

Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги сирасида вазирлар ва давлат қўмиталари раисларининг *буйруқлари* ҳам муносиб ўрин тутади. Улар ҳам жамиятимизда шаклланаётган ҳуқуқий қадриятларни мустаҳкамлаш ёки аввал қарор топиб, тоталитар тузум таъсири туфайли унитилаётган қадриятларни қайта тиклаш борасида муҳим роль ўйнайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иж-

1 Халқ сўзи. — 2007 йил 19 май.

2 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008, № 26–27. — 248-модда.

тимой муҳофаза қилиш вазирининг «Гидромеханизация ишларида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» ги буйруғида¹ (2009 йил 24 июнь) меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бора-сида қорхоналардаги ички назоратнинг турлари сифатида «*мутасадди мансабдор шахснинг тезкор назорати*», «*маъмурий-жамоатчилик назорати*», «*бош мутахассислар назорати*» каби ҳуқуқий институтлар жорий этилган. Айтиш мумкинки, ушбу институтлар қорхоналар микёсида инсонлар меҳнатини муҳофаза этишга бевосита хизмат қилувчи муҳим локал ҳуқуқий кадриятлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 3 июлда қабул қилинган буйруғи билан «Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисида низом» тасдиқланган². Низомда суғурталовчи (қайта суғурталовчи) инвестиция фаолияти объектлари сифатида қуйидаги воқеликлар ҳуқуқий кадрият даражасида расмийлаштирилди: «*депозит сертификатлари*», «*хорижий давлат қимматли қозғозлари*», «*диверсификация*» (маблағлар ва улардан олинган даромадлар таксимланиши), «*инвестиция фаолияти*», «*Давсуғуртаназорат*» инспекцияси, «*суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти*» ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги ва «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 2009 йил 27 мартдаги буйруқлари³ ҳам қатор ҳуқуқий кадриятларни юридик жиҳатдан расмийлаштиришга хизмат қилди. Мазкур низомларда ма-лакали адвокатлар тайёрлаш мақсадида устоз-шогирд аъёналарини давом эттириб, «*мутасадди адвокат*», «*стажёр адвокат*», «*ёрдамчи адвокат*», «*адвокат ёрдамчиси*» деган ҳуқуқий институтлар жорий этилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи мансабдор шахслар қаторига Қорақалпоғистон Республикаси парламенти раиси, Ва-

1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2009, № 30–31. — 352-модда.

2 Ўша жойда. 2008. № 29. 340-модда.

3 Ўша жойда. 2009. № 13. 152-модда.

зирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳам кирадилар. Табиийки, улар қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатларда, аввало, Конституция, қонунлар, Президент фармон (қарор) лари, Ҳукумат қарорларида мустаҳкамланган (ифода этилган) ҳуқуқий кадриятлар ўз эъгиروفини, имплементациясини, янада ривожланишини топади ва аниқ ижтимоий муносабатларга яқинлаштирилади. Аксарият ҳолларда маҳаллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида ҳуқуқий кадриятлар ҳаётга бевосита жорий этилади.

Хулоса сифатида айтганда, ҳуқуқ ижодкорлигининг барча турларида, барча босқичларида, ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида юзага келувчи нормаларнинг таркибида умуминсоний ҳамда миллий ҳуқуқий кадрият ва тамойилларнинг намоён бўлиши: *биринчидан*, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектларининг фаолиятига ижобий баҳо беришга асос бўлади; *иккинчидан*, ҳуқуқ ижодкорлиги натижасида юзага келган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг барча турлари мазмуни ва сифатига ижобий таъсир этади; *учинчидан*, фуқаролар онгида ҳуқуққа, қонунларга ҳурмат руҳини шаклланишига асос бўлади; *тўртинчидан*, ҳуқуқий тизимнинг фаол амал қилиши таъминланади ва жамиятимизнинг ўз олдига қўйган буюк мақсади — ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

§2.4. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида кадриятларнинг ақс этиши

Ҳуқуқни қўллаш — ҳуқуқий тизимнинг зарурий элементларидан бири. Ҳуқуқни қўллаш жараёни ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятининг узвий давомидир. Ҳуқуқий тизимнинг асоси бўлмиш ҳуқуқ нормаларини яратиш, яъни ижодкорлик фаолияти қанчалик зарур ҳисобланса, яратилган нормаларни амалда қўллаш ҳам шунчалик муҳимдир. Ҳуқуқ нормалари ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан қўлланилади, ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳуқуқни қўллашда самарага эришишнинг бош омили турли ижтимоий гуруҳлар, шу жумладан, халқ, жамият, фуқаролар, давлат ва бошқа ҳуқуқ субъектларининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият олиб боришдир. Бу, ўз навбатида, ҳу-

қукни қўллаш жараёнида миллий ўзига хослик, давлатнинг салоҳияти, жамият тараққиёти, халқ менталитети, фуқаролар турмуш тарзи ва улар амал қиладиган маънавий-ахлоқий фазилатлар, урф-одатлар, анъаналар ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятларни инобатга олиш лозимлигини англатади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида кадриятларни акс эттириш, уларга таяниш нафақат ҳуқуқни қўллашни, балки бунинг натижасида ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмлари ўртасида юзага келувчи уйғун ҳаракатлар хусусиятини тасаввур этиш имконини беради. Ҳуқуқни қўллаш тўғрисида фикр юритганда, унинг ташкилий жиҳати ҳисобланган «ҳуқуқни татбиқ этиш» масаласига эътибор қаратиш мантиқан тўғри ҳисобланади. *Ҳуқуқни татбиқ этиш* — ҳуқуқни амалга ошириш шаклларида бири, давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва қафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши ҳамда уларни кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга жорий этишдир¹. Ҳуқуқ принциплари ва нормалари ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳаётга татбиқ этилгандагина жамият ва инсонлар манфаатига хизмат қилувчи кадриятга айланади. Демак, ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ваколатли субъектлар томонидан амалга оширилиши ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятига мос ҳаракатини ифодалайди. Ҳуқуқни татбиқ этиш ҳуқуқ тизимининг жамият ҳаётига фаол таъсирини ифодаловчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳуқуқни татбиқ этиш қонунчилик ҳужжатларидаги давлат амри-иродасини, ҳуқуқий талаб ва кўрсатмаларни жамият ҳаётига жорий этишда ифодаланади.

Ҳуқуқий тизимнинг икки муҳим жиҳати бўлмиш ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни татбиқ этиш жараёнлари орасидаги узвийлик асосида, энг аввало, уларнинг функционал жиҳатдан бир — бирини тақозо этиши ётади. Ҳуқуқни қўллаш жараёнининг бирламчи босқичи муайян ҳаракатга (вазиятга) баҳо бериш ва тартибга солишга мос келадиган нормани аниқлаш ҳисобланса, ҳуқуқ нормаларини, қонунларни амалиётга жорий этиш бу жараённинг иккинчи босқичидир.

1 Батафсил маълумот учун қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси/Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. — Т., 2000. — Б. 328.

Конунлар амалда ўз ижросини топсагина, том маънода ўз функциясини бажарган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек. «конун қабул қилиш — бу ишнинг ярми, холос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган конунларнинг кундалиқ турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим»¹.

Ҳуқуқни яратиш ва татбиқ этиш илмий асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур фаолият ижтимоий ҳаёт, ҳуқ-атворнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, психологик ва бошқа жиҳатларини комплекс тарзда эътиборга олишни тақозо этади. Ҳуқуқни яратиш ва татбиқ этиш жараёнига таъсир этувчи ижтимоий омиллар мажмуаси, ҳар иккала босқич учун умумий бўлган ҳуқуқий тараққиёт омиллари тизимини ташкил этади. Шу билан бирга, ҳуқуқ ижод этиш фаолиятида ҳамда ҳуқуқни татбиқ этиш механизми (тузилиши) да муайян хусусиятларга эга бўлган омилларни ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳуқуқни амалга оширишнинг қуйидаги тўрт шакли мавжуд:

- 1) ҳуқуқ нормасига риоя қилиш;
- 2) ҳуқуқ нормаси талабларини бажариш;
- 3) ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланган имкониятлардан фойдаланиш;
- 4) ҳуқуқ нормасини қўллаш.

Ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш — бу ҳуқуқ номаларида белгиланган талабларга бўйсунуш, итоат этиш ва ҳуқуқ нормалари ман этган ҳаракатларни содир этмасликдан иборат; ҳуқуқ нормаси талабларини *бажариш* — ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ нормасидаги мажбуриятларни фаол ҳаракатлар билан бажариш, ижро этиш; ҳуқуқ нормаларидан *фойдаланиш* — ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар катнашчиларининг тегишли нормаларда назарда тутилган ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиши; ҳуқуқ нормаларини *қўллаш* эса — ҳуқуқни амалга ошириш-

1 Каримов И. А. Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови. — Т., 1998. — Б. 7.

нинг алоҳида шакли бўлиб, бунда ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар ҳуқуқ нормаларига асосланиб, индивидуал қарорни тайёрлаш ва қабул қилиш билан боғлиқ ҳокимият мазмунига эга фаолиятни амалга оширадilar.

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқни амалга оширишнинг мазкур тўрт шаклини ажратиб эъгироф этадилар¹. Баъзи ҳуқуқшунос олимлар юқорида санаб ўтилган дастлабки уч шаклни тан олган ҳолда, тўртинчи шакл — ҳуқуқни қўллашни уни амалга оширишнинг махсус шакли деб ёки умуман татбиқ этиш механизмига тааллуқли эмас, деб ҳисоблайдилар².

Ҳуқуқни қўллаш мустақил институт сифатида майдонга чиқиб, ҳуқуқни жорий этиш механизмининг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади. Фикримизча, ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқни амалга оширишнинг алоҳида шакли ҳисобланади ва, ўз навбатида, бу жараён тегишли давлат органлари ёки мутасадди мансабдор шахсларнинг ҳуқуқни татбиқ этишга жалб этилишини талаб этади.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий қадриятларнинг ифодаланиши масаласига келганда, аввало, «ҳуқуқни қўллаш» тушунчасига оидинлик киритиш лозим. Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда, «ҳуқуқни қўллаш ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик механизмида давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг муайян муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва тўхтатилишига йўналтирилган махсус қарорлар қабул қилиш мақсадида амалга ошириладиган ҳукми (муаллиф, ҳокимият мазмунига эга, демокчи — Х. О.) фаолият сифатида намоён бўлади»³, — деган таъкид мавжуд.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллашга аник ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига нисбатан ҳуқуқий нормаларни асослантирилган тарзда татбиқ этиш бўйича давлат томонидан амалга оширилади-

-
- 1 Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси/Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одиқориев. — Т., 2000. — Б. 329; *Исламов З. М.* Общество. Государство. Право. — Т., 2001. — С. 571; Теория государства и права: Схемы и комментарии. — М., 2000. — С. 68; Юридик энциклопедия/Профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001. — Б. 654.
 - 2 Қаранг: *Марченко М. Н.* Теория государства и права в вопросах и ответах. — М., 2001. — С. 156.
 - 3 *Исламов З. М.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси. — Т., 2007. — Б. 811.

ган мураккаб, масъулиятли ҳуқуқий ва ташкилий фаолият сифатида қаралади¹.

Ҳуқуқни амалга ошириш жараёнини ҳуқуқни қўллаш шаклисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Айнан ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш, уларни бажариш, риоя этиш ва ҳуқуқни қўллаш шаклларининг бир бутунлиги, ўзаро боғлиқлиги орқали ҳуқуқни амалга ошириш механизми фаолият кўрсатади, ҳаракатда бўлади.

Ҳуқуқни қўллаш — ҳуқуқий нормаларни амалга оширишнинг шакли сифатида куйидаги хусусиятларга эга.

Адабиётларда ҳуқуқий нормаларни қўллашнинг турли қирраларига урғу берилиб, уларнинг хусусиятлари кўрсатиб ўтилади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий нормаларни қўллаш, ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилиши; у муҳим давлат фаолияти эканлиги; махсус белгиланган процессуал шаклларда амалга оширилиши; аниқ ҳаётий масала бўйича юридик қарор чиқариш билан яқунланиши тўғрисида ягона тўхтамга келганлар.

Ҳуқуқий нормани қўллаш мураккаб жараён сифатида бир қанча *босқичларда* амалга оширилади. Ҳуқуқни қўллаш асосан куйидаги уч босқичдан иборат: а) ишнинг фактик томонини аниқлаш ва ўрганиш; б) ишнинг ҳуқуқий асосини аниқлаш, яъни «кўрилаётган юридик ишга мос келадиган ҳуқуқ нормасини топиш, уни таҳлил қилиш»; в) кўрилаётган иш бўйича қарор қабул қилиш ва уни расмийлаштириш².

Шу билан бирга, мутахассислар ҳуқуқни қўллашнинг мазкур уч босқичини тўлиқ тан олган ҳолда, яна бир босқични қўшимча қилишни тавсия этадилар. Бунда баъзи олимлар ҳуқуқни қўллашнинг тўртинчи босқичи сифатида қабул қилинган қарорни манфаатдор давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар эътиборига етказишни тушунсалар³, бошқа тадқиқотчилар, бу босқич, ҳуқуқий

- 1 Қаранг: *Марченко М. Н.* Теория государства и права в вопросах и ответах. — М., 2001. — С. 156.
- 2 Қаранг: *Общая теория права и государства*//Под ред. В. В. Лазарева. — М., 1996. — С. 211; *Давлат ва ҳуқуқ назарияси*//Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилокориев — Т., 2000. — Б. 331;
- 3 Қаранг: *Марченко М. Н.* Теория государства и права в вопросах и ответах. — М., 2001. — С. 159.

нормаларни қўллаш бўйича қабул қилинган қарорларни амалга оширишдан иборат, деб таъкидлайдилар¹.

Ҳуқуқни амалга ошириш жараёни баъзан давлат органларининг иштирокисиз ҳам рўёбга чиқади. Ҳуқуқ субъектлари ўзларига қонун томонидан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланган ҳолда ихтиёрий, ҳеч қандай мажбурловсиз, ўзаро келишган ҳолда муносабатларга киришадилар. Бу ҳолда улар ҳуқуқ нормаларига риоя этган бўладилар.

Баъзи вазиятларда ҳуқуқни амалга оширишда давлатнинг аралашуви лозим бўлади, чунки бусиз ҳуқуқни татбиқ этиш мумкин бўлмай қолади. Бунайд ҳолатларда ҳуқуқий муносабат иштирокчиларидан бири албатта давлат органи бўлади. Мазкур тоифа ҳуқуқий муносабатлар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин: аҳолидан солиқ ва маҳаллий йиғимларни ундириш, ҳарбий хизматга чақириш, фуқароларнинг нафақа олиш ҳуқуқини амалга ошириш, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларни очиш ва бартараф этиш учун тегишли ташкилий ва ҳуқуқий чораларни белгилаш ва ҳ. к.

Мамлакатимизда субъектларидан бири давлат органи бўлган ҳуқуқий муносабатлар мазмуни ҳам тобора демократлашмоқда. Уларнинг амалга оширилишида миллий кадриятларимиз таъсири изчил ортиб бормоқда. Масалан, ҳарбий хизматга чақириладиган фуқаролар захираси (мобилизация резерв) таркибини аниқлашда маҳаллалар бевосита иштирок этади. Солиқ ва йиғимларни йиғишда давлат идоралари тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боради, аҳоли уларни ихтиёрий тўлайди, маҳаллалар эса бу борада мутасадди давлат органларига кўмаклашадилар. Сўнгги йилларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам маҳаллалар фаоллик кўрсатиб, бу ишга жиддий ижобий ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳуқуқни қўллашга қуйидаги белги-хусусиятлар хосдир:

- ҳуқуқ нормасини қўллаш ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
- аниқ шахсларга нисбатан йўналтирилади;

1 Каранг: *Тихомиров Ю. А.* Закон в системе нормативных актов//Проблемы законоотворчества в Российской Федерации. — М., 1993. — С. 7.

- муайян ҳуқуқий оқибатларни — субъектив ҳуқуқ, юридик мажбурият, жавобгарликларни ўрнатишга йўналтирилади;
- махсус белгиланган процессуал тартибда амалга оширилади;
- индивидуал характерга эга бўлган қарор чиқариш билан якунланади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари, одатда, ҳуқуқни ишлаб чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш вазифаларини ҳам бажарадилар. Уларнинг айримлари, масалан, умумий судлар, хўжалик судлари ҳуқуқни ҳимоя қилишни фақат ҳуқуқни қўллаш орқали амалга оширадилар. Бошқалари эса, жумладан, ички ишлар органлари, прокуратура ўз вазифаларини асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш шаклида бажарадилар, ваҳоланки, бунда ҳуқуқни қўллаш улар фаолиятининг анчагина қисмини ташкил этади. Фикримизга ички ишлар органларининг маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича ҳуқуқни қўллаш фаолияти мисол бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни қўлловчи субъект ҳуқуқни (қонунни) амалга оширишнинг йўналишига фақат қуйидаги ҳоллардагина аралашади: *биринчидан*, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларнинг бор ёки йўқлиги аниқлашда, низо келиб чиққан тақдирда, унинг чорасини белгилашда; *иккинчидан*, кимнингдир ҳуқуқ ёки мажбуриятларининг амалда бўлиш вақти ёки тамом бўлишини аниқлаш зарурати туғилганда; *учинчидан*, ҳуқуққа эга бўлиш ва мажбуриятлар юклашнинг тўғрилигини қонунда кўрсатилган доирада назорат қилиш зарурати келиб чиққанда.

Мазкур вазиятлардан биринчиси алоҳида ҳолат ҳисобланиб, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир қилганлик учун жазо белгилашни назарда тутлади. Бунда ҳуқуқни қўллаш субъектларининг вазифалари таъсир кўрсатиш, ҳуқуқий нормаларни бажаришга ундаш ва жавобгарликни белгилашдан иборат. Ушбу фаолият билан мамлакатимизда асосан суд, прокуратура, ички ишлар идоралари, солиқ идораси, божхона ходимлари шуғулланадилар. Улар ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга нисбатан жазо чорасини назарда тутган ҳуқуқий акт, яъни ҳуқуқни қўллаш ҳужжатини чиқарадилар.

Ҳуқуқни қўллаш босқичлари қуйидагича тавсиф этилади:

Биринчи босқичда кўрилаётган ишнинг фактик томони ўрганилади, тегишли ҳуқуқ нормаси аниқланади, яъни содир бўлган воқеа

билан батафсил танишилади. Ушбу ҳолат учун ҳуқуқ нормасини қўллаш лозимми ёки ижтимоий нормаларнинг бошқа тури ёрдамида ишни ҳал этса бўладими; умуман олганда, иш ҳуқуқий тартибга солиш учун тегишлими, деган саволларга жавоб топилади. Албатта, буни аниқлаш учун амалдаги қонунларни мукамал билиш талаб этилади, чунки қонунларда қайси ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормаси ёрдамида тартибга солиниши тўғрисидаги қоидалар, изоҳлар ўз аксини топади.

Масалан, бир жиноят иши тўғрисида ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига хабар келиб тушди, дейлик. Воқеа жойига етиб борган ходимнинг биринчи вазифаси ҳақиқатан ҳам жиноий ҳаракат содир этилдими, яъни бу ҳолат юзасидан ҳуқуқ (жиноят кодекси моддаси) ни қўллашга эҳтиёж борми ёки содир этилган ҳаракат бошқа тарздаги ҳуқуқбузарликми, бунга нисбатан бошқа ҳуқуқ соҳаси нормасини (масалан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс моддасини) қўллаш лозимми ёки, аксинча, ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноят ҳодисаси мавжуд эмаслиги боис ҳуқуқ нормасини қўллаш эҳтиёжи йўқми, деган саволларга жавоб беришдан иборат. Бунда у, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик таркиби борлигини билиши муҳим. Сабаби, башарти, жиноят таркиби элементлари (объект; объектив томон; субъект; субъектив томон) нинг бири мавжуд бўлмаса ҳам бу ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди ва ўз ўзидан жиноят ҳуқуқи нормасини қўллаш мумкин бўлмайди. Худди шу қоида маъмурий ва бошқа ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқлидир.

Агар иш ўз мазмунига кўра юридик характерга эга бўлса, унинг асл (фактик) ҳолатлари, масалан, жиноят ҳодисаси содир этилган бўлса, уни содир этган шахс, жиноятнинг содир этилиш вақти, жойи, усули, қуроли, жиноят туфайли келиб чиққан зарарли оқибат, унга нисбатан субъектив муносабат, яъни қасд ёки эҳтиётсизлик каби ҳолатлар аниқланади. Буни аниқлашда унга далиллар (воқеа жойидан олинган излар, буюмлар, нарсалар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, эксперт ҳулосаси, кўздан кечириш жараёнида топилган бошқа далилий ашёлар) ёрдам беради.

Иккинчи босқич ҳақиқатан ҳам кўрилаётган юридик иш ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши аниқланганидан сўнг бошла-

нади ва бу жараёнда воқеа ёки ҳодисага мос келадиган ҳуқуқ нормаси топилди, у таҳлил қилинади (шарҳланади) ва норма амалда жорий этилади. Бу боскич ҳуқуқ нормаси фаолиятининг, ҳаракатининг бошланиш боскичи ҳисобланади. Масалан, жиноят содир этилган жойда олиб борилган кўздан кечириш тергов ҳаракати, гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида маълум бўлишича, муайян кимматликдаги буюм талон-тарож этилган, дейлик. Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида белгиланган иқтисодий соҳадаги жиноятлардан бири содир этилгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Бу ерда ЖК нинг 164-моддаси (боскинчилик); 169 (ўғрилик); 166 (талончилик); 168 (фирибгарлик) ва бошқа моддаларидан бири содир этилган бўлиши мумкин. Жиноят ҳодисаси айнан қайси моддага мос келишини аниқлаш (квалификация қилиш) бу боскичда амалга ошириладиган асосий вазифадир.

Аниқланган асл (фактик) ҳолатни квалификация қилишнинг моҳияти шундаки, бунда муаммони ҳал этиш учун айнан зарур бўлган ҳуқуқ нормасини излаб топиш ва танлаш лозим бўлади. Ҳуқуқ нормаси топилганидан сўнг, унинг ушбу ҳолатга мос келиш-келмаслиги (гипотизаси), маъно-мазмунини (диспозицияси), жазо акс эттирилган қисми (санкцияси) чуқур таҳлил этилади ва, ўз навбатида, мазкур норма бугун кучда эканлигига эътибор қаратиш лозим. Бу ҳуқуқни қўлловчи субъектдан чуқур ҳуқуқий билим ва амалий тажрибани талаб этади.

Учинчи боскичда кўрилатган юридик иш бўйича юридик кучга эга бўлган тегишли қарор, яъни ҳуқуқни қўллаш ҳужжати чиқарилади. Бу боскичда ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга бўлган субъект, давлат органи, давлат ташкилоти, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга мансабдор шахс томонидан қарор қабул қилиниши ёки ҳуқуқни қўллаш ҳужжати чиқарилади. Қарор чиқариш вақтида мазкур қарорнинг ҳал этилаётган юридик иш бўйича танланган ҳуқуқ нормаси барча таркибий қисмларининг талабларига мос келиш-келмаслиги эътиборга олинishi лозим.

Кўрилатган иш бўйича қарор қабул қилишнинг қуйидаги икки жиҳатини эътироф этиш мумкин: *биринчидан*, бу ақлий фаолият бўлиб, иш бўйича тўпланган далилларни баҳолаш асосида бўлиб ўтган воқеа тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишни, уни юридик баҳолашни, то-

монлар, шу жумладан, айбдор учун юридик оқибатларини, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айбдорнинг жавобгарлик даражасини белгилаш кабиларни қамраб олади; *иккинчидан*, бу иш бўйича қабул қилинган ҳужжат — ҳуқуқни қўллаш актнинг чиқарилишини назарда тутати. Бу ҳужжатда юридик ишни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган аклий фаолиятнинг натижаси ўз ифодасини топиб, унда муайян шахс учун юридик оқибат келиб чиқиши масаласи ўз аксини топади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, *ҳуқуқни қўллаш ҳужжати* — муайян юридик иш бўйича ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан ҳуқуқ нормалари доирасида юридик иш (воқеа, ҳодиса) иштирокчиси бўлган аниқ шахс ёки шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ёки уларнинг юридик жавобгарлик масаласини белгилловчи ҳамда юридик фактга асосланиб чиқарилган ҳуқуқий ҳужжат (қарор, ажрим, ҳукм ва ҳ. к.) дир.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари қуйидаги хусусиятларга эга:

- улар давлат-ҳокимият характерига эга, чунки ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан чиқарилади;
- қонунларни амалга ошириш мақсадида, уларга асосланган ҳолда чиқарилади;
- қатъий индивидуаллашган бўлиб, аниқ шахслар ва ҳодисаларга қаратилади;
- уларнинг бажарилиши давлат мажбурлов кучи билан таъминланади;
- бир маротаба қўлланилади ва шу билан ўз кучини йўқотади.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати юқорида баён этилганлардан ташқари муайян талабларга ҳам жавоб бериши, яъни:

- унда юридик ишнинг аниқ ҳолати батафсил акс этган бўлиши;
- у квалификация қилинаётган ҳуқуқ нормасининг шарҳига мос келиши ва унга асосланиши;
- қисқа, лўнда ва аниқ маъноли бўлиши;
- унда воқеа содир этилган ва баҳоланаётган шароит, вақт аниқ кўрсатилиши лозим.

Ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ишнинг қай даражада қонуний ва ҳолис ҳал этилганлигини билдириш баробарида ҳуқуқий тизимнинг ўзига ҳослигини ҳам кўрсатади.

Хукукни қўллаш жараёнида кадриятларни акс эттириш мураккаб масала ҳисобланади ва, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш субъекти (давлат органи ёки мансабдор шахс) дан юкори даражадаги ҳуқуқий билим, малака ва ҳаётий тажрибани талаб қилади, чунки юридик ишга дахлдор барча масалалар ҳуқуқни қўллаш ҳужжатида ўз аксини топади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳулоса қилиш мумкинки, ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий кадриятлар аксарият ҳолларда ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари мазмунида ифодаланади.

Хуқуқни қўллаш амалиётида, айниқса одил судлов амалиётида қарор топиб, турмушимизга сингиб бораётган ниҳоятда муҳим демократик кадриятлардан бири фуқаронинг (шахсининг) *айбсизлик презумпцияси принциpidир*.

Инсоният тараққиёти ва қонунчилик ривожини тарихида *айбсизлик презумпцияси* инсон шахсини таҳқирлашдан, қонунсиз жавобгарликка тортилишидан муҳофазалаш қафолатларини вужудга келтириш ғояси тарзида илк бор 1789 йилги Франция «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» да, сўнгра Франциянинг 1791 йилдаги Конституциясида юридик тасдиғини топган эди. Мазкур принцип 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» да ўзининг халқаро-ҳуқуқий кадрият сифатидаги эътирофини топди:

«1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас» (11-модда).

Унинг анча мукамал таърифи «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт» да (1966 йил 16 декабрь) баён этилган: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир кимса унинг айби қонунга мувофиқ тарзда исботлангунга қадар айбсиз деб ҳисобланади».

Айбсизлик презумпцияси — юридик жавобгарликка жалб этилаётган фуқаронинг айбсизлиги эҳтимолидир. Бу принципга кўра, гумон

килинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги конунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва конуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар улар айбсиз ҳисобланадилар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас, яъни у бунга мажбур эмас. Мазкур вазифа суд ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар зиммасига юкланади. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органлар шахсни юридик жавобгарликка тортиш бўйича якуний ҳулоса чиқаришдан олдин унинг айбдорлигини исботловчи ишончли далилларни тўплашлари лозим. Агар бунинг уддасидан чиқилмаса, ушбу презумпцияга мувофиқ шахс айбсиз ҳисобланади ва жавобгарликдан озод этилади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Фуқаронинг айбсизлик презумпцияси — шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (26-модда) айбсизлик презумпцияси ўзининг ифодасини топган бўлиб, унда жумладан, шундай дейилади: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда конуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади...»

Бу масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган: «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги конунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва конуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади».

Айбсизлик презумпцияси воқеликнинг ҳуқуқий ҳолатидир. Унга асосланиб жиноят содир этганликда айбдорликни исботлаш мумкин ҳамда суд айблов ҳукми чиқарган ва айнан шу шахсни айбдор деб топ-

ган, унинг жиноят ишидаги айби тўпланган далиллар билан исботланган, шунингдек бу шахснинг жиноий жавобгарликка асосли тарзда ва адолатли равишда тортилганлиги жиноят иштирокчиларида шубҳа уйғотмаган тақдирдагина шахс айбдор деб топилиши мумкин.

Айбсизлик презумпцияси принципидан куйидаги талаб келиб чиқди: айбланувчининг айби исботланмаса, демак, унинг айбсизлиги исботланганлиги тан олиними керак.

Айбсизлик презумпцияси айбланувчининг айби тўлиқ, равшан ва шубҳасиз аниқланишини талаб этади. Агар ушбу талаб бажарилмаса, яъни айбланувчининг айби далиллар билан аниқ ва тўлиқ исботланмаса, суднинг бу шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб ҳисоблаш керак бўлган ҳукми адолатсиз, ушбу шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини чекловчи бўлади¹.

Айбсизлик презумпцияси жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлаш кафолати ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 4-моддаси иккинчи қисмида ҳеч ким суднинг ҳукми чиқарилмай туриб, жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга ҳилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу қоидада айбсизлик презумпцияси моҳиятининг икки жиҳати очиб берилган: *биринчиси* — жиноятнинг муайян тарқибини белгилаш ва шахснинг жиноят содир этганликда икром бўлишини қонунга аниқ рия қилган ҳолда амалга ошириш; *иккинчиси* — шахс фақат суднинг айблов ҳулосасига биноан айбдор деб топилиши ва қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий чора ёки жазога тортилиши мумкин. Демак, шахснинг айбдорлигини белгилаш учун фақат исботлаш тартиб-қоидаларига рия қилишнинг ўзи камлик қилади, шу сабабли жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари етарлича мавжуд бўлиши талаб этилади.

Шахснинг ҳаракатларида Жиноят кодексига назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий ҳавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади.

1 Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси/Б. А. Миренский, А. Х. Раҳмонкулов, Ж. Камалходжаев, В. В. Қодирова. — Т., 2004. — Б. 69–70.

Юридик жавобгарлик ва қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради: акли норасолик, зарурий мудофаа, охириги зарурат, ижтимоий хавфлилик даражаси бўлмаган ҳуқуқбузарликлар содир этиш ва ҳоказо. Шу ўринда ургу бериб ўтиш лозимки, «зарурий мудофаа» чегарасида хатти-ҳаракат қилиш, қилмиш ёки ҳаракатнинг «охириги зарурат» сифатида амалга оширилганлиги шахсни жавобгарликдан озод этувчи асослар сифатида инсонпарвар ҳуқуқий кадриятлар деб баҳолашни мумкин.

Юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа турларини фарқлаш катта назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга. У шахс ва жамят манфаатларини ҳимоя қилиш учун таъсир ўтказишнинг мақсадга мувофиқ ва қонуний воситасини танлаш имконини беради.

Шундай қилиб, фуқаронинг айбсизлиги презумпцияси ўзбошимчалик, зўравонлик, ғайриқонуний босим ўтказиш ва қонунийлик бузилишининг олдини олувчи муҳим кафолатдир. Айбсизлик презумпцияси принципини барча давлат идоралари, мансабдор шахслар фаолиятига, тергов ва суд амалиётига жорий этиш сиёсий тизимни модернизациялаш ҳамда суд-ҳуқуқий ислохотларнинг ўзагини ташкил этмоғи лозим. Мазкур ҳуқуқий кадриятни ижтимоий-ҳуқуқий онга собитқадамлик билан сингдириш ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий-маърифий жиҳатдан ниҳоятда долзарб вазифадир.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида юқоридаги принципни жорий этиш мақсадида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар тўлкинида яна бир ҳуқуқий кадрият — *далиллар мақбуллиги* институти устувор эътирофга молик бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми судларнинг қонунларни қўллаш амалиётини таҳлил этиш асосида 2004 йил 24 сентябрда «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Судлар фаолиятида қонунларни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов юритиш ва уни судда кўриш даврида жиноят-процессуал қонуннинг далиллар ва исбот қилишга оид нормаларига асосан риоя этилмоқда. Шу билан бирга, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далилларни тўплаш,

текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қонун талабларини бузиш ҳоллари ҳали тўла барҳам топмаган.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, улар томонидан Конституция ва Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя этилиши ва бажаралишини таъминлаш мақсадида, Олий суд Пленуми махсус қарор билан суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутади.

Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилардан иборат:

- далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;
- фактга оид маълумотлар фақат қонунда қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;
- далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;
- далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Судларга далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлиши тушунтирилди.

Тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли номақбул деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланилиши мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликни ҳолислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолларда эса, терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса).

Иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан айблов ҳулосаси ва ҳукмда номақбул далилларга асосланиш мумкин эмас. Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чи-

қариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади.

Ишни мазмунан кўриш пайтида ҳар бир инстанция суди, тарафларнинг илтимосномаси билан чиқарилган далилни мақбул деб топиш тўғрисидаги масалани қайта муҳокама этиши мумкин.

Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб бориш, шунингдек, суд муҳокамаси даврида жиноят-процессуал қонуннинг исбот қилишнинг умумий шартларига оид талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текширишлари ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳоллари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари, зарур ҳолларда эса, Жиноят кодексининг мансабдорлик жиноятлари ёки одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари шарт.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарали, ихчам ва содда бўлиши учун қонун чиқарувчи идора томонидан қатор чоралар кўрилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси 2003 йил 12 декабрда Фуқаролик процессуал кодексга «Буйруқ тартибида иш юритиш» деган институтни киритди¹. Бу ҳуқуқни қўллаш амалиётида пайдо бўлган *янги ҳуқуқий қадриятнинг* мазмуни қуйидагича:

Қарзни ундириш масалаларида томонлар ўртасидаги низони судлов жараёнини ташкил этмасдан (яъни, ўтказмасдан) мақсадга эришиш мумкин бўлган ҳолларда иш соддалаштирилган, яъни *судьянинг буйруғини* чиқариш билангина ҳал этилади. Суд жараёнини тўлақонли ташкил қилиш кўплаб иштирокчиларни жалб этиш, вақт ва маблағ билан боғлиқ ҳодиса эканлиги барчага аён. «Суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир. Суд буйруғи ҳужжати ижро кучига эга» бўлиб, у уч кунлик муддатда чиқарилади (ЖПК нинг 238²-моддаси).

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2004, № 1–2. — 18-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми 2006 йил 3 февралда «Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» деган қарор қабул қилди¹. Унда мазкур ҳуқуқий институтни амалга оширишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ва унинг самарадорлигини ошириш механизмлари яратилди. Пленум қарорида, хусусан, қуйидагилар таъкидланди: «Суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб Ўзбекистон Республикаси ФПК нинг 145-моддасида белгиланган судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидаларига амал қилинган ҳолда судга берилади. Шу билан биргаликда вояга етмаган фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги талаб ундирувчи яшаётган жойдаги судга, ижро қилиш жойи кўрсатилган нотариал тасдиқланган битимга асосланган талаб ушбу талаб бажарилиши лозим бўлган жойдаги судга тақдим қилиниши ҳам мумкин.

Суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади. Бунда фуқаролик процессуал қонун талабига кўра суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризининг шакли ва мазмунига қўйилган талаблар даъво аризага қўйилган талабларга ўхшаш.

Фуқаро соғлиғи, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, прокурор фуқаро манфаати юзасидан суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Оила қонунчилиги талабига кўра, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги талаб, ота-оналарнинг бири ёки ҳар иккаласидан, бошқа ота-оналар, фарзандликка олувчи, боланинг васий ёки ҳомийи ёхуд болаларни тарбиялаш муассасаси маъмурияти томонидан ҳам берилиши мумкинлиги сабабли, улар ҳам суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Судья Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238¹-моддасида кўрсатилган талаблар бўйича фақатгина ушбу талаб ҳужжат асосида тасдиқланган ҳамда талаб юзасидан қарздор томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда суд буйруғи чиқариши мумкин.

1 Куч адолатда. — 2006 йил 8 февраль.

Мазкур институтнинг суд ҳокимияти самарадорлигини оширишдаги ва суд ишини соддалаштиришдаги аҳамиятини инобатга олиб, судларга суд буйруғи чиқариш амалиётини мунтазам равишда умумлаштириб бориш тавсия қилинди».

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўзининг 2008 йил 12 декабрдаги қарори билан аввалги қарорнинг 10-бандини қуйидаги хатбоши билан тўлдирди: «Агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, унга қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, аниқ яшаш манзили, қарз миқдори кўрсатилган, қарздор ва коммунал хизмат идорасининг ваколатли ходими томонидан имзоланиб, коммунал идоранинг муҳри билан тасдиқланган маълумотнома илова қилиниши шарт.

Ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинганда унга қарздорлик миқдори аниқ кўрсатилган ва иш берувчи томонидан тасдиқланган маълумот илова қилиниши шарт.

Судларнинг эътибори, коммунал хизматлар тўлови бўйича қарз ундириш ҳамда ходимга тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаблар юзасидан суд буйруғи чиқариш орқали ортикча харажат, иш вақти ҳамда турли сансоларликларнинг олдини олишга қаратилсин»¹.

Ҳуқуқни, қонунни қўллашда иштирок этувчи барча субъектларнинг — судлар, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, божхона, солиқ, ички ишлар органлари, муассаса, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг тегишли фаолиятини бирлаштирадиган *умумий қадрият* — *қонун устуворлиги* ва *қонунийликни (ижтимоий адолатни)* таъминлашдир. Албатта, санаб ўтилган субъектларнинг амалий фаолиятини таҳлил этиш кўплаб мустақил тадқиқотларга мавзу бўлиши мумкин бўлиб, мазкур тадқиқотимиз доирасидан анча кенгдир. Ушбу ўринда биз ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг фаолиятида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати масаласига тўхталамиз. Айнан прокурор назорати қонунни (ҳуқуқни) қўллаш жа-

1 Куч адолатда. — 2009 йил 28 январь.

раёнида Конституция ва қонунлар устуворлигини, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш қарорларидан бири саналади. Прокурор назоратининг ягона ва асосий мақсади барча жабҳада қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Ана шу мақсадга эришиш юзасидан мамлакат Бош прокурори бутун прокуратура тизимининг ишини ташкил этади, мунтазам равишда тегишли буйруқлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғида прокурорларнинг эътибори қуйидагиларга қаратилган:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда *судга даъво (ариза) бериш ҳуқуқидан* кенг фойдаланиш;
- бу ваколатни, айниқса, фуқароларнинг меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликка оид ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилишга йўналтириш;
- буйруқда соғлиғи, ёши (вояга етмаганлар, қариялар) ёки бошқа сабабларга кўра суд орқали ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг манфаатини кўзлаб судга даъво (ариза) тақдим этиш прокурорнинг вазифаси эканлигига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 17 февралда қабул қилинган «Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини тубдан яхшилаш тўғрисида» ги 40-сонли буйруғи ҳам фикримизга яққол далил бўлади. Мазкур буйруқдан қуйидаги иқтибосларни келтирамиз: «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан қарорланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда улар-

1 Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами. — Т., 2006. — Б. 325–326.

ни ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилиш мамлакатимизнинг ҳуқуқий сиёсати негизини ташкил этади.

Республикамизда изчиллик билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади — умум эътироф этилган кадриятларни ҳурмат қилиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашдир.

Жиноят ишларини юритиш чоғида мутасадди давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларга тўлиқ амал қилиниши ҳамда шахснинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси, жиноят процессининг бошқа инсонпарварлик принципларига риоя этилиши устидан самарали ва таъсирчан назорат таъминлансин.

Фуқароларни жиноят содир этганликда гумон қилиб ушлашнинг асослари ва қонунийлиги ҳар ўн кунда камида бир маротаба текшириб борилсин. Шахснинг қонунга зид равишда ёки заруриятсиз ушлангани аниқланган тақдирда, уни зудлик билан озод қилиш чоралари кўрилсин.

Вояга етмаганлар, аёллар ҳамда унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораларини қўллашда, уларнинг шахси, оилавий шароити, жиноят оқибатларини бартараф этганликлари, қилмишларидан пушаймонликлари, муқаддам судланмаганликлари ҳолатлари инобатга олинсин.

Жиноят процессида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши юзасидан прокурор назоратини таъминлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийноқ ва бошқа тазйиқларга қарши кураш борасида” ги Конвенцияси ва бу борадаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларининг бажарилишига қатъий амал қилинсин.

Суриштирув ва тергов жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан инсон кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар, қийнаш, қўрқитиш, тан жароҳатлари етказиш ва бошқа тазйиқлар қилганлиги, суриштирув ва терговдан норозилиги, ноқонуний тинтув ва олиб қўйиш ҳаракати ўтказилганлиги, қонунга ҳилоф равишда ушланиб, қамоққа олинганлиги, ҳимоя ҳуқуқи бузилганлиги

хамда қонунга мувофиқ бўлмаган хатти-ҳаракатлар тўғрисида фукарлар мурожаатларининг ҳал этилиши алоҳида назоратга олинсин»¹.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий кадриятлар намоён бўлишини мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодаси ҳисобланган *ярашув институтининг* жорий этилганлигида ҳам кўриш мумкин. Жиноят ишларини ярашув асосида кўриб чиқиш — демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш даврида жиноят ҳуқуқини либераллаштиришнинг кўринишларидан ва, айни вақтда, жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалга оширишнинг самарали шакллари билан бирдир.

Ярашув институтининг қўлланишига оид статистик маълумотлар ушбу асосда тугатилаётган ишлар сони йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини тасдиқламоқда. «Чунончи, 2002 йилдан 2006 йилгача бу кўрсаткич 43,48% га ошди. 2006 йилда 12 605 нафар шахсга нисбатан 11 503 та жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилди. Ўрта ҳисобда бу кўрсаткич 17,96% га ўсиб бораётганлиги аниқланди»². Ушбу институт амалиётга жорий этилганига кўп бўлмаган бўлса-да, 100 мингга яқин шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиб, «судланган» деган номни кўтариб юриш мажбуриятидан халос бўлди. Демак, ярашув институтининг жорий этилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг бир кўриниши сифатида фукарларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу ўзига хос ўзбекона кадриятнинг амалий ҳаётдаги муфассал ифодасидир.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида кадриятларнинг акс эттирилишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан амалга кiritилган ўлим жазосининг бекор қилинишини ҳам мисол қилиб келтириш жоиздир. Мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланди. Ушбу жараён-

1 Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами. — Т., 2006. — Б. 437–443.

2 *Муродов Б. Б.* Дастлабки терговда жиноят ишини тугатиш масалалари. — Т., 2007. — Б. 45.

нинг ўзи ҳам, уни амалга ошириш тартиби ҳам, унинг ҳуқуқий асоси ҳам муҳим ҳуқуқий қадриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонининг кадр-киммати шундаки, у мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асоси ва негизини ўзида акс эттиради. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва унга асосланган ҳолда яратилган Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти олий қадрият эканлиги таъкидланган. Ушбу фармоннинг эълон қилиниши инсон ҳуқуқларига оид нормалар ва Конституцияни қўллашнинг ёрқин кўринишидир. Навбатдаги муҳим вазифалардан бири мазкур фармон ижросини таъминлашдир. «... Ушбу муҳим соҳадаги ислохотлар, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва инсонпарварлик руҳида олиб борилишини ҳамда инсонлар онгида демократик қадриятлар тобора мустаҳкамланишини инобатга олган ҳолда изчиллик билан амалга ошириб борилиши лозим»¹, — деб кайд этилади фармонда.

Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари И. А. Каримов ўзининг 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталари кўшма мажлисида сўзлаган маърузасида, — халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани, албатта, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада амалга оширилган бир қатор ишлар Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилганлигини исботлайди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги киёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Польшада 5 та, Бельгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун

1 Халқ сўзи. — 2005 йил 2 август.

тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас¹.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқий кадриятларнинг акс эттирилиши ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги фаол таъсирини кўрсатади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётига миллий ва умуминсоний ҳуқуқий кадриятларнинг жорий этилиши бу жараённи янги босқичга кўтаради ва, айни вақтда, миллий ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари муштараклигини, узвий алоқадорликда ҳаракатланишини таъминлайди.

1 *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 21.

ХУҚУҚНИНГ ИДЕАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИДА

Кишилик жамияти тараққиётининг устувор мақсадлари, эзгу интилишлари, маънавий-ғоявий қадриятлари бўлиши табиий ҳолат. Фуқаролик жамиятининг эзгу ният-интилишлари ижтимоий адолат, тенглик ва эркинлик каби воқеликлар билан чамбарчас боғлиқ ҳуқуқий идеалларда мужассамлашади. Ҳақиқат, адолат, қонун устуворлиги, демократик бошқарув сингари ҳуқуқий идеаллар жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий тафаккурида, ижтимоий-ҳуқуқий мафкурада ўз инъикосини топиб, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Реал ҳаётда ҳуқуқий ғоялар ҳамда идеаллар норматив тарзда расмийлаштирилган ҳуқуқий принциплар сифатида намоён бўлади.

Ҳуқуқнинг жамият ҳаётида ўз амалини топиб, ижтимоий муносабатларнинг мазмунига сингиши, уларни меъёрий тартибга солишида ифодаланадиган ижтимоий манфаатли вазифани бажариши унинг функционал жиҳатини ифода этади. Нафақат ҳуқуқнинг, балки бутун ҳуқуқий тизимнинг функционал жиҳатларини тадқиқ этиши ниҳоятда долзарб масала бўлиб, бу вазифа мазкур икки ҳуқуқий воқеликнинг жамият ҳаётида амал қилиши механизмини чуқур таҳлил қилиши орқали бажарилади. Ҳуқуқий идеаллар, яъни ҳуқуқий принциплар жамият ҳаётини илгор ғоялар асосида юксак марралар сари йўналтирувчи қадриятлар саналса, ҳуқуқнинг функционал жиҳати ҳуқуқий идеалларни, дастлаб ҳуқуқий нормалар тарзида мустаҳкамлаб, сўнгра ижтимоий ҳаётга бевосита жорий этиши, ҳуқуқий тизим амал қилиши натижасида эришиладиган ижтимоий самара шаклидаги қадрият ҳисобланади.

Айнан шу мақсад сабаб қуйидаги фасллар ҳуқуқий идеаллар (принциплар) ва ҳуқуқий тизим функцияларининг қадрият сифатидаги хусусиятларини тавсифлашига, фуқаролик жамияти асосланадиган

ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий қадриятларга бағишланади. Фуқаролик жамиятини барпо этиши жараёнида унинг мазмун-моҳияти ва хусусиятларини ифодаловчи қадриятлар вужудга келиши табиий. Юртимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ўзбек халқининг табиати ҳамда менталитетига мос маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар тизими, айниқса уларнинг оқилона иерархияси қарор топаётганлигини илмий мушоҳада этиши ниҳоятда долзарбдир.

§3.1. Ҳуқуқий принципларнинг қадрият сифатидаги илмий тавсифи

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадини кўзлаган ҳар бир мамлакат, аввало, жамият микёсида ҳуқуқнинг устунлигини, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда унинг нуфузини муттасил юксалтириб боришга эътибор қаратиши табиий. Мустақил Ўзбекистонда ҳам давлатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг: «Ҳуқуқ ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлишига эришмоғимиз даркор»¹, деган фикрларидан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг тўла устуворлигини таъминлаш, халқ, жамият ва давлат ҳаётига оид барча муносабатларни ҳуқуқ (қонун) асосида тартибга солиш йўлидан борилмоқда. Буни мамлакатимизда шаклланаётган демократик миллий ҳуқуқий тизим ва унинг инсон манфаатлари йўлида изчил ҳаракатланишида кўриш мумкин.

Мамлакатимиз ҳуқуқий тизими муайян ҳуқуқий принциплар асосида амал қилади. Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми, негизи ҳисобланади. «Принцип» (лотинча — *principle*) атамаси орқали файласуфлар, ҳуқуқшунослар ва социологлар ўрганилаётган ҳодисанинг мавжудлик қонунини, ички мантиғини ифода этадилар. Принцип категорияси «қонуният», «моҳият» категориялари билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳуқуқий тизимнинг моҳияти унинг асосий принциплари мазмунида намоён бўлади.

Ҳуқуқий тизим принциплари ҳуқуқнинг бутун ички тузилишини, мазмунини камраб олади ҳамда бошқа ижтимоий тизимлар билан алоқаси ва ўзаро муносабатига ижобий таъсир кўрсатади. Улар ҳуқуққа маъно ва мазмун бахш этади, уни муайян мақсадга йўналтиради. Шу маънода, ҳуқуқий принципларни таъсирчан ҳуқуқий воқелик, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи ҳуқуқий қадрият сифатида эътироф этиш мумкин.

Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқнинг мағзини ташкил этувчи асосий идеаллар, ғоялар ва жамият учун устувор аҳамиятга эга муҳим қоидалар-

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т., 1997. — Б. 28.

ни ўзида мужассам этганлиги боис юксак ижтимоий кадрият сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқ ва унинг ўзагини ташкил этувчи ҳуқуқий принциплар жамият ҳаётига, ижтимоий муносабатларга умумий тартиб, баркарорлик, аниқлик, хулқ-атворнинг давлат томонидан кафолатланган (масштаб) мезонларининг қатъий тизимини киритиш хусусиятларига эга. Ҳуқуқ ҳамда унинг принциплари ижтимоий ҳаётга юридик норматив асосларни, уюшқоқлик ва батартибликни, шунингдек эркинлик, адолат, тенглик, фаоллик, ташаббус ва масъулиятга асосланган меъёрларни сингдириш имкониятига эгаллиги туфайли нуфузли кадриятга айланади.

Демократик ҳуқуқий принципларда ифодаланган *ҳуқуқий ибтидо*ни, ҳуқуқий асосларни шакллантириш, албатта, ҳуқуқшунослик фанининг биринчи даражали вазифасидир. Аммо, ҳуқуқий ибтидо-асосларни ҳуқуқнинг айнан ўзига хос кадр-кимматини ифодаловчи коидалар (тавсифлар) йиғиндисидан иборат деб тушуниш тўғри бўлмайди. Масаланинг моҳияти шундаки, ҳуқуқий ибтидо-асослар худди «ҳуқуқнинг руҳи» каби жамият ҳаётида устуворлик, агар таъбир жоиз бўлса, ҳукмронлик килувчи, шубҳасиз юксак мақом касб этувчи ҳуқуқий идеаллар ва кадриятлардир¹. Жамиятда ҳуқуқий идеаллар ва кадриятларнинг, шунингдек ҳуқуқий принципларнинг ҳукмрон бўлиши пировард натижада эркинлик ва адолат таъминланишининг, ижтимоий муносабатлар соҳасида ҳуқуқий тараққиётга (ҳуқуқий прогрессга) эришилишининг муҳим омилidir.

Ҳуқуқий принциплар устуворлигининг таъминланиши, жамият аъзолари томонидан уларга қатъий амал қилиниши ҳамда етакчи мезон сифатида тан олинishi ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Шу боис мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда «Ўзбекистонда умуминсоний кадриятлар ва умуммиллий манфаатлар устувор бўлишини, унинг бутун ҳудудида умумдавлат қонунлари устуворлигини таъминлайдиган тамойиллар асос қилиб олинishi даркор»².

Ҳозирги кунда ҳуқуқий кадрият тарзида эътироф этилаётган ҳуқуқий принциплар ҳуқуқнинг моҳиятини ифодаловчи ва баҳоловчи мезонга айланмоқда. Улар бутун ҳуқуқий материяни — ғоялар, нор-

1 Қаранг: *Алексеев С. С.* Теория права. — М., 1995. — С. 166.

2 *Қаримов И. А.* Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида. Т. 6. — Т., 1998. — Б. 104.

малар ва муносабатларни камраб олиб, жами ҳуқуқий ҳаётга муайян мантиқ, маъно, мазмун, собитқадамлик, ички мутаносиблик ҳамда уйғунлик бахш этади. Янада аниқроқ таърифлайдиган бўлсак, ҳуқуқ принципларида бамисоли ҳуқуқ ривожининг бутун дунёвий тажрибаси, инсоният маърифий-ҳуқуқий тараққиётининг ҳосиласи мужассам ифодасини топади. Принциплар ҳуқуқ шаклланишида йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди.

Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқнинг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва амал қилишининг раҳбарий ғояси, бошланғич коидаси, етакчи маёғи сифатида гавдаланади. Ушбу ғоялар жамият томонидан эътироф этилиб, эъзозланадиган кадрият даражасига кўтарилгач, ҳуқуқ принциплари тарзида расмийлаштирилади. Аввало, Конституция ва қонунларда, ҳуқуқий нормаларда ўз тасдиғини топадиган ҳуқуқий принциплар жамиятнинг бутун сиёсий-ҳуқуқий ҳаётига, мамлакат ижтимоий тизимига тўлалигича сингиб кетади. Шу тарика жамият ривожини йўналтирувчи омилга айланади. Улар ҳуқуқнинг ички тузилиши, статик ҳолати билан бир қаторда, ҳуқуқни қўллаш жараёнини, ҳуқуқ харакатининг динамикасини акс эттиради. Ҳуқуқ принциплари ҳуқуқ ижодкорлигига, норматив ҳужжатларни тайёрлашнинг бутун жараёнига, уларни қабул қилиш ва расмийлаштириш (имзолаш ва эълон қилиш), ҳуқуқий талабларга риоя этиш кафолатлари яратилишига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқ принциплари ўзига хос пойдевор бўлиб, унга нафақат ҳуқуқ нормалари, институтлари ёки тармоқлари, балки бутун ҳуқуқ тизими асосланади. Мазкур раҳбарий тамойиллар давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бутун фаолияти учун йўналтирувчи маёқ бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий тизимнинг баҳамжихатлиги, барқарорлиги ва самарадорлиги уларга риоя этиш даражасига бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ принциплари умуммажбурий тусга эга бўлганлиги сабабли турли ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари, нормалари ва ҳуқуқий муносабатлар, объектив ҳамда субъектив ҳуқуқ ўртасидаги ички бирликни, уйғунлик ва ўзаро алоқадорликни таъминлашга кўмаклашади.

Ўз моҳияти жиҳатидан, ҳуқуқ принциплари тасодифий ҳодиса эмас, балки жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизими томони-

дан объектив тарзда белгиланади. Бундан ташқари, улар мазмунига мавжуд давлат ва ҳуқуққа оид қарашлар, мамлакатда қарор топган сиёсий муҳит, жамият сиёсий тизимининг қурилиши ҳамда амал қилиши тамойиллари ўз таъсирини ўтказади¹.

Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизим доирасида амал қилувчи хилма-хил ғоялар таъсирида намоён бўлади. Мазкур категория комплекс хусусиятга эга, чунки ҳуқуқий тизимнинг ҳар бир элементи ўз принципларига эга². Айни вақтда, уларнинг умумлашуви асосида бутун ҳуқуқий тизим учун муштарак принциплар қарор топади.

Ҳуқуқий принциплар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар нафақат ҳуқуқий принципларнинг ўзи, балки ҳуқуқий тизим ҳақидаги билим ва тасаввурларни ҳам теранлаштиришга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқшунос олимларнинг ҳуқуқий принциплар тўғрисидаги фикрларига эътибор қаратайлик. Профессор С. С. Алексеев ҳуқуқ принципларини — ҳуқуқ мазмунининг яхлит ҳолдаги ифодаси, энг олий даражадаги *норматив умумлашуви* деб ҳисоблайди³.

«Ҳуқуқ принциплари» категориясининг асл маъносини англашга фалсафий ёндашув унумли кўмак беради. Ҳуқуқий тизимда шаклланиб, қарор топадиган энг устувор ғоялар, қадриятлар, эъзозга сазовор қоидалар бора-бора принцип тарзида қонунларда эътироф этилади. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида шундай деб ёзади: «Қонуннинг ўзи ўз ҳолича олижаноб ва юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақида нимаики гапирилса ҳам мўътабар ҳисобланиши лозим...», «қонунлардаги ҳар бир амру талаблардан улкан фойда борлигини тушуниш»⁴ лозим. Аллома қонунларнинг (ҳуқуқнинг) баланд нуфузи ҳамда мўътабарлиги ҳақида ҳамда улардаги амру талаблар ҳақида гапирганда қонунда халқ учун эъзозли қадриятлар ва жамият раванқи учун пойдевор бўлувчи

1 Қаранг: *Васильев А. М.* Правовые категории. Методологические аспекты разработки системы категорий теории права. — М., 1976. — С. 216–225.

2 Қаранг: *Ячменёв Ю. В.* Ценностные категории как нравственные основы теории государства и права // (Международная научная конференция) Государство и право. — М., 2005, № 9. — С. 94.

3 Қаранг: *Алексеев С. С.* Право: азбука — теория — философия: Опыт комплексного исследования. — М., 1999. — С. 293.

4 *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шахри. — Т., 1993. — Б. 19, 21.

хукукий талаблар. хукукий принциплар мустаҳкамланишини назарда тутган бўлса ажабмас.

Машхур файласуф Иммануил Кантнинг ҳуқуқ принципларига оид қарашлари ҳам диққатга сазовор. Унинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари «Феъл-атвор метафизикасининг асослари тўғрисида» (1785 й.), «Амалий ақл танкиди» (1788 й.), «Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари» (1797 й.) асарларида баён этилган. Кант давлат ва ҳуқуққа идеалистик нуқтаи назардан ёндашади. «Давлат, — дейди у, — бу ҳуқуқий қонунларга иттибот этувчи кишилар жамоасининг бирлигидир»¹. Кантнинг фикрига кўра, «давлатнинг фаровонлиги давлат тузилишининг ҳуқуқий принциплар билан олий даражада мувофиқлашганлигига боғлиқ; бундай мувофиқликка бизни қатъий императив орқали ақл мажбур қилади»². Аллома мутлақ буйруқ (қатъий императив) ни жамият таракқиётининг асосий қонуни деб эълон қилади. Давлатчилик соҳасида қатъий императивни амалга ошириш давлатнинг ҳокимиятлар тақсимланиши асосида ҳуқуқий ташкил этилишидир. Бу қатъий императив (талаб) хатти-ҳаракатлар мазмунига таъсир этиб, ҳулқ-атворлар *яъни умумий қонун* бўла оладиган қоидага амал қилинишини талаб этади³.

Кант таълимотига кўра, фуқаролик жамияти ҳуқуқ принциплари ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос «гуманистик императиви» (инсонпарварлик талаби, яъни инсоний-ахлоқий қоидаси, маънавий маёғи) ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатидаги мавқеи қуйидаги принциплар асосида белгиланади:

- 1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;
- 2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;
- 3) жамият ҳар бир аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги⁴.

XVII–XVIII асрлар сиёсий адабиётида «қонун», «қонун чиқарувчи», «қонунчилик» тушунчалари кенг маънода талқин қилиниб, ах-

1 Қаранг: *Кант И.* Соч. Т. 4. Ч. 1.1. — С. 233.

2 Қаранг: *Кант И.* Соч. Т. 3. — С. 143.

3 *Туленов Ж., Ғофуров З.* Фалсафа. — Т., 1997. — Б. 132.

4 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 170.

локий категориялар тарзида эътироф этилган. Шунга мос ҳолда, Кант фикрича, инсон табиат ва жамият манфаатларини ифодаловчи муҳим талабларни ўзи учун «ялпи умумий конунчилик» сифатида қабул қилади. Юридик жиҳатдан олганда, Кантча катъий императив ташқи, амалий муносабатлар соҳасида ялпи умумий конун сифатида *ҳамма учун умумий, мутаносиблик асосидаги тенглик*, хулқ-атвор эркинлигининг барчага тенг белгиланган меъёри ҳисобланади¹.

Кант ҳуқуққа оид асосий талабларни «ялпи умумий конун» деб атаётганида ҳуқуқнинг ўзаги, ҳуқуқнинг принципларини назарда тутганлиги табиий. У шундай деб ёзади: «Ташқаридан қараганда шундай ҳаракат қилгинки, сенинг ўзбошимча эркин хулқ-атворинг бошқа шахсларнинг эркинлигига мутаносиб ўларок, ялпи умумий конунга мувофиқ бўлсин»². Бу ўрин ҳуқуққа хос белги ва хусусиятларнинг тўла кўлами намоён бўлади: яъни, *аввало*, ҳуқуқнинг эгаси аниқ кўрсатилган; *иккинчидан*, бир субъектнинг хатти-ҳаракати бошқа шахсларнинг хулқ-атвориغا уйғун бўлиши таъкидланган; *учинчидан*, субъектлар мавқеи (ҳолати) нинг тенглиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ ва эркинликнинг ҳар кимнинг ўзига тегишлилиги; *бешинчидан*, хатти-ҳаракат ва хулқ-атворда муайян меъёрнинг борлиги таъкидланган.

«Ҳуқуқ, — деб ёзади И. Кант, — ҳар кимнинг эркинлиги ялпи умумий конун нуктаи назаридан бошқа ҳар бир шахснинг эркинлигига мувофиқлиги асосида (даражасида) чекланишидир»³. Шундай қилиб, ҳар кимнинг эркинлиги ўзгаларнинг эркинлиги билан мувофиқ келиши шартлиги ҳуқуқнинг энг муҳим принципларидандир. Умуман олганда, ҳуқуқий принциплар жамият ахлокига, маънавиятига ҳамоҳанглиги, унга таянганлиги, худди шу ахлокий ва маънавий фазилатларни ривожлантирганлиги боис муҳим қадрият даражасига кўтарилади.

З. М. Исломовнинг эътирофига кўра, «...ҳуқуқнинг мазмуни, унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаларини таърифлаб берувчи асосий ғоялар — ҳуқуқ тамойилларидир. Бу тамойиллар аввало ҳуқуқ конуни-

1 Қаранг: *Алексеев С. С.* Восхождение к праву: поиски и решения. — М., 2001. — С. 541.

2 Қаранг: *Кант И.* Соч. Т. 4. Ч. II. — С. 140.

3 Қаранг: *Соловьев Э. Ю.* Кант: взаимодополнительность морали и права. — М., 1992. — С. 171.

ятларини ифодалайди, қолаверса, бутун ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида амал қиладиган ва барча субъектларга нисбатан қўлланиладиган энг умумий нормалардан иборат бўлади. Бу нормалар ёки қонунда тўғридан-тўғри таърифлаб берилади, ёхуд қонунларнинг умумий маъносидан келиб чиқади»¹. Ҳуқуқ принциплари, бир томондан, ҳуқуқнинг қонуниятларини ифодаласа, иккинчи томондан, ҳуқуқий тартибга солишнинг барча жабҳаларига таъсир этувчи ва ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига тааллуқли энг умумий қоидалардан иборат.

Юридик адабиётда қарор топган фикрга кўра, «ҳуқуқий тамойиллар — раҳбарлик қилувчи дастлабки ғоя бўлиб, инсонлар ўз олдидларига қўйган мақсадларга эришиши учун хизмат қиладиган, асосий йўналишларни кўрсатиб берувчи талаблардир»².

Ҳуқуқ принциплари, одатда, бевосита қонун ҳужжатларида (конституция ва жорий қонунларнинг муқаддимасида, моддаларида) мустаҳкамланади; баъзан улар ҳуқуқ нормаларининг мазмунидан келиб чиқади. Норматив шаклга киритилмаган ҳуқуқий принцип, — деб огоҳлантиради С. Ю. Суменков, — баён этилган ғоя, декларация ҳолатида қолиб кетади. Ҳатто жамият бу ғояга амал қилган тақдирда ҳам, у давлат иродаси билан қувватланмайди. Норма даражасига кўтарилмаган принциплар ўз амалий аҳамиятини, таъсирини йўқотади. Чунки, айнан ҳуқуқ нормаси ижтимоий ҳаётни юридик дастурлаштиришни таъминловчи воситадир³.

Демак, ҳуқуқ принципларининг қонунларда расмийлаштирилиши уларга норматив юридик куч бағишлайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик принципи, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш принципи ўз аксини топган. Шунингдек, Конституциямизнинг бир қатор моддаларида ўта муҳим бошқа ҳуқуқий принциплар мустаҳкамланган. Улардан баъзиларини эслаб ўтамыз: давлат органлари ва мансаб-

1 *Исломов З. М.* Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. — Т., 2004. — Б. 77.

2 Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари: Семинар материаллари/Масъул муҳаррир Ф. Х. Отахонов. — Т., 2005. — Б. 156.

3 Қаранг: *Суменков С. Ю.* Принципы права и исключение в праве: аспекты соотношения//Государство и право. — 2009, № 5. — С. 23.

дор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдиди масъуллиги (2-модда), халқ ҳокимиятчилиги (7-модда), давлат ҳокимиятининг бўлиниши (11-модда), сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги (12-модда), Конституция ва қонунларнинг устунлиги (15 ва 16-моддалар), фуқароларнинг қонун олдиди тенглиги (18-модда) ва ҳоказо.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам айнан шундай. Мисол учун Швеция Конституциясининг 1-моддасига мувофиқ: «Швецияда бутун давлат ҳокимияти халқдан келиб чиқади. Швед халқининг бошқаруви фикрларни эркин шакллантириш ҳамда умумий ва тенг сайлов ҳуқуқига асосланади. Бошқарув давлат тузуми воситаси билан, вакиллик ва парламент тизими ҳамда коммунал ўзини ўзи бошқариш орқали амалга оширилади».

Адолат ва эркинлик ғоялари ҳуқуқ биносининг тамал тошларидир. Барча ҳуқуқий принциплар орасида улар алоҳида ўрин тутади. Адолат ва эркинлик принциплари кўпгина нуфузли халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, мамлакат ички қонунчилигида ўз тасдиғини топган. Фикримизнинг далили сифатида 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»ни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа қонунларни келтириш мумкин.

Ҳуқуқ принципларининг тушунчаси тўғрисида кескин баҳсли фикрлар бўлмаса-да, унинг турлари ҳақида юридик адабиётларда бир-бирдан фарқ қилувчи фикр-мулоҳазаларни кўриш мумкин. Бу фикрлар ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳуқуқий принципларни таснифлашга оид ўз карашлари мавжудлигини намоён этиш баробарида, уларнинг типологияси хусусида умумий хулоса чиқаришга асос бўлади. Масалан, франциялик олим П. Сандевуар ҳуқуқий принциплар таснифи ҳақида куйидагиларни баён этади: «Ҳуқуқий принциплар ҳақида сўз борар экан, уларни шундай категорияларга ажратиш мумкин: фундаментал, умумий ва юридик. Уларни бундай кўринишда таснифлаш, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида ҳамда маълум бир ҳуқуқ соҳасида тутган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади»¹.

1 *Sandevour P.* Introduction au droit. Centre national de la fonction publique territoriale. Dunon, Paris, 1991. — S. 172.

С. С. Алексеев ҳуқуқий принципларнинг: қонунийлик, адолат, юридик тенглик, ижтимоий эркинлик, фуқаролик бурчи, объектив ҳақиқат, содир этилган айб учун жавобгарлик¹ каби кўринишларини эътироф этади. В. К. Бабаев ҳуқуқда адолат ва эркинлик каби бош тамойилларни кўради, улар ҳуқуқнинг бошқа, яъни ҳуқуқни шакллантириш ва уни амалга оширишда демократизм, қонунийлик, инсонпарварлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, давлат ва фуқаронинг ўзаро масъуллиги принципларида ўз ривожини топади, деб ҳисоблайди². Айрим юридик адабиётларда ҳуқуқий принципларнинг янгича таснифи таклиф этилади: ижтимоий адолат, инсонпарварлик, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги, ҳуқуқда ишонтириш ва мажбурлашнинг уйғунлиги, демократизм ва ҳоказо³.

Мамлакатимиз ҳуқуқий тизими хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқ принципларини қуйидагича таснифлаш мумкин: давлат органларини тузиш ва уларнинг фаолият принциплари Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган. Улар умумий ва махсус принципларга ажратилади. *Умумий принциплар* — давлат ҳокимиятини ташкил қилиш, бутун давлат механизмининг фаолияти, жамият ва фуқароларнинг ижтимоий ҳаётига тааллуқлидир. *Махсус принциплар* умумий принциплар асосида, яъни уларни давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига татбиқан аниқлаштириш мақсадида келиб чиқади.

Умумий принциплар, ўз навбатида, *икки гуруҳга*, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамланган принциплар ҳамда жорий қонунлар ва кодексларда ифодаланган принципларга бўлинади⁴.

1 Қаранг: Алексеев С. С. Общая теория права. Т. 1. — Свердловск. 1981. — С. 108–109.

2 Қаранг: Общая теория права/Под ред. В. К. Бабаева. — Н. Новгород, 1993. — С. 128–132.

3 Қаранг: Теория государства и права/Под ред. Н. Т. Разгильдяева, А. В. Малько. — Саратов, 1995. — С. 122–126.

4 Батафсил маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи/Проф. Х. Т. Одиқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005. — Б. 260.

Биз ҳуқук принципларини таснифлашда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган қуйидаги гуруҳлашни қўллаб-қувватлаймиз:

- умумий ҳуқуқий принциплар;
- махсус-юримдик принциплар;
- тармоклараро ҳуқуқий принциплар;
- соҳавий ҳуқуқий принциплар.

Умумий ҳуқуқий принциплар ҳуқуқшуносликнинг энг устувор раҳбарий ғоялари бўлиб, улар албатта қонун ёки бошқа норматив ҳужжатларда аниқ-равишда ифодаланиши лозим.

Умумий ҳуқуқий принциплар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) ҳуқуқни шакллантириш ва амалга оширишда демократизм;
- 2) инсонпарварлик;
- 3) қонунийлик (қонуннинг устунлиги);
- 4) фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги;
- 5) давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги;
- 6) ижтимоий эркинлик ва фуқаролик бурчи;
- 7) айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- 8) ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлиги;
- 9) ишонтириш ва мажбурлашнинг уйғунлиги;
- 10) ижтимоий адолат;
- 11) тенг ҳуқуқлилиқ ва ҳ. к.

Умумий ҳуқуқий принципларнинг жамият ва инсон манфаатларини таъминлашдаги кадр-қиммати ва аҳамияти нуқтаи назаридан қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. **Демократизм принципи.** Бу принципда эркинлик, ҳурлик, озодлик билан бир қаторда ҳокимиятни бошқаришда халқнинг иштироки масаласи етакчилик қилади. Ҳуқуқий демократик давлатда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари демократик принциплар асосида ривожлантирилади.

Демократизм давлат органлари шаклланиши ва фаолиятининг муҳим принципларидан биридир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти органларини тузиш, уларга ҳокимият ваколатларини бериш демократик тарзда амалга ошади. Бугунги кунга келиб халқимиз онгида демократик тушунчалар шаклланиб, уларнинг давлат ҳокимия-

тидаги фаол иштирокида намоён бўлмоқда. Демократияга муттасил ва собитқадамлик билан интилиш ижтимоий таракқиётимизнинг стратегик йўналишидир¹.

«Демократия атамаси қандай шарҳланиши билан эмас, балки унинг канчалик реаллиги, ҳақиқийлиги, яшашга қобиллиги муҳимдир... У ҳаётимизнинг ҳар бир сониясига сингиб кетмаса, турмушимизнинг ажралмас қисмига айланмаса, ҳамма шиорлар ва таърифлар мазмунсиз... сўз ўйини бўлиб қолаверади»². Биз ҳақиқий демократияни қарор топтиришимиз лозим.

2. **Инсонпарварлик принципи.** Инсонпарварлик — ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир³. Мазкур раҳбарий ғоя асосида одамзоднинг қадри, эркинлиги, қобилиятлари ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, инсоннинг бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилиш, инсонийликнинг тўлиқ юзага чиқишига шарт-шароит яратиш маъноси ётади⁴. Конституция ва қонунлар мазмунига сингдирилган ушбу ҳуқуқий принцип ўз моҳият-эътибори билан юксак ҳуқуқий қадриятдир. Зеро, унинг замирида инсон, унинг ҳаёти, эрки ва озодлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари мужассамлашган. Инсонпарварлик принципи нафақат ҳуқуқий соҳанинг, балки бошқа барча ижтимоий соҳаларнинг ҳам энг устувор принципи, умумий мезони саналади. Шу боис инсонпарварликни умуминсоний ижтимоий қадрият сифатида эътироф этиш лозим.

Инсонпарварлик принципи бугунги кунда барча қонунларимизда йўналтирувчи ғоя тарзида акс этмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва «Қамокка олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида» Президент фармонларининг қабул қилиниши, озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан турли хил байрам, шодиёна муносабати билан «амнистия актлари» чиқа-

-
- 1 Батафсил маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи/Х. Т. Одилқориев, И. Т. Тултеев, Ў.Х. Мухамедов — Т., 2005. — Б. 262.
 - 2 Қаримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. — Б. 560.
 - 3 Ўша жойда. — Б. 56.
 - 4 Мустақиллик: Илмий-оммабоп луғат/А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. — Т., 2000. — Б. 69.

рилиши ва жазодан озод қилиниши ёки жазо муддатларининг қисқартирилиши инсонпарварлик намоёишининг намуналаридир.

«Инсонпарварлик принципи давлат органларининг инсон кадр-кимматига муносиб баҳо бера олишида, унинг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларига жавоб берадиган мезонларни яратиш ҳамда амалга оширишида намоён бўлади... Инсон жамики дунёвий неъматлар ичида энг улуғидир. Унинг равнаки, ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши йўлида хизмат қилиш мамалакатимиздаги ҳар бир давлат органининг шарафли вазифасидир»¹.

Инсонпарварлик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида салмоқли аҳамиятга молик масаладир. У объектив ҳуқуқ учун ҳам, ҳуқуқшунослик фани учун ҳам муҳимдир, чунки ҳозирги замон цивилизацияси учун ҳуқуқнинг катта аҳамиятга эга эканлиги исбот талаб қилмайди. Ҳуқуқнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини аввало ундаги инсонпарварлик руҳи намоён этади.

С. С. Алексеев инсон ҳаётидаги қуйидаги уч даврни ажратиб кўрсатади: ҳокимият даври, мулкчилик даври, инсонпарварлик ғоялари даври. Ҳозирги кунимиз, албатта, учинчи давр — инсонпарварлик давридир. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти инсоният жамиятининг айнан энг ҳаётбахш истиқболларидандир. Тараққиётнинг бу босқичи одамлар ҳаётида эндигина бошланмоқда... Буларнинг ҳаммаси кишилик жамиятининг туб моҳиятини, табиатини, унинг озодлик сари ҳаракатини ифодаловчи инсонпарварлик ғоялари асосида амалга оширилмоқда².

3. **Қонунийлик принципи.** Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, уларга оғишмай риоя этиш талаби назарда тутилади. Ҳуқуқий-демократик давлатда ҳуқуқнинг устунлиги қанчалик зарур ҳисобланса, қонунийлик унинг узвий давоми сифатида шунчалик муҳим ҳамда нуфузли ижтимоий қадрият саналади. Қонунийлик умумийлик ва ягоналик сифатлари билан тавсифланади. Бу қонунийликнинг барча учун —

1 Батафсил маълумот учун қarang: Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи/проф. Х. Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2005. — Б. 263.

2 Қarang: Алексеев С. С. Теория права. — М., 1995. — С. 27.

у мансабдор шахс ҳисобланадими, оддий фуқароми — бундан қатъи назар бир хилда амал қилиши лозимлигини англатади. «Қонуннинг устуворлиги — ҳуқуқий давлат фаолият кўрсатишининг зарурий шартидир»¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари лозимлиги ўз ифодасини топган. Бу, ўз навбатида, қонунийликнинг конституциявий принцип, конституциявий қадрият эканлигини англатади.

Қонунийлик тўғрисида юридик адабиётларда олимлар томонидан билдирилган турли фикрларни учратиш мумкин. Қонунийлик принципи — жамиятнинг нормал ҳаёти ва давлат органлари уйғун ва самарали фаолият юритишининг асосидир.

Ф. А. Хаек қонунийлик принципи тўғрисида қуйидагиларни таъкидлайди: «Демократик ва авторитар режимдаги давлатлар ўртасидаги фарқ нимада? Асосий фарқ — қонунийликда. Қонунийлик концепцияси фуқароларнинг либерал фаолиятини ва эркин ҳаёт тарзини таъминлаши билан бирга, ҳуқуқий тизимнинг самарали амал қилиши ва ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг бош омилидир»². Қонунийлик принципи — ҳуқуқнинг барча субъектлари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини қатъий ва тўлиқ амалга оширилишини талаб этувчи раҳбарий ғоя.

Профессор М. И. Байтиннинг фикрича, қонунийлик — ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва амал қилиши учун зарур бўлган принцип, мезон, режим бўлиб, унинг асосида барчанинг қонун ва суд олдида тенглиги бўлиб, барча давлат ва маҳаллий органлар, ижтимоий бирликлар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунларга бир хилда риоя этишлари ва уларни аниқ бажаришлари мажбурияти ётади³.

1 Каримов И. А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўз йўли. — Т., 1993. — Б. 63.

2 Хаек Ф. А. Дорога к рабству//Вопросы философии. — 1990. № 11. — С. 123–128.

3 Қаранг: Байтин М. И. Принцип всеобщего равенства перед законом и судом в свете концепции единства естественного и позитивного права//Государство и право. — 2005. — № 8 — С. 101.

Конунийлик принципи хусусида олимларнинг қарашлари турлича бўлса-да, улар билдирган фикрлар аслида бир хиллиги кўриниб турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда, конунийлик принципини қуйидагича таърифлаш мумкин: **Конунийлик** — ҳуқуқ субъектларининг амалдаги қонунларга аниқ ва бир хилда риоя қилишларини англаувчи, ҳуқуқий демократик давлатнинг моҳиятига хос раҳбарий ғоядир. Қонунийлик амалда ўз ифодасини топгандагина, ҳуқуқий қадрият даражасига кўтарилади. Ўз навбатида, ҳуқуқнинг қадрият тарзида эътироф этилишида конунийлик принципи муҳим роль ўйнайди.

4. **Ижтимоий адолат принципи.** Адолат — ҳаётнинг асосий мезонидир. «Адолат — ахлоқий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий онг категорияси бўлиб, шаклланиб келган ажралмас инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги тасавурларни акс эттирувчи тушунча»¹. Қаердаки, барча фаолият адолат юзасидан амалга оширилса, норозилик қайфияти юзага келмайди ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида юксалиш намоён бўлади. Буюк соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темур таъбири билан айтганда, «куч — адолатдадир». Адолат қонун-қоидаларига суянган давлат ва жамият кучли бўлиши муқаррарлиги тўғрисидаги шарқона қарашлар Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда олиб борилаётган сиёсатнинг муҳим асосларидан биридир². «Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляпмиз, — дея таъкидлайди Президент И. А. Каримов, — адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимида сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»³.

Ижтимоий адолатнинг юксак қадрият эканлигини биз турли тарихий давларда, турли мамлакатларда ушбу тамойил юзасидан амалга оширилган ишлар натижаси ва уларга нисбатан халқнинг қарашла-

1 Ячменёв Ю. В. Ценностные категории как нравственные основы теории государства и права//Государство и право. — 2005. № 9. — С. 93.

2 Қаранг: Мустақиллик: Илмий-оммабоп дугат//А. Жалолов ва К. Хоназаровлар умумий таҳририда. — Т., 2000. — Б. 6.

3 Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. — Б. 399.

рида ифодаланган мамнунлик, олқишлар ва қўллаб-қувватлашларда кўришимиз мумкин.

5. **Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи.** Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»¹. Бу принцип ҳам ўзига хос ҳуқуқий кадрият ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқнинг, қонуннинг асл мақсади тенгликни мувозанатга келтириш ва таъминлашдир.

Қонун олдида тенглик ҳуқуқи ҳар қандай адолатли ва демократик жамият учун хос бўлган асосий белгилардан биридир. Бой ва қашшоқлиги, этник кўпчиликка ёки диний озчиликка мансублиги, ҳукуматнинг сиёсий иттифокдошими ёки унинг муҳолифими — бундан қатъи назар, исталган киши қонун олдида бир хил ва тенгдир. Демократик давлат ҳамма одамлар учун бир хил шароит яратиб берилишини кафолатламайди ва ўз зиммасига бундай мажбурият олмайди. Бирок, ҳуқуқшунос Жон П. Френк айтганидек, «ҳар қандай ҳолатда ҳам давлат кўшимча тенгсизликни юкламаслиги керак; ундан барча одамларга бир хилда ва тенг муносабатда бўлиш талаб этилади»².

6. **Давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги принципи.** Бу принципда халқнинг манфаати билан бир қаторда жамият, давлат манфаатлари ҳам ўз ифодасини топади. Барча фуқаролар давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш баробарида муайян бурчларни ҳам адо этишлари лозим бўлади. Ҳукумат халққа хизмат қилиш учун мавжуд бўлади, лекин зинҳор халқ ҳукумат учун яшамайди. Бошқача айтганда, улар демократик давлатнинг фуқароларидирлар, аммо асло унинг тобелари эмас. Модомики, давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилар экан, фуқаролар ҳам давлатга нисбатан ўз садоқатларини намоён этишлари лозим³.

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 18-модда. — Т., 2008. — Б. 6.

2 Қаранг: *Исломов З. М.* Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. — Т., 2004. — Б. 82–83.

3 Қаранг: *Исломов З. М.* Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. — Т., 2004. — Б. 84.

Фукаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Башарти, *бир томондан*, давлат, давлат органлари ва мансабдор шахслар, *иккинчи томондан*, фуқаролар ўз зиммаларидаги қонуний мажбуриятларини бузсалар, тегишли юридик жавобгарлик келиб чиқади. Бундай ҳолларда фуқаро давлат олдида, давлат эса (ўз мансабдор шахслари ва органлари орқали) фуқаро олдида қонунда белгиланган мажбуриятларни бажарадилар. Мазкур юридик муносабат ҳамда алоқадорлик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарурий шартидир. Таъбир жоиз бўлса, бу ерда гап «давлат суверенитети» ва «шахс суверенитети»нинг диалектик алоқадорлиги, ўзаро боғлиқлиги хусусида бормокда.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фукароларга ҳуқуқ ва эркинликни ифодалаш билан бир қаторда, бурчлар (XI боб, 47–52-моддалар)¹ ҳам ақс эттирилган. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фақат ҳуқуқлар ва эркинликлардангина иборат эмас, балки унга мажбуриятлар мажмуи ҳам қиради. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари мўътабар ва муқаддасдир. Бирок, турли-туман ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлмиш инсон (фуқаро) фақат ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмасдан, жамият, давлат ҳамда бошқа фуқаролар олдида муайян мажбуриятлар ҳам ўтайди»².

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлигини ниҳоятда аниқ ифодалаб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Демократик жамият қуриш учун, демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун, энг аввало шу мўътабар заминда таваллуд ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни қатта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак... Ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: “Шу давлат, шу жамият менга нима берди?” деб эмас, балки “Мен ўз Ватанимга, элу юртимга нима бердим?” деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яша-

1 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2008. — Б. 10.

2 Багафсил маълумот учун қаранг: *Одиқориев Х. Т.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 157.

шимиз керак»¹. Шундагина, давлатимиз биз орзу қилган фукаролик жамияти сари бўй чўзади.

Махсус юридик принциплар — фақат ҳуқуқий соҳага тегишли ёки ҳуқуқий тилда ифодаланган ижтимоий принциплардир. Юридик адабиётларда махсус юридик принциплар сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- ҳуқуқ нормаларининг бутун мамлакат аҳолиси учун умуммажбурийлиги ҳамда бошқа ижтимоий нормалардан устунлиги;
- амалдаги объектив ҳуқуқни ташкил этувчи нормаларнинг зиддиятсизлиги ва қонуннинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устунлиги;
- ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа, шунингдек нисбатан мустақил ҳуқуқ соҳалари ва институтларига бўлиниши;
- объектив ва субъектив ҳуқуқ ўртасида, ҳуқуқ нормаси ва ҳуқуқий муносабат ўртасида, ҳуқуқ билан ҳуқуқнинг қўлланиши ўртасида мутаносибликнинг мавжудлиги;
- ижтимоий эркинлик, қонун ва суд олдида тенглик, тенг ҳуқуқлилик;
- қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг юридик кафолатланганлиги;
- тенг юридик мезонларда ифодаланган ҳуқ-атворнинг адолатлилиги ҳамда юридик жавобгарликнинг содир этилган ҳуқуқ бузилишига мутаносиблиги;
- юридик жавобгарликнинг фақат айбли ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат учунгина қўлланиши;
- янги ёки нисбатан оғирроқ юридик жавобгарликни ўрнатаётган қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги, яъни жазолаш тизимини либераллаштириш, инсонпарварлаштириш².

Тармоқлараро ҳуқуқий принциплар икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ тармоқлари доирасида амал қиладиган раҳбарий ғоялардир. Ҳуқуқий принципларнинг ушбу тури тартибга соладиган ижтимоий му-

1 Каримов И. А. Буюк келажамизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т., 1993. — Б. 27.

2 Қаранг: Общая теория государства и права/Под ред. М. Н. Марченко. Т. 2. Теория права. — М., 1998. — С. 24–25.

носабатларнинг ўхшашлиги, тартибга солиш усули ва предмети ҳамда мазмун-моҳияти жиҳатидан бир бирига яқин турувчи ҳуқук соҳаларига тааллуқли бўлади. Масалан, жиноят ва маъмурий ҳуқук соҳалари бир-бирига яқин. Улардаги асосий фарқ тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг предмети ва тартибга солиш усули ҳамда содир этилган ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилик даражасида. Лекин бу фарқлар ушбу соҳалар бир-бирига бошқа ҳуқук соҳаларига нисбатан яқинлигини англатади. Ўз навбатида, бу ҳуқук соҳаларидаги принциплар ҳам бир-бирига мазмун жиҳатдан яқин ёки, таъкидламоқчи бўлганимиздек, бир хил бўлиши мумкин. Бундай принциплар сирасига жиноят ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқдаги «жазонинг муқаррарлиги», «айб учун жавобгарлик»¹ каби принципларни киритишимиз мумкин. Бундан ташқари, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи соҳаларида қўлланиладиган «моддий жавобгарлик» принциплари ҳамда конституциявий ҳуқук, жиноят ҳуқуқи, маъмурий ҳуқук ва жиноят-процессуал ҳуқук соҳалари учун бирдек аҳамиятли бўлган «айбсизлик презумпцияси»ни тармоқлараро ҳуқуқий принцип сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Соҳавий ҳуқуқий принциплар фақат битта ҳуқук тармоғи доирасида амал қилувчи бош ғоялардир. Ҳуқук тармоқлари орасида шундай ўзига хос ҳуқук соҳалари мавжудки, улар тартибга солиш усули ва предмети жиҳатидан бошқа соҳалардан фарқ қилади. Шу боис улар доирасида ҳаракатланувчи принциплар ҳам ноанъанавий кўринишга эга бўлади. Масалан, оила ҳуқуқи соҳасида: «Оилавий муносабаларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳ иттифоқи тузиши, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги принциплари асосида амалга оширилади»².

1 Қаранг: *Лившиц Р. З.* Теория права. — М., 1994. — С. 199.

2 Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (2-модда)// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998. № 5–6. — Илова.

Ер ҳуқуқи учун ерга эгаллик қилиш шаклларининг кўплиги ва уларнинг тенглиги, ернинг фуқаролик муомаласида бўлиши, ер устидан давлат бошқарувини амалга ошириш, ерда мустақил хўжалик юритиш ва ердан фойдаланувчи субъектларнинг тенглиги, ердан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланиши ва бошқа принциплар муҳим¹.

Хўжалик-процессуал (арбитраж-процессуал) ҳуқуқидаги қуйидаги принципларни ҳам соҳавий ҳуқуқий принциплар гуруҳига киришимиз мумкин: судьяларни сайлаб қўйилиши; судьяларни мустақиллиги фақат қонунга бўйсунуши; ишни олиб боришда яққабошлик ва коллегияликнинг қўшиб олиб борилиши; ишларни кўришда ошкоралик; ишда қатнашаётган тарафларнинг тенглиги; низоларни кўришда бахслашиш, оғзакилик ва бевоситалик².

Ҳуқуқий принциплар **ҳуқуқни амалга оширувчи субъектнинг фаолиятига кўра** қуйидагича таснифланади:

- 1) **индивидуал-ҳуқуқий принциплар.** Улар ҳуқуқни амалга оширувчи муайян субъектнинг фаолиятини белгилайди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияда белгиланган фаолият принципларини мисол қилиб келтириш мумкин. Уларга кўра, «Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас»³. Ушбу талаблар давлат раҳбарининг асосий фаолиятига оид қоидалар ҳисобланади;
- 2) **гуруҳий-ҳуқуқий принциплар.** Булар ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи муайян гуруҳнинг ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи раҳбарий ғоялар йиғиндисиدير. Гуруҳий ҳуқуқий принципларга Конституциявий суд судьялари гуруҳининг фаолиятига оид талаблар киради. Булар: «Конституциявий суд раи-

1 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1998, № 5–6. — 82-модда.

2 Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси (5–9-моддалар)//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 9. — 234-модда; 1998. — № 5–6. — 102-модда.

3 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2008. — 91-модда.

си ва аъзолари депутат бўла олмайдилар». «Конституциявий суд раиси ва аъзолари сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас», «Конституциявий суд судьялари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар», «Конституциявий суд судьялари ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бўйсундилар» каби раҳбарий қоидалардан иборат¹.

Ҳуқуқ соҳаларига кўра ҳуқуқий принциплар қуйидагича таснифланади.

Конституциявий-ҳуқуқий принциплар Асосий қонунда мустаҳкамланган асосий раҳбарий ғоялардир. Конституциявий принципларга давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги, демократизм, давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги, қонунийлик, Конституция ва қонуннинг устунлиги, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ролининг ошиб бориши, одил судловни амалга ошириш принциплари ва бошқалар қиради.

Фуқаровий-ҳуқуқий принциплар амалдаги қонунчиликда мустаҳкамланган хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи) соҳасидаги раҳбарий ғоялардир. Ушбу принциплар оммавий ҳуқуқ соҳасини ташкил этувчи конституциявий ҳуқуқ, давлат ҳуқуқи, маъмурий, солиқ, божхона ва жиноят ҳуқуқи соҳасида амал қилувчи принциплардан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий муносабатларни фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш принциплари қаторига қуйидагилар қиради:

- а) фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенглиги;
- б) мулкнинг дахлсизлиги, барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилиниши;

1 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1995. — № 9. — 178-модда.

- в) шартномалар эркинлиги;
- г) фуқаролик ҳуқуқларининг тўсикларсиз амалга оширилиши;
- д) бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, уларнинг суд орқали тикланиши зарурлиги;
- е) хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги;
- ж) фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда қонун аналогияси ва ҳуқуқ аналогиясининг қўлланилиши¹.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 30-моддасида фуқаровий меҳнат муносабатлари соҳасида қўлланилувчи қуйидаги принциплар мустаҳкамланган:

- қонун ҳужжатлари нормаларига амал қилиш;
- тарафлар вакилларининг ваколатлилиги;
- тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- жамоа шартномалари, келишувларининг мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилиш эркинлиги;
- мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги;
- олинаётган мажбуриятларнинг амалда бажарилишини таъминлаш;
- текшириб боришнинг мунтазамлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Жиноят ҳуқуқи принциплари амалдаги Жиноят кодексининг 4 ва 10-моддаларида қайд этилган² ҳамда жиноят ҳуқуқи доирасида амал қилиши лозим бўлган раҳбарий қоидалар ҳисобланади. Булар: қонунийлик, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик (адолат), айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги кабилардан иборат.

Бундан ташқари, бошқа бир катор ҳуқуқ соҳаларига оид принципларни, жумладан, маъмурий ҳуқуқ принциплари, фуқаролик ҳуқуқи

1 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. 1-модда// — Т., 2003. — Б. 5.

2 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996 й. 9-сон. 144-модда; 1997 й. 2-сон 56-модда; 1997 й. 9-сон 241-модда; 1998 й. 5–6-сонлар 102-модда; 1999 й. 5-сон 124-модда; 2007 й. 6-сон 248-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 й. 39-сон 390, 391-модда; 52-сон 513, 514-модда; 2010 й. 21-сон 161-модда.

принциплари, оила ҳукуқи принциплари, меҳнат ҳукуқи принциплари ва шу кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Ҳуқуқий принципларнинг юқоридаги таснифига қўшимча равишда уларни қуйидаги мезонларга кўра ҳам таснифлаш мумкин:

- а) алоҳида ҳуқуқий институтларнинг табиатини акс эттирувчи ҳамда улар доирасида амал қилувчи раҳбарий ғоялар (масалан, шартнома мажбуриятларини бузганлик, яъни фуқаронинг шахсига ёки мулкига етказилган зарарни тўла ҳажмда қоплаш принциплари);
- б) ҳуқуқий институтлараро амал қилувчи раҳбарий норматив қоидалар (масалан, меҳнат учун ҳақ тўлашнинг кафолатланганлиги принципи. Бу принцип меҳнат ҳуқуқининг меҳнат шартномаси, иш ҳақи ва моддий жавобгарлик каби институтлари доирасида амал қилади);
- в) ҳуқуқнинг кичик тармоқлари доирасида амал қилувчи ҳуқуқий принциплар (масалан, сайлов ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқнинг кичик тармоғи сифатида майдонга чиқади. Бу ерда сайловнинг умумийлиги, тенглиги, тўғридан-тўғри ва бевоситалиги, шунингдек, яширин овоз бериш шароитида эркин ирода билдириш принципларига риоя этилади);
- г) миллий ҳуқуқий тизимлар доирасида амал қилувчи умумий принциплар (масалан, япон, инглиз, ўзбек миллий ҳуқуқий тизимларнинг ҳар бирининг ўзига хос умумий принциплар);
- д) муайян ҳуқуқий оилага, ҳуқуқ типи доирасига хос принциплар (масалан, англо-саксон, роман-герман, мусулмон ҳуқуқий оилаларига ёки феодал, буржуа ҳуқуқ типларига хос принциплар);
- е) халқаро ҳуқуқ принциплари (масалан, давлатларнинг суверен тенглиги, қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро мажбуриятларни ихтиёрий бажариш принциплари).

Ҳуқуқ принципларни амал қилиш соҳасига қараб ҳам таснифлаш мумкин. Яъни: юридик амалиёт принциплари, юридик жавобгарлик принциплари, ҳуқуқ ижодкорлиги принциплари, одил судлов фаолиятининг принциплари, ҳуқуқни қўллаш жараёнига оид принциплар, ҳуқуқни шарҳлаш принциплари ва ҳ. к.

Жамият тобора демократлашиб, инсон манфаатлари устувор таъминлана боргани сайин ижтимоий муносабатларни тартибга солишда «*қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади*» деган принцип етакчи мавке эгаллай боради. Ушбу либерал-демократик умумҳуқуқий принципнинг мазмун-моҳиятини тавсифлашдан аввал таъкидлаш жоизки, қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилиши *фақат фуқароларга нисбатан* амал қилади. Бу принципни давлат органларига ва мансабдор шахсларга нисбатан жорий этиш тўғри бўлмайди. Зеро, ҳокимият идоралари ва лавозимли шахс қонунда тақиқланмаган масалалар доирасини ўз ихтиёрлари билан белгилаб, ҳокимият ваколатларини сууистеъмол қилиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Шу боис фуқароларнинг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларига путур етказилишининг олдини олиш мақсадида *давлат органлари ва мансабдор шахслар* фаолиятида «*фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина рухсат берилади*» деган принцип амал қилиши лозим бўлади.

Хусусий тадбиркорлик, бозор муносабатлари қарор топиши жараёнида «қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилиши» принципи бозор иқтисодий муносабатларининг субъектлари бўлган юридик шахсларга ҳам тегишли бўлади. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хусусий шахслар юридик шахс сифатида расмийлашиб ҳаракат қилишлари мумкин. Таҳлил этилаётган принцип аслида тарихан товар айирбошлаш жадал ривожлана бошлаган, хусусий тадбиркорлик, савдо-сотик, иқтисодий рақобат вужудга келган, эркинлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ғоялари ижтимоий-сиёсий майдонга чиққан XVI–XVII асрларда шаклланган.

Ўша кезларда вужудга келган ҳуқуқий ҳужжатларда янги даврнинг ғоя ва қадриятлари ўзининг юридик ифодасини топа бошлади. Масалан, 1789 йилги Франция инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида шундай қоидалар муҳрланган эди: «Инсоннинг табиий ҳуқуқларини амалга ошириш фақат жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам шундай ҳуқуқлардан фойдаланишига имкон яратадиган чегаралардагина чекланади» (4-модда); «Қонун фақат жамият учун зарарли қилмишларни тақиқлайди. Қонун билан тақиқланмаган барча нарсаларга рухсат

этилади, ҳеч ким қонун билан белгиланмаган ишларни қилишга мажбур этилмайди» (5-модда).

Мазкур инсонпарвар ғоялар кейинчалик маърифатпарвар мутафаккирлар таълимотида янада ривожлантирилди. «Қонунлар қанчалик кўп масалаларни фуқаролар ихтиёрига қолдирса, улар эркинликлардан шунчалик кўп фойдаланадилар» (Гоббс), «Бошқа инсонларнинг эркинлигини чекламайдиган барча ҳаракатларга руҳсат этилади, шунинг учун улар тақиқланмайди» (Гегель). Бу каби талаб ва таъкидларнинг асосий маъно-мақсади мулк эгаларининг фаол ҳамда фойдали фаолиятига эркинлик бериш, ташаббускорликни ривожлантириш, илғор муносабатлар қарор топишини рағбатлантиришдан иборат эди. Айнан инсоннинг турли тақиқ ва чекловлар билан «қўл-оёғини боғлаб» қўймаслик унинг мустақил ҳаракат қилишига, эркин фаолият юритишига шароит яратади. Зотан, эркин фаолият олиб бориш имконияти инсонларнинг табиий ва узвий ҳуқуқидир. Инсонларга таъминлаб бериладиган эркинлик, тенг имкониятлар, тенг ҳуқуқий мақом — бу масаланинг расмий юридик жиҳати. Аммо, улардан самарали фойдаланиш ҳар бир индивиднинг шахсий хусусиятлари, имкониятлари ва ташаббусига боғлиқ. Шахс бу борада қонунга итоаткор бўлса, солиқларни вақтида тўлаш билан бир пайтда жамиятда умум эътироф этилган юриш-туриш ва ҳулқ-атвор қоидаларига риоя этса, олам гулистон. Умум эътироф этилган турмуш қоидаларига риоя этиш таҳлил этилаётган принципни ҳаётга жорий қилишнинг асосий шартидир. Акс ҳолда жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий асосларига путур етади.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» нинг 29-моддасида белгиланганидек, «ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекловларга риоя этиши керак»¹.

Давлат ҳокимияти қонун воситасида ҳуқуқий фаолиятнинг умумий қўламини, чегараларини белгилаб бериши, ҳамма учун ҳалол

1 Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартнома (тўплам). — Т., 2004. — Б. 36.

ва мажбурий «ўйин коидаларини» ўрнатиши, ўзи эса ижтимоий тартибот муҳофазасида туриши лозим. Оқилона белгиланган ҳуқуқий тақиқлардан ташқари барча масалаларда инсон эркин ҳаракатлана олиши мумкин бўлиши шарт. Бу талаб инсон билан ҳокимият ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқли. Унга кўра, ҳар ким ўзига тегишли мулки, ҳуқуқлари, тажрибаси, истеъдоди, ҳалол ишлаб топилган маблағларидан ўз ихтиёрича фойдаланиши мумкин. Бунинг учун ҳокимият идораларидан алоҳида рухсат олиш шарт эмас.

Қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилиши принципи ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги ишонч, ҳалоллик ва виждонга ҳамда уларнинг хулқ-атворини рағбатлантирувчи механизмларга асосланади. Алломалар таъкидлаганидек, агар табиий олам ҳаракат қонунига бўйсунса, маънавий олам манфаат қонунига бўйсунди. Манфаат ва эҳтиёж барча нарса ҳамда предметларни ўзгартиришга қодир қудратли омилдир. Яратилажак қонунлар жамият эҳтиёжларини қанчалик муфассал акс эттирса, бошқача айтганда, қонунлар мазмуни ижтимоий эҳтиёжларни қаноатлантиришга жавоб берса, мамлакат аҳолиси бундай адолатли қонунларни ҳаётга тўла жорий этишдан манфаатдор бўлади.

Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилиши принципи тўла ҳажмда амал қилиши учун жамият юксак маърифий тараққиёт даражасига эришиши, яъни том маънода фуқаролик жамияти қарор топиши лозим. Бунинг учун тарбия, ҳар бир шахсда ўз ҳаракати устидан ички назорат, соғлом фикр, ҳар бир масалада меъёр ва ҳаддини билиш, билимли ва маърифатли бўлиш каби фазилатлар биринчи ўринга чиқиши ҳамда улар ижтимоий маданиятнинг таркибий жиҳатларига айланиши талаб этилади. Қатъий маънавий-ахлоқий заминга, қонунга итоаткорликнинг барқарор демократик анъаналарига таянилган тақдирдагина мазкур принцип самарали амал қилиши мумкин.

Қадимги римликларда «Кимки қонунга риоя этиб яшаса, у ҳеч кимга зарар етказмайди», деган нақл бўлган. Аммо, қонун билан ҳамма ижтимоий муносабатларни қамраб олиш ва тартибга солиш мумкин эмаслигидан келиб чиқиб айтиш керакки, инсонлар жамият ва ҳамюртлари билан низосиз ҳаёт кечиришлари учун қонундан ташқари ахлоқ ва маданият талабларига ҳам риоя этишларига тўғри келади.

Зеро, жамият ривожланиб, комиллашиб боргани сайин унинг аъзоларининг таъби сайкалланиб, нафислашиб, маданийлашиб боради. Шу боис қонунга итоаткорлик билан ахлоқийлик ва маданийлик фазилатлари ҳам ёнма-ён боради.

Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади деган принцип, *бир томондан*, фуқароларга фаол ҳамда ташаббус билан ҳаракат қилиш имконини берса, *иккинчи томондан*, катта ҳуқуқий ҳамда маънавий-ахлоқий масъулият юклайди. Бу принцип мазмунидаги «рухсат этилади» ва «ман этилади» тушунчалари ўртасида инсонлардаги виждон, инсоф, шаън, кадр-қиммат, бурч, маънавият ва комиллик деган фазилатлар устуворлик қилади.

Шундай қилиб, аввал таъкидланганидек, ҳуқуқий нормалар, институтлар ва принциплар ҳуқуқий тизим мазмунини ташкил этувчи, унда тизимлилик хусусиятларини таъмин этувчи асосий элементлардир. Айнан мазкур воқеликлар унда марказий ўринни эгаллаб, бутун ҳуқуқий тизим билан унинг бошқа элементлари орасидаги алоқани ва ўзаро таъсирни, шунингдек ҳуқуқий тизим билан бошқа ижтимоий тизимлар ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди.

Ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизим таркибининг бошқа элементлари билан чамбарчас боғлиқликда ва алоқадорликда ҳаракатланади. Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, *ҳуқуқий тизим элементлари* — ҳуқуқ нормалари; ҳуқуқ ижодкорлиги; ҳуқуқни амалга ошириш (қўллаш) жараёни; ҳуқуқий муносабатлар; ҳуқуқий тартибга солиш механизми; юридик муассасалар; юридик амалиёт; ҳуқуқий онг; ҳуқуқий сиёсат; ҳуқуқий мафкура; ҳуқуқий маданият; қонунийлик муҳити ва ҳуқуқий тартибот режими; ҳуқуқнинг манбаи ва бошқа таркибий қисмлар ўртасидаги алоқаларни ҳуқуқий принциплар, яъни асосий раҳбарий ҳуқуқий ғоялар замирида уйғунлаштириш, том маънода, ушбу тизим фаолиятида самарадорликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизимнинг барча таркибий қисмлари мазмунига сингиб кетган. Ҳуқуқий принципларни нуфузли ижтимоий кадрият сифатида тадқиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисидаги фикрларни умумлаштириш ва ижтимоий муносабатлар тизимига татбиқ қилиш ҳамда уларнинг изчил ривожланишига эришиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга молик

вазифадир. Ҳуқуқий принциплар асосида ҳаракат ёки фаолият юри-тиш, умум манфаатларига ҳамоҳанглиги билан бир қаторда, фуқаро-ларнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, давлатнинг ҳам етуклик даражасини намоён этади. Бундан ташқари, ҳуқуқий принциплар инсониятни энг тўғри ва эзгу йўлга чорлайди.

Ҳуқуқий принциплар билан ҳуқуқий кадриятлар ўртасидаги боғ-ликлик бир-бирини моҳият жиҳатидан бойитиши билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ва нуфузини оширишга хиз-мат қилади.

§3.2. Ҳуқуқий кадриятлар тизимида ҳуқуқ функцияларининг аҳамияти

Ҳуқуқий тизим талқинига функционал ёндашув мазкур воқеликни ил-мий тадқиқ этишни теранлаштиришда янги имкониятлар очади. Бун-дай ёндашув ижтимоий гуруҳлар ва ҳар бир шахснинг ҳуқуқий ин-ститутлар фаолиятига, ҳаракатланишига, ижтимоий муносабатларни тартибга солишига эҳтиёжи борлигини, улар жамият учун улкан иж-тимоий кадр-қиммат касб этишини ифодалайди. Ҳуқуқий тизимнинг, жумладан ҳуқуқнинг ижтимоий воқеликка таъсир этиши ва шу орқа-ли жамиятда ҳуқуқий тартиботнинг таъминланиши уларнинг сама-расини, кадрият сифатидаги аҳамиятини акс эттиради. Демократик йўналтирилган ҳуқуқий тизим жамиятнинг илдам ҳамда илғор ри-вожланишини таъминлайди, унга бунёдкорлик, ижодкорлик ва таш-киллашганлик руҳини бахш этади.

Ҳуқуқшунослик фанида «функция» ибораси давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси ҳамда ролини ифодалаш учун қўлланилади. Зо-тан, давлат ва ҳуқуқ ходисаларини функционал тавсифлаш уларнинг ташқи муҳитга, ижтимоий ҳаётга самарали таъсир этиш ҳамда уни ўзгартириш «қобилиятига» эга бўлган ҳаракатчан тузилма сифатида ифодалаш имкониятини беради.

Ҳуқуқнинг моҳияти ва ижтимоий вазифаси унинг функциялари-да бевосита намоён бўлади. *Ҳуқуқ функциялари* — ижтимоий му-носабатларга юридик таъсир этишнинг асосий йўналишлари бўлиб,

уларнинг мазмуни ҳуқуқнинг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади. Демак, ҳуқуқнинг функцияси деганда, *бир томондан*, юридик таъсир этишнинг асосий йўналишини белгилаш, *иккинчи томондан*, ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси англанади. Башарти, бу икки жиҳат алоҳида — алоҳида олиб қараладиган бўлса, ҳуқуқ функцияси мантисини очишга кифоя қилмайди. Аслида, ҳуқуқнинг функцияси унинг ижтимоий вазифасини амалга ошириш, рўёбга чиқаришдир. Ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси жамият тараққиётининг эҳтиёжлари асосида шаклланади. Қонунлар жамият эҳтиёжлари, ҳаётини заруриятларга мувофиқ ҳолда ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, уларни тартибга солиш ёхуд муҳофазалаш учун қабул қилинади. Худди шу боис жамият манфаатига мос тарзда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси бўлмиш қонунлар ҳамда уларнинг ижобий самараси муҳим ижтимоий қадрият сифатида эътироф этилади. Ҳуқуқ, аввало, жамият ҳаётининг турли жаҳалари — иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий соҳага, маданий-маънавий муносабатларга таъсир этади ва шу тариқа иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий мазмундаги умумижтимоий функцияларни бажаради.

Ҳуқуқ функцияларига ижтимоий қадрият сифатида қуйидаги хусусиятлар хос:

биринчидан, ҳуқуқ функциялари ҳуқуқнинг моҳиятидан келиб чиқади ва унинг жамиятдаги вазифаси билан белгиланади. *Функция* — ҳуқуқ моҳиятининг ижтимоий муносабатлар мазмунида ифодаланишидир;

иккинчидан, ҳуқуқ функциялари — ижтимоий муносабатларга таъсир этишнинг шундай йўналишларики, уларни амалга ошириш эҳтиёжи ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги заруриятидан келиб чиқади:

учинчидан, функциялар ҳуқуқнинг энг муҳим, жиддий сифатларини ифода этади ва жамият ривожининг ҳозирги босқичида ҳуқуқ олдидан турган туб вазифаларни бажаришга йўналтирилади;

тўртинчидан, ҳуқуқнинг функционал ҳаракати туфайли ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган қадриятлар ижтимоий муносабатлар мазмунига сингади, уларнинг маърифий тарзда тартибга солинишига эришилади;

бешинчидан, ҳуқуқ функциялари унинг ижтимоий муносабатлар муайян турини тартибга солувчи фаол ҳаракатининг асосий йўналишини ақс эттиради. Шу боис ҳуқуқ функцияларининг муҳим белгиладан бири унинг жўшқинлиги, ҳаракатланиши, таъсир этиши ва муайян ижтимоий самарага эришилишини таъминлашидир;

олтинчидан, ҳуқуқ функциялари доимийлик хусусиятига эга, бу уларнинг узлуксизлиги, узок муддат давомида амал қилишини англатади.

Ҳуқуқнинг функционал ҳолати ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилганлигини, муайян натижага (самарага) эришилганлигини назарда тутаяди. Ҳуқуқ функцияси унинг динамик ҳаракатланишини англатади. Ҳуқуқнинг аниқ функцияси адо этилмасдан (амалга оширилмасдан) туриб, бирон ижтимоий муносабат ҳуқуқий тартибга солинмайди, унинг ижтимоий вазифаси таъмин этилмайди. Ҳуқуқ функциясининг амал қилиши ҳуқуқнинг ҳаракатланувчи, ижтимоий муҳитга таъсир этувчи тизим сифатида майдонга чиқишига имкон яратади. Ҳуқуқ функциявий хусусиятга эгаллиги боис ўзининг меъёрий талабларини ижтимоий муносабатлар мазмунига сингдира олади, айнан шу хусусияти туфайли ижтимоий кадриятга айланади.

Соф юридик нуктаи назардан ҳуқуқ функцияларини икки — *регулятив* (тартибга солувчи) ва *негатив* (муҳофаза этувчи) — турга ажратиш мумкин.

Ҳуқуқнинг регулятив функцияси жамият аъзоларининг юриш-туриши ва ҳуқ-атворининг ижобий, барчага мақбул қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий муносабатларни юридик ташкил этиш, кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқаларни уйғунлаштириш ва барқарорлаштиришдан иборат. Бу функция доирасида ҳуқуқий таъсирнинг яна икки — *регулятив-статик* ва *регулятив-динамик* — ҳуқуқий функциялар йўналиши ҳақида сўз юритиш мумкин.

Ҳуқуқнинг регулятив-статик, яъни тартибга солувчи статик функцияси деганда, унинг ижтимоий муносабатлар, уларнинг ҳолати ва эришилган даражасини мустаҳкамлаш ҳамда барқарорлаштиришга қаратилган таъсири тушунилади. Ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу ҳуқуқий институтлар шаклида мустаҳкамланиши ҳуқуқий тартибга солиш мақсадларидан биридир. Ушбу функция турли субъ-

ектларнинг ҳуқуқий макomini белгилашда, масалан, инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқдорлигини белгилашда намоён бўлади. Ҳуқуқнинг мазкур функциясида унинг табиати ниҳоятда яққол акс этади. Зеро, фуқаролар ва ташкилотларга ҳуқуқий ваколатлар берилади, улар шу ваколатлар доирасида эркин, ўзлари истаганча фаолият юритадилар. Бу чегара қанчалик кенгайса, инсонлар, ҳуқуқ субъектлари шунчалик эркин ҳаракат қиладилар.

Тартибга солувчи статик функция *ваколат берувчи* ва *ман этувчи нормалар* орқали амалга ошади, шу боис улар асосида таркиб топадиган муносабатлар *пассив ҳуқуқий муносабатлар* тоифасини ташкил этади. Бундай ҳолларда ҳуқуқ субъектлари ўзлари ташаббус кўрсатиб, ҳуқуқий фаоллик қилишлари мумкин.

Ҳуқуқнинг регулятив-динамик, яъни тартибга солувчи динамик функцияси деганда, ҳуқуқ нормаларининг ижтимоий муносабатларга таъсир этиб, уларнинг келгусида ривожланиши, ўзгариши ҳамда такомиллашувини белгилаб бериши тушунилади. Бу ўринда ҳуқуқ нафақат ижтимоий муносабатларнинг тараққиётини, ҳаракатланиши (динамикаси)ни расмийлаштиради, балки бунга рағбат беради. Мазкур функция *мажбурият юкловчи нормалар* воситасида амалга оширилади. Масалан, қонунчиликда фуқаролар зиммасига қатор мажбуриятлар юклатилади: солиқларни тўлаш, ҳарбий бурчни адо этиш, меҳнат интизомига риоя қилиш, шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш ва ҳоказо. Тартибга солувчи динамик функция фаол ҳуқуқий муносабатлар шаклида рўёбга чиқади. Булар фуқаролик, меҳнат, маъмурий, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳалари институтларида ўз аксини топади.

Ҳуқуқнинг регулятив функциясини амалга оширишда кенг тарқалган усуллар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқ нормалари воситасида фуқароларнинг ҳуқуқий муомала лаёқатини белгилаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий макomini белгилаш (мустаҳкамлаш) ва ўзгартириш;
- давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилаш;

- юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи юридик фактларни белгилаш;
- ҳуқуқ субъектлари ўртасида муайян ҳуқуқий алоқа ўрнатиш (тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатлар);
- аниқ ижтимоий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий тартибга солишнинг оқилона типини белгилаш.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан келиб чиқиб, ҳуқуқнинг регулятив функциясини қуйидагича таърифлаш мумкин: *«Ҳуқуқнинг регулятив (тартибга солувчи) функцияси — ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси билан боғлиқ бўлиб, ҳулқ-атворнинг ижобий қоидасини ўрнатиш, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига оид муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида ҳуқуқ эгаларига субъектив ҳуқуқлар бериш ва юридик мажбуриятлар юклашда намоён бўлади».*

Ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш зарурияти ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Ҳуқуқ ҳамиша ижтимоий муносабатларни муҳофаза этиш воситаси бўлиб келган. Ҳуқуқий таъсирнинг бу йўналиши ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси орқали амалга ошади.

Ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси — унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга жамиятга ёт, зарarli муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади.

Қўриқловчи функциянинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: *биринчидан*, у ҳуқуқни кишилар ҳулқ-атворига таъсир этишнинг алоҳида воситаси сифатида таърифлайди. Ҳуқуқ бу вазифани жазо қўллаш, тақиқлар ўрнатиш ва юридик жавобгарликка тортиш орқали кишилар иродасига таъсир ўтказиб бажаради;

иккинчидан, унда давлат ҳуқуқий қоидалар воситасида қандай ижтимоий қадриятларни ўз ҳимоясига олишни тўғрисида ижтимоий муносабат субъектларига ахборот етказилади;

учинчидан, у жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасининг, ҳуқуқдаги инсонпарварлик асосларининг кўрсаткичидир.

Хуқукнинг кўриқловчи функциясига хос хусусиятлар уни давлатнинг хуқукни муҳофаза этиш фаолияти билан қиёслаганда янада аниқроқ намоён бўлади. Тегишли давлат органлари хуқук субъектлари томонидан конун талабларининг қатъий ва сўзсиз бажарилишини таъминлайди, жамиятда конунийлик муҳитини вужудга келтиради. Бу хуқук бузилиши фактини аниқлаш, уни бузган шахсни тергов қилиш ва айбдорни юридик жавобгарликка тортиш билан таъминланади.

Шундай қилиб, хуқукнинг кўриқловчи функцияси — хуқук нормаларининг бевосита амал қилиши бўлса, давлатнинг хуқукни муҳофаза қилиш фаолияти хуқук талабларига риоя қилишнинг моддий кафолатидир. Бунда махсус органлар (ички ишлар органлари, прокуратура, суд)нинг хуқукни кўриқлашга қаратилган фаолияти намоён бўлади. Бундан ташқари, энг муҳими, хуқукнинг кўриқловчи функцияси ижтимоий муносабатларни ҳимоялашга йўналтирилгандир. Ҳозирги кунда инсон хуқук ва эркинликларини муҳофаза қилиш функцияси устувор аҳамият касб этиб бораётгани боис, мазкур функциянинг кадрият сифатидаги нуфузи беқиёс ортмоқда.

Хуқукнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳамда ижтимоий кадрият сифатидаги тавсифи янада муфассал бўлиши учун унинг *ўрнини тўлдириши* (компенсация қилиш), *чегаралаш* ва *қайта тиклаш* функциялари, шунингдек иктисодий, сиёсий, маънавий-тарбиявий функцияларига ҳам тўхталиш лозим.

Хуқук амал қилишининг муҳим йўналишларидан яна бири хуқук субъектлари томонидан бой берилган *моддий ё маънавий неъматнинг ўрнини тўлдириши (компенсация қилиш) функциясидир*. Мазкур функция хуқукнинг қайта тиклаш функциясига ўхшаш кўринса-да, улар ўртасида муайян фарқ мавжуд. Бу фарқ хуқукни амалга оширишнинг шакл ва усуллари ҳамда хуқуқий оқибатларида намоён бўлади¹. Хуқуқий таъсир этишнинг бу икки йўналиши ўртасидаги фаркни англашда уларнинг хуқуқий асослари алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, ходим ноқонуний равишда ишдан бўшатиш ҳолда хуқукнинг қайта тиклаш ва ўрнини тўлдириш (коплаш) функциялари бирга ҳа-

1 Каранг: Теория государства и права/Под ред. В. К. Бабаева. — М., 2006. — С. 281–286.

ракатга келади: суднинг қарорига кўра фуқарони ишга қайта тиклаш ва мажбурий прогул чоғида бой берилган иш ҳақининг ўрнини тўлдирилади (компенсация тўланади). Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик конунчилигида компенсация билан қайта тиклаш ходисалари фарқланади. Фуқаролик кодексининг 99-моддасига мувофиқ, шахнинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-киммати, шахсий дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари конун билан муҳофаза қилинади. Ўзининг шаъни, кадр-киммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотларни рад этиш билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарар ва маънавий зийннинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Кодекснинг 14-моддаси «Зарарни қоплаш» деб номланиб, унда шундай дейилган: «Агар конун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўплаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли».

Фуқароларнинг мулки давлат ва жамоат манфаатлари учун олиб қўйиладиган ҳолларда тегишли тартибда компенсация тўланади. Бундай мулкий муносабатларни ҳал этиш фуқаролик кодексида белгиланган қоидалар (тартиб) асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ҳам компенсация тўловлари назарда тутилган (X боб). Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар конунлар, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида белгиланган шартлар ва тартибда иш берувчи томонидан қопланиши

(компенсация қилиниши) лозим. Ходим хизмат сафарига юборилганида ёки бошқа ишга ўтказилганида йўлкира харажатлари, меҳмонхонада яшаш ёки уй-жой ижараси билан боғлиқ харажатлар, иш берувчининг розилиги билан сарф қилинган бошқа харажатлар қопланиши қонунда мустақамланган. Бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда ходимга қуйидаги компенсациялар тўланади:

- кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш билан боғлиқ харажатлар;
- янги жойда ўрнашиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- ходим томонидан иш берувчи билан келишиб қилинган барча харажатлар.

Меҳнат кодексининг 173-моддасида ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланганлик учун компенсация тўлаш белгиланган: «Иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозим». Ана шу харажатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Қоплаш, ўрнини тўлдириш (компенсация қилиш) функцияси ҳуқуқнинг кўпчиликлари тармоқлари учун хос бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, ҳуқуқ субъектлари манфаатларини ўзаро мувофиқлаштиришда муҳим восита саналади.

Ҳуқуқнинг чегаралаш функцияси унинг ижтимоий муносабатлар регулятори бўлишдек вазифасининг муҳим жихатидир. Муносабатларни тартибга солиш жараёнида жамият, ижтимоий гуруҳлар ва фуқаролар манфаатини мувофиқлаштириш мақсадида шахслар учун зарурий хулқ-атвор андозаси яратилади. Хатти-харакатларни ушбу ҳуқуқий андозаларга мослаштириш ва тегишли манфаатлар устуворлигини таъминлаш борасида баъзан айрим шахсларнинг ҳуқуқларини чегаралашга тўғри келади. Албатта, бундай чегаралаш қонун доирасида амалга оширилади.

Бундай чегаралаш ёки чеклашлар қонунчиликдаги тақиқловчи, манътувчи ва мажбурият юқловчи ҳуқуқий нормалар воситасида ўрнати-

лади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилган. Асосий қонунимизнинг 7-моддаси иккинчи қисмида «Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга ҳилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади», деб белгилаб қўйилган.

Шунингдек, 57-моддада қуйидаги чеклов мустаҳкамланган: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади.

Мажбурият юклаш тарзидаги ҳуқуқий чеклашга ҳам иккита конституциявий нормани мисол қилиб келтириш мумкин: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт»; «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риюя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».

Инсон ўз дунёқарашини, эътиқоди, ахлоқи ҳамда маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг тазйикисиз ва айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши лозим. Унинг хоҳиш-иродаси ҳурмат қилиниши шарт. Бу сатрлар юртбошимиз И. А. Каримовга тегишли¹. Давлатимизнинг виждон эркинлиги борасидаги нуктаи назари ана шу қоидадан келиб чиқади. Мазкур муносабат Асосий қонунимизнинг 31-моддасида қуйидагича ифодасини топган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатлана-

1 Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт қафолатлари.* — Т., 1997. — Б. 36.

ди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди». Виждон эркинлиги ва эътиқод ҳурлигини кафолатловчи конституциявий қондани амалда таъминлаш мақсадида давлат «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (1998 йилдаги янги таҳрирда) қонун қабул қилган. Унда мазкур ниҳоятда муҳим ҳамда нуфузли ҳуқуқни рўёбга чиқаришнинг бир бутун тизими (механизми) яратилган. Виждон эркинлиги — бу инсоннинг фикрлаш ва ўз эътиқодига мос хатти-ҳаракат қилиш ҳуқуқидир; бу унинг ўз фаолиятини ахлоқан баҳолаш ҳамда ўз ҳаракати ва фикрини ўзи назорат қилиши бобдаги мустақиллигидир. Қонун ҳар бир фуқарога мустақил равишда, бирон-бир мажбурлашсиз ўзининг динга муносабатини белгилаш имкониятини беради. Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишга, диний расм-русум ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида таъкидланишича, давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига қўмақлашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли динлар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Бир диндагиларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайдилар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятни маблағ билан таъминламайди. Диндан давлатга ва конституциявий тузумга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизлар ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши

қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғараз мақсадларни кўзловчи диний ташиқлотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади¹.

Дастилабки қарашда қонунларда чеклашларнинг мавжуд бўлиши салбий хусусиятдек туюлади. Аммо, пировард натижада бундай чеклашлар ижобий ижтимоий самара беради, улар туфайли жамиятда барқарорлик, адолат ва қонунийлик муҳитини таъминлашга эришилади. инсон ҳуқуқлари кафолатланади. Худди шу маънода, ҳуқуқнинг тақиқловчи, чекловчи функцияси ҳам жамият манфаатларига хизмат қиладиган муҳим ижтимоий кадрият ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг қайта тиклаш функцияси ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, ҳуқуқий тартибга солиш механизмида алоҳида ўрин тутади. Амалиётда кўпгина вазиятларда ҳуқуқий воситалар ёрдамида шахснинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланади. Масалан, шахсга унинг мулки қайтариледи, у ишга тикланади, фуқаронинг пок номи, шаъни, кадр-қиммати тикланади, адолат қарор топади ва х.к. Мана шундай самарага, ижобий натижага эришилган ҳар бир вазиятда ҳуқуқ ниҳоятда муҳим ва қудратли ижтимоий кадрият эканлиги умум эътирофига сазовор бўлади.

Ҳуқуқнинг қайта тиклаш функцияси, одатда, аввал қабул қилинган ғайриқонуний ҳужжатни ёки содир этилган юридик аҳамиятли хатти-ҳаракатни бекор қилиш шаклида амалга ошади. Шахснинг бузилган ҳуқуқини, чекланган эркинлигини қайта тиклашга йўналтирилган нормалар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда мамлакат ички қонунчилигида мустаҳкамланади. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасига биноан, «ҳар бир инсон унга конституция ва қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга»². Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10 ва 11-моддаларида

1 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. № 12. — 640-модда.

2 Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар (тўплам). — Т., 2004. — Б. 32.

фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тиклаш усуллари ҳақида қуйидаги қоидалар мустаҳкамланган: «Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди томонидан ҳимоя қилинади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин».

«Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузadиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;
- шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;
- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;
- зарарни тўлаш;
- неустойка ундириш;
- маънавий зиённи коплаш;
- ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;
- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин».

Меҳнат ҳуқуқининг функциялари адо этилишида ҳам бузилган ҳуқуқни тиклаш масалаларига катта эътибор берилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида «ишга тиклаш» деган модда мавжуд. Унинг мазмунини қуйидагича: «Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим» (111-модда).

Ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш:

- мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш шартлигидан (275-модда);
- меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ёки ходим бошқа ишга ўтказилганлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун компенсация тўлашдан;
- маънавий зарар учун компенсация тўлашдан иборатдир. Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар учун ушбу Кодекснинг 274-моддасида назарда тутилган тартибда моддий жавобгар бўладилар (112-модда).

Шахсга тегишли ҳуқуқларнинг бузилиши жамият ва фуқаро кўз ўнгида адолатсизлик, ноқонунийликни намоён этса, бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши эса ижтимоий адолат тантанаси, қонунийликнинг қарор топиши, энг муҳими, моддий ва маънавий ҳуқуқий қадриятлар бардавомлигининг ифодасидир.

Ҳуқуқнинг жамият ҳаётида қадрият сифатидаги нуфузи унинг *маънавий-тарбиявий функциясида* ҳам намоён бўлади. Мазкур функция, бир томондан, ҳуқуқнинг бутун жамият, муайян ижтимоий гуруҳлар мафқурасини ифодалаш имкониятига эгаллиги, иккинчи томондан, унинг инсонлар онги, фикри ҳамда ҳиссиётларига таъсир кўрсата олиш салоҳиятига эгаллиги туфайли самарали амалга ошади. Ҳуқуқнинг тарбиявий функцияси орқали жамият аъзоларида юқори даражадаги ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур қилиш қобилияти ва маданият шакллантирилишига, ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворга рағбат ҳосил қилинишига эришилади.

Ҳуқуқ мазмунида жамият ва шахс манфаатларига хизмат қилувчи илғор маънавий-ахлоқий ғоялар, адолат ва инсонпарварлик ру-

хи билан йўғрилган кадриятлар ўз ифодасини топади. Айнан шу ғоя ва кадриятлар ҳукукий норма (ҳужжат) қабул қилинган вақтдан эътиборан жамият томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинади, қўллаб-қувватланади ва манфаатдорлик билан амалга оширилади. Кишиларнинг мақсад-интилишлари ва кайфиятларини ақс эттирмайдиган ҳукукий талаблар ижтимоий онгда салбий баҳоланиб, инкор этилади. Шу боис ҳукукий нормалар ўз мазмунига жамият эътирофига сазовор маънавий-ахлоқий, инсонпарвар ғоя ҳамда кадриятларни қанчалик кўп сингдирса, унинг тарбиявий таъсир кучи ва аҳамияти шунчалик юқори бўлиши тайин.

Айни вақтда, шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳукукий кадриятлар ижтимоий муносабатларни йўналтирувчи, тартибга солувчи таъсир кучига эга бўлади. Бу таъсир кучининг моҳияти шундаки, ижтимоий муносабат иштирокчилари ўз хатти-ҳаракатларини ижтимоий кадриятлар ва талаблар нуктаи назаридан англаб, мушоҳада этиб, сўнг уларни амалга оширадilar.

Ҳуқуқ нормалари воқеликнинг кадриятлар нуктаи назаридан меъёрлаб, уни ифода этади. Кадриятларни норматив расмийлаштириш, моддийлаштириш орқали ҳукукий норманинг ўзи ҳам ижтимоий кадриятга айланади. Француз аксиологи Л. Лавель таъкидлаганидек, «ҳуқуқ жамиятдаги кадриятларни мустаҳкамловчи воситадир».

Демократик жамиятда ҳукукий кадриятлар билан ҳукукий нормалар ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Ҳукукий нормалар мустаҳкамлайдиган ва муҳофаза этадиган барча воқеликлар муайян кадрият ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқнинг бош функцияси умуминсоний ва миллий кадриятларни муҳофаза этишдан иборатдир. Бу икки ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқадорлик шундаки, ҳукукий кадриятлар тизимига ҳукукий нормалар тизими мутаносиб келади (ёки мувофиқ келиши лозим). Ҳукукий кадрият ҳуқуқ нормасига нисбатан ҳам асосий идеал, ҳам мақсад, ҳам муҳофаза объекти сифатида майдонга чиқади¹. Ҳукукий кадриятлар иерархияси ҳукукий нормалар иерархиясини такозо этади. Шу боис ҳуқуқ нормасининг яратилишини (вужудга келишини) такозо этган омил (усул)

1 Каранг: *Нено Неновски*. Право и ценности. — М., 1987. — С. 181–182.

у мухофаза қиладиган ва мақсад деб биладиган кадриятга зид бўлиши мумкин эмас.

Бугунги кунда ҳуқуқнинг ижтимоий кадрият сифатидаги тавсифи шундаки, у ўзининг бутун маъно-мазмунни билан ўзбошимчалик, зўравонлик ва қонунсизликни инкор этади (С. С. Алексеев). Умуман олганда, ҳуқуқ жамиятда тартиб, уюшқоқлик ва барқарорликни таъминлаш имкониятларига эга. У барча ижтимоий институтлар (партиялар, жамоат бирлашмалари, муассасалар, маҳалла, оила ва меҳнат жамоалари ва ҳ. к.) нинг қонун-қоидалар асосидаги батартиб мулоқоти ва ҳамжиҳатлигини таъминлайди, жамиятнинг раво ҳамда илғор тараққий этишига қўмаклашади. Ҳуқуқнинг функционал фаолияти туфайли жамиятнинг барча таркибий тузилмалари ўзаро манфаатли муносабатларга киришади. мақсадли ҳамда тартибли ҳаракатланади, ягона давлат стратегияси ва конституциявий-ҳуқуқий сиёсат асосида изчил ва баҳамжиҳат ривожланиб боради. Қисқача айтганда, ҳуқуқ ижтимоий тараққиётнинг кудратли омилidir.

Ҳуқуқнинг асосий ижтимоий вазифаси, функцияси ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан ва ривожлантиришдан иборат. Унинг тартибга солиш функцияси билан бир қаторда ҳуқуқнинг англаш, ахборот етказиш, билишга оид функцияси ҳам намоён бўлади. Функционал-социологик нуқтаи назардан, ҳуқуқ, аввало, муносабатларни тартибга солувчи восита, сўнгра ахборот етказувчи, алоқа ўрнатовчи, билим тарқатовчи манба сифатида майдонга чиқади¹. Ҳуқуқнинг бу икки функцияси ижтимоий ҳаётда тегишлигича намоён бўлади. Агар ҳуқуқ функциялари турмушнинг барча соҳаларига татбиқан таҳлил этиладиган бўлса, хусусан, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларда ҳуқуқнинг айнан тартибга солувчи ва билишга оид (ахборот) функциялари алоҳида икки йўналиш сифатида рўёбга чиқади.

Амалда бу икки функция ўзаро ҳамоҳанг тарзда бир вақтнинг ўзида амалга ошади. Масалан, муайян ҳаётий вазиятда уни ҳуқуқий тартибга солишдан аввал фактик ҳолатни юридик нуқтаи назардан англаш, билиш жараёни содир бўлади. Бошқа вазиятда эса билиш ҳуқу-

1 Қаранг: *Нено Неновски*. Кўрсатилган асар. — Б. 61.

кий тартибга солиш оқибатида юз беради ёки тартибга солиш жараёни билан мувозий тарзда амалга ошиши мумкин.

Айни вақтда ҳуқуқнинг билиш функцияси муайян мустақилликка ҳам эга. Ҳуқуқнинг амалий фаолияти ёрдамида инсонлар юридик амалиёт (суд, маъмурий ва бошқа амалиёт) ҳақида тегишли ахборот оладилар, билимларни ҳосил қиладилар. Воқеликни ҳуқуқ нормалари орқали англаш ижтимоий онгда у ёки бу ходисанинг юридик модель нуктаи назаридан қандай бўлиши лозимлиги хусусида тасаввур ҳосил қилади. Реал ижтимоий ҳаётда функционал ҳаракатланувчи ҳуқуқ изчил норматив тизим сифатида инсонлар, ҳуқуқ субъектлари кўз ўнгида дунёни, ҳаётни юридик категориялар, андозалар, шакллар, моделлар, қадриятлар воситасида намоён этади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг тартибга солувчи функцияси воқеликни ҳуқуқий нормада мустаҳкамланган талаб, андоза, модель (лозимлик) даражасига етказишда аҳамиятли бўлса, билишга оид функцияси эса мавжуд вазиятни англаб, тегишли талаб (лозимлик) даражасига етказиш зарурияти, йўллари ва усулларини билиш имкониятини беради. Ҳуқуқнинг тартибга солиш функцияси жамият учун қанчалик муҳим қадрият саналса, билишга оид функцияси ҳам биринчисидан кам бўлмаган даражада қадриятдир.

Аксиология нуктаи назаридан, ҳуқуқий тизим, *бир томондан*, ҳуқуқий нормалар (институтлар), *иккинчи томондан*, уларнинг вужудга келиши ва амал қилишини тақозо этувчи ижтимоий қадриятлар мажмуи ҳисобланади. Ҳуқуқий тизим ижтимоий қадриятларни ўзига сингдириш (акс эттириш) асосида шаклланади ва ижтимоий муносабатларга таъсир этади (уларни тартибга солади). Ҳуқуқий тизим функционал жихатининг, ҳуқуқ амал қилиши социал механизмининг диалектикаси ана шундай моҳият касб этади.

§3.3. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва устувор қадриятлари

Мозийнинг гувоҳлик беришича, инсониятнинг бутун сиёсий-тарихий тараққиёти мобайнида давлат ҳокимияти билан фуқаронинг

манфаатлари ҳамиша ўзаро зиддиятли, карама-қарши кутбада турувчи ходисалар бўлиб келган. Айнан мана шу икки ҳодиса ўртасидаги диалектик алоқадорлик: яъни, *бир томондан*, давлат ҳокимияти, ундаги сиёсий ироданинг устуңлиги (баъзи ҳолларда мажбурлаш, таъйик ўтказиш имкониятларининг мавжудлиги), *иккинчи томондан*, фуқаронинг ўз эҳтиёж ва манфаатлари мажмуи билан майдонга чиқиши *«фуқаролик жамияти»* ғоясини келтириб чикарди, десак хато бўлмайди. Мазкур ғоянинг туб моҳияти фуқарони (инсонни), унинг манфаатларини ишончли муҳофаза этиш тизимини вужудга келтиришдан иборат.

Фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб белгилаган эканмиз, даставвал унинг мазмун-моҳиятини, тавсиф-таърифини муфассал ойдинлаштириб олишимиз ва тегишли назарий билимларни ижтимоий онгга теран сингдиришимиз лозим. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, даврий матбуотда ва сиёсий лексиконда «фуқаролик жамияти» иборасини кенг қўллаётган бўлсак-да, аммо унинг асл моҳияти ҳали на фалсафий адабиётда, на ижтимоий-сиёсий ва юридик адабиётда ўзининг мукамал оммабоп ҳамда илмий талқинини топгани йўқ. Шу боис бугунги кунда фуқаролик жамиятининг барча муҳим жиҳатларини камраб олувчи, унинг ҳам институционал, ҳам функционал йўналишларини ифодаловчи илмий моделни яратиш вазифаси турибди.

Табиийки, бу ерда гап ҳамма мамлакатларга уларнинг реал воқелиги ва тараккиёт даражаси хусусиятларини инобатга олмасдан қўлланадиган ўзгармас қолип — модель яратиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бироқ, фуқаролик жамиятининг назарий талқинига оид умумий қоидалар, ғоялар, тамойиллар ҳамда унинг муҳим хусусиятларини акс эттирувчи таъриф-тавсифлар илмий тизим тарзида жамланиши лозим.

Моҳият жиҳатидан *«фуқаролик жамияти»* ибораси илмий адабиётларда ўзига хос алоҳида мазмун-маъно касб этиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан юқори даражада камол топганлигини, мукамалликка эришганлигини англатади. Мазкур категория воситасида тарихий ривожланиш тажрибаси асосида орттирилган мезонларга жавоб берувчи жамиятнинг ижтимоий етуқлиги, оқилона уюшганлиги, адолатлилиги ва фозиллиги изоҳланади.

Жамиятнинг «фуқаролик» сифати билан тавсифланишида бой мазмун ва теран маъно бор. «Фуқаролик» (эркин инсон) деган сифат белгисида юқори таракқий топган, комилликнинг чўккисига эришган жамиятнинг моҳияти акс этади. Муайян давлатга мансуб бўлган фуқаролар яшайдиган мамлакат ҳали фуқаролик жамияти, эркин ва комил инсонлар жамоаси мавжудлигини англатмайди. Худди шунингдек, маълум ҳуқуқий тизим мавжуд бўлган, ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи амал қилаётган ҳар қандай давлат «ҳуқуқий давлат» деб эътироф этилавермайди¹.

Ғоявий илдизлари Арасту, Афлотун ва бошқа қадимги юнон файласуфлари таълимотига бориб тақаладиган «фуқаролик жамияти» ҳақидаги таълимот ўрта асрларда Мовароуннаҳрда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, XVI–XIX асрларда Европада Г. Гроций, Т. Гоббс, Ж. Локк, Ш. Монтескьё, Ж. Ж. Руссо, И. Кант, Г. Ф. Гегель, М. Вебер ва бошқа мутафаккирлар томонидан ривожлантирилди. Масалан, Форобийнинг идеал ёки мукамал жамиятга оид таълимоти моҳиятида биз ҳозир фуқаролик жамияти деб атаётган жамиятнинг ғоявий куртаклари бор, десак янглишмаймиз. Форобий фикрича, баркамол шаҳарлар фазилатли, мукамал ижтимоий уюшма ҳисобланади. Аллома шаҳар (давлат) оқиллик ҳамда ижтимоий ривожланишнинг зарурий ва ҳақиқий қонунларини англашга асосланган экан, уни албатта такомиллаштириш ва фозил жамият, шаҳар (давлат) билан алмаштириш зарур, деб ҳисоблайди². Инсониятнинг кейинги асрлардаги таракқиёти замирида тўпланган илмий назарий талкинлар асосида фуқаролик жамияти деганда, биринчи навбатда, давлатдан холи бўлган мулкӣй, бозор тартиблари, оилавий, ахлоқӣй-маънавий муносабатлар соҳаси тушуниладиган бўлди. Шу маънода, маърифий, хусусий, ғайрирасмий, носийёсий ҳаёт соҳаси мажмуи тарзида талкин этиладиган фуқаролик жамияти товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг давлат назорат қилмайдиган манфаатларини амалга ошириш олами сифатида таърифланади. Маса-

1 Каранг: Теория государства и права/Под. ред. Н. И. Матузова и А. В. Малько. — М., 2000. — С. 201.

2 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Т., 1993. — Б. 163.

лан, Гегелнинг таъбирига кўра, фуқаролик жамияти — бу энг аввало, хусусий мулкка асосланган манфаат (эҳтиёж) лар тизими, шунингдек дин, оила, табақалар, давлат тузуми, ҳуқуқ, ахлоқ, бурч, маданият, таълим, қонунлар ва субъект (инсон) ларнинг улардан келиб чиқувчи ўзаро узвий юридик алоқалари мажмуидир. Инсонлар табиий, «номаданий» ҳолатдан «фуқаролик жамиятига ўтишлари лозим, зеро айнан шу жамиятда ҳуқуқий муносабатлар асл воқеликка айланади»¹. Гегель бу жамиятни буржуача ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи сифатида тушунган, шу билан бирга, унинг икки асосий принципини алоҳида ажратиб кўрсатган:

биринчидан, шахслар ўз хусусий манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар;

иккинчидан, инсонлар шундай ижтимоий муносабатлар тизимини вужудга келтирадиларки, бунда ҳар ким бошқа кимсага боғлиқ бўлади, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик мавжуд бўлади.

Хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузилма бўлмиш фуқаролик жамияти аслида бозор иктисодиёти муносабатлари тизимидан иборатдир. Бундай муносабатларга ишлаб чиқариш соҳасидаги эркин рақобат ва иктисодиёт соҳасига давлатнинг маъмурий аралашувини чеклаш орқали эришилади².

Юқорида келтирилган мулоҳазалар билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг моҳиятига оид яна бир муҳим жиҳатга урғу бериш лозим. **Фуқаролик жамияти** деганда муайян мамлакат миқёсида намоён бўладиган тарихий-ижтимоий маънодаги **жамиятни** тушуниш унчалик тўғри эмас.

Фалсафий-ижтимоий маънода жамият кишиларнинг макон ва замонда мавжуд бўлган, турмуш тарзи умумий, манфаатлари муштарак кишиларнинг ўзаро алоқадор бирлигидир. Жамиятнинг пайдо бўлиши, моҳияти ва хусусиятлари борасида мутафаккир аждодимиз Абу Наср Форобий илғор илмий мушоҳада юритган. Унинг идеал (мукамал, фозил) жамият барпо этиш тўғрисидаги таълимоти фуқаролик жа-

1 Гегель. Работы разных лет. Т. 2. — М., 1973. — С. 50.

2 Батафсил маълумот учун қараг: *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. — Т., 2002. — Б. 166.

миятини шакллантириш йўлидан бораётган бугунги Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда долзарбдир. Форобий мукаммал жамиятнинг олий мақсади — инсонларнинг том маънода бахт-саодатга эришувидир, деб билади.

«Жамият одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мужмуаси... Машҳур аллома Абу Али ибн Сино ўз даврида илгор карашларни илгари суриб, жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёждан келиб чиққанлигини, ижтимоий тенгсизлик, табиий ҳолат, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши жамият тараққиётининг асоси эканлигини кўрсатди»¹.

Ғарбий европалик сиёсатшунос ва файласуф мутафаккирлар Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, Г. В. Ф. Гегель ва бошқалар жамиятни табиий-тарихий жараён, мураккаб ижтимоий система сифатида таърифлаганлар.

Юридик адабиётлардаги талқинга кўра, жамият кишилар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик маҳсули, улар ҳаётининг муайян ташкилий шакли, ўз ички карама-қаршиликларига эга вужуд бўлиб, унинг моҳияти инсонларнинг, улар уюшмалари ҳамда бирликларининг турли-туман (иктисодий, ахлоқий, диний ва бошқа) алоқа ва муносабатларида намоён бўлади².

Академик М. И. Байтин таъбирича, жамият инсонларнинг муайян ишлаб чиқариш типи асосида қарор топадиган биргаликдаги фаолиятининг ҳар қандай шакли, барча турдаги ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси дир³. Демак, жамият шахслар (индивидлар)нинг оддий, ўзаро боғланмаган йиғиндиси эмас. Балки у кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг мужжасам мажмуи, муштарак маҳсули сифатида майдонга чиқади. Жамият — бу инсонларнинг умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари бирлиги асосида, уларни қондириш мақсадидаги бирикуви ва кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, алоқадорлик, ҳамкорлик ифодасидир⁴.

1 Фалсафа: Қомусий лугат. — Т., 2004. — Б. 124.

2 Қаранг: Теория государства и права/Отв. ред. В. М. Корельский и В. Д. Перевалов. — М., 1998. — С. 27.

3 Қаранг: Теория государства и права/Под. ред. Н. И. Матузова и А. В. Малько. — М., 2000. — С. 23.

4 Батафсил маълумот учун қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Инсоннинг жамият ва давлат билан ўзаро ҳуқуқий алоқадорлиги//Инсон ҳуқуқлари. — Т., 1997. — Б. 28.

«Жамият» категориясига бир мунча кенгрок тўхталганимизнинг боиси бор. Мақсад анъанавий талқиндаги *«жамият»* билан *«фуқаролик жамияти»* ўртасидаги муҳим фарқни аниқлашдан иборат. Бу икки ижтимоий ҳодиса (категория) ўртасидаги асосий фарқ, фикримизча, куйидагиларда намоён бўлади:

- мазкур мураккаб системалар, аввало, ўз моҳияти ва тузилмавий таркиби билан ажралиб туради. *Анъанавий маънодаги жамият* ўз таркибига барча устқурма ҳодисалари билан бирга давлатни ҳам қамраб олади. *Фуқаролик жамиятининг таркибига*, хусусан, унинг институциявий элементлари қаторига *давлат кирмайди*. *Сиёсий давлат* билан *фуқаролик жамияти* ўзаро қарама-қарши, лекин бирга фаолият юритувчи, амал қилувчи диалектик жуфтликдир;
- анъанавий жамият муайян мамлакатда, яъни бир макон ва замонда ҳаёт кечирувчи барча аҳолини қамраб олади. Фуқаролик жамияти эса инсонларнинг хусусий ҳаёт соҳасидаги мулкӣ, иктисодий, ижтимоий, ҳуқуқӣ, диний, ахлоқӣ ва бошқа манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи институтларни (уюшмалар, таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бошқариш идоралари) ва механизмларни қамраб олади;
- фуқаролик жамияти инсонлар бирлиги тараққиётининг алоҳида маърифий даражасини, беназир *сифат ҳолатини* ифодалашини билан анъанавий жамиятдан фарқ қилади. Бу ўринда фуқаролик жамияти инсонлар жамоасини, унинг манфаатларини сиёсий ҳокимият олдида, давлат аппарати қаршисида муҳофаза этувчи ўзига хос феномен, тегишли механизм (мажмуа) сифатида майдонга чиқади;
- фуқаролик жамияти — бу юксак инсоний қиёфага эга бўлган жамият ёки юксак даражада уйғун ҳаёт кечирувчи эркин инсонлар жамиятидир.

Фуқаролик жамиятини маданий-маърифий тараққиётнинг алоҳида етуклик даражаси, *махсус сифат ҳолати*, инсоний муносабатларнинг ўзига хос тизими тарзида тушуниш бизни баъзи хато фикрлардан асрайди. Масалан, олимларимиз орасида «давлатимиз фуқаролари борлигининг ўзи Ўзбекистонда фуқаролик жамияти

мавжудлигини англатади», деган бетайин фикрларни айтувчилар ҳам бор. Даврий матбуотда эса мамлакатимизда фуқаролик жамияти қарор топди, деб эълон қилишга шошилаётган журналистларимиз ҳам учрамоқда.

Фуқаролик жамияти давлатдан мустақил ва ундан холи муносабатлар ҳамда воситалар тизими бўлиб, у шахс ва жамоаларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ҳаёт соҳаларидаги *хусусий манфаат* ва *эҳтиёжларини* амалга оширишга шароит яратади. Кўпчилик олимларнинг эътироф этишларича, фуқаролик жамияти инсонларнинг хусусий манфаат ва эҳтиёжлари соҳаси (шу соҳадаги муносабатлар йиғиндиси)дан иборатдир. Маълумки, фуқаролар ҳуқук ва эркинликларининг аксарият қисми мана шу хусусий ҳаёт соҳасида рўёбга чиқарилади. Бирок бунинг замирида турган индивидуализм ҳаддан (муайян меъёрдан) ошмайди, шахснинг ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолишига, бегоналашувига олиб келмайди. Чунки индивидлар ўз хусусий манфаатларини таъминлаш учун бирлашиб, турли уюшма ва ташкилотларни вужудга келтирадilar.

Шунга кўра, фуқаролик жамияти — шахслар (фуқаролар) нинг оддий йиғиндиси эмас, балки улар ўртасидаги ранг-баранг алоқалар, тенг ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик ифодасидир. Мазкур муштараклик ва ҳамжиҳатлик ташкилий-институциявий кўринишга эга бўлиб, турли ижтимоий ҳаракатлар (кучлар), сиёсий партиялар, касба уюшмалари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, жамғармалар, иттифоклар, бирлашмалар мавжудлиги билан ажралиб туради. Давлат билан бўладиган муносабатларда фуқаронинг манфаатини ифодалаш айнан мана шундай ташкилий тузилмалар, яъни фуқаролик жамияти институтлари орқали тўла-тўқис амалга оширилади. Шу маънода, *бир томондан*, давлат, унинг идоралари (мансабдор шахслар), *иккинчи томондан*, фуқаролар ва уларнинг ташкилотлари ҳуқуқий муносабатларнинг *тенг субъекти* сифатида майдонга чиқадилар.

Фуқаролик жамиятининг давлатдан *мустақиллиги*, *автономлиги* унинг ўзини ўзи бошқариш қобилиятига эғалиги билан изоҳланади. Бу жамиятда ўзини ўзи бошқариш жабҳаси билан давлат бошқаруви жабҳаси мавжуд бўлиб, улар бири-бирига зид эмас, аксинча, бир-бирини тўлдирувчи тизимлар ҳисобланади. Ижтимоий ўзини ўзи бош-

қариш устун мавқега эга бўлиб, жамиятнинг ўзи давлат бошқаруви-ни жорий этади, давлат аппаратини шакллантиради ва, ниҳоят, ижтимоий ҳаётга давлат аралашувининг кўлами ва чегарасини белгилайди (В. А. Четвернин)¹.

Фуқаролик жамиятидаги ўзини ўзи бошқаришнинг асосий механизм (мурват) лари:

- эркин бозор (*иқтисодий механизм*),
- сиёсий эркинлик ва демократия (*сиёсий механизм*),
- маънавий-ахлоқий соҳа (*маънавий-руҳий механизм*),
- жамиятдаги низоларни одил судлов воситасида ҳал этиш (*суд-ҳуқуқий механизм*) дан иборат бўлиб, уларда жамият аъзоларининг расман тенглиги принципи намоён бўлади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида «фуқаролик жамияти» тушунчасини янада аниқлаштиришга уриниб кўриш мумкин. Яъни: *фуқаролик жамияти* — инсонларнинг шундай бирлигидирки, у жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида асосий (бирламчи) нодавлат тузилмаларни ихтиёрий вужудга келтирадиган, шунингдек нодавлат муносабатларнинг мажмуи ва эркин инсонлар, ташкилотлар ва фуқаролар уюшмалари фаолият юритиб, намоён бўладиган соҳадир. Махсус адабиётлардан бирида қуйидаги таърифни ҳам учратиш мумкин: «Фуқаролик жамияти — ўз фаолиятида давлатдан, унинг идора ва муассасаларидан холи бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтларнинг тизими... Фуқаролик жамиятини мамлакатдаги давлат-ҳокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган носийсий ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин»².

Фуқаролик жамияти билан *сиёсий давлатнинг* нисбати, муносабати ўта муҳим назарий масаладир. Ҳозирги замон либертар-юримдик таълимоти либерализм анъаналарига мувофиқ, фуқаролик жамияти ва давлатни хусусий ва умумий манфаатларнинг нисбатан мустақил, бир-бирига тобе бўлмаган соҳаси деб эътироф этади. Башарти, фуқаролик жамияти хусусий манфаатларни кўзловчи мулкӣ ва товар

1 Қаранг: Гражданское общество, правовое государство и право («круглый стол»)// Государство и право. — 2002. — № 1. — С. 19.

2 Қаранг: Теория государства и права/Под ред. Н. И. Матузова и А. В. Малько. — М., 2000. — С. 202–206.

айирбошлаш муносабатлари тизими бўлса, давлат оммавий-ҳокимият муносабатлари соҳаси сифатида майдонга чиқади. Сиёсий ҳокимият ваколатларининг субъекти бўлиб эса давлат аппарати ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятининг ҳаёти ва фаолиятида *сиёсий иштирок этиш* соҳаси ҳам мавжуд. Бунда ўз хусусий манфаатлари асосида уюшган индивидлар, айни вақтда, давлат ҳокимияти (идоралари) ни шакллантирувчи фуқаролар мақомида бўладилар. Гарчанд, фуқаролик жамияти носийси ҳамжамият бўлса-да, унинг таркибида фуқаролик жамияти билан давлатнинг алоқаларини таъминловчи сиёсий бирлашмалар фаолият юритади. Сиёсий иштирок этиш соҳаси *носиёсий фуқаролик жамиятини сиёсий давлат* билан боғловчи муносабатлар тизимидан иборат¹.

Давлат фуқаролик жамиятига нисбатан оммавий-сиёсий ҳокимият аппаратиدير, холос. Давлат ҳокимиятини барча фуқаролар оммаси эмас, балки фақат давлат аппарати амалга оширади. Фуқароларга келсак, улар (фуқаролар, уларнинг бирлашмалари) давлат ҳокимиятини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этадилар, холос.

Ҳар қандай давлат ягона марказдан бошқариладиган *вертикал тизимга*, яъни ўзаро бўйсунуш муносабатларидаги давлат идоралари (мансабдор шахслар) нинг поғонама-поғона (иерархия) тарзда уюшган институциявий тузилмасига эга. Давлат жамиятни бошқариш ва муҳофаза этиш билан шуғулланади.

Фуқаролик жамияти эса, давлатдан фаркли равишда, фуқароларнинг, улар уюшмалари, бирлашмалари ҳамда жамоаларининг турлитуман алоқалари ва муносабатларининг *горизонтал тизими* сифатида намоён бўлади. Мазкур муносабатлар фуқароларнинг тенглиги ва шахсий ташаббусига асосланади. Фуқаролар ва улар бирлашмаларининг мақсадлари уларнинг эҳтиёжи ҳамда манфаатларига мувофиқ тарзда ўзгарувчандир.

Фуқаролик жамиятининг тузилиши билан давлатнинг тузилиши ўртасидаги тафовут хусусий ва оммавий-сиёсий муносабатларни ху-

1 Қаранг: Гражданское общество, правовое государство и право («Круглый стол» журналов «Государство и право» и «Вопросы философии»//Государство и право. — 2002, № 1. — С. 18.

кукий тартибга солиш усулларига таъсир этади. Шу боис оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ тармоқлари алоҳида шаклланади¹.

Давлат — *бошқарувчи тизим*, анъанавий жамият эса *бошқарилувчи тизим* сифатида фаолият кўрсатади. Бу ўринда фуқаролик жамияти автоном фаолият юритувчи тузилма, *ўзини ўзи бошқарувчи демократик вужуд* сифатида гавдаланади. Фуқаровий ўзини ўзи бошқарув билан давлат бошқаруви ўзаро қарама-қарши турмайди, аксинча, улар бир-бирини тўлдиради. Абу Наср Форобий кишилик жамияти ва шаҳар-давлатнинг оқилона ва сохта тарзда бошқарилиши ҳақида сўз юритади. Оқилона бошқарув — ҳақиқий бошқарув бўлиб, унда фуқароларнинг чинакам фаровонлигига олиб борадиган турмуш, ижтимоий ҳаракатлар, маънавий меъёрлар ва ўзаро ҳурмат қарор топади, одамларнинг бундай уюшмаси, аслида моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан энг мақбулдир. Шаҳар (давлат) да бошқарувчи ва бўйсинувчилар бўлган тақдирдагина у ерда қонунлаштириш баркамол бўлиши мумкин².

Тўғри, «фуқаролик жамияти» тушунчаси билан «давлат» тушунчаси ўртасида жиддий фарқ бор. Лекин бу уларни муросасиз ижтимоий ҳодисалар сифатида талқин этишга асос бўлмайди. Давлат билан фуқаролик жамияти мувозий фаолият кўрсатади. Улар ўзаро чамбарчас боғлиқдир, лекин айни вақтда, бу институтларнинг ҳар бири ўзига тегишли ижтимоий функцияларни бажаради.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб, серкирра ва мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлмиш фуқаролик жамиятининг қуйидаги муҳим хусусиятларини, турли жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин: «фуқаролик жамияти», *бир томондан*, шахс билан давлат ўртасидаги муносабатлар майдонини англатади; *иккинчи ҳолатда* — идеал жамият, кўзланаётган мақсад тарзида таърифланади; *учинчи ҳолатда* — ўз мақсадига эришиш учун давлат тўраларини ёллаган солиқ тўловчилар ҳамжамияти сифатида изоҳланади; *тўринчи ҳолатда* — сиёсий ҳаётнинг, унда кўппартиявийлик муносабатлари марказий ўрин

1 Қаранг: Общая теория государства и права. Академический курс в 2 томах. Отв. ред. М. Н. Марченко. Т. 1. — М., 1998. — С. 344.

2 *Абу Наср Форобий*. Фозил одамлар шаҳри. — Т., 1993. — Б. 30; *Мухитдинова Ф.* Форобийнинг илмий мероси ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари. — Т., 2009. — Б. 20.

эгаллайдиган нодавлат соҳаси; *бешинчи ҳолатда* — ижтимоий фаолиқнинг фуқаролик ташаббуси кўринишидаги носий шакллари сифатида тушунилади.

Шундай қилиб, *фуқаролик жамияти* — инсонларнинг шундай бирлигидирки, у ижтимоий турмушнинг иқтисодий, сий, ижтимоий-маданий, маънавий соҳаларида асосий нодавлат тузилма (уюшма, партия)ларни вужудга келтирган жамият: мазкур жамият ўз фаолиятида давлатдан, унинг идораларидан холи бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтларнинг манфаатлари мужассамлашган муштарак тизимдир. Фуқаролик жамиятини мамлакатдаги давлат-хокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган ижтимоий муносабатлар, алоқалар мажмуи сифатида таърифлаш мумкин.

Фуқаролик жамиятининг қарор топиши ва зоҳир бўлишининг қуйидаги умумий ғоя ва принципларини таъкидлаш жоиз: 1) иқтисодий эркинлик, турли мулк шакллари ва бозор муносабатларининг мавжудлиги; 2) инсон ва фуқароларнинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз тан олиш ва муҳофаза этиш; 3) давлат хокимиятининг легитимлиги ва демократиклиги, яъни ҳуқуқий давлатнинг мавжудлиги; 4) барчанинг қонун ва одил судлов олдида тенглиги, шахснинг юридик жиҳатдан муҳофазаланганлиги; 5) сий ва мафкуравий плюрализм, легал муҳолифатнинг мавжудлиги; 6) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги; 7) давлатнинг фуқаролар хусусий ҳаётига аралашмаслиги, давлат билан фуқароларнинг ўзаро бурч ва масъулият (жавобгарлик) орқали боғлиқлиги; 8) ижтимоий ҳамкорлик ва миллий тотувликнинг таъминланганлиги; 9) инсонларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминловчи самарали ижтимоий сий амалга оширилиши¹.

Фуқаролик жамиятининг илмий фалсафасига (мафкурасига) оид қуйидаги хусусият ва принципларни эътироф этиш мумкин:

Биринчидан, бундай жамиятнинг тилаги ҳам, самари ҳам қомил инсондир. Жамиятнинг мақсади — демократия тантанасига эришиш, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини тўла

1 Қаранг: Теория государства и права/Под. ред. Н. И. Матузова и А. В. Малько. — М., 2000. — С. 206.

таъминлаш. Бунинг учун давлат ҳокимиятига нисбатан фуқаролик жамияти мувозанатлаштирувчи омил сифатида карама-қарши тура олиши лозим.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти инсоният тараққиётининг муайян тарихий босқичида эришиладиган ҳолати бўлиб, унда ижтимоий тизимнинг илғор тафаккур, эркинлик, фаровонлик ва адолат устувор бўлган идеал модели қарор топади.

Учинчидан, фуқаролик жамияти мустақил, давлатга нисбатан автоном ҳаракатланувчи ижтимоий тузилма сифатида мавжуд бўлади. Жамиятда фуқароларнинг хусусий мулкига ва шахсий ҳаётига давлатнинг қонунсиз, хаддан зиёд аралашувини чекловчи ижтимоий механизмлар ҳамда тегишли қарорлар вужудга келтирилади.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти — эркин инсонларнинг ҳамжамиятидир. Бу иқтисодий жиҳатдан шуни англатадики, бунда индивид мулкдор сифатида майдонга чиқади. У инсоннинг бемалол яшаши ва фаолият кўрсатиши учун зарур маблағларга эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2005 йил 23 июндаги 107-сонли қарорида таъкидланганидек, «фақат эркин, мустақил, етарлича молиявий маблағларга ҳамда мустақил молиялаштириш манбаларига эга бўлган фуқаролик институтларигина ўз зиммаларидаги вазифаларини самарали бажара олиши мумкин»¹. Хусусий мулк — бу жамиятнинг ўзагини, туб негизини ташкил этади. Шахс мулк шакли ва фаолият (меҳнат) турини танлашда эркиндир. Шунингдек, инсон (фуқаро) барча сиёсий ҳуқуқлар (шу жумладан сайлов ҳуқуқи) соҳиби ҳисобланади. У сиёсий партиялар ва бирлашмаларга эркин уюшиш имкониятига эга бўлади.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти ўз моҳиятига кўра, очиқ ижтимоий тузилмадир. Унда сўз эркинлиги, танқид қилиш эркинлиги, ошқоралик, ахборот олиш эркинлиги, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракатланиш имкониятлари таъминланади.

Олтинчидан, фуқаролик жамияти мураккаб таркибли плюралистик тизимдир. Турли-туман ижтимоий институтлар (қасаба уюшмалари, партиялар, тadbиркорлар уюшмалари, матлубот жамиятла-

1 Халқ сўзи. — 2005 йил 24 июнь.

ри, клублар ва х. к.) нинг мавжудлиги турли манфаат ва нуктаи назарларни ифодалаш, эҳтиёжларни қондириш, муҳофазалаш имконини беради.

Еттинчидан, фуқаролик жамияти — ўзи ривожланувчи ва ўзини ўзи бошқариш тизимига эга жамият. Бу жамият давлатдан мустақил ҳолда ўзини ривожлантира олувчи ички салоҳият ва манбаларга, бинобарин, давлат ҳокимиятини тизгинлаш (чегаралаш) воситаларига эга бўлади. Жамиятда фуқаролар ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллигига кенг йўл берилади.

Саккизинчидан, фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик жамиятдир. Бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устувор таъминланади. Ҳокимиятнинг оқилона ва адолатли ташкил этилганлиги, ҳокимият ваколатларининг демократик тақсимланганлиги каби фуқаролик жамияти ғоялари шахс эркинлиги ва фаровонлиги ғоялари билан ҳамоханг бўлади. Ҳуқуқий давлат фуқаровий жамият қарор топиши натижасидагина мавжуд бўлади ва ривожланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятига қарама-қарши қўйилмайди. Улар бир-бирининг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитлар ҳисобланади. Фуқаролик жамияти муайян ижтимоий ва хусусий манфаатлар уйғунлиги ҳамда эркин иқтисодий муносабатлар асосида қарор топадиган, ҳуқуқий давлатчилик тарзидаги ўзига хос сиёсий шаклда, теран маънавий-ахлоқий негизда намоён бўладиган ижтимоий макондир.

Фуқаролик жамияти теран маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётида бир мезонга қатъий риоя этилади, яъни инсон, унинг шаъни ва салоҳияти бениҳоя улуғланади, инсоний маънавий-ахлоқий фазилатлар эъзозланади, улар мўътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг кадр-қиммати, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик, саховатпешалик, савоб ортидан қувиш, етимпарварлик, мискин ва бева-бечораларга меҳр-муруватлилик, умуман, инсонпарварлик каби олий фазилат ва қадриятлар жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони ҳисобланади.

Демократик ислохотлар даврида маънавиятни юксалтиришга асосий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият —

инсоният ички дунёсининг кўзгуси, тафаккури, онги ва фикр юритиш тарзининг мазмун-моҳиятини акс эттирувчи юксак ижтимоий кадриятдир. Инсоният ҳамиша эзгуликка, маънавий баркамолликка интилиб яшайди. Юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатнинг якин келажакдаги истиқболи ҳамюртларимиз қандай мавқени эгаллашига, қайси маданий-маънавий ва ахлоқий кадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади¹.

Фуқаролик жамиятида эркинлик, қонун олдида барчанинг тенглиги, ижтимоий адолатнинг таъминланиши, ҳамма фуқароларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига имконият яратилади. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва адолат мезонлари билан ўлчанади. Ҳуқуқ жамиятнинг ўзига хос «гуманистик императиви» (инсонпарварварлик талаби), яъни инсоний-ахлоқий коидаси, маънавий маёғи бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатидаги мавқеи қуйидаги принциплар асосида белгиланади:

- 1) жамиятнинг ҳар бир аъзоси инсон сифатида эркин ва озод бўлиши;
- 2) ҳар бир фуқаронинг бошқа фуқаро билан тенглиги;
- 3) жамият ҳар бир аъзосининг фуқаро мақомидаги мустақиллиги.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, суверен давлатчилиқни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, теран ва улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, боқий тарихий ўтмишимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида бекиёс имкониятлар очилди. Ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлиги чуқур мушоҳада этилиб, ижтимоий онгимизга сингдирилмоқда, шу орқали биз барпо этаётган янги фуқаролик жамияти манфаатларига хизмат қилмоқда.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки одил демократик жамият барпо этмоқдамиз. Давлатчилигимиз адолат принципларига таянади. «Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий

1 Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.* — Т., 1998. — Б. 397.

ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак»¹.

Маънавий-маданий савия паст бўлган жамиятда адолат тантанаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз барпо этаётган фуқаролик жамиятида адолат, ҳақиқат ва инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилиши лозим. Адолат бор жойда инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла таъминланишига умид боғлаш мумкин.

Мустақил тараққиёт йиллари мобайнида мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, мазкур мақсадга йўналтирилган туб ислохотлар жўшқин давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» чиқарган қарори мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини жадаллаштиришда айниқса муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлди. Дарҳақиқат, қарорда эътироф этилишича, мустақил, барқарор, аҳоли кенг қатламлари мададига сазовор бўладиган ва халқ орасида чуқур илдиз отган фуқаролик жамиятининг жуда хилма-хил институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ғоят муҳим вазифа ҳисобланади².

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, очик фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муайян кадамлар қўйилди. Мамлакатда жамиятни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида **фуқаролик жамияти институтларини** шакллантиришнинг *ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шарт-шароитларини* яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилди. Шулар сирасида фуқаролик жамияти институтлари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюш-

1 Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. — Б. 399.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2005. № 6.

малари, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланганлигини тан олиш лозим. Ўзбекистон Президенти «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида эътироф этганидек: «Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларининг ривожланиши учун қулай шароит яратди»¹. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотиغا кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда 5100 дан зиёд жамоат ва нодавлат ташкилотлари расмий рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмоқда. Улар қуйидагилар: сиёсий партиялар — 4 та; миллий маданий марказлар — 80 дан зиёд; жамғарма ва хайрия ташкилотлари — 69 та; жамиятлар — 77 та; уюшмалар — 22 та; ассоциациялар — 57 та; федерациялар — 53 та; тармоқ касаба уюшмалари — 14 та; ижтимоий ҳаракатлар — 3 та; миллий қўмиталар — 5 та; аёллар ва болалар ташкилотлари — 48 та; халқаро жамоат ташкилотлари — 62 та; ваколатхоналар ва уларнинг шўъбалари — 70 та; шунингдек 2000 дан ортиқ диний ташкилотлар. Мазкур ташкилотларнинг 4800 дан ортиғи вилоят адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтган. Мазкур ижтимоий тузилмалар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиб, мазмунини белгилаб бермоқда. Улар фуқаролар фаоллиги, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳамда юксак маънавияти шаклланишига самарали қўмаклашмоқда.

Юқорида зикр этилган Концепцияда мамлакат Президенти қуйидаги муҳим фикрни билдирди: «Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқаролар-

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 42.

нинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда»¹.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга бағишланган қарори билан нодавлат нотижорат ташкилотларни *қўллаб-қувватловчи жамғарма* ташкил этилишига рағбат берилди, унинг вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди. Шубҳасиз, давлатнинг бу борадаги хайрихоҳ сиёсати ва Жамғарманинг ташкил топиши ҳамда фаолият юритиши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг жадал шаклланиши ва самарали иш олиб бориши учун кўшимча ишончли кафолат сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ўз навбатида, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти «учинчи сектор» деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни янада очиқ, ошкора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 42.

Фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди¹.

Шундай қилиб, *фуқаролик жамияти* — ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний кадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятини самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий кадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир.

Фуқаролик жамияти ўзининг **маънавий ривож** ва **кадриятлари тизими** билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятининг мазмунини бир қатор сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий кадриятлар ташкил этади.

Фуқаролик жамиятининг кадриятлари чуқур ахлоқий заминга таянганлиги, инсонпарварлик, адолат ва эзгулик ғоялари ила йўғрилганлиги билан тавсифланади.

Фуқаролик жамиятида ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқий ходисаларнинг нуфузи, тартибга солувчи кадр-қиммати жадал ортиб боради. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ воситасида ўзи учун ўта зарур ва қадрли бўлган неъматларни, яъни эркинлик, тенглик, адолат, демократия, тинчлик, тартиб-интизом, қонунийлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлайди. Ушбу кадриятлар, аслида, инсоният жамияти интиладиган идеал ва реал кишилик ҳаёти амалиётидир².

Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат учун *инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият*, *эзгу мақсаддир*. Инсон ҳуқуқлари мазкур жамиятининг ижтимоий муносабатлари таркибига узвий сингиб кетади ҳамда уларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда инсон

-
- 1 *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 44.
 - 2 *Маматов Х.* Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. — Т., 2009. — Б. 85.

ҳуқуқлари жамиятимизда энг устувор кадриятга айланаётганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шундай деди: «Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этиши керак»¹.

«Инсон ҳуқуқлари» шахс эркинлиги меъёрининг, адолатнинг ифодаси бўлиб, инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни батартиблаштириш, уларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини уйғунлаштириш (мувофиқлаштириш), айрим зиддият, қарама-қаршилик ва низоларни бартавраф этишнинг норматив шакли ҳисобланади. Бу жамиятнинг энг олий кадрияти — **инсон** ва унинг **эркинлиги**. Унда инсон шахси улуғланади, эъзозланади, бутун ижтимоий-иқтисодий тузум инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қаноатлантиришга хизмат қилади. Давлат органлари Конституция ва қонунларга қатъий итоат этиб, ўз фаолияти марказига инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашни устувор мақсад қилиб қўяди. Қисқача айтганда, давлатнинг асосий вазифаси инсон ва фуқаронинг юксак ҳуқуқий мақоми ва манфаатларини таъминлашдан иборат. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Яъни, давлат, унинг идоралари, лавозимли шахслар учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас ижтимоий неъмат саналади. Ҳуқуқ ва манфаатига путур етказилган фуқаро судга мурожаат этиб, қонуний асосда суд тартибида ўз ҳуқуқларини тиклашга эришади.

Фикримизча, фуқаролик жамияти шароитида инсонларнинг ўзаро муносабатлари адолат, меҳр-оқибат, ҳурмат ва самимият асосида ривож топиши лозим. Зотан, Конституциямизда халқимизнинг кўплаб фазилатлари ўз ифодасини топганига эътибор қаратиш жоиз. Маса-

1 Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси/Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — Б. 46.

лан, Асосий конунинг 20-моддасида шундай бир койда, фуқаролик жамиятига хос принцип муҳрланган: «Фуқаролар ўз ҳуқук ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг конуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Конституциямизнинг ушбу коидаси шарқона ахлоқ-одобнинг дурдона мажмуаси бўлмиш «Қобуснома»нинг қуйидаги сатрлари билан ҳамоҳанглиги тарихий илдизларимизнинг бугунги кун билан уйғунлиги ифодасидир: «*Ҳеч бир инсон ўзининг фойдаси учун ўзгаларга зийн етказмаслиги лозим*».

Маълумки, шарқ адабиёти ва фалсафасида адолат, инсонни улуғлаш ғояси, инсон Аллоҳ яратган хилқатлар орасида энг мўътабар зот эканлигини тараннум этиш ҳамиша алоҳида ўрин тутган. Хусусан, Умар Ҳайёмнинг қуйидаги рубойисига эътибор қаратайлик:

*«Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қароси жавҳари ҳам биз,
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз, унинг кўзи-жавҳари ҳам биз».*

Мазкур шеърини мисраларда ифода этилган инсонни улуғловчи, қадрини сарбаланд қилувчи теран маъно, адолатли ғоя Асосий конунимизнинг 13-моддасида ўзининг юридик талқинини қуйидагича топган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».

Халқимизнинг Конституцияда акс этган ҳамда янада ривож топиши лозим бўлган фазилатлари — саховатпешалик, болажонлик, оилапарварлик, ногирон ва етим болаларга меҳр-муруватлилик, фарзандларнинг ўз ота-оналари олдидаги масъулияти ва бурчдорлиги, бағрикенглик ва бошқалардир. Ўзбек халқи ҳаётида чуқур илдиз отган маънавий қадриятлардан бири *савоб амалларни* қилишдир. Савоб иш қилиш тантилик, сахийлик, раҳмдиллик, меҳрибонлик, бағрикенглик ифодасидир. Бундай фазилатлар, айниқса, катта ёшдаги ватандошларимизга кўпроқ хос. Уларга эса бу ота-боболаримиздан ме-

росдир. Аммо, бир афсусли ери шундаки, юртимизда бозор иктисодиёти муносабатларига ўтиш даврида айрим фукароларнинг, айниқса, баъзи ёшларнинг руҳиятида ҳар бир кадамни пулга чақиш, пул неъматига, бойликка сажда қилиш кайфияти пайдо бўлиб, маънавий кадриятларимизга муносабат бироз ўзгариб қолди. Кўпчилик савоб амаллар қилмай қўйди, бир қисм бойлик орттирган кимсалар етимга, ночорга, камбағалга қайишмай қўйди. Ваҳоланки, мамлакат Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «савоб ишни ҳар ким қилиши ва ҳар кун қилиши даркор».

Савоб қилиш фақат пулга, моддий бойликларга боғлиқ эмас-ку, ахир. Бировнинг оғирини енгил қилиш, унга кўмаклашиш, ҳамдард бўлиш, хожатини чиқариш ҳам савоб ҳисобланади. Ўзимизга ташқаридан холисона бир қараб кўрайлик, азалий олий кадриятларимизга қанчалик амал қилаётган эканмиз?

Шу ўринда бозор иктисодиётига ўтиш билан боғлиқ яна бир муаммога тўхталиш жоиз. Тўғри, фукаролик жамиятининг иқтисодий асосини хусусий мулк ва у билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Иқтисодий ислохотлар туфайли бир қатор фукаролар тадбиркорлик (бизнес) орқали, давлат мулкани хусусийлаштириш эвазига хусусий мулк эгаси бўлиб бормоқдалар. Бу — яхши иш. Аммо, уларнинг кўпчилиги бизнеснинг олтин қоидаси доимий хайр-саховат эканлигини, мулкдор бўлишнинг ўзига яраша масъулияти борлигини унутиб қўйганлар, чамаси. Исломий кадриятлар нуктаи назаридан таҳлил юритганда ҳам мулк эгаси муайян масъулият, чуқур маънавият-ли хулқ-атвор сохиби бўлмоғи лозим. Мусулмон ҳуқуқида (шариатда) ҳам мол-мулкдан закот бериш алоҳида аҳамият касб этади. Бунга кўра, муайян мулкка эга бўлган ҳар кимса шу мулк унинг қўлида нисоб ҳисобига тўлганда (яъни, унга муқим тўла тегишли бўлиб, фойда келтирадиган неъматга айлангач), мазкур мулкнинг бир қисмини закот тарзида бериши (инъом қилиши) фарз бўлади. Закотнинг вожиб бўлиши Аллоҳ таоллонинг: «Закотни берингизлар», деган ояти қаримасига ҳамда Муҳаммад Расулulloҳ (с. а. в.)нинг: «Молларингизнинг закотини адо этингизлар», деган ҳадиси шарифларига биноандир¹. За-

1 Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. 1 жилд. — Т., 2000. — Б. 340.

кот мухтож, мискин, ночор-камбагал, фақир кишиларга, етим-есирларга берилади.

Тижорат, хусусийлаштириб олиш ёки мерос олиш натижасида мулка эга бўлиб қолган шахс худбинликдан йироқ бўлиб, закотини бериши афзалдир. Зеро, мол-дунёга, бойликка эга бўлиб қолиш Аллоҳнинг марҳамати эвазигадир. Парвардигор бирор бандасига мол-дунё ато этаркан, «сен орқали, сенинг қўлинг билан бошқа мухтож, мискин, бева-бечора, етим-есир бандаларимни ҳам ризклантираман», деб марҳамат қилади. Инсонга мансаб-мартаба берилиши ҳам шу қаби-дир. Лавозимга эга бўлган шахс ўзидан кетиб, кибрланиб, «мен мансабдорман, хоҳлаган ишимни қилавераман», деб ўйлаши гумроҳлик-дир. Бирор мансаб эгаси шу мартабаси ва унга оид ваколатлари доирасида оддий инсонларга, нажот сўраб мурожаат этган фуқароларга имкони борича қонун доирасида ёрдам кўрсатиши лозим бўлади. Зеро, мансабнинг «закоти» хайрли амаллар қилишдир.

Тадбирқорми, тижоратчими, ё бошқа бир шаклда орттирилган мулк эгасими — бундан қатъи назар, у ўз тасарруфидаги мулкнинг қирқдан бирини закот тарзида сарфлаб, садақа қилиб, ўз қўлида қоладиган мулкни ҳалоллаб олиши маъқулдир. Зеро, Аллоҳнинг «берган бандамга бераман», деган ваъдаси бор. Бунинг маъноси шуки, қўли очиқ, сахий, ўз мол-мулкидан бир қисмини фақир ва мухтож одамларга беминнат берадиган бандамга мен яна бойлик бераман, деганидир.

Таассуфки, бугунги кунда кўпчилик мулкдор, иқтисодий салоҳияти катта бўлган инсонлар ушбу ўта масъулиятли маънавий кадриятларни ҳаёлларидан фаромуш қилмоқдалар.

Маънавиятни юксалтириш, маданиятни ривож топтириш орқалигина фуқаролик жамияти сари одимлаб бориш мумкин. Жамият маънавияти ҳамда маданиятини шакллантириш иқтисодиёт ва сиёсат соҳасидаги ислохотлар жараёнида ҳал этиладиган вазифалардан ҳам мураккаброқ кўринади. Ҳозирги ижтимоий-маънавий ҳаётимизда инсонлар ўртасида бир қатор хислатлар, жумладан меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат-эҳтиром, ҳалоллик, самимийлик, саховатпешалик каби фазилатлар анча танқис бўлиб қолгандек кўринмоқда. Турмушимизда баъзан учраётган ҳолатлар — кекса ота-онасини қариялар уйига, ўзи тирик бўла туриб норасида гўдақларини етимхоналарга

топшираётган кимсалар маънавиятини қандай баҳолаш мумкин? Иймон-эътиқоддан воз кечиб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилаётган нопок одамлар фаолияти ёхуд инсон ҳаётига қасд қилишгача бориб етаётган жиноятчиларнинг қилмишлари қайси ахлокий мезонларга мос келади? Мол-дунёга махлиё бўлиб, кеккайиб, ҳалол меҳнат билан кун кечираётган инсонларни менсимайдиган айрим кимсаларнинг пайдо бўлиб қолаётгани қайси тарбиянинг натижаси? Харидорнинг ҳақидан ёки тарозидан уриб қолиш, истеъмолчига сифатсиз маҳсулот ва дори-дармонлар сотиш, инсон ҳаётини хавф остида қолдирувчи қўлбола заҳарли маҳсулотлар тайёрлаб сотиш эвазига пул топиш ва ҳеч қандай виждон азобига тушмаслик юртдошларимизда қаердан пайдо бўлди?

Бундай иллатлардан қутулишнинг бош йўли жамият аъзолари, айниқса ёшлар орасида маънавий ва ҳуқуқий тарбияни мунтазам йўлга қўйишдир. Маънавиятимизга путур етказувчи салбий ҳолатлар ва номақбул одатлар билан ҳуқуқ воситасида, ижтимоий онгга ҳуқуқий кадриятларни қатъийроқ сингдириш орқали ҳаракат қилиш лозим. Зеро, ижтимоий ҳаётда маърифий, меҳр-оқибатли муносабатларнинг қарор топиши ва устуворлик қилиши ҳар бир инсоннинг ҳамда бутун жамиятнинг манфаатларига тўла мосдир.

Фуқаролик жамиятининг муҳим кадриятларидан бири инсоннинг эркинлигини таъминлашдир. *Эркинлик* — инсон моҳиятини тавсифловчи беназир кадрият. Абу Наср Форобийнинг эътирофича, эркинлик мукамал жамиятнинг асосий шартларидан биридир. «... Фозил шаҳарларнинг шаклланиши энг осон бўлган ва бунинг учун имкониятлар энг кўп бўлган шаҳарлар — зарурий эҳтиёж шаҳри ҳамда эркинлик ва ҳамжамоатчилик шаҳридир»¹. Чинакам эркинлик инсоният цивилизацияси яратган кадриятлар нафақат барчанинг дахлдор бўлиши даражасидаги бойликка, балки одамлар фаолиятининг мақсадига айланганда ва энг муҳими, бу кадриятлар омма томонидан ўзлаштирганида тўла рўёбга чиқади². Эркинликнинг ўзи кадрият ту-

1 Қаранг: *Аль-Фараби. Социально-этические трактаты.* — Алма-Ата, 1978. — С. 160.

2 Қаранг: *Здравомыслов А. Г. Потребности, интересы, ценности.* — М., 1986. — С. 215.

ри бўлиши баробарида бошқа кадриятлар билан уйғунликда намоён бўлади, уларнинг кўмагида амалга ошади. Ҳозирги кунда эркинлик демократиянинг мақсади ва маъносини очиб берадиган кадриятдир. Ижтимоий ҳаёт соҳаларидан келиб чиқиб, сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа турдаги эркинликлар ҳақида сўз юритиш мумкин. Масалан, сиёсий соҳадаги эркинлик доирасида сўз эркинлиги, эътиқод ва виждон эркинлиги, партия ва бирлашмаларга уюшиш эркинлиги, матбуот эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги, мажлислар, митинг ва намойишлар ўтказиш эркинлиги, давлат идораларига мурожаат қилиш эркинлиги, фуқароларнинг сайлов ва референдумларда иштирок этиш эркинлигини эътироф қилиш тўғри бўлади. Мазкур эркинликлар, айни вақтда, ҳуқуқий кадриятлар сифатида конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган¹.

Маърифий тараққиётнинг тамал тоши, асосий устуворликларидан бири *инсонларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлилигидир. Фуқароларнинг тенглиги* алоҳида нуфузли кадриятлардан саналади. Демократик давлат беистисно барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглигини кафолатлашга интилади. Улар сиёсий ҳаётда тенг иштирок этадилар ва тенг имкониятлардан фойдаланадилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг I-моддасида таъкидланишича, «ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқлари нуктаи назаридан эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак». Тенглик неъматини икки жиҳатдан тавсифлаш мумкин. *Биринчи жиҳат:* тенглик, шу жумладан, ҳақиқий тенглик моддий неъматлардан, уларнинг натижаларидан фойдаланишдаги тенглик, умргузаронлик қилишдаги тенглик. Бошқача айтганда, иқтисодий тенглик. *Иккинчи жиҳат:* ҳуқуқий (юридик) тенглик бўлиб, у қонун олдида, суд олдида тенглик, тартиб-таомиллар, бошланғич имкониятлар ва «ўйин қоидалари» нуктаи назаридан тенглик. Ҳуқуқий тартиб-таомиллар соҳасидаги тенглик ҳуқуқий фаолият майдо-

1 Батафсил маълумот учун қarang: *Одилқориев Х. Т.* Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва кадриятлари тизими//Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш: муаммолар ва ечимлар. — Т., 2004. — Б. 28–29.

нида камситишларнинг истисно этилишини англатади. Фукаролик жамиятида фукарларнинг тенг ҳуқуқчилигини (ҳуқуқий давлат воқитасида) таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунда барчанинг тенг ҳуқуқчилиги тантана қилиши учун барчанинг тенг масъуллигини ҳам ёдда тутиш лозим.

Фукаролик жамияти кадриятлари тизимида юксак **ҳуқуқий маданият** алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон халқи интилаётган идеал жамият асосини, ундаги муносабатлар пойдеворини юксак маънавият ва илғор ривож топган сиёсий-ҳуқуқий маданият ташкил этиши аёнди. Зеро, ҳуқуқий давлат ва маърифий жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳам шунга мутаносиб бўлиши лозим. Ҳуқуқий маданият фукаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик ривожини ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим кўрсаткичи, ундаги муносабатларнинг моҳиятини ифодаловчи омил ҳисобланади. У ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи, фукарлар, барча ижтимоий гуруҳлар жипслашувига кўмаклашувчи, юрт яхлитлиги ҳамда барқарорлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи кадриятдир¹.

Фукаролик жамияти адолатли ва демократик қонунлар тизимига таянади. Қонунлар адолат ҳамда инсонпарварлик ғояларини ўзида жам этганлиги учун ҳам жамият аъзолари томонидан муҳим ҳуқуқий кадрият тарзида эътироф этилади.

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этмоқ учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилмоғи шарт. Қонуннинг олий мавқеи давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий-сиёсий турмушда қонун муқаддас саналиб, унинг юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўз ифодасини топади.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фукаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий, мўтабаб ва муқаддас кадрият бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун Конституция ва қонунларнинг ўзи ниҳоятда адолат-

1 *Одилқориев Х. Т.* Фукаровий жамиятнинг ҳуқуқий маданияти//Аёл ва ҳуқуқий маданият. — Т., 1999. — Б. 41.

ли, инсонпарвар, демократик ва окилона бўлиши, жамиятнинг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига мос келиши лозим.

Қонун устунлигини таъминлашнинг қуйидаги омилларини эътироф этиш мумкин:

- а) қонун чиқариш жараёнини муттасил демократлаштириб бориш. Бу омил инсонпарвар, адолатли, халқчил қонунлар яратилишининг гаровидир;
- б) қонуннинг сифатини ошириш, ички механизми пухта, юридик техника нуқтаи назаридан бенуксон бўлишига эришиш;
- в) қонунчиликни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришда «қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсага рухсат берилади!» (фуқаролар учун), «фақат қонунда мустаҳкамланган нарсаларгагина рухсат берилади!» (мансабдор шахслар ва давлат идоралари учун) принципларига қатъий амал қилинишига эришиш;
- г) қонунчилик фаолиятининг яқин йиллар ва истикболга мўлжалланган стратегиясини яратиш (режалаштириш ва прогнозлаш);
- д) қонун устунлигини таъминлаш *концепциясини* яратиш;
- е) қонунлар амал қилишининг ижтимоий (социал) механизмига эътибор қаратиш. Бу соҳадаги социал факторлар (таъсир этувчи кучлар, воситалар) ни синчиклаб ўрганиш. Шу мақсадга йўналтирилган социологик тадқиқотларни йўлга қўйиш;
- ж) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳоказо.

Фуқароларнинг эркинлигини, мустақил ва дахлсиз бўлишини таъминлашда *хусусий мулк ҳуқуқи* ва реал мулкдорлик алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис хусусий мулк ҳуқуқини фуқаролик жамиятининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кадрияти сифатида устувор тан олиш тўғри бўлади¹. Мазкур ҳуқуқ билан фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолият юритиш ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи чамбарчас боғлиқдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида мамлакатда янги мулкчилик фалсафаси вужудга келмоғи лозим. Халқнинг халқ бўлиши учун аввало моддий замин, иқтисодий мустақиллик зарур. Ижтимоийлаштириш байроғи остида халқимиз мулкдан бегоналаштирилиб оддий бир аҳолига

1 Қаранг: *Нудненко Л. А.* Теория демократии. — М., 2001. — С. 52.

айлантирилди. «Мулксиз киши — илдизсиз дарахт, ичига ҳаво тўлдирилган бир пуфак... У эрксиз ва муте. Мулкдан махрумлик шахсий манфаатдорликни сўндиради. Манфаатсиз одам, Гегель айтганидек, у ё ўлик, ё ақлдан озган»¹.

Мулк сохиби бўлмиш инсонларгина уюшмоқнинг ҳам, оқ-корани пайкаб олишнинг ҳам моддий заминига эга бўладилар. Факат уюшган, ақл-заковатли омма халқка, яъни демократик давлат ҳокимиятининг фаол манбаига, унинг мустаҳкам таянчи ва талабчан назоратчисига айланиши мумкин.

Фуқаролик жамияти мўътадил ҳуқуқий *майдон* мавжуд бўлишини тақозо этади. Демократик ҳуқуқий майдон ёки фуқаролар фаолияти учун қулай ҳуқуқий *макон*, бир томондан, давлат органларининг ўз зиммаларидаги ҳуқуқий мажбуриятларни, иккинчи томондан, фуқаролар Конституция ва қонунда белгиланган мажбуриятларини тўла-тўқис адо этишлари натижасидагини қарор топиши мумкин. Шу ўринда *фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллиги* мавзуси муҳим кадрият сифатида майдонга чиқади. Фуқароларнинг, ҳар бир шахснинг фаол ҳуқуқий позицияси пировардида бутун ҳуқуқий тизим самарали ишлашининг гаровидир. Шу боис фуқароларнинг фаол ҳуқуқий позициясини шакллантириш ҳозирги даврнинг ўта долзарб масаласидир.

Фуқароларнинг фаол ҳуқуқий позициясини қарор топтириш қуйидаги кетма-кетликда амалга ошиши мумкин: муайян заруриятни, вазиятни *англаш* — *тушуниши* — *амалиёт ситовидан ўтказиши* — *ҳақиқат тарзида қабул қилиши* — *амалий хатти-ҳаракатга айлантириши*². Ҳуқуқий фаол хатти-ҳаракатни нафақат фуқаролар, балки жамоалар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялардан ҳам кутилади. Ҳам фуқароларнинг, ҳам ижтимоий гуруҳ ва жамоаларнинг ҳуқуқий фаоллигига эришишда ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маърифат тарғиботи катта ўрин тутди.

Юқоридаги таҳлилларимизда фуқаролик жамиятига хос қадриятлар қаторида хусусий ҳуқуқий муносабатларда фуқароларнинг давлат

1 Жалолов А. Ўзбекистон: мустикаллик, маънавият, мафкура. — Т., 1994. — Б. 62.

2 Қаранг: Манешин В. С. Дисциплина и общество. — М., 1984. — С. 39.

ва бошка юридик шахслар билан бир қаторда *ҳуқуқнинг тенг субъекти* сифатида қатнашишига эришиш лозимлигини эъгироф этган эдик. Фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларда тенг субъект тарзида иштирок этишини таъминлашда Конституцияда белгиланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар», деган қоида муҳим ўрин тутди. Мазкур конституциявий қоида демократиянинг улкан ютуғи, барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг устувор қадрияти сифатида талкин этилиши лозим. Ушбу ҳуқуқий қадриятнинг мазмунини шундаки, нафақат фуқаролар жамият ва давлат олдида юридик масъулиятга эга, балки давлат ҳам ўз фуқаролари олдида муайян мажбуриятлар ўташни зиммасига олади. Шунингдек, бу норма сиёсий ҳокимият соҳиби бўлмиш давлат билан уни амалга оширишнинг иштирокчиси бўлган фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг маънавий-ахлоқий мағзини ифода этади. Таъкидлаш жоизки, жамият билан шахснинг эркинликларини қонун даражасида мустаҳкамлаган давлатнинг ўзи хатти-ҳаракатлари ва қарорларида жамият ва шахс манфаатлари учун бўладиган муайян чекловлардан холи бўлиши мумкин эмас. Давлат қонун воситасида ўзига шундай мажбуриятлар оладики, токи унинг фуқароларга, жамоат бирлашмаларига, ҳуқуқнинг бошқа субъектларига муносабатлари адолат мезонлари асосида амалга ошсин.

Давлат ўз идоралари ва мансабдор шахсларининг фаолиятлари учун жавобгарлик чегаралари ва чораларини белгилайди. Ҳуқуқий давлат барча даражадаги мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги, фуқаролар олдидаги масъулиятининг юридик жавобгарлиги меъёрларини белгиламаслиги мумкин эмас. Зеро, бусиз ҳуқуқий давлат мавжуд бўлмайди. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлайди, уларнинг амалга оширилиши учун шарт-шароит яратади. Асосий қонунимизда таъкидланганидек, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолатланади. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳу-

қуқлари давлат ҳимоясидадир. Давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига нисбатан *инсон ҳуқуқларининг устун туриши* фуқаролик жамиятининг моҳиятига оид муҳим кадриятдир. Ушбу кадрият демократик тузум шароитида давлат билан фуқаронинг ўзаро муносабатлари мазмун ва йўналишини белгилаб беради. Фуқаролик жамиятида давлатнинг иродаси ва ҳукмронлиги инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кўлами билан чегараланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47 ва 48-моддаларга мувофиқ, барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар. Шунингдек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. 49–52-моддаларнинг мазмуни ҳам ҳуқуқий ва маънавий мажбуриятларнинг шундай теран ва узвий бирлиги билан суғорилган: 49-моддага биноан, фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар; 50-моддага асосан, фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар; 52-моддага кўра, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг шарафли бурчидир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган ислохотлар мобайнида халқимизнинг туб маънавий кадриятлари давлат томонидан эътироф этилиб, маънавий-ҳуқуқий кадриятлар даражасига кўтарилаётгани таҳсинга лойиқдир.

Эътиборлиси шундаки, қарияларни кадрлаш, аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, оналар ва аёлларни эъзозлаш, ёшларни асраб-авайлаб тарбиялаш, авлодлар ўртасидаги ворислик, давомийлик ҳамда меҳр-окибатлилиқ муносабатларини ривожлантириш каби олижаноб фазилатларни равнақ топтириш жамиятимиз одимлаб ўтаётган шонли йилларнинг шиорига айланмоқда. Тараққиёт йилларимизни муайян эзгу ният билан номлаб, фуқаролик жамиятининг, бутун давлат органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг куч-ғайрати бунёдкорлик ишларига сафарбар этиб келинмоқда. Бундай тадбирларнинг асосий мақсади, давлатимиз раҳбари И. А. Каримов таъбири билан айтганда, барча бир ёқадан бош чиқариб, халқимизга азалдан мансуб бўлган энг олижаноб хусусият ва фазилатларни намоён этиш,

янада маънавий юксалишимиз учун замин яратиш, ... яна бир муддао жамиятимизда ахиллик, инсонпарварлик туйғуларини янада юксалтириш, ота-боболаримиздан қолган, халқимизга хос кадриятларни қайта тиклаш ва ривожлантиришдир¹.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан яратувчанлик мазмуни билан йўғрилган тараккиёт йилларидан бири бўлмиш 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги фикримизнинг яққол далилидир. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йиллари мобайнида оналарга, хотин-қизларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис ҳаёт давомийлигининг сабабчиси, муборак ва мунаввара аёл юртимизда муносиб эъзоз, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари бу борада алоҳида диққатга сазовор: «Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр — муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир»².

Ўзбекистон Президентининг қуйидаги таъкидида чуқур рамзий маъно ва улуғвор вазифа мужжасам.: «Онани эъзозлаш — бизнинг халқимиз учун олий кадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки, аёлларни қанча улуғласак, **ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули** деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз»³.

Аёл — эзгулик ва гўзаллик рамзи, бекиёс она сиймоси. Унда мунислик, мушфиқлик ҳамда муштипарлик мужжасам. Онанинг фарзанди қошида парвона бўлаётган онларини сўз билан ифодалаб бўлмайди. У фарзанди туфайли ғам чекканда эса тенгсиз сабр-бардош ва матонат намунасиدير. Аёл — вафодор ёр, садокатли умр йўлдоши. Унда улуғворлик, саховат, назокат ва нафосат мужжасамдир.

Мазкур фазилат ва таҳсинлар соҳибаси бўлмиш аёлга таъзим бажо айламоқ, унинг ҳурмати ва эҳтиромини ўрнига қўймоқ адолат-

1 Каримов И. А. Озод ва обод Ватан. эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсади-миз. Т. 8. — Т., 2000. — Б. 93.

2 Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан кураимиз. Т. 7. — Т., 1999. — Б. 255.

3 Ўша асар. — Б. 255.

ли маърифий жамиятнинг муҳим тамойили, *устувор қадрияти* ҳисобланади. Шубҳасиз, жамиятнинг умумий маданияти унда аёлларга бўлган ҳурмат даражаси билан белгиланади. Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу алайҳи вассаллам аёлларга доимо самимий ҳурмат бажо келтирилиши лозимлигини таъкидлаганлар, оналарни, аёлларни, кизларни ифбат, ибо-ҳаё ва гўзаллик рамзи санаганлар. Уларнинг оғир юмушларини енгиллатишни эркаклар зиммасидаги фарз ҳисоблаганлар. Расулulloҳ (с. а. в.), хусусан аёллар кўза кўтариб сувга бормасин, кўзани ховли дарвозаси олдига чиқариб кўйсин ва бўш кўзага энг биринчи бўлиб кўзи тушган эркак киши уни сувга тўлдириб, олиб келиб жойига кўйсин, деб марҳамат қилганлар.

Ушбу ибратли ҳадиси шариф бугунги кунда эркакларнинг аёлларга нисбатан барча муносабатларида рамзий раҳнамо бўлиши лозимдир. Зеро, аёлларга турмушнинг барча қийинчиликларини енгишда кўмакдош бўлиш эркаклар, айникса ёш йигитлар маънавиятининг, тарбиясининг асосини ташкил этади. Ўз навбатида, аёллар, кизлар ҳам эъзозга мувофиқ гўзал хулқ, латофат ва зийнат соҳибалари бўлмоқликлари талаб этилади. Юртимизда азалдан оналарга, умуман аёлларга ҳурмат ниҳоятда баланд. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлига кирган бугунги Ўзбекистонда нафақат аёлларга ҳурмат, балки уларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузли мавқеини таъминлашга ҳам киришилган. Бундай мавқенинг ўзагини, *биринчидан*, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунчилик ҳужжатларида мукамал қафолатланиши, *иккинчидан*, мазкур ҳуқуқ, эркинлик ва имтиёзларнинг реал таъминланиши ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини, шу жумладан аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида муайян тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Албатта, бунда халқаро миқёсда эътироф этилган мезонларга қатъий риоя қилинмоқда.

Аёлларга бўлган алоҳида эътибор амалдаги қонунчилигимизда ўз тасдиғи ва ифодасини мунтазам топиб келаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, мамлакат Асосий қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинлик-

ларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан катъи назар, конун олдида тенгдирлар. Конституциянинг 46-моддаси эса хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканликларини эълон қилди. Бу икки муҳим модданинг мазмунидан Конституциянинг инсон, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари борасидаги барча қоидалари (24–52-моддалар) аёлларга ҳам баб-баробар тааллуқли экани келиб чиқади.

Бу ҳуқуқлар хотин-қизлар эркаклар билан тенг билим олишлари, касб-ҳунар танлашлари, меҳнат қилишлари ва эркаклар билан тенг иш ҳақи олишлари, уларга ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда эркаклар билан тенг иштирок этишлари учун имкониятлар берилиши, меҳнатни оналик билан боғлаб олиб бориш учун шароит яратилиши, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, шу жумладан, ҳомиладор оналарга ҳақ тўланадиган таътиллар ва бошқа имтиёзлар берилиши, ёш болали аёлларнинг иш вақти аста-секин қисқартириб борилиши қабилад билан таъминланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, 1999 йил 17 мартда «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент фармони қабул қилинди. Унга кўра, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик медицина ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан шу мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлганларнинг пенсияни тўлик миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган бўлди¹. 1999 йил 14 апрелда эса Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан алоҳида конун қабул қилиниб, аёлларнинг пенсияга чиқиш ёши яна бир йилга камайтирилиб, 54 ёш қилиб белгиланди. Шунингдек, унда бола тарбияси учун шароит яратиш ҳамда аёлларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида: 3 ёшгача болалари бор,

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. 1995–1999. — Т. 2000. — Б. 293.

бюджет муассаса ва ташкилотларида ишлаётган аёлларга иш хакини камайтирмасдан, ҳафталик иш вақти 35 соатдан ошмайдиган муддат белгиланди¹.

2004 йил 21 июнида Оксаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида нуфузли мажлис бўлиб ўтди. Анжуманнинг диққат марказидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилада, жамият ва давлат қурилишида уларнинг ролини кучайтириш масаласи ўрин олди. Бунда шу йил 25 май куни қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борисидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» ги фармоннинг² ижроси муҳокама қилинди ва хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал соҳаларда ўстириш, уларнинг фаоллигини ҳамда давлат қурилишида фаол иштирок этиши бўйича умуммиллий сиёсатни амалга ошириш дастури маъқулланди³.

Аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг мулкий ҳолати алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига махсус боб бағишланган. Унда таъкидланишича, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулки, шунингдек никоҳга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади (23-м. 1-қ.). Шунингдек, Фуқаролик, Меҳнат, Маъмурий ва бошқа кодексларда аёлларга кўплаб ҳуқуқий имтиёз ва эркинликлар берилганлигини эслаб ўтиш жоиз.

Шундай қилиб, давлатимиз қонунчилигида хотин-қизларга нисбатан бир қатор ҳуқуқ, эркинлик ва имтиёзлар белгилангани яққол кўриниб турибди. Бу ҳол, аввало, қонунчиликнинг инсонпарвар ҳам-

1 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. № 5. — 112-модда.

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004, № 5. — 113-модда.

3 Хотин-қизлар фаоллигини ошириш — давр талаби//Халқ сўзи. — 2004. 22 июнь.

да адолатлилигидан далолатдир. Иккинчидан, давлатнинг аёллар хусусида ғамхўрлиги ва муруввати ифодасидир. Учинчидан эса, бунда жамиятнинг одиллиги ва муайян ҳуқуқий маданият даражаси намоён бўлмоқда. Зеро, аёл жамият ҳаётининг устуни ва давомчисидир. Аёлларга хурмат, ғамхўрлик ва эҳтиром жамиятнинг бугуни ҳамда эртанги равнақининг гаровидир.

Фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантириш хусусида гап борганда, юқорида келтирилган ва шу каби барча гўзал ахлоқий, тарбиявий кадриятларимизни тўлиғича қайта тиклаш, уларни сайқал топтириш, жамият аъзолари онгига, хулқ-атвориға сингдириш зарурлигини эътироф этиш жоиз.

2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги жамиятимиз эътиборини яна бир беназир кадриятга қаратди. «Бунинг рамзий маъноси... Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган барчамизни шу ёруғ дунёга келтириб, ўзининг бутун борлиғини бағишлайдиган ҳаёт давомчиси бўлмиш Оналар ва жондан азиз болаларимиз тимсолида кўришимиз» дадир¹.

Оналар ва болалар йилининг асосий вазифалари ҳақида гапирганда, болани гўдақлигидан ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри тарбиялашни, бу даврда замонавий медицина, педагогика, психология фанлари тавсияларини ҳар қайси оилада жорий қилиш айниқса зарурлигини тушуниб олишимиз лозим.

Фарзандларимизнинг онги шаклланадиган мактаб ёшигача бўлган даврда ота-боболаримиздан қолган урф-одатлар, гўзал кадриятлар ва замонавий тарбия усулларига амал қилган ҳолда тарбиялаш, уларни кўз ўнгида очилаётган дунё мўъжизалари билан таништириб бориш барча ота-оналар ва тарбиячиларимизнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак².

Оналар ва болалар йилида кўзлаган эзгу ниятларимизни амалга оширишда ҳукумат томонидан, шу масалага дахлдор бўлган барча мутасадди ташкилот ва идоралар, авваламбор, кенг жамоатчилигимиз, тур-

1 Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. — Б. 146.

2 Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. — Т.: «Ўзбекистон», 2001. — Б. 149.

ли нодавлат ташкилотлари. хайрия жамғармаларини бу савобли ишга жалб этган ҳолда, амалий дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Халқимизнинг яна бир ажойиб қадрияти, эътиборли фазилати ёши улуг инсонларни, қарияларни эъзозлашдир. Кекса инсонларга, нуроний ота-оналарга ҳурмат ўзбекона тарбиямизнинг таркибий қисмидир. Шу боис 2002 йилнинг «Қарияларни кадрлаш йили» деб эълон қилиниши, мазкур маънавий фазилатнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, уни айти вақтда *муҳим ҳуқуқий қадрият* мақомига эга қилди. «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди халқимиз. Қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор¹. Ёши улуг инсонларни, қарияларни эъзозлаш, ҳурмат-эҳтиром билан бошимизга кўтаришдек қадриятларни, ёшларимиз қалбига ҳам сингдира олсак, — деб таъкидлайди юртбошимиз И. А. Каримов, — бу фазилатлар уларнинг инсоний эътиқодига айланса, юртимиздаги барча оилалар аҳил, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради, жамиятимизда доимо тинчлик ва барқарорлик ҳукм суради².

Албатта, жамиятимизда азиз нуронийларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 3 миллион 87 минг фахрийларимиз истиқомат қилишади. Қарияларни кадрлаш йили бўйича маҳсус давлат дастури қабул қилинди. Дастурда давлатимиз ва жамиятимиз томонидан қарияларимизни асраш ва авайлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш борасида салмоқли тадбирлар белгила-ниб, изчиллик билан амалга оширилди. Бунда кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтирилди, пенсия миқдорлари оширилди, айниқса, уруш катнашчилари ва ногиронларнинг имтиёзларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилди. 30 мингдан зиёд отахон ва онахонлар санаторийларда ва тиббиёт масканларида бе-пул даволандилар. Ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 11 минг 700 нафар

1 Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т.: «Ўзбекистон», 2002. — Б. 162.

2 Ўша жойда. — Б. 163.

ёлғиз кексага имтиёзли ёрдам амалга оширилди, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари 3 минг 700 дан ортиқ кексаларни ўз оталиғига олди, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келмоқда. Мўътабар қарияларимизни эъзозлаш, уларнинг умр бўйи қилган меҳнатлари учун миннатдорлик намоён қилиш фуқаролик жамияти аъзолари учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Халқимиз азалдан ёшлар ва фарзандлар тарбиясига, унинг камолига алоҳида эътибор ҳамда масъулият билан ёндашиб келади. Зеро, ҳар қандай мамлакат, ҳар бир халқ фарзандлари тимсолида, ўсиб-униб келаётган ёш авлодда ўз келажагини, шу халққа хос фазилат ҳамда хислатларни намоён этадиган, унинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради¹. Мамлакат Президентининг ташаббуси ва тегишли қарори билан 2008 йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борада салмоқли Давлат дастури қабул қилинди. Келажагимиз бўлмиш ёш авлод ҳақида ғамхўрлик — *улуғ маънавий қадрият* бўлса, унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, ёшларни муҳофазалаш, тарбиялаш ва камолга етказиш мақсад-вазифаларининг Президент қарорида мустаҳкамланиши *муҳим ҳуқуқий қадриятдир*.

Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар 17 миллион 80 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этишидан келиб чиқиб қабул қилинган Давлат дастурида ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш; амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш; таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш; мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш; ёшларда соғлом турмуш

1 Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иктисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. — Т., 2008. — Б. 162.

тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни тугатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлашиши билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший турмуш шароитлари яратиш; уй-жойни ободонлаштириш учун зарур маблағ ва кредитлар бериш; маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш каби масалалар кўзда тутилган¹.

Мамлакатимиз раҳбари И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг ўн етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, «Соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср — *интеллектуал кадриятлар устуворлик* қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2010 йилни Ўзбекистон Республикасида «Баркамол авлод йили» деб эълон қилишни таклиф этди².

Юртимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш халқимизнинг азалий орзуси ва ҳозирги даврдаги улуғвор мақсадидир. Шунга кўра, бугунги кунда ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга зарур ҳуқуқий, иктисодий, ижтимоий ва маънавий шарт-шароитлар яратиб бериш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган таҳсинга лойиқдир.

-
- 1 Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2008, № 10–11. — 56-модда.
 - 2 Халқ сўзи. — 2009 йил 6 декабрь.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурида белгиланган куйидаги асосий вазифалар юртимиз келажаги бўлган ёшларни камол топтиришда қандай хайрли амаллар *ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қадрият* мақомига эга бўлаётганлигини кўрсатади:

- болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш;
- «Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини тақомиллаштириш;
- ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни тақомиллаштириш;
- замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;
- ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш;
- иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат ру-

хида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш; ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш.

Ўзбекона миллий кадриятлардан бири ёшларни эъозлаш ва ўз фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай ўстиришдек орзу-истакларини рўёбга чиқаришдир. Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида ёшларга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи 22 та қонун, 30 дан ортиқ Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 50 га яқин қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий заминга таянган ҳолда, мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш мақсадида «Келажак овози», «Янги авлод» каби танловлар ташкил этилмоқда, ёш қобилиятли кизларнинг истеъдодини муносиб баҳолаш мақсадида «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти, санъат соҳасидаги ёш истеъдод эгаларининг қобилиятларини юзага чиқариш мақсадида «Ниҳол» мукофоти таъсис этилди. Шу билан бирга, ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват ва ҳар томонлама етук инсон сифатида камол топишлари учун уч босқичли — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» — спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида «Баркамол авлод йили Давлат дастури» нинг бажарилишини таҳлил этиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Авваламбор, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди»¹.

1 Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — таракқиётимизнинг муҳим омилидир//Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

Шунингдек, Дастурдаги яна бир муҳим йўналишга эътибор қаратайлик. Жорий йилнинг ўзида туғурук ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўрикдан ўтказилганини қайд этиш лозим. «Баркамол авлод йили» да яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди¹.

Таълим соҳасини ривожлантириш борасида ҳам ибратли ишлар қилинди. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди. Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма — Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди. Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилди².

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

1 *Каримов И. А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — таракқиётимизнинг муҳим омилидир//Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

2 Уша жойда.

Жорий йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотуражой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун хомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан 2010 йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширилган ишларнинг қўлами ва миқёси нечоғлиқ улкан эканидан далолат беради¹.

Ёшларимиз ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўз истеъдод ва қобилиятларини, буюк ишларга кодир эканликларини намоян этиб, жаҳон аҳлининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқдалар. Халқаро доирада ташкил этилаётган турли йўналишлардаги танловлар, фан олимпиадалари, мусика, бадий санъат ҳамда спорт мусобақаларининг якуний натижалари ва уларда ҳамюртларимизнинг муваффақиятли иштироки бунинг яққол тасдиқламоқда. Зеро, «ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зехн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур»².

Маънавий баркамол, билимли, ҳар томонлама етук, салоҳиятли, жисмонан соғлом ёш авлод мамлакатнинг бойлигидир. Уларни кадрлаш, асраб-авайлаш, ўз қобилиятларини намоёништиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш доимо энг долзарб масала сифа-

1 Каримов И. А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — таракқиётимизнинг муҳим омилдир//Халқ сўзи. — 2010 йил 8 декабрь.

2 Каримов И. А. Ёшларимиз — халқимизнинг ишончи ва таянчи. — Т., 2006. — Б. 55.

тида давлат сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Айниқса, бугунги глобаллашув ва шиддатли тараққиёт жараёнларида баркамол авлод тафаккури маҳсулидан самарали фойдаланиш ҳар бир мамлакат ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбарининг таъбирича, «... XXI аср — интеллектуал аср. Кимки юксак марраларга эришмоқчи бўлса, қайси бир давлат тараққий этиб, халқаро майдонда кенг эътироф қозонмоқчи бўлса, аввало ўзининг интеллектуал салоҳиятини ишга солиши ва юксалтириши керак»¹. Зотан, бугунги ёшларимиз катта куч ва салоҳият манбаидир. Баркамол авлод — юксак интеллектуал қадрият. Ёшлар, уларнинг билим ва тафаккури, ноёб истеъдоди халқимиз учун ниҳоятда қадрлидир.

Шу ўринда, ижтимоий муомалага кириб келаётган янги тушунча — *«интеллектуал қадрият»* га эътибор қаратиш жоиз. Интеллектуал қадрият ижтимоий қадриятнинг муайян шакли ҳисобланади. Интеллектуал қадрият — халқни барқарор тараққиётга, мамлакатни ривожлантиришга, ижтимоий ҳаётимизни фаровонлик ва эзгуликка йўналтирувчи ақлий қобилият. кучли билим, юксак тафаккур ва ноёб истеъдод мажмуидир.

Мазкур мезонлар аксарият ҳолларда ижтимоий ҳаётга илк қадам кўяётган, жамиятимиздаги турли гуруҳ ва жамоаларга шиддат билан кириб келаётган, шижоатли, ғайратли ёшларимизда, баркамол авлод фаолиятида кўпроқ намоён бўлади. Демак, интеллектуал қадриятларни ёшлар фаолияти билан боғлашимиз ва уни баркамол авлод тафаккурининг маҳсули сифатида баҳолашимиз мантиқан тўғри бўлади. Интеллектуал қадриятлар ёшларга хос хислат сифатида ижтимоий қадриятнинг бошқа шакллари, яъни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда шаклланади. Ижтимоий қадриятларнинг шаклланиши учун интеллектуал қадриятлар нечоғли аҳамиятли бўлса, айтиш мумкин, интеллектуал қадриятни юзага чиқариш, унинг соҳиби ҳисобланган ёш авлодни тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни шунчалик бекиёс.

1 Каримов И. А. Истиклол имкониятлари ва ислохотлар самаралари. Сурхондарё вилоятига ташриф чоғида Термиз давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашувдаги нутқ//Халқ сўзи. — 2009 йил 25 август.

Интеллектуал кадриятлардан самарали фойдаланиш мамлакат равнакига хизмат қилар экан, уларни янада ривожлантириш учун ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш лозим. Баркамол авлод — мамлакат келажаги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисми, авлодлар давомчиси, давлат ва жамиятнинг ноёб ва тенгсиз интеллектуал бойлигидир. Ўзбекистон келажакка умид билан интилаётган давлат сифатида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурурни уйғотиш, амалдаги қонунларда белгиланган тарзда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан муҳофаза қилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий кадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизни ҳақиқий билимдони қилиб тарбиялашга устувор вазифа сифатида қарайди. Шунингдек, баркамол авлодни замонавий билим, касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мамлакатимиздаги энг долзарб масалалардан биридир.

Юртимизда миллий кадриятларни тиклаш, уларни ўрганишга қатта эътибор қаратилиши, шубҳасиз, баркамол авлод тарбиясига, уларнинг миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланишига, чин фуқаролик позициясини эгаллашларига хизмат қилади.

Президент И. Каримов тўғри қайд этганидек, «бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий кадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир. Шу сабабли ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” никоби остидаги таҳдид

ва хатарлардан асраш масаласи бир зум ҳам эътиборимиздан чет-да колмаслиги даркор»¹.

Ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида тарбиялаш, уларни юртимиз келажагининг маънавий баркамол, қудратли давомчилари, ҳақиқий *интеллектуал кадрият* сохибларига айлантириш бир қатор мезонларга асосланади. Булар орасида ёшларни умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида тарбиялаш энг муҳим мезон ҳисобланади. Умуминсоний ва миллий кадриятлар ёшлар камолотига, улар тафаккурини юксалтиришга, маънавий оламини бойитишга ижобий таъсир кўрсатади. Улар умумжаҳон цивилизациясининг маҳсули сифатида баркамол авлоднинг ҳар томонлама етук инсон сифатида шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбек халқига хос миллий кадриятларга буюк аждодларимиздан қолган ноёб ёдгорликлар билан бирга, диний бағрикенглик, болажонлик, қарияларни кадрлаш, аёлларни ҳурмат қилиш, инсонпарварлик, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат, меҳмондўстлик, кечиримлик, жамоадошлик, жонқуярлик, инсоф ва диёнат, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибатлилик, саховатпешалик каби бир қатор инсоний хусусиятларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур хусусиятлар орқали жаҳон халқлари ўзбек деган номни, ўзбек халқини, миллатини биладилар ва тан оладилар. Фикримизча, ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон Республикасини дунё ҳамжамиятига танитишда миллий кадриятлар жуда кучли ва таъсирли омил бўлиб хизмат қилади. Энг муҳим масала мазкур кадриятларни ёшлар онгига сингдиришнинг самарали усул ва воситаларини яратишдир.

Шундай қилиб, интеллектуал кадриятларни аниқлаш ва рўёбга чиқариш, улардан мамлакат ривожини йўлида фойдаланиш, уларни янада сайқалланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, интеллектуал кадриятлар соҳиби ҳисобланган баркамол авлод камолоти-га алоҳида эътибор билан қараш, шубҳасиз, юртимиз таракқиётига

1 Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик таракқиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан//Халқ сўзи. — 2009 йил 6 декабрь.

хизмат қилади. Зеро, «...мамлакатимизнинг келажаги, ўзбек миллатининг, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга бераётган тарбиямиз, кўрсатаётган ғам-хўрлигимизга боғлиқ»¹.

Аҳолини, айниқса ёш авлодни мустақил Ватан туйғуси, унга нисбатан чексиз миннатдорлик, мухаббат руҳида, шунингдек Ўзбекистондек Ватаннинг фарзанди бўлишдан гурурланиш кайфиятида тарбиялаш муҳим вазифадир. Бу борада ижтимоий фанлар олдида катта ва мураккаб муаммолар турибди. Зеро, Ватан туйғуси беназир маънавий кадриятдир.

«Ватанни севмок — иймондандур!» деган муқаддас ҳадис каломини таъкидлаш орқали, Юртбошимиз, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, унинг фазилатлари, яшаш тарзи ва мақсадини яна бир қарра ифода этишга интилади².

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси «шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?», деб ўйлаши ва шу ақида билан яшаши лозим. Ҳар бир фуқаро она Ватан олдида масъул бўлиб, ўз зиммасидаги бурчини адо этиб яшамоғи керак.

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида *Ватанга мухаббат туйғуси* илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга мухаббат ҳам шу қадар юксак бўлади.

Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, *Ватан ишқи* жўш урган одамгина буюк ишларга кодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, калбимизни яшнатиб турсин³.

Бугунги куннинг муҳим масалаларидан яна бири инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни, самимий ахлоқий муносабатларни тиклашдир. Таассуфки, сўнгги вақтларда ҳатто яқин қариндош-уруғлар, туғиш-

1 Каримов И. А. Ёшларимиз — халқимизнинг ишончи ва таянчи. — Т., 2006. — Б. 9.

2 Каримов И. А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. — Т., 1993. — Б. 26.

3 Каримов И. А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 90.

ган инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат кўтарилди. Кишилар бир-бирларига беғараз кўмак, мадад бериш, қийин вазиятда қўллаб-қувватлаш мурувватларини кўрсатмай қўйдилар; етим-есирлар, ногирон-ночорлар, бева-бечораларга савоб учун бирон-бир моддий ёки маънавий ёрдам беришни унутиб қўйдилар. Бу кетишда хайрли келажакка умид боғлаш қийин, албатта. «Оқибат», «меҳр-мухаббат», «меҳр-шафқат», «кадр-қиммат» сингари чуқур маъно-мазмунли *тушунчалар* асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёкараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чуқур жой олган буюк кадриятларнинг амалий ифодасидир.

Масалан. эгу одатимизга айланиб кетган *меҳр-оқибат* тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, кўшнининг кўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, *мусофирларга саховат кўрсатиш*, сидкидилдан, *беғараз ёрдам беришни англатади* ва бундай хусусият *халқимизнинг маънавий оламига* сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди¹.

Мактаб, таълим муассасалари фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўғини ҳисобланади. Таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнида нафақат таълим мазмунини такомиллаштиришга, балки тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бугун фарзандларимиз қатор хорижий тилларни, компьютер ва информатика илмини пухта ўзлаштираётганлари қувонарли, албатта. Бирок, бунга юксак ахлокий, маънавий фазилатлар ҳам ҳамоҳанг бўлса, кўнгилдагидек иш бўлур эди. Баъзан, мактаб, университет ёшидаги йигит ва қизларимизнинг бачкана қилиқлар қилиб, дағал, ноахлокий сўзлар билан ўзаро муомала қилаётганининг гувоҳи бўлиб қоламиз. Афсус, ахир мана шу ёш қизларимиз эрта — индин бир хонадонга келин бўлиб боради, насиб этса она бўлади, келгуси ёш авлодларни, юрт фарзандларини тарбиялаш масъулияти шулар зиммасига тушади. Демак, биз интилаётган фозил жамиятнинг ко-

1 *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 8–9.

мил фуқароларини шакллантириб етиштириш пойдеворини бугун яратишимиз зарур. Ҳозирги замон ёшларининг юксак маънавиятини тарбиялашга жиддий эътибор қаратмоғимиз ўта долзарб вазифадир. Мазкур вазифани муваффақиятли ҳал этишда мактаб, оила, маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлигига таяниш лозим. «Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми, — дейди Президент И. А. Каримов, — маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида **маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат** каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак»¹.

1 Халқ сўзи. — 2002 йил 30 август.

ҲУҚУҚШУНОСЛИҚДА ҚАДРИЯТЛИ ТАЛҚИННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (ХОТИМА ЎРНИДА)

Китобхон эътиборига ҳавола этилган мазкур асарда мамлакат ҳуқуқий тизимини қадриятлар нуқтаи назаридан талқин этишга, шунингдек унда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг мустаҳкамланиши ҳамда ифодаланишини таҳлил қилишга дастлабки уринишлардан бири амалга оширилди.

Жаҳон маърифий тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ходисаларга қадриятлар таълимоти мезонлари асосида баҳо бериш устувор аҳамият касб этмоқда. Бундай йўналиш ўзбек ижтимоий фани, хусусан фалсафий ва ҳуқуқий фанлари учун ҳам хос бўлиб бормоқда.

Ҳуқуқшунослик фани ҳуқуқнинг, бутун ҳуқуқий тизимнинг жамиятда барқарорлик, ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик муҳитини вужудга келтириш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш борасидаги аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни ниҳоятда муҳим ижтимоий қадриятлар сифатида тадқиқ этади. Ҳуқуқнинг, ҳуқуқий тизимнинг асосий кадр-қиммати уларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ вазифасида намоён бўлади. Зотан, ҳуқуқий тартибга солиш механизминини такомиллаштиришнинг илмий асосларини кучайтириш пировардида ҳуқуқнинг (ҳуқуқий тизимнинг) қадрини янада оширади.

Ҳуқуқий тизимни аксиологик (қадриятли) илмий таҳлил этиш натижасида ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги *эҳтиёжларнинг — манфаатларга* айланиши, *манфаатларнинг эса — чинакам қадриятларга* айланиш жараёни кузатилди. Инсониятга хизмат қилувчи ҳуқуқий қадриятлар эса, ўз навбатида, ижтимоий заруриятни англаш, яъни *эркинликни* амалга ошириш воситасидир, деган муҳим ҳулосага келинди. Шунингдек, юқоридаги воқеликни қадриятли талқин этиш туфайли ижтимоий ҳаёт бобидаги *«мақсадлар силсила-*

си» каби «ҳуқуқий қадриятлар шажараси» (иерархияси) ни аниқлаш, бошқача айтганда, ҳуқуқий қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятига кўра таснифини амалга ошириш мумкин бўлди.

Аввало, ҳуқуқий тизимнинг ўзи яхлит, кенг сиғимли қадрият тарзида эътироф этилди. Унинг таркибига кирувчи барча элементларнинг ҳар бири алоҳида қадрият эканлиги таъкидланди. Энг муҳими, жамиятда мавжуд ҳуқуқий эҳромнинг чўққисида турувчи Конституция беназир ҳуқуқий қадрият эканлиги илмий асосланди. Конституция асосида вужудга келадиган ҳамда амал қиладиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ҳуқуқий қадриятлар шажарасида ўз ўрни ва нуфузига эга. Ҳуқуқий қадриятларнинг шаклланиши ва ҳуқуқий нормаларда ифодаланиши тадқиқотимизнинг мазмун-мундарижасини ташкил этди. Шунингдек, ҳар бир ҳуқуқий қадриятнинг аксиология асосида ижтимоий қадриятлар тизимида, шажарасида қандай ўрин ва мақомга эга эканлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Аксиологик (қадриятли) таҳлил йўналиши ҳуқуқий тизим қадриятининг янги қирраларини очишга имкон берди. Бу эса ушбу йўналишдаги илмий изланишларни янада собитқадамлик ҳамда изчиллик билан давом эттириш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бундай илмий мушоҳада этилиши лозим бўлган мавзулар қаторига қуйидагилар қиради:

- ҳуқуқий тизимнинг, шу жумладан ҳуқуқнинг қадрият сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятини социологик изланишлар ёрдамида теран таҳлил этиш;
- ҳуқуқ ва ҳуқуқий қадриятларнинг аксиологик хусусиятини уларнинг адолатлилик, самаралилик, ҳақиқийлик, тежамлилик каби бошқа ижтимоий сифатлари билан боғлиқ ҳолда очиш, шунингдек улар ўртасидаги нисбатни аниқлаш;
- ҳуқуқнинг жамият қадриятлари умумий тизимидаги ўрни ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солишдаги аҳамиятини баҳолаш мезонларини англаш;
- ҳуқуқий ходисалар қадриятини қийматли, ҳуқуқий қадриятлар шажарасини, ҳуқуқий қадриятлар тизимини белгилаш;

- ҳуқук ва ҳуқуқий онгнинг баҳоловчи функциясини, кадриятларнинг ҳуқуқий онгдаги инъикосини ва ҳуқуқий ҳулқ-атвор мазмунига кўчиш механизмини тадқиқ этиш;
- ҳуқук ижодкорлиги ва ҳуқукни қўллаш жараёнида кадриятли билиш ҳамда баҳолаш, шунингдек ҳуқуқий кадриятларни расмийлаштириш ва амалга ошириш муаммоларини ўрганиш;
- ҳуқуқий ходисаларни, айниқса, ҳуқуқий тартиботни кадриятлар нуктаи назаридан баҳолаш мезонларини яратиш;
- ҳуқуқий нормалар мазмунида мустаҳкамланган кадриятлар моҳиятини англаш учун баҳолаш тушунчалари ва категорияларининг ҳуқукни шарҳлаш жараёнидаги аҳамиятини изоҳлаш;
- ҳуқукни қўллашда кадриятларни ҳуқуқий ва ноҳуқуқий баҳолаш нисбатини аниқлаш;
- ҳуқукни амалга ошириш жараёнида фойдаланиладиган турли шаклларнинг кадрият даражасини қиёсий ўрганиш;
- ҳуқуқий муносабатлар мазмунига ҳуқуқий кадриятларни сингдириш ва бу муносабатлар рўёбга чиқиши чоғида кадрият талабларига риоя этиш даражасини аниқлаш;
- ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида кадрият омилининг аҳамияти ва таъсирини баҳолаш, ушбу омилни жорий этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;
- ҳуқуқий маданиятнинг кадрият сифатидаги табиатини очишга йўналтирилган тадқиқотларни фаоллаштириш;
- ҳуқукнинг кадрият сифатидаги нуфузини белгилаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш, ўлчаш, таққослаш, башоратлаш;
- ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий умум таълим жараёнида ҳуқукнинг кадрият сифатидаги табиатини англаш;
- ҳуқук ва ҳуқуқий тизимнинг кадр-кимматини юксалтириш йўллари ҳамда воситаларини тадқиқ этиш ва ҳ. к.

Бугунги ҳуқуқий модернизация жараёнларидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий кадриятларнинг акс этишини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ўта муҳим. Албатта, илмий тадқиқот натижасида ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштириш, унинг самардорлигини ошириш, ҳуқуқий тизимда ҳуқуқий кадрият ва прин-

ципларнинг қарор топишига оид илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Таҳлил натижаларини амалиётга жорий этиш орқали, бир томондан, ҳуқуқий тизим ҳаракатидаги фаоллик таъминланса, иккинчи томондан, ҳуқуқий тизимнинг нуфузи юксалишига эришилади. Яъни, ҳуқуқий тизимга, ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабат шаклланади.

Ҳуқуқий тизимнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган ҳуқуқ нормаларида, қонунчилик тизимида, хусусан, қабул қилинаётган қонунларда ва, умуман, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда халқимизга хос кадриятларни имкон қадар кўпроқ ақс эттириш, шубҳасиз, ушбу ҳуқуқий институтларнинг халқчил бўлишини таъминлаш баробарида уларнинг амалий самарасини янада оширади.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий кадриятларнинг қарор топиши, шаклланиши ва мустақамланиши анчагина мураккаб, айни вақтда, узок давом этадиган жараёндир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўтган йигирма йил мобайнида кўплаб янги демократик ҳуқуқий кадриятлар қарор топди, қонунчиликда ўзининг расмий ифодасига эга бўлиб, мустақамланди. Табиийки, мустақил мамлакатга хос янги ҳуқуқий кадриятлар тизимининг вужудга келиши, уларнинг жамият аъзолари маънавий мулкига айланиши, ижтимоий онгга сингиши муайян вақт талаб этади. Бунда эски кадриятлар инкор этилиб, уларнинг ўрнига янги кадриятлар ўзига «йўл очиб,» ҳаёт саҳнасига келиши билан боғлиқ мураккаб жараён кечади. Мамлакатимизда янги ҳуқуқий кадриятлар диалектик инкорни инкор тарзида ва муайян ворислик асосида қарор топмоқда. Диалектиканинг инкорни инкор қонунига мувофиқ, объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнида эски (кадриятлар) нинг янги (кадриятлар) томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бирок, эски ҳуқуқий кадриятлар бутунлай инкор этилмайди, улардаги барча ижобий жиҳатлар сақланиб қолади. Жамият тараққиёти спиралсимон тарзда, муайян нисбий тақрорланиш асосида содир бўлади. Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўзини ўзи инкор этиш тамойили ҳам намоён бўлиб, у муҳим ўрин тутати. Барча ижтимоий ҳодисаларда бўлгани каби, ҳуқуқий кадриятлар тизимида ҳам ички қарама-қаршилиқ, зид-

диятлар туфайли тараққиёт жараёнида эртами-кечми эски қадриятларнинг барҳам топиши ва янги қадриятларнинг вужудга келиши юз беради. А. Н. Форобий таъкидлаганидек, «Хар бир қарама-қаршиликда бўлган нарса бошқа томонидан буздирилиши лозим бўлади, биринчи эса ўз табиати билан қарама-қаршиси томонидан инкор этилган бўлади»¹.

Ҳуқуқий қадриятлар алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида эскининг инкори ва янгининг қарор топиши *ворислик* тарзида намоён бўлади. Шу ўринда бир масалани эътибордан қочирмаслик лозим, яъни янги қадриятларни жорий этишда эскиларидан воз кечишга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб этилади. Янгиликни қабул қилиш баробарида узоқ йиллар давомида кадр-қимматга сазовор бўлиб келган неъматларнинг ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш лозим. Масалан, муайян давр мобайнида ҳуқуқий қадрият даражасига кўтарилиб, жамиятга хизмат қилиб келган қонунни бутунлай бекор қилмасдан уни ривожланиш талабларига мувофиқ ўзгартириш, тўлдириш, такомиллаштириш афзал.

Бу айнан диалектик инкор натижасида мавжудни бутунлай йўқ қилиш эмас, балки ворисликнинг таъминлашини намоён этади. Диалектик инкорни инкор қонуни мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий аңлашда методологик аҳамиятга эга. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни аңлатмайди. Аксинча, бу — мамлакатимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг янги уйни қурмасдан, эскисини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида ўз ифодасини топган.

Мустақил Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш, халқ тинчлиги, эркинлиги ва фаровонлигини таъминлаш, демократик қонунларга

1 Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. — Б. 133–134.

асосланган ҳаёт тизимини вужудга келтириш, ҳар бир шахснинг камолоти, қобилияти ва истеъдодини намоён қилиш учун тўлиқ имкониятлар яратиш борасида бажарилиши лозим бўлган масъулиятли вазифалар пайдо бўлди.

Янги ҳуқуқий кадриятлар тизимининг шаклланишида, табиийки, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида кечаётган ислохотлар ва ривожланиш жараёнлари ўз таъсирини кўрсатади. Албатта, ҳар қандай янгилик тараққиётга хизмат қилиши, унга мос ва ҳамоҳанг бўлиши лозим. Ҳуқуқий кадриятларни шакллантиришда ҳам мамлакатимиздаги кенг кўламли демократик ўзгаришларни, модернизация жараёнларини инобатга олиш даркор. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда жуда кенг кўламли маънавий-маърифий ишлар амалга оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, кўплаб миллий ҳуқуқий кадриятлар қайта тикланди ва ривожланишнинг шу босқичига хос янги кадриятлар вужудга келди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи янгидан-янги неъматларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш ва ҳуқуқий кадрият тарзида шакллантиришни тақозо этади.

Кўп асрлар давомида шаклланган ҳуқуқий меросимизни, маънавий-ҳуқуқий кадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришнинг самарали механизмлари ва таъсирчан воситаларини яратиш ҳам ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Миллий-ҳуқуқий кадриятлар асосида ёшларда миллий ифтихор ва ғурур туйғуларини тарбиялаш баркамол авлодни шакллантиришга салмоқли ҳисса кўшади.

Ҳуқуқий кадриятларнинг *асосий ижтимоий вазифаси* жамият аъзоларининг қайфияти ва онгига таъсир этиш орқали уларда ижобий хулқ-атвор ва мақсадга мувофиқ фаолиятни шакллантиришдан иборат. Ҳозирги кунда инсонларда замонавий аксиологик онг, янгича ҳуқуқий дунёқарашни қарор топтириш алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шу боис аҳолининг аксиологик онги, ҳуқуқий тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни мунтазам йўлга қўйиш лозим. Олам чексиз, кўп қиррали, уни инсон тафаккури ила ўзлаштириш, англаш, унга муносабат билдириш ҳам хилма-хил. Бу хилма-хиллик оламга кадриятли муносабат, кадриятлар

шажараси оркали ёндашув аксиологик онгни ҳам ўзида акс эттиради. Аксиологик онг кадриятларни англаш жараёнида шаклланади, у аксиологик туйғу, тушунча ва хулосаларни акс эттирувчи ижтимоий онг шаклидир. Унда умумий кадриятлар, шу жумладан ҳукукий кадриятлар, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари, аҳамияти ва хусусиятлари ўз ифодасини топади. Ижтимоий фанларда «сиёсий онг», «экологик онг», «эстетик онг» каби ибораларга кўпчилик томонидан эътироф этилган илмий тушунчалар сифатида каралади. Аммо, *аксиологик ҳукукий онг* ибораси ҳануз кўпчиликка нотаниш, унинг моҳияти ва мазмуни тўғрисида илмий мулоҳазалар ниҳоятда кам. Аксиологик ҳукукий онг ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, у олам, ижтимоий воқелик ва ҳаётни кадрлаш туйғуси асосида ўзига хос тарзда акс эттиради. *Аксиологик ҳукукий маданият* эса, кадриятларнинг моҳиятини юридик нуқтаи назардан тушуниш, билиш билан бирга кадриятли ҳукукий дунёкараш асосида ҳаракатланишда намоён бўладиган ижтимоий ходисадир. Уларга асосланган муносабат, ёндашув, юридик амалиёт ва ҳукукий фаолият ҳам бошқалардан фарқ қилиб, ўзига хос жиҳатларига эга. Ҳукукий кадриятларга оид қарашлар ва улар асосидаги фаолият, ўз навбатида, аксиологик ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳукукий кадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини англашда аксиологик ҳукукий онг ва маданиятни юксалтириш устувор аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг аксиологик ҳукукий онги, кадриятли дунёкараши ва маданияти теран шаклланса, умумий ижтимоий онг ва маданиятнинг юксалишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ҳукукий тизимни модернизация қилиш босқичида юртимизнинг ялпи тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши табиий.

Ҳукукий тизим ва унда ҳукукий кадриятларнинг намоён бўлиши хусусидаги тадқиқотимизни давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари билан яқунлашни лозим топдик: «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъа-

наларни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир»¹.

1 Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: «Ўзбекистон». 1998. — Б. 56.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
--------------------	---

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУҚУҚИЙ ТИЗИМИ ВА ХУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРNING УМУМИЙ ТАВСИФИ	11
---	----

§ 1.1. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими: моҳияти ва мазмуни	12
§ 1.2. Ҳуқуқий тизимнинг элементлари ва функциялари	26
§ 1.3. Ҳуқуқий тизимни модернизация қилишнинг устувор йўналишлари	69
§ 1.4. Ҳуқуқий кадриятларнинг ижтимоий табиати, мазмуни ва таснифи	112
§ 1.5. Ҳуқуқий кадриятларни талқин этишнинг методологик асослари	153

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ХУҚУҚИЙ ТИЗИМИДА ХУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРNING НАМОЁН БЎЛИШИ	171
--	-----

§ 2.1. Конституция — ҳуқуқий кадриятлар гултожи	172
§ 2.2. Ҳуқуқий тизим таркибида ҳуқуқий кадриятларнинг қарор топиши ва мустақкамланиши	193
§ 2.3. Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий кадриятларнинг ифодаланиши	227
§ 2.4. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида кадриятларнинг ақс этиши	278

III БОБ. ХУҚУҚNING ИДЕАЛ ВА ФУНКЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ — ҚАДРИЯТЛАР КЎЗГУСИДА	301
--	-----

§ 3.1. Ҳуқуқий принципларнинг кадрият сифатидаги илмий тавсифи	303
§ 3.2. Ҳуқуқий кадриятлар тизимида ҳуқуқ функцияларининг аҳамияти	329
§ 3.3. Фуқаролик жамиятининг моҳияти ва устувор кадриятлари	344

ХУҚУҚШУНОСЛИКДА ҚАДРИЯТЛИ ТАЛҚИННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (ХОТИМА ЎРНИДА)	391
--	-----

ОДИЛҚОРИЕВ Ҳожимурод Тўхтамуродович
юримдик фанлар доктори, профессор

ЯКУБОВ Шуҳрат Умматалиевич
юримдик фанлар номзоди, доцент

**МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ
ВА ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

Монография

Нашр учун масъул *А. В. Арапов*
Муҳаррир *С. А. Раззоқов*
Компьютерда терувчи *Н. Т. Аҳмаджонова*
Саҳифаловчи *К. М. Абиджонов*

Нашр. лиц № 154. 14.08.09. Босишга рухсат этилди 13.04.2011 й.
Бичими 60x90^{1/16}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. 25,0 шартли босма
тобоқ. 21,04 нашр тобоғи. Алади 1000 нусха. 149 рақамли буюртма.
32–2011 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмаҳонасида чоп этилди.
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, 86.

Бизнинг интернет саҳафамиз: www.iptdgulom.uz
E-mail: iptdgulom@sarkor.uz